

Намозда хушуъ

Муаллиф: **Зиёвуддин Раҳим**

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ! МУҚАДДИМА

Бизни Ўзигагина ибодат қилишга, намозни тўқис адо этишга буюрган, хушўли бандаларига жаннат хушхабарини берган Меҳрибон Парвардигоримиз Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамыз!

Хушў қилувчилар пешвоси, такводорлар имоми, муаллим Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, оила аъзоларига, саҳобаи киромларига салаватлар, саломлар йўллаймиз!

Маълумки, ҳар қандай ишни кунт билан бажарилса, кўнгилдагидек натижага эришилади. Масалан, уста эшик-деразаларни меҳр билан яса, шошилмасдан, пишиқ қилиб ишласа, маҳсулоти харидоргир бўлади. Агар ишни қўл учида бажарса, сифатга эмас, сонга кўпроқ эътибор берса, ясаган буюмлари ўтмас матоҳга айланади.

Дин устунларидан бўлмиш намоз гуноҳлар билан қирланган кўнглимизни ёритувчи ибодатдир. Намоз билан Яратганга сифиниш завқини, тириклик ҳикматини англагандек бўламыз. Намоз ҳаётимизни тартибга солади, қисқагина умрни мазмунли ўтказишни ўргатади. Намоз илоҳий хузурга этишишнинг энг гўзал воситасидир. Мукамал ўқилган намоз одамни ғафлат уйқусидан уйғотади, иродани тоблади, Аллоҳ билан банда ўртасидаги риштани боғлаб туради. Қалбни очишда, руҳий хасталиқдан сақланишда намознинг ўрни бекиёс. Аллоҳга илтижо этиш, хузурида туриш ила банда қалби ором олади. Ибодатда инсоннинг бутун вужуди, онгу шуури, қуввату иқтидори иштирок этиб, ҳаловатга эришади.

Эътибор берсак, Қуръони каримда намозни тўла-тўқис адо этиш қайта-қайта буюрилган. Қолаверса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни чала-чулпа ўқишдан огоҳлантирганлар, хушў қилмайдиган қалбдан паноҳ сўраганлар. Чунки намоз хушў билан ўқилсагина кўзланган мақсадга етилади. Хушўсиз намоз хулқни гўзаллаштирмайди, одамни гуноҳлардан, бузук ишлардан қайтармайди. Намоз ўқиб туриб эгри қадам босиш, ёлғон гапириш, бировнинг ҳақидан ҳайқмаслик сабаби хушўсизликдир.

Қуруқ тана ҳаракатларидан, ҳиссиз ётиб-туришлардангина иборат намоз совуқ, руҳсиз намоз бўлиб қолади. Бундай ибодат дунёда ҳам, охиратда ҳам наф келтириши даргумон. Намознинг руҳи хушўда. Хушўсиз намоз жонсиз танага ўхшайди.

Хушў Аллоҳ берган улуғ неъмат, фойдали илм саналади. Севикли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиш бобида ҳам биз учун ибратдирлар. У зот намозни жуда чиройли адо этардилар, айниқса, мушкул вазиятда қолганда намоз ўқиб Парвардигордан мадад сўрар, ибодатдан чексиз хузур-ҳаловат олардилар. Шу сабаб: “Кўзимнинг қувончи намоздадир” дея марҳамат қилганлар. Шунингдек, муаззин Билол розияллоҳу анҳуга: “Эй Билол, азон айтиб бизни роҳатлантир!” дея мурожаат этардилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан таълим олган саҳобалар, улардан кейинги авлод вакиллари – тобеинлар, табаа тобеинлар намозга жиддий эътибор беришган, уни тўқис адо этишга бор куч-ғайратларини сарфлашган, ҳар бир намозни кўтаринки кайфиятда кутиб олишган. Чунки уларнинг Аллоҳга муҳаббатлари, намозга иштиёқлари ўта кучли бўлган. Аммо, энг яхши уммат дея таърифланган Ислому умматининг бугунги вакиллари аҳволи қандай? Албатта, ҳолимиз ўзимизга маълум. Афсуски, бугун хушўга эътибор анча суст. Намозхонларда хушўнинг асари кўринмаётгандек гўё. Намоз ўқийдиганлар кўп, бироқ уни тўқис адо этиш ҳаракатидагилар оздек туюлади. Намоз ўқиймиз-у, лекин хаёлимиз кўпинча дунё ишлари билан банд бўлиб қолади, ибодат чоғида фикрни бир ерга жамлаш қийин кечади. Хўш, намозни Аллоҳ ва Расули буюрганидек ўқиш учун нималарга эътибор қаратиш керак? Қандай иллатлар хушўга ҳалал беради? Нима қилсак, намозимиз хусни қабул етилади? Қўлингиздаги китобда шулар хусусида сўз юритилади.

Зиёвуддин Раҳим

НАМОЗ – УЛУҒ ИБОДАТ

Хушуъсизлик ҳам бир иллатдир. Биз бу касалликка илоҳий шифохонадан – Қуръони каримдан, ҳадиси шарифлардан даво излаймиз. Зеро, иккиси ҳар қандай маънавий касалликларни тағ томири билан даволовчи, муаммоларга ечим бўлувчи мўътабар манбадир.

Хушуъ ҳақида гапиришдан олдин намознинг аҳамияти, фазилати, фойдалари хусусида тўхталиб ўтамиз. Чунки инсон бирон амалнинг хосиятини билса, унга эътибори ортади.

Қуръони карим оятларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида намознинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. Жумладан, Аллоҳ таоло айтади:

“-----Арабча матн-----”

“Барча намозларни, (хусусан) ўрта намозни сақланглар – вақтида адо этинглар, Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда туринглар!” (Бақара сураси, 238-оят).

Аллоҳ таоло бу оятда мўминларга намозни (айниқса, ўрта намозни) вақтида, ихлос билан адо этишни, Аллоҳ учун хокисор, хотиржам ҳолда туришни буюрмоқда. Жумхур уламоларга кўра, ўрта намоздан¹ мурод аср намозидир².

Ҳақиқатан, ҳадиси шарифларда аср намозига эътиборлироқ бўлиш таъкидланган. Чунки бу намоз фазли улуғ, хосияти кўп. Уни узрсиз тарк этиш ҳақида қаттиқ огоҳлантирилган.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аср намозини ўтказиб юборган (одам) оиласидан, бойлигидан айрилган (киши) кабидир”, деганлар³. Яъни, аср намозини узрсиз ўқимаган одам оила аъзоларидан, мол-мулкидан айрилиб қолганга ўхшайди.

Юқоридаги оятда “сақланглар” дейиш билан намозда мустаҳкам туриш, уни зое қилмаслик таъкидланмоқда. Бу билан намоз нақадар улуғ ибодат эканига ҳам ишора қилинмоқда. Одатда, муҳим нарсани сақлаш ҳақида алоҳида топшириқ берилади. Ислом динида намоз ана шундай аҳамиятли ибодатдир⁴. Агар банда намоз фарзларини, вожибларини, суннату мустаҳабларини ўрнига қўйиб ўқиса, намозни мукамал адо этган бўлади.

Агар биз – Аллоҳ таолонинг амрига биноан – намозни сақлай олсак, намоз бизни ёмон ишлардан, гуноҳ-маъсиятлардан сақлайди, бизга дунёда кўрғон, қабрда нур бўлади. Инсон намоз тугайли Аллоҳ раҳматига эришади, Унинг ҳимоясига қиради.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: بُنِيَ الْإِسْلَامُ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامِ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءِ الزَّكَاةِ وَالْحَجِّ وَصَوْمِ رَمَضَانَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Ислом беш (асос)га қурилган: “Лаа илааҳа иллаллоҳ, муҳаммадур росувлуллоҳ”, деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш, рамазон (ойи) рўзасини тутиш”** (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий ривоят қилган).

Демак, Ислом дини асоси бешта рукндан иборат:

¹ Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аҳзоб куни: “Улар бизни ўрта намоздан – аср намозидан тўсишди. Аллоҳ қалбларини, уйларини олов билан тўлдирсин”, деганлар. Кейин (аср намози қазосини) шом билан хуфтон орасида ўқиганлар (Муслим ривоят қилган).

Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ўрта намоз аср намозидир”, деб айтганлар (Аҳмад ривоят қилган).

² Аср намози кундузги икки, тунги икки намоз (яъни, бомдод билан пешин, шом билан хуфтон) ўртасидадир.

³ Бухорий ривоят қилган.

⁴ Қуйидаги оятлар намоз нақадар муҳим ибодат эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло айтади:

1. “Намозни тўқис адо этинглар, закотни беринглар, рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ қилинлар” (Бақара сураси, 43-оят).

2. “... Кишиларга чиройли сўз айтинг, намозни тўқис адо этинг, закот беринг” (Бақара сураси, 83-оят).

3. “(Бирон жойга муқим ўрнашиб) хотиржам бўлгач, намозни тўқис адо этинг! Албатта намоз мўминларга (вакти) тайинланган фарз бўлди” (Нисо сураси, 103-оят).

Қуръони каримда бу ҳақидаги оятлар жуда кўп.

1. Аллоҳ таолонинг Ёлғиз Ўзи ибодатга муносиблиги, Ундан ўзга илоҳ йўқлиги, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бандаси, Расули эканига гувоҳлик бериш.
2. Беш вақт фарз намозини вақтида, бекаму кўст адо этиш.
3. Моли нисобга етганда закот бериш.
4. Йўлга қодир бўлса, Байтуллоҳни ҳаж қилиш.
5. Рамазон ойига соғ-саломат етса, бир ой тўлиқ рўза тутиш.

Мана шу бешта рукн Исломнинг асосини ташкил этади. Аммо бу, Ислом фақат беш нарсдан иборат, дегани эмас. Иморат мукаммал бўлиши учун асос устига девор урилади, шифт қилинади, деразалар, эшиклар ўрнатилади, чиройли қилиб пардоз берилади. Исломнинг бошқа фарз, вожиб амаллари худди шунга ўхшайди.

Куйидаги ҳадисни чуқурроқ мушоҳада қилсак, намозга эътиборимиз ортиши шубҳасиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ أَوَّلَ مَا يُحَاسَبُ بِهِ الْعَبْدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ عَمَلِهِ صَلَاتُهُ فَإِنْ صَلَحَتْ فَقَدْ أَفْلَحَ وَأَنْجَحَ وَإِنْ فَسَدَتْ فَقَدْ خَابَ وَخَسِرَ فَإِنْ انْتَقَصَ مِنْ فَرِيضَتِهِ شَيْءٌ قَالَ الرَّبُّ عَزَّ وَجَلَّ: انظُرُوا هَلْ لِعَبْدِي مِنْ تَطَوُّعٍ فَيُكَمَّلَ بِهَا مَا انْتَقَصَ مِنَ الْفَرِيضَةِ ثُمَّ يَكُونُ سَائِرَ عَمَلِهِ عَلَى ذَلِكَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالِدَّارِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қиёмат куни банда амаллари ичидан энг биринчи ҳисоб қилинадигани унинг намозидир. Агар (намози) тўғри (адо этилган) бўлса, аниқ ютукқа эришибди, нажот топибди. Агар (намози) фосид бўлса, шубҳасиз ноумид бўлибди, ютқазибди. Агар фарз намозларидан бирон кам-кўсти бўлса, Парвардигор азза ва жалла: “Қаранглар, бандамнинг нафллари борми?” дейди. Шунда фарз намозларига етишмагани улар билан тўлдирилади. Кейин қолган амаллари шунга қараб бўлади”, деганларини эшитганман**” (“Сунан” соҳиблари, Доримий, Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Банда тириклигида бажарган ҳар бир амали қиёмат куни бирма-бир ҳисоб қилинади. Энг биринчи намози ҳақида сўралади. Агар намозни вақтида ўқиса, охиратда ютукқа эришади: дўзахдан халос бўлиб, жаннатга киради. Агар намозни чала-чулпа ўқиган бўлса, муваффақиятсизликка учрайди, афсус-надомат чекади⁵. Лекин Аллоҳнинг раҳмати чексиз. Мабодо унинг фарз намозларида айб-камчиликлар бўлса, нафл ибодатлари эвазига нуқсон ўрни тўлдирилади. Бошқа фарз амаллар – рўза, закот, ҳаж ҳам худди шундай ҳисоб қилинади. Яъни, мазкур ибодатлар нуқсонли нафл рўза, нафл садақа, нафл ҳаж билан тўғриланади.

عَنْ ثَوْبَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اسْتَقِيمُوا وَلَنْ تُحْصُوا وَعَلِمُوا أَنَّ خَيْرَ أَعْمَالِكُمُ الصَّلَاةُ وَلَا يُحَافِظُ عَلَى الْوُضُوءِ إِلَّا مُؤْمِنٌ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَمَالِكٌ وَالِدَّارِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Савбон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Собитқадам бўлинглар, зинҳор тоқат қила олмайсизлар (ёки ҳисоблай олмайсизлар). (Шуни) билинглар, албатта амалларингиз ичида энг яхшиси намоздир. Таҳоратни фақат мўмингина сақлайди”** (Ибн Можа, Молик, Доримий, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

“Собитқадам бўлинглар, зинҳор тоқат қила олмайсизлар (ёки ҳисоблай олмайсизлар)” жумласи уламолар томонидан турлича изоҳланган:

1. Солиҳ амаллар миқдорини аниқ билмайсизлар.
2. Яхшилиқни комил суратда қила олмайсизлар.
3. Агар собитқадам бўлсангиз, сизларга бериладиган ажр-савобларни ҳисоблай олмайсизлар.

⁵ Шунинг учун қиёматда танг аҳволда қолмай, деган одам намозга жиддий эътибор қаратади, ибодатда мустаҳкам туради.

Динда собитқадам бўлиш, Аллоҳ амрини маҳкам ушлаш, сабот билан туриш осон эмас. Бу ишни фақат қалби очиқ, мухлис бандаларгина эплай олади. Агар Динда собитқадам бўла олмасангиз ёки бу ишда сусткашликка йўл қўйсангиз, унда Дин асоси бўлмиш намозни маҳкам ушланглар. Зеро, намоз энг улуғ, ажри кўп амалдир. Шунини унутманглар: фақат мўмин кишигина қийинчиликларга қарамай таҳоратни мукамал қилади. Фақат мўмин банд доим таҳорат билан юради⁶.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهْرًا بِبَابِ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ فِيهِ كُلَّ يَوْمٍ خَمْسًا مَا تَقُولُ ذَلِكَ يُبْقِي مِنْ دَرَنِهِ قَالُوا: لَا يُبْقِي مِنْ دَرَنِهِ شَيْئًا قَالَ: فَذَلِكَ مِثْلُ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسِ يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: “Биронтангиз эшиги олдидан ариқ оқиб ўтса, у ўша ариқда бир кунда беш маҳал чўмилса, ун(инг танаси)да кир қоладими?” деб сўрадилар. Шунда: “Йўқ, ҳеч қандай кири қолмайди”, дейилди. У зот: “Беш вақт намоз ҳам шунга ўхшайди. Аллоҳ у билан гуноҳларни кетказди”, дедилар (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий ривоят қилган).

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга фарз қилган беш маҳал намознинг фойдалари жуда кўп. Жумладан, намозни рисоладагидек ўқиган одамнинг гуноҳлари кечиради, дилидаги ғуборлар ювилади, руҳий ҳолати яхшиланади.

Намоз уйимиз эшиги олдидан шариллаб оқиб ўтадиган ариққа ўхшайди. Инсон бир кунда беш марта чўмилса, баданида гард қолмайди, ҳамма ёғи топ-тоза бўлади. Беш маҳал намоз ўқиган киши қалби ҳам шундай тозаланади. Агар одам намоз ўқимасдан юрса, гуноҳлари ювилмай тўпланиб қолади. Ҳафталаб, ойлаб, йиллаб намоз ўқимаган одамнинг ҳолати қандай бўлишини кўз олдингизга келтиринг. Зеро, бадандаги кирлар покиза сув билан кетказилади. Қалбга ёпишган гуноҳ-маъсият гарди эса тоат-ибодат билан тозаланади. Кимда-ким маънавий покликка, руҳий ҳаловатга, кўнгил хотиржамлигига эришишни хоҳласа, кўпроқ намоз ўқийди, Яратган Парвардигорини эслайди, Буюк Хожасига илтижолар қилади.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ بِي بَوَاسِيرٌ فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الصَّلَاةِ فَقَالَ: صَلِّ قَائِمًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Имрон ибн Хусоин розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Менда бавосир касаллиги бор эди. Набий соллаллоху алайхи ва салламдан намоз ҳақида сўраганим, у зот: “Тик туриб намоз ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб (ўқи). Борди-ю (унга ҳам) қодир бўлмасанг, ёнбошлаб (ўқи)”, дедилар” (Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган).

Имрон ибн Хусоин розияллоху анху бавосир⁷ касаллигига чалинган эди. У Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан бемор намозни қандай ўқиши ҳақида сўраганида Ҳабибимиз батафсил жавоб қайтардилар. Унга кўра, киши бетоблиги туфайли тик туриб намоз ўқий олмаса, ўтириб ўқиши мумкин. Агар ҳолати оғирлигидан ўтиришга ҳам имкон топилмаса, ёнбошлаб ўқийди.

Намоз тарк этиб бўлмас ибодатдир. Ҳатто касаллик, заифлик ҳам намозни қолдиришга узр бўлмайди. Бемор ҳақида шундай дейилаётган экан, тан-жони соғ, тўрт мучаси омон, тинч-хотиржам одам намоз ўқимаслиги ҳақида бирон сўз айтиш ўринсиз.

Меҳрибон Аллоҳ таоло бандаларини намозга қатъий суратда буюриш билан бирга айрим имтиёзларни ҳам берган. Масалан, касал одам намозни ўтириб ўқийди. Агар таҳоратга сув топилмаса ёки сув ишлатиш имкони бўлмаса, покиза тупроқ билан таяммум қилинади. Исломда танглик йўқ,

⁶ Манба: Абулвалид Божий, “Ал-мунтақо шарҳул муваттоъ”.

⁷ Бавосир (бирлик шакли – босур) – орқа тешик атрофидаги, тўғри ичак шиллик қаватидаги вена томирлари кенгайиши. Бавосир касаллиги замонавий тиббиётда “геморрой”, дейилади.

енгиллик, кулайлик бор. Инсон озроқ хафсала қилса, Парвардигори берган имкониятлардан унумли фойдалана олса бўлгани.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳаётлари давомида намозга катта аҳамият берганлар, ҳатто умрларининг сўнгги дақиқаларида ҳам намозни маҳкам ушлашни қайта-қайта тайинлаганлар.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ فِي مَرَضِهِ الَّذِي تُؤَيِّ فِيهِ: الصَّلَاةُ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ فَمَا زَالَ يَقُولُهَا حَتَّى مَا يَفِيضُ بِهَا لِسَانُهُ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Умму Салама розияллоху анҳодан⁸ ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам вафотларидан олдин касал бўлганларида: “Намозни (маҳкам ушланглар), қўл остингиздагилар (риоясини қилинглар)”, дедилар, тиллари ҳаракатланмай қолгунича шу сўзларни қайтаравердилар (Ибн Можа, Аҳмад, Абу Яъло ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Намоз Ислоннинг асосий устунларидандир. Куръони каримни эътибор билан ўқиган инсон намоз бошқа ибодатлардан кўра кўпроқ зикр этилганини, уни комил суратда ўқиш бот-бот эслатилганини билади. Намозни қоим қилган инсон бошқа амалларни ҳам тўқис бажаради. Намозга эътиборсиз одам бошқа ишларга ҳам лоқайд қарайди. Ҳаётда кўриб турганимиздек, намози чиройли, тартибли одамнинг қолган амаллариям кўнгилдагидек бажарилади. Ибодати чала кишининг дунёвий ишлари ўлда-жўлда, бебарака бўлади.

Намозга эътиборсизлик ортидан шаҳватларга мутелик, дунёга кўнгил кўйиш каби иллатлар эргашиб келади. Зеро, намоз инсонни гуноҳ-маъсиятдан қайтаради, унга Аллоҳни, охиратни эслатиб туради. Намозда ажиб бир куч-қувват бор. Мўмин киши шундан ҳамиша куч олади. Натижада қалби мустаҳкам, имони бақувват бўлади. Инсон ибодатга эътибори, ташналиги билан Аллоҳга севимли бандага айланади. Намозга бепарво кимса илоҳий раҳматдан бебахра қолади.

НАМОЗ ЎҚИШ ФАЗИЛАТИ

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأُ الْمِيزَانَ وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأَانِ أَوْ تَمَلُّاُ مَا بَيْنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالصَّلَاةُ نُورٌ وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ كُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَايَعُ نَفْسَهُ فَمُعْتَقُهَا أَوْ مُوبِقُهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ.

Абу Молик Ашъарий розияллоху анҳу Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Поклик имоннинг ярми. “Алҳамдулиллаах” мезонни тўлдиради. “Субҳааналлох” ва “Алҳамдулиллаах” осмон билан ер ўртасини тўлдиради (ёки тўлдирадилар). Намоз нур, садақа ҳужжат, сабр зиёдир. Куръон сенинг фойданга ёки зарарингга ҳужжатдир. Ҳар бир инсон ҳаракат қилиб, ўзини сотади – ё (Аллоҳ розилигини истаб, охиратни афзал билиб, уни) қутқаради ёки (шайтонга, нафсига қул бўлиб, ўзини) ҳалок этади” (Муслим, Термизий, Аҳмад, Байҳақий, Табароний ривоят қилган).

Ушбу ҳадиснинг мавзуимизга тегишли қисмини шарҳлаймиз.

“Намоз – нур”. Яъни:

– Намоз ўқиган банда юзидан нур ёғилиб туради;

⁸ Анас ибн Молик розияллоху анҳу ривоят қилади: “Вафотлари яқинлашганда, ғарғара вақтида (яъни, жон ҳалқумга келганда) Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Намозни (тўқис адо этинглар, уни зое қилманглар), қўл остингиздагилар (риоясини қилинглар)”, деб жуда кўп васият қилганлар (Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Али ибн Абу Толиб розияллоху анҳу ривоят қилади: “Намозни (сакланглар, унга бепарво бўлманглар), қўл остингиздагиларга (яхшилик қилинглар), деган сўз Набий соллаллоху алайҳи ва саллам охирги сўзлари бўлган” (Ибн Можа саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

- намоз кишини маъсиятдан, бузук ишлардан сақлайди;
- намознинг савоби қиёмат куни бандага нур бўлади;
- намоз қалбни мунаввар қилади. Очилмай қолган ҳақиқатлар, ботиний жиҳатлар кашф этилишида намознинг ўрни бекиёс;
- намоз қабрни нурга тўлдиради.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الصَّلَاةُ الْخُمْسُ وَالْجُمُعَةُ إِلَى الْجُمُعَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُنَّ مَا لَمْ تُغَشَّ الْكَبَائِرُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي عَرِينَةَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Беш (махал) намоз, жума келаси жумагача орадаги (гуноҳлар)га каффорат бўлади, фақат кабиралардан сақланилса”** (Муслим, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Байҳақий ривоят қилган).

Намоз ўқиган кишининг аввалги гуноҳлари ювилади. Агар беш вақт намоз ўқиса, гуноҳлардан тўлиқ покланади. Фақат бунинг битта шarti бор: катта гуноҳлардан тийилиш лозим. Яъни, Аллоҳ қайтарган катта гуноҳлардан йироқ юрилса, беш маҳал фарз намози, ҳафтада бир адо этиладиган жума намози бандачилик билан йўл қўйилган саҳву хатоларга, кичик гуноҳларга каффорат бўлади.

Гийбат, тухмат, ўғрилиқ, зино, рибохўрлик каби катта гуноҳлар кечирилиши учун чин дилдан тавба қилиш, истиғфор айтиш, ҳақ эгалари розилигини олиш, ўша гуноҳни бошқа такрорламасликка қатъий аҳд қилиш шарт.

Бу ҳадисдан “Намозхон кичик гуноҳларни бемалол қилаверса бўлади” ёки “Бир марта жумага борса, ҳар қанақа гуноҳи кечирилади”, деган хулоса чиқмайди. Банда хатодан холи эмас. У гуноҳдан сақланишга ҳарчанд уринган тақдирдаям ожизлик қилиб қандайдир камчиликка йўл қўяди. Ана шундай гуноҳлар намоз билан ювилади. Бу – Аллоҳнинг раҳмати, бандаларга берган имтиёзи. Ундан қандай фойдаланиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَقُولُ: إِنَّ كُلَّ صَلَاةٍ تَحُطُّ مَا بَيْنَ يَدَيْهَا مِنْ خَطِيئَةٍ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Албатта, намоз ўзидан аввалги (гуноҳлар)ни тўкиб юборади”**, деб айтардилар (Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Намозхон гуноҳлардан қандай покланиши қуйидаги ривоятда батафсилроқ ифодаланган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ زَمَنَ الشِّتَاءِ وَالْوَرَقُ يَتَهَافَتُ فَأَخَذَ بَعْضَانِ مِنْ شَجَرَةٍ قَالَ: فَجَعَلَ ذَلِكَ الْوَرَقَ يَتَهَافَتُ قَالَ فَقَالَ: يَا أَبَا ذَرٍّ قُلْتُ: لَبَيْكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: إِنَّ الْعَبْدَ الْمُسْلِمَ لِيُصَلِّي الصَّلَاةَ يُرِيدُ بِهَا وَجْهَ اللَّهِ فَتَهَافَتُ عَنْهُ دُنُوبُهُ كَمَا يَتَهَافَتُ هَذَا الْوَرَقُ عَنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِغَيْرِهِ.

Абу Зар Фифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиш вақтида (ташқарига) чиқдилар. Ўшанда барглар тўкилаётганди. Дарахтдан икки шох олгандилар (унинг) барглари тўкила бошлади. У зот: “Эй Абу Зар”, дедилар. Мен: “Лаббай, ё Расулulloҳ!” деб жавоб бердим. У зот: “Агар мусулмон банда Аллоҳ розилигини истаб намоз ўқиса, мана шу дарахт барглари каби гуноҳлари тўкилади”, деб марҳамат қилдилар (Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан лиғайрих⁹).

⁹ Шуайб Арнаут айтади: “Бу ҳадис ҳасан лиғойрих, лекин санади заиф. Чунки санадаги Музоҳим ибн Муовиянинг ҳоли мажхул (номаълум)”.

Салмон Форсий розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, мусулмон киши намоз ўқиётганида гуноҳлари бошига кўтарилади, ҳар сафар сажда қилганида тўкилади. Намоздан чиққанида гуноҳлари (бутунлай) тўкилган бўлади¹⁰.

Намоз билан гуноҳлар ювилиши Аллоҳнинг фазли. Лекин мана шу ҳадисларга ишониб қолиб, “Истаганча гуноҳ қилиб, кейин бир марта намоз ўқиб қўйса, қанча гуноҳи бўлсаям ювилиб кетаркан”, деб ўйлаш нотўғри. Бу ерда билиб-билмай қилинган гуноҳлар кечирилиши назарда тутилган. Ҳар банда ҳоли ўзига аён. У гуноҳдан сақланаман деган тақдирдаям билимсизлик ёки заифлик сабаб хатога йўл қўяди. Мана шундай нуқсонлар намоз билан тузатилади. “Ҳозир гуноҳ қилаверай, намоз ўқиб қўйсам, олам гулистон, ҳеч нарса бўлмагандай ҳаммаси изига тушиб кетади”, деган одам ўзини алдаган бўлади. Чунки, бирон ишнинг гуноҳлигини билиб туриб, атайлаб Аллоҳга осий бўлишдан, маъсиятни енгил санашдан ёмони йўқ. Қолаверса, осий банда ҳали намоз ўқишга, тавба қилишга ургурадими, йўқми? Масаланинг бу тарафи ҳам бор.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّلَاةُ خَيْرٌ مَوْضُوعٍ فَمَنْ اسْتَطَاعَ أَنْ يَسْتَكْتِرَ فَلْيَسْتَكْتِرْ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِعَيْرِهِ.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Намоз (Аллоҳ тарафидан) жорий этилган энг яхши (ибодат)дир. Шундай экан, ким кўпайтиришга қодир бўлса, кўпайтирсин!” (Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан лигайрих).

Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш учун намоздан афзал ибодат йўқ. Ким имконини топса, кўпроқ нафл намоз ўқисин, Аллоҳга янада севимли банда бўлсин.

Маълумки, намозда жисмоний ҳаракатлар бажарилади. Масалан, киём (туриш), рукуъ (эгилиш), сажда (пешонани ерга қўйиш) кабилар кишидан маълум миқдорда куч-қувват талаб этади. Тана жисмонан бақувват бўлса, намоздаги амаллар мукамал адо этилади. Одам қариганда танасидан қувват кетади, узрли ҳолатлари кўп бўлади. Бундай пайтда намозни кўнгилдагидек ўқиш иложи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун белда мадор бор вақтларни, тоғни урса талқон қиладиган йигитлик дамларни ғанимат билиб, кўпроқ ибодат қилиш, ёшлик чоғларида охират захирасини тўплаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Афсуски, кўпчилик тан-жони соғ, билагини кучга тўлган дамларни фақат дунё ташвишида ўтказиб юборади, охират ғамини сал кейинроқ – бола-чақадан қутулганда, нафақага чиққанда еса ҳам бўлаверади, деб ўйлайди. Албатта, тирикчилик қилиш, бола-чақани боқиш ҳам керак. Бусиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Лекин, навқирон ёшлик даврларини нуқул беш кунлик дунё ғамида ўтказиб, кексайиб, ҳолдан тойиб, белдан куч-қувват кетгачгина абадий охират саодатини ўйлаш тўғримикан?..

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِقَبْرِ فَقَالَ: مَنْ صَاحِبُ هَذَا الْقَبْرِ فَقَالُوا: فُلَانٌ فَقَالَ: رُكِعْتَانِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ هَذَا مِنْ بَقِيَّةِ دُنْيَاكُمْ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бир қабр олдидан ўтдилар, “Бу кимнинг қабри?” деб сўрадилар. “Фалончини”, дейилди. Шунда у зот: “Бу (маййит) учун икки ракат намоз дунёингизнинг қолганидан яхшироқдир”, дедилар (Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Одам вафот этганидан кейин тана аъзолари ҳаракати тўхтайтиди, унга савоб келиш йўллари ёпилади. Фақат садакаи жория сабабидан номаи аъмолига ажр ёзилиб туриши мумкин... Ҳар қандай маййит вафот этганида афсусланади. Нима учун? Имондан айро кимсалар, гуноҳ-маъсиятга ботганлар Аллоҳ айтган йўлдан юрмаганларига надомат қилишади. Солиҳ инсонлар эса савобли ишларни бундан ҳам кўпроқ қилмаганларига пушаймон чекишади. Чунки ажрлари бисёр бўлганида жаннатда

¹⁰ Шу мазмундаги ҳадисни Табароний “Кабир”да Салмон Форсий розияллоху анхудан марфуъ тарзда ривоят қилган. Ҳайсамий “Мажмауз завоид”да: “Бу ҳадис санадида Ашъас Саъдоний бор. Унинг таржимаи ҳолини топа олмадим”, деган.

баландроқ мартабаларга кўтарилишарди... Ҳа, дунёдан ўтган инсон учун ақалли икки ракат намоз ўқиш ҳам, бир марта “Субҳааналлоҳ”, “Алҳамдулиллаҳ”, “Аллоҳу акбар”, дейиш ҳам армон бўлиб қолади. Бу ишларни тирикликда: кўз очиклигида, юрак дукиллаб уриб, нафас тинмай кириб-чиқиб турганида бажариш мумкин. Боқий дунёга рихлат қилгач, амаллар дафтари ёпилади. Ўлимдан сўнг фақат ҳисоб-китоб бўлади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, қабрда ётган маййит учун икки ракат намоз дунёнинг ўткинчи матоҳларидан, зеб-зийнатларидан яхшироқдир. Чунки маййит бойлик аслида қадрсиз нарса эканини, бандага охиратда фақат намоз, рўза, закот каби солиҳ амаллар фойда беришини шак-шубҳасиз билади. Аввал тан олмаганлар ҳам дунёдан ўтгач бунга иқроор бўлади. Оқил инсон келажакни ақл кўзи билан кўра олади, вақт борида охирати учун етарли озуқа тўплайди.

АЛЛОҲ УЧУН САЖДА ҚИЛИШ ФАЗИЛАТИ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَقْرَبُ مَا يَكُونُ الْعَبْدُ مِنْ رَبِّهِ وَهُوَ سَاجِدٌ فَأَكْثَرُوا الدُّعَاءَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Банда сажда қилганида Парвардигорига энг яқин бўлади. Шундай экан, дуони кўпайтиринглар!” деганлар (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

Намоз – мўминнинг меърожи¹¹. Банда намозда Парвардигорига муножот этади, дуо-илтижо қилади, Аллоҳ ҳузурида ўзини камтар тутган ҳолда туради. Саждада унинг хокисорлиги янада кучаяди. Саждага бош эгган банда Аллоҳга қуллик қилади, заифлигини тан олиб, Раббини улуғлайди. Кишининг камтарлиги қанча ошса, Аллоҳга шунча яқинлашади. Сажда қилганида – қулликнинг энг юқори нуқтасига етганида Аллоҳга жуда яқин бўлади¹². Парвардигорига қурбат ҳосил қилган банданинг сўрагани шубҳасиз берилади. Шунинг учун саждада кўпроқ дуо қилинади, Аллоҳдан икки дунё саодати сўралади¹³.

¹¹ Айримлар “Намоз – мўминнинг меърожи” деган гапни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат беришади. Лекин бу марфуъ ҳадис экани, яъни уни қайси муҳаддис кимдан ривоят қилгани маълум эмас. “Ас-солату миърожул муъмин” деган қавлни Жалолиддин Суютий “Шарҳу сунани ибни можа”да, Найсобурий “Тафсир”да, Мулла Али Қори “Мирқотул мафотих”да, Муновий “Файзул қодир”да, Алусий “Руҳул маоний”да зикр қилган. Жумладан, Мулла Али Қори “Мирқотул мафотих шарҳу мишкотил масобих” китобида ушбу гапни келтиришдан олдин “ворид бўлишича”, “айтилишича”, деган, бирон-бир ровий ёки муҳаддис номини зикр этмаган.

“Меърож” сўзи “зина”, “нарвон” маъносини англатади. Намоз мўминнинг меърожи дейилишига сабаб, намозда банда руҳан, қалбан юқорига кўтарилади. Ибодатга киришдан олдин “Аллоҳу акбар” деб қўлини кўтариши дунёни ортда қолдириб, бутун вужуди билан Аллоҳга юзланишига ишорадир. Ихлосли мўмин киши намозда қалб кўзи ила Парвардигорини кўриб туради, қироат, зикр, дуо билан Унга муножот қилади, мақтовлар айтади, Парвардигорини улуғлайди. Намозда инсон тани яйрайди, қалби ором олади, руҳи ҳаловат топади. Мана шу банданинг руҳий меърожидир.

¹² Имом Нававийга кўра, банда сажда қилганида Парвардигори раҳматиға, фазлиға энг яқин бўлади (Манба: “Шарҳун нававий ала саҳиҳи муслим”).

¹³ Уламолар “Қиёмда узоқроқ туриш афзалми ёки кўпроқ рукуъ, сажда қилган яхшими?” деган масалада турли фикрларни айтишган. Жумладан:

1. Саждада узоқроқ туриш, рукуъни, саждани кўпайтириш афзал (Термизий билан Бағавий бунини бир гуруҳ уламолардан ривоят қилган).

2. Қиёмда узоқ вақт туриш афзал (Имом Шофеий ҳамда бир гуруҳ уламолар мазҳаби). Қиёмда қироат қилинади, саждада тасбеҳ айтилади. Қироат тасбеҳдан афзал.

3. Иккиси фазилати бир, орасида фарқ йўқ.

Исҳоқ ибн Роҳвайҳ айтишича, кундузи рукуъ ҳамда саждаларни кўпайтириш афзал. Тунда эса қиёмда узоқроқ туриш афзал (Манба: Нававий, “Шарҳун нававий ала саҳиҳи муслим”).

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا قَرَأَ ابْنُ آدَمَ السَّجْدَةَ فَسَجَدَ اعْتَزَلَ الشَّيْطَانُ يَبْكِي يَقُولُ: يَا وَيْلِي أَمَرَ ابْنُ آدَمَ بِالسُّجُودِ فَسَجَدَ فَلَهُ الْجَنَّةُ وَأَمَرْتُ بِالسُّجُودِ فَأَبَيْتُ فَلِي النَّارُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Агар одам боласи сажда (ояти)ни ўқиб сажда қилса, шайтон йиғлаб четга чиқади, “Вой, шўрим кўрсин! Одам боласи саждага буюрилди ва сажда қилди. Энди унга жаннат бўлади. Мен ҳам саждага амр қилингандим, бироқ ундан бош тортдим. Энди менга жаҳаннам бўлади”, дейди” (Муслим, Ибн Можжа, Аҳмад ривоят қилган).

Шайтон Аллох таолонинг амрига бўйсунмади, Одам алайхиссаломга сажда қилишдан бўйин товлади. Шунинг учун бадбахт бўлди, Аллохнинг лаънатига учради. Парвардигори буйруғига бўйсунган, Унга сажда қилган инсон бахтли бўлади. Раббига ибодат қилмайдиган, илохий амрга итоат этмайдиганлар саодат манзилини четлаб ўтади. Бахтга, хайр-баракага, жаннатга фақат Аллохга тоат-ибодат қилиш билан эришилади.

Бу ҳадисдан қуйидаги фойдалар олинади:

1. Аллохга сажда қилиш инсоният бахтининг бош омили, жаннатга кириш учун асосий воситадир.

2. Мусулмон одам сажда оятини ўқиб сажда қилса, шайтоннинг ҳасади кўзийди, дарди янгиланади, четга чиқиб йиғлайди. Одам боласи Аллохнинг амрига бўйсуниб жаннат калитини қўлга киритишидан иблис афсусланади, ўзи сажда қилмагани сабаб дўзахга тушишидан қаттиқ надомат чекади.

3. Шайтон Аллохнинг борлигини инкор қилмаган, лекин Парвардигорининг – сажда қилиш ҳақидаги – буйруғига итоат этмагани учун лаънатга гирифтор бўлган.

قَالَ مَعْدَانُ بْنُ أَبِي طَلْحَةَ الْيَعْمَرِيُّ: لَقِيتُ ثَوْبَانَ مَوْلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ: أَخْبِرْنِي بِعَمَلٍ أَعْمَلُهُ يُدْخِلُنِي اللَّهُ بِهِ الْجَنَّةَ أَوْ قَالَ قُلْتُ: بِأَحَبِّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ فَسَكَتَ ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَسَكَتَ ثُمَّ سَأَلْتُهُ الثَّلَاثَةَ فَقَالَ: سَأَلْتُ عَنْ ذَلِكَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: عَلَيْكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ لِلَّهِ فَإِنَّكَ لَا تَسْجُدُ لِلَّهِ سَجْدَةً إِلَّا رَفَعَكَ اللَّهُ بِهَا دَرَجَةً وَحَطَّ عَنْكَ بِهَا خَطِيئَةٌ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

Маъдон ибн Абу Талха Яъмарийдан ривоят қилинади: “Мен Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам мавлолари Савбонни учратиб қолиб: “Менга Аллох унинг сабабидан жаннатга киритадиган ёки Аллох учун энг яхши амал қайсилигини айт”, дедим. У индамади. Кейин яна сўрадим. У жавоб бермади. Кейин учинчи марта сўрадим. Шунда: “Мен Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан шу ҳақида сўраганимда у зот: “Сен ўзингга кўп сажда қилишни лозим тут! Зеро, Аллох учун бир марта сажда қилсанг, Аллох ўша (сажда) туфайли мартабангни бир поғона кўтаради, битта гуноҳингни ўчиради”, дедилар”, деб айтди” (Муслим, Аҳмад ривоят қилган).

Сажда Парвардигорга бўйсунининг энг юкори нуқтасидир. Инсон саждада Аллох таоло учун ўзини хор тутади, энг азиз аъзоси бўлмиш юзини (пешонасини) ерга қўяди. Бу иш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Вужудини кибр эгаллаган кимса учун сажда қилиш ўта оғир вазифадир. Агар ҳазрати одам боласи танасию қалби билан Аллохга камтарлик изҳор этса, ожизлигини тан олса, ана шунда Қудратли Аллохга, Унинг марҳаматига энг яқин инсонга айланади. Агар кўпроқ сажда қилса, фарз намозларидан ташқари нафл ибодатларга бел боғласа, Аллох даргоҳидаги мақоми юқорилаб бораверади.

Бу ерда сажда қилишга қизиқтириш билан намозга тарғиб этилмоқда. Зеро, намоз саждасиз бўлмайди. Эътиборли жиҳати шундаки, намоз туфайли нафақат гуноҳларимиз тўкилади, балки даражамиз юқорилайди.

عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَا مِنْ عَبْدٍ يَسْجُدُ لِلَّهِ سَجْدَةً إِلَّا كَتَبَ اللَّهُ لَهُ بِهَا حَسَنَةً وَمَحَا عَنْهُ بِهَا سَيِّئَةً وَرَفَعَ لَهُ بِهَا دَرَجَةً فَاسْتَكْبَرُوا مِنَ السُّجُودِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَبُو نُعَيْمٍ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинишича, у Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганларини эшитган экан: **“Қайси банда Аллоҳ учун бир марта сажда қилса, Аллоҳ унга битта ҳасана ёзади, ундан битта гуноҳни ўчиради, мартабасини бир поғона юқори кўтаради. Шундай экан, саждани кўпайтиринглар!”** (Ибн Можа, Абу Нуайм ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Абу Фотимадан ривоят қилинади: “Мен бир куни: “Эй Расулуллоҳ, менга бир амални ўргатинг, токи унда мустаҳкам бўлай”, дедим. Шунда у зот: “Сен (кўп) сажда қил. Чунки Аллоҳ учун бир марта сажда қилсанг У Зот мартабангни бир поғона кўтаради, битта гуноҳингни кечиради”, деб марҳамат қилдилар¹⁴”.

Самодаги, ердаги барча жониворлар, фаришталар Аллоҳга сажда қилади, У Зот нақадар буюклигига тан беради. Тирик мавжудотлар ичида энг шарафлиси бўлмиш инсон Яратган Эгасига бўйин эгиш билан ўз мавқеига мос, бандалик мақомига хос иш қилган бўлади. Бир нарсани доим ёдда сақлайлик: бу фоний дунёда ўқиладиган намоз боқий оламда бахт-саодатга эришиш учун асосий воситадир. Тоат-ибодат қилмасдан нажот топиш, жаннат калитини қўлга киритиш имкони йўқ.

ИЛК НАМОЗ, ИЛК САЖДА

(Ибратли ҳикоя)

Бу ҳикоя АКШдаги Канзас университети математика ўқитувчиси, профессор Жеффри Лангнинг “Мен мусулмон бўлган кун” номли китобидан олинди. Унда профессор Ислом динини қабул қилгач, биринчи ўқиган намози ҳақида ёзади:

“Мусулмон бўлган куним масжид имоми менга намоз ўқиш тартиб-қоидалари ҳақидаги китобча ҳадя қилди. Буни кўрган баъзи мусулмон ўқувчилар: “Нафсингизга оғир келадиган ишларда шошилманг, секин-аста ўрганиб оласиз”, дейишди. Мен эса ҳайрон бўлдим: намоз ўқиш шунчалик қийин ишми? Шу ўй билан бир нарсага қарор қилдим – беш вақт намозни ўрганиб, бугунданок ўқишга киришаман!

Ўша куни ним қоронғи хонамда ўтириб олиб, китобчадаги суратларни, дуоларни ўқиб чиқдим, намоздаги амалларни ўзлаштиришга, сураларнинг арабча ўқилиши билан бирга инглизча маъноларини тушунишга ҳаракат қилдим. Намозга тайёр эканимга ишонч ҳосил қилганимда тун яримлаб қолганди. Демак, хуфтон намозидан бошлайман.

Таҳорат олиш учун ювиниш хонасига кирдим, китобга қараб-қараб тартиб бўйича шошилмай таҳорат олдим. Кейин хонага кирдим. Қиблани тахмин қилиб, хона ўртасига жойнамоз солдим. Лекин шу пайт эшик очиқмасмикан, деган хавотир хаёлимдан ўтди. Бориб қарадим, ёпган эканман. Намозга турдим, чуқур нафас олдим. Кейин қўлларимни кўтардим. “Аллоҳу акбар” деб такбир айтдим-у, овозимни ҳеч ким эшитмаяптими, деган хаёл билан деразага қарадим. Парда очиқ эди. Ўша заҳоти дераза олдига бордим, мени кузатишмаяптмикан, деб ташқарига қарадим, ҳеч ким йўқ. Пардани яхшилаб ёпиб, намозга қайтдим. Аввал Фотиҳани, ортидан қиска суралардан бирини ўқидим (Арабча ўқишга жуда қийналдим. Агар ўшанда бирон араб мени эшитса, ҳеч нарсани тушунмасди). Сўнг паст овоз билан такбир айтдим, рукуъ қилдим, қўлимни тиззам устига қўйдим. Шу пайтгача белим ҳеч кимнинг қаршисида бунчалик қайишмаганди¹⁵. Уч марта “Субҳаана роббиял азийм”, кейин қаддимни тиклаб, “Самиаллоҳу лиман ҳамидах, роббанаа лакал ҳамд”, дедим. Юрагим уриши тезлашди, ҳаяжоним ортди. Энди саждага навбат келганди. Бзовта нигоҳларим саждагоҳга қадалди: “Наҳотки мен хожаси ҳузуридаги қулдай қўлларимни, тиззамни ерга қўйсам?! Наҳотки ўзимни ўзим хор қилиб, бурнимни ерга

¹⁴ Ибн Можа саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

¹⁵ “Қайишмоқ”, “майишмоқ” феъллари “эгилмоқ”, “бўй бермоқ”, “тер тўкмоқ”, “жон куйдирмоқ” маъноларида қўлланади.

ишқасам?! Йўқ, бундай қилолмайман!” Шу ўйлар билан жойимда михлангандек ўтириб қолдим. Туриб кетай десам, оёқларим қотиб қолгандек эди. Вужудим ўзимга бўйсунмади. Хўжайини олдида бош эгган хизматкордек пешонамни саждага қўя олмасдим. Чунки бундай қилишни хорлик деб билардим. Бу ҳолатимни кўрса, яқинларим мени масхаралашини ўйладим, кулоқларим остида дўстларимнинг қаҳқаҳалари эшитилаётгандек бўлди: “Сан-Франсискода араблар кўпайиб, шўрлик шу аҳволга тушиб қолибди” деганга ўхшаш сўзларни ўйлаб, ночор ҳолатда турардим. Бироз тараддудлангач, пароканда хаёлларни бир четга суриб, “Йўқ!” дедим ўзимга, “Бошладимми, ортга қайтмайман! Ёрдам бер, Аллоҳ!” дея ўзимни мажбурлаб эгилдим, бошимни саждага қўйдим, бурним ерга тегди. Уч марта “Субҳаана роббиял аълаа” дедим. Саждадан бошимни кўтариб ўтирдим. Кейин яна саждага бордим. “Аллоҳу акбар” дея ўрнимдан турарканман, ғурурим билан тинмай баҳслашардим...

Кейинги ракатлар, саждалар анча осон кечди. Икки ёнимга салом бераётганимда вужудимда каттиқ ҳорғинлик ҳис этдим. Вожаб, намоз ўқиш шунчалик мушкул ишми? Ўтирган жойимда нафсим билан кечган жангни ўйладим. Ўзимни гўё катта бир жанггоҳда ғолиб чиққан паҳлавондек тасаввур қилдим. Шу ўйлар хаёлимга келиши билан борлигимни уят, пушаймонлик ҳислари қамраб олди, бошим эгилди. Кейин йиғлай бошладим: “Ё Аллоҳ, жоҳиллигимни, манманлигимни авф эт. Ўзингга маълум, мен узоқ йўл босиб келдим. Бу ёруғ йўл бошидаман. Олдимда яна босиб ўтишим зарур узоқ йўл турибди. Ўзинг мададкор бўл...”

Шу тариқа титроқ ичида қолган танамга ёйилган роҳатбахш ҳаловат виждонимгача етиб келди, гўё Аллоҳ таолонинг раҳмати танамдаги кичик зарраларгача қамраб олди. Қалб тубидан чиққан, васф этиш қийин бир экин вужудимни эгаллади. Сесканиб кетдим. Кўз ўнгимда гўё чексиз раҳмат уммони мавж урарди. Шунда ўзим билмаган ҳолда кўзларимдан ёш оқа бошлади. Жуда тотли йиғи эди бу. Кўзёшларим оққани сари ичимга сизиб кираётган раҳмат уммонига ғарқ бўлаётгандек сезардим ўзимни. Гўё баланд бир тўсиқ очилиб, ичимдаги ғам-қайғу сел каби оқиб кетарди. Ўша пайтдаги ҳиссиётларим изоҳини энди топгандекман: биз чин дилдан тавба қилганимизда Аллоҳ азза ва жалла гуноҳларимизни кечирар, қалбимизга шифо берар экан...

Бошим эгик ҳолда узоқ ўтирдим. Бутун танамда ажиб бир тароват ҳукм сурарди. Шу дамда Аллоҳ таолога, намозга жуда муҳтожлигимни, энди уларсиз яшаш имконсизлигини тушундим. Ўрнимдан турарканман, дуога қўл очдим: “Эй Аллоҳ, агар мен Сенга яна куфр келтиришга журъат этсам, жонимни ол, токи ҳузурингга имоним билан борай. Хато-камчиликсиз яшаш жуда қийинлигини биламан. Шу дақиқалардан ишондимки, Сенинг борлигингни инкор этадиган бўлсам, ҳаётнинг менга кераги йўқ. Сенсиз ҳатто бир кун ҳам яшай олмайман¹⁶!”

НАМОЗНИНГ ИНСОН РУҲИЯТИГА, СОҒЛИҒИГА ФОЙДАЛАРИ

Аллоҳ таоло амрига бўйсуниб, ихлос билан намоз ўқиган банда улуг ажр-мукофотлар олади. Шу билан бирга намознинг руҳий, тиббий фойдаларидан баҳраманд бўлади. Зеро, Ислом динидаги ҳар бир буйруқда кишининг икки дунёси учун жуда кўп манфаатлар бор. Шу маънода намознинг руҳиятга, саломатликка фойдаларини санаб ўтамиз:

1. Инсон намозда Аллоҳ билан ёлғиз гаплашади, Ундан мадад сўрайди, барча дарду ҳасратларини тўкиб солади, ўткинчи дунё ғам-ташвишларини бироз бўлса-да унутиб, руҳан енгиллашади.
2. Намоз иродани мустаҳкамлайди.
3. Намоз кишини одобли, самимий, виқорли қилади, унга дунёнинг асл моҳиятини англатади, вақтни тежашга ўргатади.
4. Намозхон барчанинг ҳурматини, ишончини қозонади.
5. Инсон саломатлиги тана тозалигига боғлиқ. Маълумки, намоз ўқиш учун таҳорат олинади. Агар жунублик етган бўлса, ғусл қилинади. Бинобарин, намоз киши руҳини ҳам, танасини ҳам поқлайди. Намозни ихлос билан ўқиган инсон ҳар тарафлама соғлом бўлади.
6. Намоздаги ҳаракатлар куннинг маълум вақтларида бажарилгани учун инсонни доим тетик тутади.

¹⁶ Манба: “Ҳидоят” журналининг 2003-йилги 7-сони ҳамда “Ирфон” таквимининг 2009-йилги 4-сони.

7. Таҳорат олиш, намоз ўқиш чоғида бош мия, буйрак, жигар, ўпка, юрак каби аъзолар керакли озуқа моддаси билан таъминланади.

8. Намоздаги изометрик ҳаракатлар ошқозондаги озуқанинг аралашшига, яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради, сафронинг ўт пуфагида тўпланиб қолмай, бир меъёрда ажралиб чиқишига, ошқозон ости беги равоиш ишлашига имкон беради. Натижада қабзият олди олинади.

9. Намоз ўқиган кишининг жисмоний, руҳий иш фаолияти ривожланади, аъзолари доимий ҳаракатда бўлади, организмдаги моддалар алмашинуви тезлашади (Олимлар тадқиқотига кўра, кунлик беш вақт намознинг физиологик фойдаси бир кунда 3 километр масофага югуриш билан тенг экан).

10. Намоз ўқиганда ташқи салбий таассуротларга ҳимоя реакцияси кучаяди, организмнинг умумий куввати ошади, инфекция юқумли касалликларга чалиниш кескин камаяди.

11. Ибодат чоғидаги жисмоний ҳаракатлар тананинг умумий ҳолатини яхшилади, сокинлик, яхши кайфият бахш этади, организм чидамлилигини, қайишқоқлигини оширади.

12. Бир кунда ўртача 80 марта сажда қилган инсон миясига мунтазам тарзда қон оқиб келади. Бу намозхонда хотира сустиги, склероз камроқ учрашини таъминлайди.

13. Намозда бажариладиган тана ҳаракатлари бўғимларни, мушакларни, томирларни жонлантиради, артрит, остеохондроз каби касалликлар олдини олади, томирларда тикин пайдо бўлишига тўсқинлик қилади.

14. Намоз ўқиган одамнинг невроз ҳолатлари йўқолади, умумий аҳволи яхшиланади.

15. Намозхон инсон танада тўпланиб қоладиган статик электр заряддан халос бўлиши мумкин. Бундай зарядлар таҳорат қилаётганда сувга, таяммум пайтида тупроққа, сажда қилаётганда ерга узатилади. Таҳорат ва намоздан кейин одам ўзини тетик сезишининг ҳикматларидан бири шунда бўлса не ажаб!

16. Намоз ўқийдиган кишининг боши мунтазам эгилиб-кўтарилиб тургани учун кўзларида қон айланиши яхшиланади. Натижада кўзнинг ички босими ошмайди, шохпарда доим намланиб туради. Бу эса катаракта касаллиги олдини олади.

17. Ибодат чоғида моддалар алмашинуви фаоллиги туфайли бадандаги кераксиз зарарли моддалар, жумладан ортиқча тузлар чиқиб кетади...

НАМОЗДАГИ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ИНСОН ТАНАСИГА ТАЪСИРИ

Маълум бўлишича, намоздаги ҳаракатлар инсонда жисмоний динамизмни (яъни, ҳаракатчан ўсишни) таъминлайди. Бу илоҳий ибодат қийматини янада оширади. Намоздаги ҳаракатларнинг аъзоларга таъсири эса, одам анатомияси билан шуғулланадиган олимларни ҳам ҳайратга солмоқда. Ортопедик нуқтаи назардан қараганда, намоздаги барча ҳаракатлар бўйинга, умуртқа поғонасига, биқинга, бўғимларга кони фойдадир.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, намозда ўзаро ҳамоҳанг ўнта ҳаракат, фавқуллода эгилувчанлик намоз бўлади. Бунда ҳаракат билан ҳаракатсизлик ажойиб қоида асосида ўзгаради.

Демак, биринчи ҳолатда қўллар юқори кўтарилади, бош бармоқ қулоқнинг юмшоқ ерига текказилади. Бу билан тана мушаклари бироз тортилади, нафас олиш енгиллашади.

Иккинчи ҳолат – қўлларни қорин устида ушлаб туриш. Ўнг қафтни чап қафт устида ушлаб туриш давомида бош бармоқ энг муҳим акупунктур нуқталар ҳисобланган йўғон ичакларга тегади. Қўлларнинг қорин устига қўйилиши энсага (яъни, бўйин орқасига), елка мушакларига тушадиган юкни енгиллаштиради.

Учинчи ҳолат – рукуъ (эгилиш). Мутахассислар фикрича, қўллар таранг ҳолда тизза кўзига қўйилганда чуқур нафас чиқариш жараёни кечади. Кўкрак қафаси мушаклари тортилиб, қисқа муддатга кенгаяди.

Тўртинчи ҳолат – рукуъдан қайтиш. Намоз ўқиётган киши рукуъдан тураётиб, қўлларини ёнга ташлаганда бутун тана мушаклари юмшайди, мувозанати тикланади.

Бешинчи ҳолат – сажда (бошни ерга қўйиш). Бу пайтда курак суякларини, энса мушакларини ҳаракатланади. Айна пайтда мушаклар билан бирга барча пайлар тетиклашади.

Биринчи ҳолатда елка ҳаракатлари, ундан кейинги ҳолатда биқин, тизза, елка, тирсақлар, тўпиқлар фаол иштирок этади. Бир кунда беш маҳал намоз ўқилса, бўйин ва умуртқа поғонаси “занглаб қолиш”дан сақланади¹⁷.

ХУШУЪ НИМА?

“Хушуъ” сўзи луғатда “бўйсунуш”, “сокинлик”, “хотиржамлик”, “хокисорлик” маъноларини англатади¹⁸.

Мазкур сўз кўпинча “хузуъ” билан бирга ишлатилади. Уларнинг маъноси бир-бирига яқин. Бироқ хузуъ танада, хушуъ эса танада, овозда, кўзда бўлади. Яъни, хушуъ баданнинг хотиржам туриши, овозни пасайтириш, нигоҳни ерга қаратиш маъноларини билдиради¹⁹.

Хушуънинг истилоҳий маъносига тўхталадиган бўлсак, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу уни кўрқув ва сукунат деб таърифлаган.

Али розияллоҳу анҳу: “Ҳақиқий хушуъ қалб хушуъсидир”, деган.

Қатода айтади: “Қалбдаги хушуъ кўрқув ҳамда намозда нигоҳни пастга қаратишдир”.

Ибн Қаййим: “Хушуъ – қалбнинг Парвардигори ҳузурда хокисорлик билан туриши”, деб айтган²⁰.

Аллома Ибн Касир таърифига кўра, намозда виқор, тавозеъ билан хотиржам туриш хушуъ саналади. Аллоҳдан кўркиш, Унинг кўриб турганини ҳис этиш бандани хушуъга ундайди.

Хушуъ фақат намозда эмас, кишининг ҳар бир ҳаракатида, ибодатида, хусусан, Қуръон ўқишида, дуо қилишида, садақа беришида, рўза тутишида ҳам бўлади.

Хуллас, намоздаги хушуъ хотиржам, тинч турган тиниқ сувдек, Аллоҳни кўриб тургандек ёки Унинг кўриб турганини ҳис қилиб, кўрқув ва умид билан туриш, бутун вужуди билан Парвардигорига юзланиш, дил юмшаши, ибодат вақтида хаёлни бир ерга жамлаш, қалб ва тана аъзолари сокинлиги, атрофга алангламасдан, Аллоҳга ихлос билан муножот қилишдир²¹.

ХУШУЪНИНГ ЎРНИ

Хушуъ қалбда бўлади. Унинг самараси аъзоларда кўринади. Хушуънинг асл маъноси қалб юмшаши, мулойимлигидир. Агар қалб хушуъли бўлса, танаъ аъзолари ҳам хушуъ қилади. Чунки аъзолар қалбга бўйсунди. Қалб танада подшоҳдир, қолган аъзолар унга аскар. “Нажот топган мўминлар хушуъси қалбларида бўлади. Шунинг учун улар кўзларини тиядилар, гуноҳлардан сақландилар”, дейди улуғ тобеин Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ. Кимнинг қалби хушуъ билан безанса, унга Аллоҳдан улуғ бир неъмат етибди. Чунки хушуъ ихлоснинг аломатидир²².

Хушуънинг намоздаги ўрни руҳнинг танадаги ўрни каби, дейилди. Демак, хушуъсиз намоз ўлик намоз. Ундай намозда яхшилик йўқ. Бугун намозхонлар орасида баъзан ножоиз ишлар қилинаётганига сабаб хушуъсизлик бўлса ажаб эмас. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло: “Намоз мунқардан, бузуқ ишлардан тўсади” деб хабар берган. Аллоҳ таолонинг сўзи рост. Ҳақиқатан, намоз гуноҳлардан, ёмонликлардан қайтаради. Фақат нафсимизда, намозимизда камчилик бор. Шунинг учун ҳам бугун

¹⁷ Манба: “Ирфон” тақвимининг 2007-йилги 1-сони.

¹⁸ Қуйидаги сўзлар “хушуъ”га яқин маънода келади: хузуъ, туманнийна, сукун, сакийнат, зулл, тазаллул, зароат, тазарруъ, кунут, ихбот, тавозуъ, инхифоз, инкисор, ховф, хошя, вазал ва ҳоказо.

¹⁹ Манба: Абу Саодат Ибн Асир, “Ан-нихоя фи ғарибил ҳадиси вал асар”.

²⁰ Манба: “Мадорижус соликин”.

²¹ Хушуъ икки хил бўлади: хос хушуъ ва доимий хушуъ. Ибодат вақтида (жумладан, намозда, рўзада, ҳажда, дуо қилаётганда) хаёлни бир ерга жамлаш, инсон зоҳири билан ботини сокин ҳолда бўлиши хос хушуъдир. Доимий хушуъ эса банда Парвардигорини танишидан, Унинг кўриб турганини ҳис этишидан ҳосил бўлади. Бу – чин мўминга хос сифат. Бундай инсон фақат ибодат пайтида эмас, хамиша мувожабада бўлади. Яъни, Аллоҳ уни кўриб турганини чуқур ҳис этади, қалби Парвардигорига боғланади. Шунинг учун Аллоҳнинг тоатида маҳкам туради, ҳаром ишлардан тийилади.

²² Ибн Қаййим шундай деган: “Орифлар айтишича, хушуънинг ўрни қалбдир. Унинг самараси тана аъзоларида бўлади. Аъзолар хушуъни кўрсатади” (Манба: “Мадорижус соликин”).

бизга хушуъ ниҳоятда зарур. Чунки энг буюк ибодат мазмуни, ундан олинадиган савоб хушуъга, унинг даражасига боғлиқ²³.

ХУШУЪНИНГ ИККИ ТУРИ

Юқорида айтиб ўтганимиздек, хушуъ қалбга ўрнашади. Кейин вужуд аъзоларида зоҳир бўлади. Аммо баъзан хушуъ қалбда бўлмагани ҳолда аъзоларда кўриниши ҳам мумкин. Бу нифоқ хушуъси дейилади.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: تَعَوَّدُوا بِاللَّهِ مِنْ خُشُوعِ النَّفَاقِ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَمَا خُشُوعُ النَّفَاقِ قَالَ: خُشُوعُ الْبَدَنِ وَنِفَاقُ الْقَلْبِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي شُعَبِ الْإِيمَانِ.

Абу Бакр Сиддиқ²⁴ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Нифоқ хушуъсидан Аллоҳ паноҳ беришини сўранглар!”** дедилар. Шунда савол берилди: **“Эй Расулуллоҳ, нифоқ хушуъси нима?”** У зот: **“Тана хушуъси ва қалб нифоқидир”,** дедилар (Байҳақий *“Шуабул имон”* да ривоят қилган).

Айрим саҳобалар: “Нифоқ хушуъсидан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайман”, деб дуо қилишарди. “Нифоқ хушуъси нима?” деб сўралса, “Қалбда бўлмаган хушуънинг танада кўриниши”, деб жавоб беришарди²⁵. Фузайл ибн Йез: “Киши қалбидагидан кўпроқ хушуъли кўриниши ёмондир”, дейди. Бир солиҳ киши елкаси билан бадани хушуъли кўринган одамга: “Эй фалончи, хушуъ елкада эмас, мана бу ерда бўлади”, деб кўкракка ишора қилган экан²⁶.

رُوي عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَبْصَرَ رَجُلًا يَعْثُبُ بِلِحْيَتِهِ فِي الصَّلَاةِ فَقَالَ: لَوْ خَشَعَ قَلْبُ هَذَا خَشَعَتْ جَوَارِحُهُ. رَوَاهُ الْحَكِيمُ التِّرْمِذِيُّ فِي نَوَادِرِ الْأَصُولِ بِسَنَدٍ ضَعِيفٍ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши намозда соқолини ўйнаётганини кўриб: **“Агар бу (одам)нинг қалби хушуъ қилса, тана аъзолари ҳам хушуъ қилади”,** дедилар (Ҳаким Термизий *“Наводирул усул”* да заиф санад билан ривоят қилган²⁷).

²³ Манба: Абдуғафур Искандар, “Намозда хушуъ”.

²⁴ Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Нифоқ хушуъсидан Аллоҳ паноҳ беришини сўранглар!” дедилар. “Эй Расулуллоҳ, нифоқ хушуъси нима?” деб сўралди. У зот: “Бадан хушуъси ҳамда қалб нифоқидир”, деб жавоб бердилар (Дайлабий ривоят қилган).

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Нифоқ хушуъсидан сақланинглар!” дедилар. “Ё Расулуллоҳ, у қандай бўлади?” деб сўралди. Шунда у зот: “Тана хушуъ қилади, аммо қалб хушуъли бўлмайди”, дедилар (Дайлабий ривоят қилган).

²⁵ Ривоят қилинишича, Ҳузайфа розияллоҳу анху: “Сен нифоқ хушуъсидан эҳтиёт бўл!” деб тайинлади. Шунда: “Нифоқ хушуъси нима?” деб сўралди. Ҳузайфа: “Қалбда хушуъ бўлмаган ҳолда тананинг хушуъли кўриниши”, деб жавоб берди (Манба: Дайлабий, “Муснадул фирдавс”, Ибн Адий, “Ал-комил физ зуафо”, Ибн Қаййим, “Мадорижус соликин”; Ибн Ражаб, “Ал-хушуъ фис салот”).

Ривоят қилинишича, Абу Дардо розияллоҳу анху: “Нифоқ хушуъсидан Аллоҳ паноҳ беришини сўранглар!” деганида, “Нифоқ хушуъси нима?” дея савол берилди. Шунда Абу Дардо жавоб берди: “Қалб хушуъли бўлмаган ҳолида тананинг хушуъли кўриниши” (Байҳақий, Ибн Муборак, Ибн Абу Шайба ривоят қилган).

²⁶ Манба: Абу Нуайм, “Ҳилятул авлиё”; Ибн Қаййим, “Мадорижус соликин”.

²⁷ Бу ривоят санадида Сулаймон ибн Амр Абу Довуд Наҳайй бор. У ҳадис тўқишда айбланган кишилардандир. Ибн Мунирнинг “Саҳихул бухорий”га ёзган шарҳида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳога: “Агар мана бунинг қалби хушуъли бўлса, тана аъзолари ҳам хушуъ қилади”, деганлари саҳих тарзда собит бўлган (Манба: Абдурауф Муновий, “Ал-фатхус самовий”).

Ибн Ҳажар Асқалоний шундай деган: “Али розияллоҳу анхунинг: “Хушуъ қалбда бўлади”, деган ҳадисини Ҳоким ривоят қилган. “Агар мана бунинг қалби хушуъли бўлса, тана аъзолари ҳам хушуъ қилади” ҳадиси кишининг зоҳири (ташқи кўриниши) унинг ботини (ички олами, қалби) учун кўзгу эканини кўрсатади” (Манба: “Фатхул борий”).

Қалбида хушуъ бор инсон Аллоҳнинг улуғлигини эътироф этади, Парвардигоридан ҳаё қилади. Бундай банд қалби кўрқувга, муҳаббатга, ҳаёга тўла бўлади. У Аллоҳнинг неъматларини, ўзининг гуноҳларини тан олади. Аллоҳ учун хушуъ қилган инсоннинг шаҳват олови сўнади, қалби жилоланади, дилида азамат нури барқ уради, Аллоҳдан кўрқув нафс истаklarини сўндиради. Қалб шаҳват исқанжасидан кутулса, Аллоҳ зикрига рағбат қилса, Парвардигорини эслаганда хотиржам бўлса, хушуъли қалбга айланади. Бундай қалб соҳиби бутун вужуди билан намоз ўқийди, Парвардигори хузурида турганини дилдан сезади, намоздан хузур олади, рукуълар, саждалар унга чексиз роҳат бағишлайди. Мана шу имон хушуъсидир. Қалб безовта ҳолида тана аъзолари хушуъли кўриниши эса нифоқ хушуъси дейилади. Бу сохта, юзаки, ясама хушуъдир.

Аллоҳга ҳақиқий имон келтирган, У Зотга тўлиқ бўйсунган банданинг қулоғи, кўзи, боши, хуллас, барча аъзолари хушуъ қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъда мана бу дуони ўқирдилар:

اللَّهُمَّ لَكَ رَكَعْتُ وَبِكَ أَمْنْتُ وَلَكَ أَسْلَمْتُ خَشَعْتُ لَكَ سَمْعِي وَبَصَرِي وَخِي وَعَظْمِي وَعَصْبِي.

Ўқилиши: “Аллоҳумма лака рокаъту ва бика аманту ва лака асламту, хошаъа лака самбий ва басорий ва муххий ва ъазмий ва ъасобий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сен учун рукуъ қилдим, Сенга имон келтирдим, таслим бўлдим. Қулоғим, кўзим, миям, суюгим, асабим сенга хушуъ қилди²⁸”.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي رَافِعٍ عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سُئِلَ عَنْ قَوْلِهِ عَزَّ وَجَلَّ "الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ" قَالَ: الْخُشُوعُ فِي الْقَلْبِ وَأَنْ تُلَيِّنَ كَتِفَكَ لِلْمَرْءِ الْمُسْلِمِ وَأَنْ لَا تَلْتَفِتَ فِي صَلَاتِكَ. رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَابْنُ الْمُبَارَكِ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъдан ривоят қилинишича, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан “Улар намозларида хушуъ қилувчилардир” ояти ҳақида сўралди. Шунда у: “Хушуъ қалбда бўлади. (Хушуъ) мусулмон кишига мулойим бўлишинг (ёки чиройли муомала қилишинг), намозда (атрофга) алангламаслигингдир”, деди (Ҳоким, Байҳақий, Ибн Муборак ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Демак, хушуъ икки хил бўлади: имон хушуъси, нифоқ хушуъси.

Имон хушуъси қалбга ёндошган бўлади. Хушуъли қалб соҳиби Парвардигори хузурида тиник сувдек туради, намоздан ором олади. Имон хушуъси кишига Аллоҳ аzza ва жаллани, Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламни, ибодатни севдиради, намозни кўз қувончига айлантиради.

Нифоқ хушуъси сохта, ясама, сунъий бўлади. Намозда қалби қайнаётган сувдек тургани ҳолда ўзини хушуъли кўрсатишга уриниш риёкорлик аломатига ўхшайди. Аллоҳ бизни бундай иллатдан асрасин.

ЗОҲИРИЙ ТАВОЗЕЪ ВА ҚАЛБ КИБРИ

Камтарлик одамнинг ташқи кўриниши билан ўлчанмайди. Чунки қалбида кибр бўлатуриб ўзини юввош кўрсатадиган, мутавозеълар либосини эгнига ташлаб оладиганлар ҳам йўқ эмас. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиройли либос кийишни кибр демаганлар, балки кибр қалбда

Абу Нуайм айтади: “Абу Ҳафс Ҳаддод: “Зоҳир одоби гўзаллиги ботин одоби гўзал эканига далолат қилади. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мана бунинг қалби хушуъли бўлса, аъзолари ҳам хушуъ қилади”, деб айтганлар”, деган” (Манба: “Ҳилятул авлиё”).

Ривоят қилинишича, Саид ибн Жубайр раҳматуллоҳи алайҳ майда тошларни ўйнаётган кишини кўриб қолиб: “Агар бунинг қалби хушуъли бўлса, колган аъзолари ҳам хушуъ қилади”, деган (Байҳақий, Ибн Муборак, Ибн Абу Шайба, Абдураззоқ ривоят қилган).

²⁸ Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган.

бўлишини, ҳақни инкор этиш, одамларни таҳқирлаш такаббурлик саналишини айтганлар²⁹. Масалан, бир одамнинг бурни осмонда, ўзини зўр деб билади, тўғри гапни ёқтирмайди, ҳаммани масхара қилиб юради, ҳеч кимни менсимайди. Мана шунақа одам – гарчи кийган кийими жуда чиройли, қимматбаҳо бўлмаса ҳам – мутакаббирдир. Чунки унинг дилида кибр илдиз отган. Бундай кимса ўзини ислоҳ қилиб, қалбидан манманликни чиқариб ташламагунича ўнганмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг ҳабиби, пайғамбарлар саййиди, энг шарафли зот бўлишларига қарамай жуда камтар эдилар. Макка фатҳ қилинган куни бир одам у зотга гапирмоқчи бўлди, лекин салобатларидан ҳайикиб дағ-дағ қалтирай бошлади. Шунда Ҳабибимиз алайҳиссалом: “Қўрқма! Мен подшоҳ эмасман. Балки куёшда қуритилган гўшт ейдиган (оддий) аёлнинг ўғлиман”, деб марҳамат қилдилар³⁰. Бир сафар у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Насронийлар Исо ибн Марямни мақтаганидек мени (бўрттириб) мақтаманглар. Зеро, мен бир бандаман. “Аллоҳнинг бандаси ва Расули”, денглар”, деб саҳобаларга таълим берганлар³¹.

Айтмоқчи бўлганимиз, хушув ҳам камтарлик билан эгизак. Бири иккинчисини тақозо этади. Камтар инсон Аллоҳга хушув қилади. Агар қалбда кибр, ғурур, манманлик иллатлари бўлса, хушув қилиш қийин. Бундан чиқди, намозда хушув топиш учун қалбни маънавий иллатлардан тозалаш зарур.

НАМОЗНИ ХУШУВ БИЛАН ЎҚИШ ФАЗИЛАТИ

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Ҳақиқатан, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида хушув³² килувчилардир”
(Мўминун сураси, 1-2-оятлар).

Бу оятда мўминлар нажот топиши аниқ экани айтилмоқда. Зеро, “нажот топадилар” эмас, “нажот топдилар”, деб келажакдаги ҳодисанинг ўтган замон билан ифодаланиши ўша иш шак-шубҳасиз бўлишини билдиради.

Намозни қиёмига етказиб ўқиш, Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш, ибодатда кўркув билан сокинлик жамланиши хушув дейилади. Хушувли намоз банданинг қиёматда нажот топишига воситадир. Жаннатга киришга, дўзах ўтидан халос бўлишга сабаб амаллар кўп. Намозни тўқис адо этиш ўша амалларнинг энг афзали саналади.

Ҳар бир мўмин киши мана шу оят мезони билан ўзига баҳо берсин. Чунки Аллоҳ таоло “Менинг хушувли, хокисор мўмин бандаларим нажот топиши шубҳасиз”, деб айтмоқда. Хўп, шундай экан, оятда зикр этилган сифатлар бизда борми? Охиратда ютуққа эришиш учун етарли захирага эгамизми? Намозимиз сифати қай даражада? Аллоҳ қатъий суратда буюрган ибодатни кўнгилдагидек адо эта оляпмизми?..

Аллоҳ таоло бандаларига шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Сабр ва намоз ўқиш билан мадад сўранглар! Албатта (намоз) оғир ишдир. Магар Парвардигорларига рўбарў бўлишларини, Унинг ҳузурига қайтувчи эканларини биладиган шикастанафс зотларга (қийин эмас)” (Бақара сураси, 45-46-оятлар).

²⁹ Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қалбида заррача кибр бўлган кимса жаннатга кирмайди”, деганларида бир одам: “Киши либоси, пойафзали чиройли бўлишини яхши кўрса, (бу ҳам кибрми?)” деди. Шунда у зот: “Албатта Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Кибр ҳақни инкор қилиш, одамларни таҳқирлашдир”, дедилар (Муслим, Термизий, Ҳоким, Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

³⁰ Абу Масъуддан ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди. У зот ўша киши билан гаплашдилар. Шунда у дағ-дағ қалтирай бошлади. Расулulloҳ унга: “Қўрқма! Мен подшоҳ эмасман. Балки куёшда қуритилган гўшт ейдиган (оддий) аёлнинг ўғлиман”, дедилар (Ибн Можа, Ҳоким, Ибн Саъд, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

³¹ Шу ҳақидаги ривоятни Бухорий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Таълисий – Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан – ривоят қилган.

³² Намоздаги хушув нима экани борасида тўрт хил қавл келтирилган:

1. Сажда қиладиган жойга қараш.
2. Намозда атрофга алангласлик.
3. Намозда сокин, хотиржам туриш.
4. Аллоҳдан кўрқиш (Манба: Ибн Жавзий, “Зодул муяссар”).

Киши дунёнинг ҳою ҳавасларига қарши туришда, зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда сабрли бўлса, намозни қоим қилса, икки дунё яхшиликларини қўлга киритади. Лекин бу осон иш эмас, кўпинча нафсга оғирлик қилади. Магар қиёмат куни Аллоҳ билан учрашишга, У Зот ҳузурига қайтишга сўзсиз ишонадиган комил мўминлар учун мушкул эмас. Чунки улар айнан намоз дунёю охират саодатига эришишда бош омиллигини беш қўлдай билишади. Шунинг учун ҳар бир намозни ўзгача иштиёқ билан қарши олишади, ихлос билан ибодат қилишади.

Қалбида хушув йўқ одам намоз ўқишга қийналади, ибодатдан зерикиб кетади. Чунки унинг нафси орзу-ҳавасни, елгил-елпи нарсаларни, кайф-сафони хуш кўради, машаққатни ёқтирмайди. Яратувчига бўйин эгиш, намозни рисоладагидек ўқиш бундай одамга оғирлик қилади. Қолаверса, у намоз ўқиса, улуғ савоблар олишига, тарк этса, азобга қолишига унча ишонмайди. Шунинг учун намозга, хушувга лоқайд қарайди. Чиндан ҳам, ибодат лаззати хушувда. Қалб хушувси билан неъматлантирилган банда нафси шикаста, хокисор, кибрни, шаҳват ўтларини ўчирган нафсга айланади. Унга намоз зиғирча оғирлик қилмайди, аксинча, олам-олам шодлик бағишлайди. Зеро, намоз комил мўмин инсон учун ҳаётбахш ибодатдир.

Одам бирон ишни қунт билан бажарса, вақт ўтганини пайқамай қолади, ишнинг машаққати сезилмайди ҳам. Масалан, маҳорат билан ёзилган бир китобни ўқияпсиз дейлик. Сиз китоб ичига шу қадар кириб кетганингиздан бирпасда 30-40 бет ўқиб қўйганингизни билмай қоласиз. Борди-ю савиясиз биронта китоб қўлингизга тушиб қолса, 2-3 бет ўқимасдан зерикиб кетасиз, уйқунгиз кела бошлайди.

Намозни мароқ билан ўқиш ҳам хушувга боғлиқ. Мўмин банда намозга турар экан Аллоҳнинг улуғлигини қалбдан ҳис қилади, “Аллоҳу акбар!” деб такбир айтганда Парвардигори буюклигига шохид бўлади. “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаароқасмук ва таъаалаа жаддук ва лаа илааҳа ғойрук”, деганда Аллоҳ ҳар қандай нуқсон-камчиликдан пок эканини, мактовлар, олқишлар фақат Аллоҳга хослигини, У Зот ўта буюклигини дилдан ўтказиши. Чин мўмин киши намозга кираётганида дунё ишларини бироз унутиб, бутун борлиғи билан Аллоҳга илтижо этади, У Зот учун рукуълар, саждалар қилади, барча муаммоларини Меҳрибон Парвардигорига арз этади, Ундан ёрдам сўрайди. Шу билан қалби таскин топади, руҳий ҳаловатга эришади.

Аллоҳ таоло Ўз Каломида саҳобаи киромлар ибодатини шундай таърифлайди:

“-----Арабча матн-----”

“... Уларни Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилаб рукуъ-сажда қилаётган ҳолларида кўрасиз. Юзларида сажда изидан (қолган) сиймо-аломатлари бор...” (Фатҳ сураси, 29-оят).

Бу оят тафсирида қуйидаги қавллар келтирилган:

1. Улар чиройли кўринишга эга бўладилар (Ибн Аббос розияллоҳу анҳу³³).

2. Уларнинг юзида хушув, тавозеъ кўриниб туради (Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳ³⁴).

Оятда зикр этилган зотлар намозни ихлос билан, Аллоҳ розилиги учун ўқишади. Намозхон эканлари шундоқ юз-кўзларидан билиниб туради. Юзларида гўзал сиймо, хотиржамлик, сакинат кўзга ташланади. Кўп сажда қилганларидан, тоат-ибодатда бардавом бўлганларидан дунёда юзлари порлаб туради. Қиёмат куни ҳам нурли бўлади³⁵.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Қиёмат куни сажда сабабидан умматим юзидан, таҳорат сабабидан қўл-оёқларидан нур таралади³⁶”.

Намоз ўқиган одам файзли бўлади, юзидан нур балкиб туради. Обид ташқи кўриниши, хулқи билан бошқалардан яққол ажралиб туради. Зеро, намоз қалбни нурга тўлдирди. Қалб нурафшон бўлганидан кейин илоҳий файз инсон тана аъзоларига тарқалади. Биламиз, юз одамнинг асосий аъзоси саналади. Шунинг учун намознинг асари биринчи навбатда юзда кўринади.

Намоз том маънода нурдир. У инсон дилини нурафшон, юзини нурли қилади, қабрини чароғон этади. Эрта қиёмат куни ҳам намоз сабабидан мўмин-мусулмон банда юзи оппоқ, йўли ёруғ бўлади.

³³ Байҳақий ривоят қилган.

³⁴ Ибн Муборак, Абд ибн Ҳумайд, Ибн Жарир ривоят қилган.

³⁵ Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Юзларида сажда изидан (қолган) сиймо-аломатлари бор...” ояти ҳақида: “У қиёмат кунисидаги нурдир”, деганлар (Ибн Мардавайх, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

³⁶ Термизий, Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ.

Кимда-ким намозни рисоладагидек, хушуъ билан адо этса, унинг фазилатларидан тўлиқ баҳраманд бўлади.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَفْضَلُ الصَّلَاةِ طُولُ الْفُتُوتِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Жобир розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Намознинг энг афзали кунутнинг узунлигидир” (Муслим, Термизий, Ибн Можжа ривоят қилган).

Кўпчилик уламолар ривоятдаги “кунут” сўзини “қиём” деб тушунтиришган. Яъни, намоздаги энг афзал амал қиёмда узоқроқ туришдир.

Аслида “кунут” сўзи “хушуъ”, “намоз”, “дуо”, “ибодат”, “тоатда бардавомлик”, “қиём”, “сукут”, “хузуъ” маъноларини англатади³⁷.

Шундан келиб чиқиб, ҳадис икки хил изоҳланади:

1. Намоздаги энг афзал амал қиёмда узоқроқ туриш, кўпроқ қироат қилиш.

2. Намозлар ичида энг афзали хушуъ билан адо этилгани, хаёлни бир ерга жамлаб, Аллоҳ буюклигини ҳис этиб ўқилганидир³⁸.

Намозни хушуъ билан ўқиш банданинг қиёмат куни Аллоҳ олдида туришини осонлаштиради. Шу маънода Ибн Қаййим айтади: “Банда икки ҳолатда Аллоҳ олдида туради: намозда ҳамда Аллоҳ билан учрашиладиган (қиёмат) кунида. Агар кимда-ким биринчи туришни тўла-тўқис уудаласа, иккинчиси осон бўлади. Агар ким (намозда) туришни енгил санаса, ҳақини тўлиқ адо этмаса, охиратда Аллоҳ олдида туриши қийин кечади³⁹”.

وَعَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَتَوَضَّأُ فَيُحْسِنُ وُضُوءَهُ ثُمَّ يَقُومُ فَيُصَلِّي رَكَعَتَيْنِ مُقْبِلًا عَلَيْهِمَا بِقَلْبِهِ وَوَجْهِهِ إِلَّا وَجَبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Қайси бир мусулмон (киши) таҳоратни чиройли қилиб, қалби ва юзи билан иқбол⁴⁰ қилган ҳолда икки ракат намоз ўқиса, унга жаннат вожиб бўлади” (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа, Ибн Хузайма ривоят қилган).

Мусулмон киши доим таҳорат билан юриш, хушуъ билан намоз ўқиш орқали жаннатга кириш бахтига эришиши мумкин. Бу бандага – жаннатга кириш учун – берилган катта имкониятдир. Қийин эмас, фақат хоҳиш-истак, бироз ҳафсала бўлса бас.

“Қалби ва юзи билан иқбол қилган ҳолда...” деганда, бутун вужуди билан берилиб, хушуъ-хузуъ билан намоз ўқиш назарда тутилади. Демак, биринчи галда таҳоратни мукамал қилинади, фикрни бир ерга жамланади, хотиржам намоз ўқилади. Ким шу ишнинг уудасидан чиқа олса, жаннатга киради.

وَعَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَا مِنْ امْرِئٍ مُسْلِمٍ تَخَضَّرُهُ صَلَاةٌ مَكْتُوبَةٌ فَيُحْسِنُ وُضُوءَهَا وَخُشُوعَهَا وَزُكُوعَهَا إِلَّا كَانَتْ كَفَّارَةً لِمَا قَبَلَهَا مِنَ الذُّنُوبِ مَا لَمْ يَأْتِ كَبِيرَةً وَذَلِكَ الدَّهْرُ كُلُّهُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ أَبِي حَتْمَةَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ مَاجَةَ.

³⁷ Абдурауф Муновий айтишича, “кунут” сўзининг 11 та маъноси бор (Манба: “Файзул кодир”).

³⁸ Манба: Муновий, “Файзул кодир”.

Имом Нававийга кўра, уламолар ҳадисдаги “кунут”дан мурод қиём эканига иттифоқ қилишган. Муновий келтирган иккинчи қавлга кўра, бир гуруҳ сўфийлар наздида “кунут”дан мурод хушуъдир.

³⁹ Манба: Ибн Қаййим, “Ал-фавоид”.

⁴⁰ “Иқбол” сўзи “юзланиш”, “киришиш”, “берилиш” маъноларини англатади.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху ривоят қилади: “Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир мусулмон киши фарз намози вақти кирганида таҳоратини, хушуъсини, рукуъсини чиройли адо этса, (ўқиган намози) аввалги гуноҳларга каффорат бўлади. Илло катта гуноҳлар қилмаган бўлса. Бу ҳамма давр учундир”, деганларини эшитганман” (Муслим, Байҳақий, Абд ибн Хумайд ривоят қилган).

Намозхон гуноҳлари кечирилиши учун қуйидаги шартлар қўйилган:

1. Таҳоратни яхшилаб қилиш.
2. Намозни хушуъ билан ўқиш.
3. Намоз арконларини – қиём, рукуъ, сажда, қаъда кабиларни тўқис адо этиш.
4. Катта гуноҳлардан сақланиш.

“ОРҚАНГДА АЛЛОҲ ТУРИБДИ, БОЛАМ!”

(Ибратли ҳикоя)

Моҳира хола оилада ҳам ота, ҳам она бўлди. Аммо эрининг йўқлиги барибир билинар, гоҳида ўша йўқликка бор бўйи билан қулагандек сезарди ўзини. Ўғли мактабни битираётди, “Отам бўлганларида зиёфат қилиб берардилар”, деб ўқиганида юраги бир “зирқ” этганди. Олий ўқув юртига кирганида ҳам, қандайдир байрамларда ҳам бу ҳол сезилиб қоларди. Моҳира хола: “Болам, зиёфат бериш мажбурият эмас. Дунёда қилиниши шарт амаллар бор. Ана ўшалар бажарилмай қолса, ўқисанг арзийди”, дерди.

Ўғли ўқишни битирди. Курсдошларининг кўпи нуфузли жойлардан иш топишди. У эса хомуш эди.

– Ойижон, барибир “орқанг” бўлиши керак экан. Мени ҳам кимдир тавсия этганида, ўтиб кетардим. “Ё заринг, ё зўринг” деганлари рост экан, – деб ҳасрат қилиб қолди бир куни.

– Шунга хафа бўлиб юрибсанми? – деди Моҳира хола ичидаги оғриқни ташига чиқармай. – Бунақа тушкунлик мусулмон кишига ярашмайди. Бировнинг тоғаси, бировнинг амакиси министр бўлса бордир, аммо сенинг орқангда оламлар Парвардигори, барча министрлару подшолар Эгаси бўлмиш Аллоҳ турибди-ку, болажоним. Тавба қил-а, тавба қил! Худойимнинг сенга ҳам атаган яхшиликлари бор.

Холанинг нафаси бўғилиб, супа четига омонат ўтирди. Бутун калби, руҳи, жони бир тутам бўлиб, “Ё Аллоҳ!” калимасига қўшилиб кетди. Кўзларидан дувиллаб ёшлар қуйилди. Ўғли қўрқиб:

– Ойижон, нима бўлди сизга?! Келинг, бундай ётақолинг! – деди жавдираб. Моҳира хола тезда ўзига келди.

– Мен намоз ўқиб олай, болам, – деди бирданига бошқача турланиб. Икки ракат шукр, икки ракат ҳожат намози ўқиди. Қўллари дуода экан, қўнгли дарёдай тошди, кўзларидан ирмоқлар қуйилди, юзларини ювди. “Ё Аллоҳ, меҳрибоним Аллоҳ! Ёлғиз Ўзингдан бошқа суянар кимим бор? Ўғлимни Ўзинг истаган йўлингга, яхшилар йўлига бошла, унинг олдига яхшиларингни чиқариб қўй, Аллоҳ! Боламнинг олдига яхшиларингни чиқариб қўй, Аллоҳ!..”

Орадан уч кун ўтди. Ўғли қулиб кириб келди. Тасодифан бўлса, шунчалик бўлар, дея онасига қуйидагиларни сўзлади.

Метро бекатидан чиқиб келаётса, бир одам унга қизиқибди. Маълумотини суриштиргач, бизда ишлашни хоҳлайсизми, эртага танлов бўлади, келинг, деб манзилени айтибди. Эртасига ўғли борди, тестга кирди, 99.3 фоиз балл билан конкурса биринчилиқни олди.

Моҳира хола “Аллоҳга шукр, Аллоҳга шукр!” дея ўрнидан турди, икки ракат шукрона намозини ўқиди⁴¹.

ИБОДАТИМ САВОБИ КАМАЙМАСИН, ДЕСАНГИЗ...

⁴¹ Манба: “Мусулмонлар тақвим китоби”нинг 2001-йилги 1-сони.

Намоз савоби хушуънинг даражасига боғлиқ. Агар банда ибодат чоғида фикрини бир ерга жамласа, турли ўй-хаёлларни бир четга суриб, Аллоҳга ихлос-ла юзланса, савобни тўлиқ олади. Акс ҳолда ибодат ажри нуқсонли бўлиб қолади.

عَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيَنْصَرِفُ وَمَا كُتِبَ لَهُ إِلَّا عَشْرُ صَلَاتِهِ تُسْعَهَا ثَمَنُهَا سُبْعُهَا سُدُسُهَا خُمُسُهَا رُبْعُهَا ثُلُثُهَا نِصْفُهَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта бир киши (намоздан) чиқади ва унга намозининг ўндан бири, тўкқиздан бири, саккиздан бири, еттидан бири, олтидан бири, бешдан бири, тўртдан бири, учдан бири, ярми ёзилади” деганларини эшитганман” (Абу Довуд ҳасан санад билан ривоят қилган).

Намоз билан намознинг фарқи бор. Кимнингдир намози тўқис адо қилинади. Аллоҳ уни ҳусни қабул этади. Яна кимнингдир намозида камчилик бўлгани, фарзларида ёки вожибларида нуқсонга йўл кўйилгани учун рад этилади. Лекин мақбул намозга бериладиган ажр-савоб ҳам киши ихлосига, рукнларни қандай бажаришига қараб турлича бўлади. Хушуъни ўрнига қўя олган одам намоз савобини тўқис олади. Хушуъ камайиб борса, савоб ҳам камаяди.

عَنْ أَبِي الْيَسْرِ صَاحِبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مِنْكُمْ مَنْ يُصَلِّي الصَّلَاةَ كَامِلَةً وَمِنْكُمْ مَنْ يُصَلِّي التَّصْفَ وَالْثُلُثَ وَالرُّبْعَ حَتَّى بَلَغَ الْعُشْرَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ فِي الْمُسْنَدِ وَالتَّسَائِي فِي السُّنَنِ الْكُبْرَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам соҳиблари Абул Ясардан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан кимдир намозни тўлиқ ўқийди. Яна кимдир ярмини, учдан бирини, тўртдан бирини ўқийди”, деб ўндан биригача етдилар (Аҳмад “Муснад”да, Насоий “Ас-суанул кубро”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Айтилишича, фаришталар одамлар қилаётган амалларни ёзиб боришади, “Фалончи намозининг тўртдан бирини камайтирди (яъни, нуқсонли қилди). Фалончи ярмини камайтирди. Фалончи эса шунча зиёда қилди”, дейишади⁴².

Намозхон қандай намоз ўқиётгани фаришталар томонидан номаи аъмолига ёзиб борилади. Шунинг учун “Эрта қиёмат куни юзим ёруғ бўлсин”, деган инсон намозни вақтида ўқийди, рукнларини маромига етказиб бажаради, хушуъга эътиборлироқ бўлади.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: “Ким фарз намозида қўлини тийса, у билан бирон нарсани ўйнамаса, шунча-шунча миқдорда тилло садақа қилган кишидан ҳам кўп савоб олади”, деб айтган⁴³.

Абдулвоҳид ибн Зайд раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Уламолар ижмоъсига кўра, банда намозидан қанчасини эса сақласа, шунчаси уники бўлади”. Яъни, намозда қайси сураларни, дуоларни ўқигани ёдида турса, нима ўқиладиганига аҳамият берса, шунда ибодати комил бўлади.

Ривоят қилинишича, бир куни (ўшанда рамазон ойи эди) Аббосийлар давлати бошлиғи Ҳорун ар-Рашид шайх Баҳлулга қараб:

– Эй Баҳлул! Шом намозида масжидга боринг, намозга келганларни ифторликка таклиф қилинг, – деди.

Шайх Баҳлул шом намозига масжидга борди. Азон айтилиб, намоз адо этилди. Намоздан сўнг шайх Баҳлул ўн киши билан бирга саройга келди. Ҳорун ар-Рашид жамоат жуда озлигини кўргач, ҳайратланиб сўради:

– Булар ким, эй Баҳлул?

– Султоним, булар сиз ифторликка таклиф этган кишилар.

– Мен: “Намозга келган барчани саройга чақиринг”, демаганмидим?

⁴² Манба: Муттақий Ҳиндий, “Канзул уммол”.

⁴³ Манба: Муттақий Ҳиндий, “Канзул уммол”.

– Худди шундай, ҳазратим, сиз менга масжидга келганларни эмас, намозга келганларни ифторликка таклиф қил, деган эдингиз. Мана, намозга келганлар келишди...

– Қанақасига?..

– Намоздан сўнг камина масжид эшиги олдида туриб, чиқаётганлардан: “Имом намозда қайси сураларни ўқиди?” деб сўрадим. Бу саволга фақат мана шу инсонларгина жавоб беришди. Масжидга келганлар кўпчилик эди, аммо намозга келганлар фақат шу кишилар экан, – деб жавоб берди Баҳлул доно⁴⁴.

عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: خَمْسُ صَلَوَاتٍ افْتَرَضَهُنَّ اللَّهُ عَلَى عِبَادِهِ فَمَنْ جَاءَ بِهِنَّ لَمْ يَنْتَقِصْ مِنْهُنَّ شَيْئًا اسْتِخْفَافًا بِحَقِّهِنَّ فَإِنَّ اللَّهَ جَاعِلٌ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَهْدًا أَنْ يُدْخِلَهُ الْجَنَّةَ وَمَنْ جَاءَ بِهِنَّ قَدْ انْتَقِصَ مِنْهُنَّ شَيْئًا اسْتِخْفَافًا بِحَقِّهِنَّ لَمْ يَكُنْ لَهُ عِنْدَ اللَّهِ عَهْدٌ إِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ وَإِنْ شَاءَ عَفَرَ لَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَاللَّفْظُ لَهُ وَأَحْمَدُ وَهَذَا حَدِيثٌ صَحِيحٌ.

Убода ибн Сомит розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Аллоҳ беш (маҳал) намозни бандаларига фарз қилган. Ким уларни адо этса, ҳақини сақлаб (унутмаса, зое қилмаса), улардан бирон нарсани камайтирмаса, Аллоҳ уни қиёмат куни жаннатга киритишга ваъда беради⁴⁵. Аммо кимда-ким уларнинг ҳақини енгил санаб, бирон нарсани камайтирса, Аллоҳ даргоҳида унинг учун ҳеч қандай ваъда бўлмайди. (Аллоҳ) истаса, уни азоблайди, хоҳласа, (гуноҳларини) кечиради”, деганларини эшитганман” (Абу Довуд, Ибн Можа⁴⁶, Аҳмад ривоят қилган. Бу – саҳиҳ ҳадис).

Аллоҳ намозни мукаммал ўқиган, унинг феълий (қиём, рукуъ, сажда каби амалий), кавлий (дуо, кироат, зикр-тасбеҳлардан иборат) шартларини тўлиқ бажарган одамни мағфират қилишни, жаннатга киритишни ваъда берган. Намозни тўқис адо этмайдиганлар, уни енгил санаб, намоз ҳақларини зое қиладиганлар бундай мукофотдан қуруқ қолишади. Аллоҳ хоҳласа уларни азоблайди, хоҳласа, раҳмати ила кечириб юборади. Шунинг учун охиратда нажот топишни истайдиган банда намозни вақтида ўқийди. Ўқиганда ҳам арконларини мукаммал адо этади. Чин мўмин инсон шунчаки ҳиссиз, шуурсиз ётиб-турмайди, балки ибодати жонли бўлади. Риёзат чекиш мўминга машаққат туғдирмайди, аксинча, бошқа нарсалардан топа олмаган ҳаловатни, хотиржамликни намоздан топади.

عَنْ الْمُطَّلِبِ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الصَّلَاةُ مَثَى مَثَى أَنْ تَشْهَدَ فِي كُلِّ رُكْعَتَيْنِ وَأَنْ تَبَاسَّ وَتَمَسَّكَرَ وَتُفْنِعَ بِيَدَيْكَ وَتَقُولَ: اللَّهُمَّ اللَّهُمَّ فَمَنْ لَمْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَهِيَ خِدَاجٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Мутталиб Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Намоз икки ракат-икки ракатдандир. Ҳар икки ракатда ташаҳҳуд ўқийсан, муҳтожлигингни, мискинлигингни изҳор этасан, икки кўлингни кўтариб: “Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ!..” дейсан. Ким мана шундай қилмаса, у чаладир” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Намозда банда Аллоҳга юкинади, ҳожатларини раво этишини, муҳтожлигини кетказишини ўтиниб сўрайди. Ким намозда ўзини хокисор тутмаса, Аллоҳга ёлвориб тазарруъ қилмаса, унинг намози ажр-савоб ва фазилат жиҳатидан нуқсонли бўлиб қолади.

Банда бойми, камбағалми (ижтимоий ҳолати, мавқеи қандай бўлишидан қатъи назар) Аллоҳга ҳожатларини арз қилади, эҳтиёжларини айтади. Мана шу ҳолат намозда янаям яққолроқ кўринади.

⁴⁴ Манба: “Ҳидоят” журналининг 2001-йилги 6-сон.

⁴⁵ Бу борада икки хил қавл айтилган: 1. Жаннатга аввалгилар қаторида киради. Чунки жаннатга кириш учун имоннинг ўзи етарли. Аммо намозни тўқис адо этганлар унга биринчилардан бўлиб киради. 2. Беш вақт намозни вақтида, комил суратда ўқиган банданинг жаннатга элтувчи солиҳ амалларга хоҳиш-истаги ортади.

⁴⁶ Ҳадис лафзи Ибн Можага тегишли.

Бойлик, мансаб-мартаба, чирой, насл-насаб кишини Аллоҳнинг фазлидан беҳожат қилмайди. Зеро, банда ихтиёрида ҳисобсиз мол-дунё, қўша-қўша иморатлар, бола-чақа бўлгани билан барибир Аллоҳнинг раҳматига муҳтож. Нега? Чунки бойлик билан, мартаба билан Аллоҳнинг азобидан қутулиш, жаннатга кириш имкони йўқ. Қолаверса, курук давлат билан гуноҳлар ўз-ўзидан кечирилиб, қалб покланиб қолмайди. Шунингдек, беҳисоб давлати бор одам бефарзанд бўлса, шунча давлат билан боланинг бир дона тирноғини ҳам ярата олмайди. Банда ожизлиги шунда. Унинг моддий фаровонликка эришгани, ҳар соҳада тараққий этгани Аллоҳнинг раҳматидан беҳожатлигини билдирмайди. Аслида мусулмон кишининг мол-дунёси кўпайгани, мансаби юқорилагани, обрў-этибори ортгани сари Аллоҳга илтижолари, хокисорлиги зиёда бўлса, Аллоҳ бу бандани янада юксак мақомларга кўтарди, молига барака беради, қўлидаги неъматларни бало-офатлардан асрайди. Энг муҳими Аллоҳга боғланган, ихлос қўйган инсон – қайси табақага мансублигидан қатъи назар – охиратда дўзах азобидан нажот топади.

НАМОЗХОНЛАРДАН ЭНГ БИРИНЧИ КЎТАРИЛАДИГАН НАРСА

Абдуллоҳ ибн Шавзабдан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий қилиб: “Сени нима сабабдан рисолатим, Каломим билан одамлар орасидан танлаб олганимни биласанми?” деди. Мусо: “Йўқ, эй Раббим”, деб жавоб берди. Шунда Аллоҳ: “Мен учун бирон киши сенчалик тавозеъ қилмаган”, деб айтди⁴⁷.

Бу ерда “тавозеъ”дан мурод хушуъ. Зеро, хушуъ манфаатли илм саналади. Кишилар қалбидан энг аввал кўтариладиган хислат ҳам айнан хушуъдир.

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَوَّلُ مَا يُرْفَعُ مِنَ النَّاسِ الْخُشُوعُ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْكَبِيرِ.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Одамлардан кўтариладиган энг биринчи нарса хушуъдир”, деганлар (Табароний “Кабир” да ривоят қилган⁴⁸).

Имон хушуъси фойдали илм, мўминлар нажот топиши учун асосий воситасидир. Афсуски, одамлардан энг биринчи кўтариладиган нарса ҳам хушуъ экан. Бу ихлоснинг йўқолиши, беш кунлик дунёга берилиш, шахватларга ўчликдан келиб чиқади. Қиёмат яқинлашгани сари кишилар дин-диёнатдан узоқлашиб, ўткинчи матоҳларга кўнгили қўйишлари айтилган. Одамларда Аллоҳдан кўрқиш, охиратга рағбат камайганидан сўнг қалб моддиятга боғланиб қолади. Шу ва бошқа сабаблар билан хушуъ, ихлос, самимийлик, холислик камёб хислатга айланади.

Хушуъ намознинг руҳидир. У бандага намозни севдиради, машаққатларини кетказди, ибодатни энгил қилади. Хушуъсизлик эса бориб-бориб намознинг ҳам йўқолишига сабаб бўлади.

وَعَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَوَّلُ شَيْءٍ يُرْفَعُ مِنْ هَذِهِ الْأُمَّةِ الْخُشُوعُ حَتَّى لَا يُرَى فِيهَا خَاشِعًا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي مُسْنَدِ الشَّامِيِّينَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Бу умматдан кўтариладиган энг биринчи нарса хушуъдир, ҳатто (уммат) ичида хушуъ қилувчи кўринмайди” (Табароний “Муснадуш шомиййин” да саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

Яна бир ҳадиси шарифда: “Ҳали шундай замон келади. У вақтда одамлар намоз ўқийди, лекин (ҳақиқий маънода, хушуъ билан) ўқимади”, дейилган⁴⁹.

⁴⁷ Абу Нуайм “Ҳилятул авлиё” да ривоят қилган.

⁴⁸ Ривоят санадида Имрон ибн Довуд Қаттон бор. Ибн Маин билан Насоий унинг заиф эканини айтган. Аҳмад ибн Ҳанбал билан Ибн Ҳиббон уни ишончли ровий санаган (Манба: Ҳайсамий, “Мажмауз завоид”).

⁴⁹ Имом Аҳмад “Ас-салоту ва мо ялзамухо” номли рисоласида ривоят қилган.

Демак, уммати муҳаммадия орасидан энг аввал хушуъ кўтарилади. Бориб-бориб намозхонлар орасида хушуъ қиладиган одам бармоқ билан санарли даражада камайиб кетади, ҳатто топилмай ҳам қолади. Бу нарса жаҳолат, мол-дунёга ўчлик, шаҳватларга кул бўлиш, охиратни унутишдан келиб чиқади.

НАМОЗДАГИ ХУШУЪНИНГ ҲУКМИ

Бир гуруҳ уламоларга кўра, хушуъ намознинг фарзларидандир. Агар намоз хушуъсиз ўқилса, тўғри бўлмайди. Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳ: “Ким хушуъ қилмаса, намози бузилади”, деган. Шунингдек, Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Қалб ҳозир бўлмайдиган (яъни, диққат-эътибор билан ўқилмайдиган) ҳар қандай намоз уқубатга яқинроқдир”, деб айтган⁵⁰. Муоз ибн Жабал, Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: “Ким намоздалигида ўнг ва чап томонида нима борлигини атайлаб билиб турса, унинг учун намоз йўқ”, дейишган⁵¹.

Лекин жумҳур уламолар айтишича, хушуъ намознинг суннатларидандир. Агар намоз арконлари тўқис адо этилса, қалб амали билан намоз фосид бўлмайди. Яъни, киши дунёга оид ишларни ўйласа, хаёли бошқа нарсаларга кетиб қолса, намози бузилмайди. Фақат савоби камаяди. Чунки намозхонларга хушуънинг миқдорига қараб савоб берилади. Агар ибодатни тўқис адо этса, савобни тўлиқ олади. Намозда хаёли бўлинган одамга шунга яраша ажр берилади.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак: агар киши намозни шошилиб ўқиса, рукуъни, саждани пала-партиш қилса, намоздаги биронта фарз ёки вожиб амални тарк этса, намозни қайтадан ўқийди. Чунки бунақа намоз ўрнига ўтмайди. Шундай экан, Аллоҳнинг борлигига шубҳасиз ишонган, охират куни нажот топишдан умидвор мўмин-мусулмон банда намозни хушуъ билан ўқишга алоҳида эътибор беради, нуқсон-камчиликларини тузатишга ҳаракат қиладди.

НАМОЗ – ҚЎРҒОН

(Ибратли ҳикоя)

Бир биродаримиз шундай ҳикоя қиладди: “Талабамиз, унда-мунда ишга чиқиб турамиз. Бир куни бир ҳожи акамизникига ишлагани бордик. Қурилиш қиладиган эканлар, хандақ қазиб, атрофини бетонлаш керак эди. Тўрт-беш киши бўлиб кун бўйи тупроқ чиқардик. Қуёш ботганда ўн-ўн беш дақиқалик иш қолганди. Бирйўла ишни тугатиб, кейин намоз ўқиймиз, дедик. Аммо ҳожи акамизнинг: “Шом вақти қисқа, тезда ўқиб олиш керак”, деган даққилари билан хандақдан чиқишга мажбур бўлдик. Сўнг азон, такбир айтиб фарзни адо этдик. Суннат ўқиётганимизда бир нарса гупиллаб қулади. Намозни тугатиб ҳалиги томонга югурдик. Не кўз билан кўрайликки, биз ишлаётган ўша хандақ ёнидаги девор чуқурга ағанаган эди. Юракларимиз орқага тортиб кетди. Чунки, намозга чиқмаганимизда шу девор остида қолиб кетишимиз аниқ эди. Аллоҳ таоло шу ҳодиса билан намозни вақтида ўқиш лозимлигини яна бир бор таъкидлаб қўйгандек бўлди хаёлимда⁵²”.

НАМОЗДАГИ ВАСВАСАНИНГ ҲУКМИ, УНИ ҚАЙТАРИШ ЙЎЛЛАРИ

Шайтон одам боласининг ашаддий душмандир. У намозда кишини чалғитади, фикрини ҳар томонга олиб қочади. Иблиснинг мақсади аниқ: намозхонни йўлдан уриш, хушуъсига халал бериш, ибодатига нуқсон етказиш, охир-оқибат савобдан маҳрум этиш.

Уламолар айтишича, озгина васваса намозни бузмайди, балки ибодат савобини камайтиради. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Албатта бир киши (намоздан) чиқади ва унга намозининг ўндан бири, тўққиздан бири, саккиздан бири, еттидан бири, олтидан бири, бешдан бири, тўртдан бири, учдан бири, ярми ёзилади”, деганлар⁵³.

⁵⁰ Манба: “Ат-таълиқус сабиҳ шарху мишкотил масобих”; “Файзул кодир”.

⁵¹ Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушуъ фис салот”, муҳаққиқ мукаддимасидан.

⁵² Манба: “Ҳилол” тақвимиининг 2005-йилги 4-сон.

⁵³ Абу Довуд ҳасан санад билан ривоят қилган.

Айтилишича, васваса туфайли намозда юзага келган нуқсонлар нафл намозлар билан тўлдирилади. Агар намозда васваса камроқ бўлса, ибодат шунча мукамал бажарилади. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким менинг таҳоратимга ўхшатиб таҳорат олгач, (хаёли) чалғимаган ҳолда икки ракат намоз ўқиса, ўтган гуноҳлари кечирилади”, деганлар⁵⁴.

Намозда хаёлни бир ерга жамлаш, васвасани кетказиш учун ўқиётган дуоларни, зикрларни, кироатни, бажарилётган амаллар маъносини тушуниш керак. Шунда қалб уйғонади, банда Аллоҳ билан юзма-юз туриб У Зотга муножот қилаётганини, Уни кўриб турганини сезади. Агар инсон намоз лаззатини тотиб кўрса, ибодатдан ором олса, бошқа нарсаларга чалғимайди.

Намозда хушуъ топиш учун унга халақит берадиган нарсалар баргараф этилади, қалбни тафаккурдан тўсадиган иллатлар олди олинади. Зеро, банда шубҳа-гумонларга, шахватларга берилса, васвасага кўп учрайди. Моддий нарсаларга қаттиқ боғланиш намозга хоҳишни сўндиради. Қалб эса ўзи истаган нарсага мудом талпинади, фикр унга боғланиб қолади. Дунёга берилган одам намозда ҳам турли ўй-хаёллардан қутулолмайди. Табиийки, қалбни моддиятдан холи қилмай туриб хушуъ топиш қийин.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, намоз ўқишга чоғланган, Аллоҳга илтижо этиш ниятидаги банда васвасага дуч келади. Чунки шайтон яхшилик йўлини тўсмоқчи бўлади. Шунинг учун банда намозда кўпроқ васвасага учрайди. Иблис Аллоҳга юзланган бандани ниятидан қайтаришга, нима қилиб бўлсаям мақсадига етказмасликка уринади⁵⁵. Ўғри хароба уйни тунамаганидек, шайтон ҳам яхшиликдан йироқ кимсаларга парво қилмайди, балки Аллоҳ сари интилганларни йўлдан уриш пайида бўлади. Бундай вақтда сабот билан, сабр-тоқат билан, Аллоҳдан ёрдам сўраб ибодатда, зикрда бардавом бўлинса, шайтон васвасаси даф бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло: “Шубҳасиз, шайтон макри заиф бўлувчидир”, деган⁵⁶.

НАБАВИЙ ТАРБИЯ, НАБАВИЙ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаллим, мураббий сифатида умматларига ҳақ йўлни, шариат ҳукмларини баён этганлар. Шу билан бирга, хато-камчиликларини тузатиб турганлар. Жумладан, намоздаги нуқсонларни ислоҳ қилганлар, ибодатни тўқис бажариш ҳақида йўл-йўриқ кўрсатганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: هَلْ تَرَوْنَ قِبَلِي هَذَا هُنَا وَاللَّهِ مَا يَخْفَى عَلَيَّ رُكُوعُكُمْ وَلَا خُشُوعُكُمْ وَإِنِّي لَأَرَأَيْكُمْ وَرَاءَ ظَهْرِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Кўряпсизларми, менинг қиблам бу томонда. Аллоҳга қасамки, менга рукуъларингиз ҳам, хушуъларингиз ҳам билинмай қолмайди”⁵⁷. Мен сизларни орқамдан ҳам кўриб тураман” (Бухорий, Муслим ривоят қилган).

Яъни, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиблага қараб турибдилар. Биз орқа тарафдамиз. У зот бизни кўрмайдилар, деб ўйламанглар. Албатта, мен рукуъ қилганингизни ҳам, хушуъларингизни ҳам кўриб тураман, деб саҳобаи киромларга мурожаат этмоқдалар. Шу йўл билан уларни огоҳликка, намозни хушуъ билан ўқишга чақиряптилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқага қарамасдан у тарафда нима бўлаётганини билишлари ғайриоддий ҳолат саналади. Бу ҳақиқий идрок этиш бўлиб, фақат у зотнинг ўзларига хос мўъжизадир.

⁵⁴ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

⁵⁵ “Меҳроб” сўзи “жанг қилинадиган жой” маъносини ифодалайди. Масжидда имом турадиган жой “меҳроб” дейилишига сабаб, у меҳробда якка ўзи қолиб, фикрини бир ерга жамлаш учун шайтонга, нафсга қарши курашади.

⁵⁶ Нисо сураси, 76-оят.

⁵⁷ Ҳадисда “Менга рукуъларингиз ҳам, хушуъларингиз ҳам билинмай қолмайди”, дейилмоқда. Уламолар айтишича, бу ердаги “хушуъ”дан мурод сажда бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки сажда хушуънинг энг юқори нуқтасидир. Банда саждада Аллоҳга жуда яқин бўлади (Манба: Ибн Ҳажар Асқалоний, “Фатҳул борий”).

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ نَبِيَّ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَتَمُّوا الرُّكُوعَ وَالسُّجُودَ فَوَاللَّهِ إِنِّي لَأَرَاكُمْ مِنْ بَعْدِ ظَهْرِي إِذَا مَا رَكَعْتُمْ وَإِذَا مَا سَجَدْتُمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَاللَّفْظُ لَهُ.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Рукуъни, саждани мукаммал қилинглари! Аллоҳга қасамки, сизлар рукуъ ва сажда қилганингизда орқамдан ҳам кўриб тураман”, деганлар (Бухорий, Муслим ривоят қилган. Ривоят лафзи Муслимга тегишли).

Бу гапни айтишдан мақсад нима? Албатта, намозхонларни сергакликка ундаш, ибодатни чалачулпа бажаришдан қайтаришдир.

Саҳобалар намозда қандай туришлари, рукуъни, саждани қай тарзда адо этишлари Аллоҳнинг Пайғамбарига, одам зурриётидан бир инсонга махфий қолмас экан, Аллоҳга қандай махфий қолсин?..

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ يَوْمًا ثُمَّ انْصَرَفَ فَقَالَ: يَا فُلَانُ أَلَا تُحْسِنُ صَلَاتَكَ أَلَا يَنْظُرُ الْمُصَلِّي إِذَا صَلَّى كَيْفَ يُصَلِّي فَإِنَّمَا يُصَلِّي لِنَفْسِهِ إِنِّي وَاللَّهِ لَأُبْصِرُ مِنْ وَرَائِي كَمَا أُبْصِرُ مِنْ بَيْنِ يَدَيَّ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бир куни биз билан намоз ўқидилар. Кейин қайрилиб: “Эй фалончи, намозингни яхшилаб ўқимайсанми? Намозхон қандай намоз ўқиётганига қарамайдими? Ахир у ўзи учун намоз ўқийди-ку! Аллоҳга қасамки, мен олдимдан қандай кўрсам орқа тарафимдан ҳам худди шундай кўраман”, дедилар” (Муслим, Насоий, Байҳақий ривоят қилган).

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Жамоат раҳбари, имом ва олим кишилар намозхонларга эътиборли бўлиши, улардаги нуқсон-камчиликларни тўғрилаб туриши кераклиги.

2. Намозни яхшилаб, мукаммал ўқиш зарурлиги.

3. Банда намозни ўзи учун ўқиши. Яъни, ўқиган намозидан ўзи манфаат олади. Йўл қўйган хатоси учун ўзи жавоб беради.

РУКУЪ ВА САЖДАЛАРНИ МУКАММАЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМЛИГИ

Маълумки, рукуъни, саждани мукаммал қилиш намоз қабул бўлиши шартларидандир. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам мазкур икки рукни тўқис адо этишга бот-бот чақирганлар.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ شَيْبَانَ وَكَانَ مِنَ الْوَفْدِ قَالَ: خَرَجْنَا حَتَّى قَدِمْنَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَبَايَعَنَاهُ وَصَلَّيْنَا خَلْفَهُ فَلَمَحَ بِمُؤَخَّرِ عَيْنِهِ رَجُلًا لَا يُقِيمُ صَلَاتَهُ يَعْنِي صَلْبَهُ فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ فَلَمَّا قَضَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّلَاةَ قَالَ: يَا مَعْشَرَ الْمُسْلِمِينَ لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا يُقِيمُ صَلْبَهُ فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Али ибн Шайбондан (у Набий соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига келган гуруҳ аъзоларидан эди) ривоят қилинади: “Биз (йўлга) чиқдик. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига етиб бордик. Кейин у зотга байъат бердик, ортларида намоз ўқидик. Ул зот бир киши намозини қоим қилмаётганини, яъни рукуъда, саждада белини тўғри тутмаётганини кўз қири билан кўриб қолдилар. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам намоздан чиққач: “Эй мусулмонлар жамоаси, рукуъда, саждада белини тўғри қилмаган (киши) учун намоз йўқ”, деб хитоб қилдилар” (Ибн Можа, Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Пайғамбар алайҳиссалом ахён-ахёнда ўнг ёки чап тарафдаги намозхонларга кўз қири билан қарар, улар намозни қандай ўқиётганини текшириб турардилар. Бу ривоятда айтилишича, у зот рукуъда, саждада белини қийшиқ тутадиган одамни кўриб қолиб, ҳаммага тегишли йўл-йўриқ кўрсатганлар. Бундан чиқди, намозни қоим қилиш рукуъни, саждани маромига етказиш билан узвий боғлиқ. Қуйидаги ривоятда ҳам бунга алоҳида урғу берилган.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَسْوَأُ النَّاسِ سَرِقَةَ الَّذِي يَسْرِقُ مِنْ صَلَاتِهِ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ يَسْرِقُ مِنْ صَلَاتِهِ قَالَ: لَا يُؤْتِمُّ رُكُوعَهَا وَلَا سُجُودَهَا أَوْ قَالَ: لَا يُقِيمُ صَلْبَهُ فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَهَذَا حَدِيثٌ صَحِيحٌ.

Абу Қатода розияллоху анху айтади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Одамлар ичида энг ёмон ўғри намозидан ўғрилайдиганидир”, дедилар. Шунда: “Эй Расулulloх, намозидан қандай ўғрилайди?” деб сўрашди. У зот: “Рукуъ ва саждасини мукамал қилмайди ёки рукуъда, саждада белини тўғри тутмайди”, деб жавоб бердилар” (*Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий, Табароний ривоят қилган. Бу – саҳиҳ ҳадис*).

Бировнинг молини талон-тарож қилиш, ўзгалар ҳақини ейиш жудаям ёмон иш. Аммо ўз намозидан ўғрилаш ундан ҳам ёмонроқ. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Одамлар ичида энг ёмон ўғри”, дея шунга ишора қияптилар.

Маълумки, бировнинг бойлигига кўз олайтирадиган, одамлар мулкани ноҳақ йўллар билан ўзлаштирадиган кимса ўғриланган молдан тириклик чоғида фойдаланиши, вақти келиб, ақлини танигандан кейин қилмишига пушаймон чекиши, мол эгасини рози қилиши мумкин. Бу билан охиратдаги азобдан қутулади. Бироқ ўзининг намозидан ўғрилаган, ибодат рукнларини чала қилган, хушўга бепарво қараган одам ўзини ўзи савобдан маҳрум этади. Устига-устак охиратда жазога лойиқ кўрилиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ شَيْبَةَ قَالَ: نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ نَقْرَةِ الْعُرَابِ وَافْتِرَاشِ السَّبْعِ وَأَنْ يُوطَّنَ الرَّجُلُ الْمَكَانَ فِي الْمَسْجِدِ كَمَا يُوطَّنُ الْبَعِيرُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِعَيْبِهِ.

Абдурахмон ибн Шибдан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам қарға каби чўкишдан, ёввойи ҳайвонга ўхшаб (билагини) ёйишдан, туя ўзига алоҳида жой танлаганидек, киши масжидда ўзи учун бир жойни хослаб олишидан қайтарганлар” (*Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан лигайрих*).

Эътибор берсангиз, қуш сочилган донларни териб еяётганида тумшуғини тез-тез ерга текказади. Бу билан қушнинг муроди ҳосил бўлади. Саждани шошиб бажарадиган, пешонасини ерга қўяр-қўймас тезда бошини кўтарадиган, икки сажда орасида тин олмасдан, ҳовлиқиб саждага борадиган кишининг ҳаракати ҳам худди қуш дон чўқишига ўхшайди. Бу тарзда сажда қилиш билан мақсад ҳосил бўлмайди. Нега десангиз, саждада камида уч марта “Субҳаана роббиял аълаа”, дейилади. Истаганлар 5, 7, 9 ёки 11 марта айтсалар ҳам бўлади. Мана шунда қалб ҳузурланади, дил ором олади. Шошиб-пишиб сажда қилинса, ибодат чала бўлиши билан бирга хотиржамлик йўқолади.

Иккинчи ҳолат – ёввойи ҳайвон каби билақларини ерга ёйиш. Бошқа ривоятларда айнан итни мисол келтириб, бу ишдан қайтарилган. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Саждада мўътадил бўлинглар. Биронтангиз билагини итниқига ўхшатиб ёймасин”, деганлар⁵⁸.

Бўри, ит каби ёввойи ҳайвонлар икки панжасини, билагини ерга қўйиб ётади. Бундан чиқди, сажда қилганда билакни ердан ҳам, қориндан ҳам узоқ қилинади, икки қўл кенгроқ очилади.

Учинчи ўхшатиш ҳам ўзига хос. Аниқланишича, туя бир жойни ўзи учун хослаб, фақат ўша ерда ётар экан. Доим масжиднинг бир жойида намоз ўқийдиган одамнинг иши худди туянинг одатига ўхшайди. Аслида Аллохнинг уйида турли ўринларда – бир сафар у ерда, бошқа сафар бу ерда намоз

⁵⁸ Бухорий, Муслим, Насоий ривоят қилган.

Ўқиган яхши. Чунки ҳар бир парча ер қиёмат куни банда фойдасига гувоҳлик беради. Қолаверса, масжиддаги жой биринчи келган одамники бўлади. Биринчи сафга аввал келган намозхон ҳақлидир. “Мана бу жой фалончини. У ерга ҳеч ким ўтирмасин”, деган гап йўқ.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّلَاةُ ثَلَاثَةٌ أَثَلَاثٌ: الطُّهُورُ ثُلُثٌ وَالرُّكُوعُ ثُلُثٌ وَالسُّجُودُ ثُلُثٌ فَمَنْ آدَاهَا بِحَقِّهَا قُبِلَتْ مِنْهُ وَقَبِلَ مِنْهُ سَائِرُ عَمَلِهِ وَمَنْ رَدَّتْ عَلَيْهِ صَلَاتُهُ رُدَّ عَلَيْهِ سَائِرُ عَمَلِهِ. رَوَاهُ الْبَرَزِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Хурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Намоз уч қисмдан иборат: поклик учдан бири, рукуъ учдан бири, сажда учдан бири. Шундай экан, ким уни тўлиқ адо этса, ўша (банда)дан намози ҳам, бошқа амаллари ҳам қабул қилинади. Агар кимнинг намози рад этилса, қолган амаллари ҳам рад этилади” (Баззор ривоят қилган. *Ҳадис санади ҳасан*).

Намозни уч қисмдан иборат деб фараз қилсак, поклик (бадан, кийим, намоз ўқиладиган жой тозалиги) бир қисм, рукуъ бир қисм, сажда бир қисм экан. Агар киши таҳоратни мукамал қилиб, покиза либосларни кийиб, тоза жойда намоз ўқиса, рукуъ билан саждани маромига етказиб адо этса, намози тўқис бўлади. Шунда Аллох унинг намозини, қолган ибодатларини хусни қабул қилади. Агар намози мақбул бўлмаса, бошқа амаллари ҳам рад этилади.

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК ИБОДАТИ ҚАБУЛ БЎЛМАЙДИГАН КИШИ

Банда олтиш йил – деярли бир умр не машаққатлар билан ибодат қилса-ю, бир маҳал ўқиган намози ҳам қабул бўлмаса? Бу қандай кўргилик?! Бунинг сабаби нима? Келинг, шу ҳақида айтилган ривоятларни бир бошидан кўриб чиқамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الرَّجُلَ لَيُصَلِّي سِتِينَ سَنَةً وَمَا تُقْبَلُ لَهُ صَلَاةٌ وَلَعَلَّهُ يُئِمُّ الرُّكُوعَ وَلَا يُئِمُّ السُّجُودَ وَيُئِمُّ السُّجُودَ وَلَا يُئِمُّ الرُّكُوعَ. رَوَاهُ أَبُو الْقَاسِمِ الْأَصْبَهَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Хурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Бир киши олтиш йил намоз ўқийди. Унинг бир (маҳал) намози ҳам қабул қилинмайди. Эҳтимол у рукуъни мукамал, саждани чала қиларди ёки саждани мукамал, рукуъни чала қиларди” (Абулқосим Исфажоний ривоят қилган. *Ҳадис санади ҳасан*).

Бу ерда ибодат сонига, неча йил қилинганига эмас, сифатига кўпроқ аҳамият бериш лозимлиги таъкидланмоқда. Чунки одам бир умр намозни чала ўқигани, рукуъ ёки саждани пала-партиш қилгани учун ибодати қабул этилмаслиги мумкин. Намознинг бирон рукни чала қилинса, ибодат нуқсонли бўлиб қолади.

عَنْ أَبِي وَائِلٍ عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ رَأَى رَجُلًا لَا يُئِمُّ رُكُوعَهُ وَلَا سُجُودَهُ فَلَمَّا قَضَى صَلَاتَهُ قَالَ لَهُ حُدَيْفَةُ: مَا صَلَّيْتَ قَالَ: وَأَحْسِبُهُ قَالَ: لَوْ مِتَّ مَتَّ عَلَى غَيْرِ سُنَّةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Воилдан ривоят қилинишича, Хузайфа розияллоху анху рукуъни, саждани тўқис қилмаётган бир кишини кўриб қолди. Ҳалиги киши намозини тугатганидан кейин Хузайфа унга: “Сен намоз ўқимадинг!” деди. Ўйлашимча: “Агар ўлсанг, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам суннатларидан бошқа йўлда ўлган бўласан”, деб айтди (Бухорий ривоят қилган).

Бу ривоятдан олинадиган хулосалар:

1. Намозда рукуъни, саждани мукамал қилиш зарурлиги.

2. Рукуъ билан саждани тўқис адо этмаган одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам миллатларидан бошқа миллатда бўлиши. Яъни, намозни пала-партиш ўқиш Ислом умматига хос иш эмас.

3. Бирон киши намозда ёки бошқа ибодатларда хатога йўл қўйса, билганлар уни тузатиб қўйиши, шариат ҳукмини ўргатиши яхши экани.

عَنْ أَبِي مَسْعُودٍ الْبَدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا تُجْزِي صَلَاةَ الرَّجُلِ حَتَّى يُقِيمَ ظَهْرَهُ فِي الرُّكُوعِ وَالسُّجُودِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَائِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Масъуд Бадрий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Киши рукуъда, саждада белини тўғри тутиб турмагунича намози дуруст бўлмайди” (“Сунан” соҳиблари, Аҳмад, Табароний ривоят қилган).

Жумҳур уламолар, жумладан, Молик, Шофеий, Аҳмад, ҳанафийлардан Абу Юсуф наздида рукуъ билан саждани хотиржам тарзда қилиш фарздир. Таҳовий зикр этишича, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ, у кишининг икки шогирди наздида ҳам рукуъни, саждани хотиржам суратда бажариш фарз ҳисобланади⁵⁹.

عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى رَجُلًا لَا يُتِمُّ رُكُوعَهُ يَنْقُرُ فِي سُجُودِهِ وَهُوَ يُصَلِّي فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ مَاتَ هَذَا عَلَى حَالِهِ هَذِهِ مَاتَ عَلَى غَيْرِ مِلَّةِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَثَلُ الَّذِي لَا يُتِمُّ رُكُوعَهُ وَيَنْقُرُ فِي سُجُودِهِ مَثَلُ الْجَائِعِ يَأْكُلُ التَّمْرَةَ وَالتَّمْرَتَانِ لَا يُغْنِيَانِ عَنْهُ شَيْئًا. رَوَاهُ الطَّبْرَائِيُّ فِي الْكَبِيرِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Абдуллоҳ Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъни мукаммал адо этмайдиган, (қуш дон чўқиганидек) тез-тез сажда қиладиган кишини кўриб қолдилар. Кейин: “Бу (одам) мана шу ҳолида ўлса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам динидан бошқа (дин)да ўлади”, дедилар. Кетидан яна айтдилар: “Рукуъларини мукаммал адо этмайдиган, саждаларини пала-партиш қиладиган кимса қорни оч кишига ўхшайди. У бир-икки дона хурмо ейди. Аммо бу билан қорни тўймайди” (Табароний “Кабир”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Очқаган одам бир-иккита хурмо егани билан нафси қонмайди. Айниқса, қорни роса таталаб кетган кишига бунча егулик урвоқ ҳам бўлмайди. Худди шунга ўхшаб намозда рукуъни, саждани тўқис қилмаса, ибодати комил саналмайди.

Демак, намоз ҳусни мақбул бўлиши учун рукуъни, саждани мукаммал суратда амалга ошириш шарт экан. Чунки, кишининг намозга эътибори мана шундан билинади. Ихлосли мўмин банда Парвардигорига хушуъ билан эгилади, рукуъда белини тўғри тутаяди, кўркув билан, умид билан сажда қилади.

Жўп, шундай экан, бу борада бирон кўрсатма келганми? Қандай қилиб рукуъни, саждани тўқис адо этиш мумкин? Бу саволга қуйидаги ривоятдан жавоб оламиз.

НАМОЗНИ МУКАММАЛ ЎҚИШ БОРАСИДА НАБАВИЙ КЎРСАТМА

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ الْمَسْجِدَ فَدَخَلَ رَجُلٌ فَصَلَّى فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ فَارْجِعْ يُصَلِّي كَمَا صَلَّى ثُمَّ جَاءَ فَسَلَّمَ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: ارْجِعْ فَصَلِّ فَإِنَّكَ لَمْ تُصَلِّ ثَلَاثًا فَقَالَ: وَالَّذِي بَعَثَكَ بِالْحَقِّ مَا أَحْسِنُ غَيْرَهُ فَعَلَّمَنِي فَقَالَ: إِذَا

⁵⁹ Манба: Абулҳасан Муборакфурий, “Миръотул мафотих шарҳу мишкотил масобих”; Ободий, “Авнул маъбуд”.

فُتَّ إِلَى الصَّلَاةِ فَكَبَّرَ ثُمَّ أَمْرًا مَا تَيْسَّرَ مَعَكَ مِنَ الْقُرْآنِ ثُمَّ ارْكَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ رَاكِعًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَعْدِلَ فَإِنَّمَا تَنْسُجُدُ حَتَّى تَطْمَئِنَّ سَاجِدًا ثُمَّ ارْفَعْ حَتَّى تَطْمَئِنَّ جَالِسًا وَافْعَلْ ذَلِكَ فِي صَلَاتِكَ كُلِّهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам масжидга кирдилар. Шунда бир киши⁶⁰ масжидга кириб намоз ўқиди. (Намоздан чиқиб) Набий соллаллоху алайхи ва салламга саломга берди. У зот саломга алик олиб: “Орқанга қайтиб боргин-да, намоз(ингни бошқатдан) ўқи. Чунки сен намоз ўқимадинг!” дедилар. У бориб худди аввалгидек намоз ўқиди. Кейин келиб, Набий соллаллоху алайхи ва салламга салом берди. У зот уч марта: “Ортингга қайтиб бор, намоз(ингни қайтадан) ўқи. Чунки сен намоз ўқимадинг!” дедилар. Ҳалиги одам: “Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, бундан мукамалроқ ўқий олмайман. (Намозни қандай қилиб тўқис адо этишни) менга ўргатинг”, деди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: “Агар намозга турсанг, такбир айт. Кейин ўзингга муяссар бўлганича Қуръондан қироат қил. Кейин хотиржам бўлгунингча рукуъ қил. Кейин бошингни (рукуъдан) кўтар, токи (гавданг) тўғри бўлсин. Сўнг хотиржам бўлгунингча сажда қил. Кейин (бошингни саждадан) кўтариб, хотиржам ҳолда ўтир. Ҳар бир намозингда шундай қил”, дедилар (Бухорий, Муслим, “Сунан” соҳиблари ривоят қилган).

Ушбу ривоят намозни тўқис адо этиш ҳақидаги ҳукмларни қамраган буюк ҳадисдир. Унга кўра, “Халлод” исмли киши масжидга кириб, икки ракат нафл намоз ўқиди. Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам уни кузатиб тургандилар. Ҳалиги киши намоздан чиқди. Кейин Пайғамбаримиз олдиларига бориб салом берди. У зот саломга алик олганларидан сўнг дедилар:

– Ортингга қайтиб бор, намозингни бошқатдан ўқи. Чунки сен намоз ўқимадинг.

Халлод бориб, худди аввалгидек намоз ўқиди. Сўнг келиб, Набий соллаллоху алайхи ва салламга салом берди. Пайғамбаримиз уч марта:

– Ортингга қайтиб бор, намозингни қайтадан ўқи, – дедилар⁶¹.

Шунда Халлод ибн Рофеъ:

– Сизни ҳақ ила юборган Зотга қасамки, намозни бундан ортиқ чиройли ўқий олмайман. Мен тўғри қилишим ҳам, хатога йўл қўйишим ҳам мумкин. Шунинг учун менга намозни қандай ўқишни ўргатинг! – деб сўради.

Муаллим Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам унга намозни комил суратда ўқишни ўргата туриб:

– Агар намоз ўқимоқчи бўлсанг, аввал яхшилаб таҳорат қил. Кейин қиблага юзланиб, “Аллоху акбар”, деб такбир айт. Кейин бирон сурани ўқи. Ундан кейин хотиржам ҳолда рукуъ қил. Рукуъдан сўнг қаддингни ростла, тик тур. Шундан кейин хотиржам ҳолда сажда қил. Рукуъда ҳам, саждада ҳам бўғимларинг ҳаловат топсин. Саждадан кейин бошингни кўтар. Икки сажда ўртасида хотиржам ҳолда ўтир. Ҳар бир ракатда шундай қил, – дедилар⁶².

Мазкур ривоятдан қуйидаги фойдалар олинади:

1. Масжидга кирган одам, аввал нафл намоз ўқиши яхши экани.
2. Раҳбар қўл остидагилар қилаётган иш шариатга мосми-йўқми, қараб туриши лозимлиги, агар хато-камчиликлар бўлса, уни тузатиб қўйиши.
3. Намоз ўқиб бўлгандан кейин масжиддагиларга салом берилиши, қайта кўришганда такрор салом бериш жоизлиги.
4. Саломни эшитган одам унга алик олиши вожиблиги. Салом бериш суннат, унга жавоб қайтариш вожибдир.
5. Бирон нарсани билмайдиган киши илмсизлигини тан олиб, биладиганлардан ўрганиб олиши яхши экани.
6. Намоз ҳукмларини пухта ўзлаштирган инсон билмайдиганларга мулойимлик билан тушунтириши, намозни қай тарзда комил ўқиш йўл-йўриқларини кўрсатиши кераклиги.

⁶⁰ Ривоятда масжидга кириб, намоз ўқигани айtilган киши Халлод ибн Рофеъдир.

⁶¹ Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам бирон нарсани таъкидлаш учун жумлани уч марта такрорлардилар.

⁶² Манба: Ибн Ҳажар Асқалоний, “Фатҳул борий”.

7. Эшитувчи ёдлаши, амал қилиши қийин бўлмаслиги учун масалани қисқа, лўнда баён этиш кераклиги.

8. Рукуъни, саждани хотиржамлик билан қилиш, намоздаги ҳар бир амални шошилмасдан, эътибор билан бажариш лозимлиги.

9. Рукуъдан бошни кўтаргач, қоматни тик қилиш шарт экани. Бунда ҳам бироз турилади, суннатда келган дуолар ўқилади, рукуъдан бошни кўтариши билан тезда саждага кетилмайди.

10. Икки сажда ўртасида бироз тин олиш, хотиржам ўтириш кераклиги. Бунда “Роббиғфир лий, роббиғфир лий” деб дуо қилинади.

12. Намоз рукнларидан биронтасини бузган ёки чала қилган одам намозни қайтадан ўқийди. Сабаби унинг намози дуруст эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни чала ўқиган кишига хитобан: “Орқангга қайтиб бор, намоз(ингни бошқатдан) ўқи. Чунки сен намоз ўқимадинг!” деганлар.

НАМОЗ БАНДАНИ ГУНОҲДАН ҚАЙТАРАДИ, АММО...

Намоз фазилати улуғ, ҳикмати кўп ибодатдир. Унинг қалбга, танага фойдалари бисёр. Жумладан, намоз инсонга руҳий озуқа беради, қалбдаги ғиллу ғашликларни ювади. Намоз ўқиган киши – онадан туғилган чақалоқдек – гуноҳлардан фориг бўлади. Намоз кирланган қалбимизни артилган ойнадек топ-тоза қилади. Ибодатдан сўнг дили ғуборлардан покланган одам ёмон ишларга яқин йўламайди, яхшиликка мойил бўлади.

Аллоҳ таоло шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

“(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам,) Сиз ўзингизга ваҳий қилинган **Китоб – Қуръондан** (оятлар)ни тиловат қилинг, намозни тўқис адо этинг! Албатта намоз бузукликдан, ёмонликдан тўсади. Аниқки, Аллоҳни зикр этиш (барча нарсадан) улуғдир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни билиб туради” (Анкабут сураси, 45-оят).

Намозни ҳаммаям ўқийверади. Бироқ асл намозхон шариат ман этган ишлардан тийилади. Кимда-ким намоз ўқиб туриб ёмонликдан сақланмаса, намози ҳақиқий бўлмайди. Тўқис адо этилган намозгина инсонни гуноҳлардан, эгри йўллардан сақлайди. Чунки ихлос билан ўқилган намоз инсон қалбини нурга тўлдиради, имонини мустаҳкамлайди, тақвосини кучайтиради. Хушуъли намоз кишида ёмонликка нисбатан нафрат уйғотади, савобли ишларга хоҳишини оширади.

Намоз Аллоҳни зикр қилишдир. Аллоҳнинг зикри ҳамма нарсадан улуғ. Дунёда Аллоҳни ёд этишдан-да буюкрок, фазилатлироқ амал йўқ.

Аллоҳ таоло бандалар қилаётган ҳар бир ишни билади. Ким намозни тўқис адо этяпти, ким чала ўқияпти, ҳаммасини кўриб туради. Намозхонлар бирон-бир ҳолати Аллоҳ учун махфий эмас.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنَّ فُلَانًا يُصَلِّي بِاللَّيْلِ فَإِذَا أَصْبَحَ سَرَقَ قَالَ: إِنَّهُ سَيَنْهَاهُ مَا يَقُولُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَابْنُ أَبِي حَتْمَةَ وَصَحِيحٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Фалончи тун билан намоз ўқиб чиқади, аммо кундузи ўғрилиқ қилади”, деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қилаётган иши (яъни, ўқиётган намози) уни ўғрилиқдан қайтаради, – деб марҳамат қилдилар (Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Имом Бағавий машҳур саҳоба Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, бир ансорий йигит Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан беш вақт намоз ўқирди, лекин фахш ишлардан ўзини тия олмасди. Ҳалиги йигит қилиб юрган ишлари Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтилганида у зот: “Ўқиётган намози куни келиб уни (ёмонликдан) қайтаради”, деб марҳамат қилдилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай ўша йигит қилмишига пушаймон бўлиб тавба қилди, яхши томонга ўзгарди.

Абул Олия айтади: “Намозда учта хусусият бор: ихлос, кўрқув, Аллоҳни зикр этиш. Кимнинг намозида мана шу хислатлар бўлмаса, ўқиган намози намоз эмас. Ихлос бандани яхшиликка ундайди. (Аллоҳдан) кўрқиш гуноҳдан тўсади. Аллоҳни эшлаш эса яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаради⁶³”.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ لَمْ تَنْهَهُ صَلَاتُهُ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ لَمْ يَزِدْ مِنْ اللَّهِ إِلَّا بُعْدًا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Ибн Аббос⁶⁴ розияллоху анҳумодан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Намоз кимни фаҳшдан, ёмон ишлардан қайтармаса, Аллоҳ тарафидан фақат ҳалокатни (ёки узокликни) зиёда қилади”, деганлар (Табароний ривоят қилган⁶⁵).**

Хушуъсизлик асосан икки нарсага олиб боради:

1. Бузуқ ишлардан тийилмаслик.

2. Қиёмат куни муваффақият қозона олмаслик. Зеро, Аллоҳ таоло охиратда нажот топиш намоздаги хушуъга боғлиқлигини айтган.

Намоздан кўзланган асосий мақсад ҳам хушуъдир. Чунки хушуъсиз намоз руҳсиз танага ўхшайди. Хушуъсиз намоз совуқ, жонсиз намоздир. Шунинг учун ҳам бундай намоз кишига ҳеч қанақа таъсир ўтказмайди, уни гуноҳлардан сақламайди, яхшиликка рағбатини кучайтирмайди.

Намозхон бўлса-да, тилини беҳуда сўзлардан тиймайдиган, одамларни ғийбат қиладиган, алдайдиган, ўзгалар ҳақини ейдиган, тарозидан урадиганлар ҳақида эшитамиз. Нима учун намоз уларга фойда бермайди? Намозхон гуноҳлардан сақланаши керак-ку? – деб сўраладиган бўлса, жавобимиз қуйидагича: Намозни Аллоҳ буюрганидек тўқис адо этмаслик мана шундай оқибатларга сабаб бўлади. Агар намоз қуруқ тана аъзолари ҳаракатидан иборат бўлса, унда руҳ, ҳаловат, сакинат бўлмаса, ундай намоз комил ибодат эмас. Чала намоз самараси киши хулқида, муомаласида кўринмайди. Шунинг учун, афсуски, намозхонлар орасида мана шунақа номаъқул ишларни қиладиганлар ҳам учраб туради.

Лекин “Намозхон фариштадек оппоқ бўлади, биронтаям гуноҳ қилмайди”, дейилмайди. Банда камчиликдан холи эмас. Намозхон бошқалардан фарқли ўларок, ожизлик қилиб ёки билмасдан хатога йўл қўйса, дарров тавбага шошилади, Аллоҳга илтижо этиб гуноҳини кечиришни сўрайди. Шунда Мехрибон Аллоҳ банда гуноҳидан ўтади. Шу йўл билан яна Парвардигорига яқин бўлади, оғир руҳий босимдан қутулади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: رَبِّ صَائِمٍ لَيْسَ لَهُ مِنْ صِيَامِهِ إِلَّا الْجُوعُ وَرَبِّ قَائِمٍ لَيْسَ لَهُ مِنْ قِيَامِهِ إِلَّا السَّهَرُ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Хурайра розияллоху анҳу Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Шундай рўзадор бор, унинг рўзадан насибаси фақат очликдир. (Кечаси) қоим бўлувчи яна шундай (банда ҳам) бор, унинг қоим бўлишидан насибаси фақат уйқусизликдир” (Насоий, Ибн Можа ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).**

⁶³ Абд ибн Хумайд ривоят қилган.

⁶⁴ Бу борада бошқа ривоятлар ҳам бор. Жумладан:

1. Имрон ибн Хусоин розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан “Албатта, намоз бузуқликдан, ёмонликдан қайтаради” ояти ҳақида сўралди. Шунда у зот: “Кимнинг намози уни фаҳшдан, мункар ишлардан тиймаса, унинг учун намоз йўқ”, дедилар (Ибн Абу Ҳотим, Ибн Мардавайх ривоят қилган).

2. Ҳасан розияллоху анҳу Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимнинг намози уни бузуқликдан, ёмон ишлардан қайтармаса, унинг учун намоз йўқ” (Байҳақий, Абд ибн Хумайд, Ибн Жарир ривоят қилган).

3. Ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Намозиға эргашмаган (одам) учун намоз йўқ. Намозға эргашиб фаҳшдан, ёмон ишлардан тийилишдир”, деганлар (Абд ибн Хумайд, Ибн Жарир, Ибн Мардавайх ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

⁶⁵ Ривоят санадида Лайс ибн Абу Сулайм бор. У ишончли ровий, аммо мудаллисдир (Манба: Хайсамий, “Мажмауз завод”).

Банда рўза тутса-ю, Аллоҳга такво қилмаса, кун бўйи оч юргани, чанкагани қолади. Унга ҳеч қандай савоб берилмайди. Шунингдек, тунда таҳажжуд намозини ўқиса-ю, бироқ Аллоҳ ва Расули қайтарган ишлардан тийилмаса, намозни ихлос билан ўқимаса, кечаси билан мижжа қоқмай чиққани, қийналгани қолади.

Хуллас, хушуъсиз намоз шаклий (яъни, фақат тана аъзолари ҳаракатидан иборат) намоз бўлиб қолади. Бундай ноқис ибодатда файз-барақа бўлмайди. Ўз-ўзидан хушуъсиз намоз кишини мункар ишлардан қайтармайди. Агар банда намознинг фарзу вожибларини, суннату одобларини сақласа, намоз ҳам уни – Аллоҳнинг изни билан – турли шикаст-балолардан ҳимоя қилади, гуноҳлардан тияди.

ҲАҚИҚИЙ МУФЛИС КИМ?

Намоз ўқийдиган, рўза тутадиган, закот берадиган одам қўлини, тилини гуноҳлардан сақламаса, оқибати яхши бўлмайди. Куйидаги ривоят киши эътиборини мана шу масалага қаратади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَتَدْرُونَ مَا الْمُفْلِسُ؟ قَالُوا: الْمُفْلِسُ فِينَا مَنْ لَا دِرْهَمَ لَهُ وَلَا مَتَاعَ فَقَالَ: إِنَّ الْمُفْلِسَ مِنْ أُمَّتِي يَأْتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ بِصَلَاةٍ وَصِيَامٍ وَزَكَاةٍ وَيَأْتِي قَدْ شَتَمَ هَذَا وَقَذَفَ هَذَا وَأَكَلَ مَالَ هَذَا وَسَفَكَ دَمَ هَذَا وَضَرَبَ هَذَا فَيُعْطَى هَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ وَهَذَا مِنْ حَسَنَاتِهِ فَإِنْ فَنِيَتْ حَسَنَاتُهُ قَبْلَ أَنْ يُقْضَى مَا عَلَيْهِ أُخِذَ مِنْ خَطَايَاهُمْ فَطُرِحَتْ عَلَيْهِ ثُمَّ طُرِحَ فِي النَّارِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Муфлис кимлигини биласизларми?” деб сўрадилар. Улар: “Бизнингча, муфлис дирҳами, ҳеч вақоси йўқ кишидир”, дейишди. Шунда у зот: “Умматимдан (бўлган) муфлис қиёмат куни намоз, рўза, закот билан келади. Шу билан бирга буни сўккан, бунга тўхмат-бўхтон қилган, бунинг молини еган, бунинг қонини тўккан, буни урган ҳолида келади. Шунинг учун бунга ҳам, унга ҳам унинг савобларидан (олиб) берилади. Агар (зулм қилган киши) зиммасидаги (қарзлари) тўланишидан аввал савоблари тугаб қолса, (даъвогарлар) гуноҳи унга юкланади. Кейин жаҳаннамга ташланади”, дедилар (*Муслим, Термизий, Аҳмад ривоят қилган*).

“Муфлис” деганда мол-мулкидан айрилган, касодга учраган одам тушунилади. Бундай киши бор будидан айрилгани ёки иқтисодий инкироз туфайли жудаям танг аҳволда қолади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Муфлис кимлигини биласизларми?” дея савол берганларида саҳобалар “Муфлис пули, мол-мулки йўқ камбағал одам”, деб жавоб қайтаришди. Шундан сўнг Расулulloҳ алайҳиссалом охиратда ўта ночор ҳолга тушадиган киши ҳақиқий муфлис эканини айтдилар.

Қиёмат куни уммати муҳаммадия аъзоларидан бири ҳисоб-китоб қилиниш учун Аллоҳ хузурига келади. Унинг номаи аъмолида намоз, рўза, закотнинг тоғдек улкан савоблари бўлади. Сиртдан қараганда, бундай одам ҳисоби енгил ўтадигандек, номаи аъмоли ўнг тарафдан берилиб, жаннатга қирадигандек кўринади. Бироқ ҳали иш ниҳоясига етгани йўқ. Чунки унинг одамлар билан ўзаро олди-бердиси турибди: у кимнидир сўккан, ҳақоратлаган, кимнингдир ҳурматини оёқ ости қилган, аллакимга бўхтон тошларини отган, бировлар ҳақини еган, тарозидан урган, яна кимнингдир қонини ноҳақ тўккан, одам ўлдирган, бошқаларга қўли билан азият етказган, урган, калтаклаган. Хуллас, унинг бировлардан анча-мунча қарзи бор⁶⁶. Шунда намози, рўзаси, закоти савобидан ҳалиги ишлари учун бадал тўланади. Яъни, қилган жинойтлари эвазига унинг савоблари мазлумларга олиб берилади. Агар гарданидаги қарзлари тўлаб бўлинмасидан олдин савоблари тугаб қолса, мазлумлар гуноҳи унинг бўйнига юкланади. Шундан кейин – гуноҳига яраша жазоланиши учун – дўзахга ташланади...

⁶⁶ У қўлида 5000 динор пули бор одамга ўхшайди. Кишилар уни бой деб ўйлашади. Шунча пули бўлса-да, лекин бўйнида 8000-9000 динорлик қарзи бор. Ундаги маблағ қарзни тўлашга етмайди. Қиёматдаги муфлис ҳолати ҳам шундай. Солиҳ амаллари савоби мазлумларга етказилган зарарни қоплашга камлик қилади.

Чиндан ҳам, бундай одам ҳақиқий муфлисдир. Молидан айрилган, инқироз кўчасига кириб қолган ёки қўли калта одам чинакам муфлис эмас. Зеро, бундай қийинчиликлар дунё ҳаёти тугаши билан ниҳоясига етади. Бироқ охиратдаги муфлислик том маънодаги инқироздир. У ерда зиммадаги қарзлар пул билан, узр-маъзур айтиш билан эмас, фақат савоблар билан тўланади. Инсон фарзанди дунёда минг машаққат билан ибодат қилса-ю, ҳузурини бошқалар кўрса, захмат чекиб ишлаган савобларидан бир зумда айрилса... Буям етмаганидек жаҳаннамга ташланса... Бундан ҳам ортиқ ҳалокат, мағлубият бўладими?

Демак:

1. Қуруқ намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ёки ҳажга бориб-келиш билан иш битмайди. Солиҳ амалларни бажаришдан ташқари гуноҳлардан, айниқса, ўзгалар ҳақи билан боғлиқ оғир гуноҳлардан: ғийбат, тухмат, ҳақорат, уриб-сўқиш, ўғрилиқ, одам ўлдириш ва ҳоказолардан тийилиш ҳам зарур. Зеро, тириклигида қилган жиноятлари сони ҳаддан зиёд кўпайиб кетса, намоз ҳам, рўза ҳам, закот ҳам фойда бермай қоларкан. Чунки қинғир ишлар гуноҳини ювиш учун эгзу амаллар савоби камлик қилиб қолиши хавфи бор.

2. Охиратда ҳар бир иш Аллоҳ тарафидан ҳисоб қилинади. Агар бирон киши дунёда зулм кўрган бўлса, унинг ҳақи золимдан олиб берилади. Ҳеч бир ҳолат, ҳатто икки тараф аллақачон унутиб юборган майда масалалар ҳам назардан четда қолмайди. Дунёда топталган ҳақ-ҳуқуқлар қиёмат куни ўз эгаларига олиб берилади.

3. Банда тириклигида кимдан қанча қарзи бўлса, ҳаммасини тўлагани, кўнглини ўқситган одамлардан узр сўраб, розилигини олгани маъқул. Чунки ўзаро ҳисоб-китобларни охиратга қолдирмасдан, кўзи очиклигида ҳал этиб олинса, эрта қиёмат куни иши енгилроқ бўлади.

НАМОЗ – МЎМИННИНГ СУЯНЧИ

(Ибратли ҳикоя)

Бир отахон уруш йилларида бошидан ўтказган воқеаларни ҳикоя қилиб берди:

“Ўн икки минг киши олмонлар лагеридан тутқун эдик. Бизга умуман овқат беришмасди. Аввал ўт-ўланларни едик, қанча одам шишиб ўлди. Кейин томирларни кавлашга тушдик, чунки ер шип-шийдам чўлга айланганди. Ҳар куни юзлаб одам жон берар, менинг ҳам ажалим кўзим олдидан ўтарди. У ерлардан қутулиб чиқишга заррача ишонч йўқ эди. Шунда ибодатга қаттиқ берилдим. Олдин ҳам намоз ўқирдим, лекин ўлимга рўпара туриб адо этганларим бошқача бўлди. Назру ниёз фақат Аллоҳга эди. Ундан бошқасини унутган, Ундан бошқасидан умидимни узгандим.

Шундай кунларнинг бирида чеккароқда хуфтон намозини ўқиётсам, ёнимга бир нарса тап этиб тушди. Намозни тугатиб қарадим, симнинг у ёғидаги соқчи ўша нарсага имо қилди-да, нари кетди. Олиб очсам, кўрда пиширилган картошка экан! Юрагим ҳаққирини кўринг. Дарҳол қўйнимга тикдим. Сўнг ухлаган бўлиб, секин шима бошладим. Чайнашга кўрқаман, чунки оғзимда бир нарса борлигини билишса, мени талаб кетишлари аниқ эди.

Эртасига ҳалиги аскар яна картошка ташлади. Икки кундан кейин яна... Кунора келиб турган ризқим менга қувват бағишларди. Аскар билан шу тариқа “оға-ини” бўлиб олдик.

Қисқаси, ризқим тугамаган экан, етиб турди. Уни қаердан, қандай етказишни ризқ берувчи Зот яхши билади. Аммо, болаларим, бу ризқ фақат намозим сабабли эди. Ахир намоз ўқимасам, ўша аскар мени шунча маҳбус орасидан қандай таниб оларди?!

Шундай қилиб, ўлим лагеридан омон чиқдим. Сўнг бизни қонларда ишлатишди. Қанча одам у ерда ўлиб кетди. Мен эса Аллоҳнинг марҳамати билан яна омон қолдим. Советлар ғалаба қозонганидан кейин маҳбусларнинг кўпчилиги, сотқин, дея отишга, қамокқа ҳукм қилинди, аммо менинг пешонамга омонлик ёзилган экан, соғ-саломат юртимга қайтдим. Шунинг учун ҳамиша Аллоҳга суянинглар, намоз билан Аллоҳдан мадад сўранглар...”

Бу ҳикоядан кейин даврадагилар буюк бир ишга – намозга шайландилар. Зеро, вақти ҳам кириб қолган эди⁶⁷.

⁶⁷ Манба: “Ҳилол” тақвимининг 2004-йилги 8-сони.

ХУШУЪЛИ НАМОЗ КЎЗ ҚУВОНЧИ, ҚАЛБ РОҲАТИДИР

Ҳақиқий мўмин банда намозда ўзини Рабби ҳузурда тургандек сезади, У Зотга муножот этади, илтижолар, дуолар қилади. Бу билан кишининг дили чексиз ҳузур-ҳаловатга тўлади, руҳи енгиллашади, қалбини ўртаётган ғам-андуҳлари ортга чекинади.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Шак-шубҳасиз, Биз улар (масхара қилиб) айтаётган сўзларидан дилингиз сиқилишини биламиз. Шундай экан, Сиз Парвардигорингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг, сажда қилувчилардан бўлинг. (Шунда Аллоҳ қалбингиздаги ғам-андуҳни кетказади! Шунингдек,) Сизга аниқ нарса (яъни, ўлим вақти) келгунича Парвардигорингизга ибодат қилинг!” (*Ҳижр сураси, 97-99-оятлар*).

Яъни: эй Муҳаммад, мушриклар Сизни инкор этаётганлари учун дилингиз сиёҳлигини биламиз. Сиз бундан асло сиқилманг, Парвардигорингизни зикр қилинг, намоз ўқиб У Зотдан ёрдам сўранг! Зеро, Раббингизга ибодат қилсангиз, ғам-ташвишларингиз арийди.

Азиз диндошим! Агар сизга тўсатдан хавф-хатар келса, бошингиз ғамдан чиқмаса ёки қалбингизни тушкунлик илллати қамраб олса, намоз ўқинг. Агар ишларингиз қийинлашиб, макр-ҳийла кўпайиб кетса, намоз ўқишга ошиқинг. Шунда руҳингиз ором олади, нафсингиз хотиржам бўлади, тушкун кайфият сизни тарк этади. Намоз ғамларимиз муолажаси, дардларимиз давосидир. У дилимизни ишонч туйғусига, розилик ҳисларига тўлдиради.

Аллоҳ таоло бандаларига шундай хитоб қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Сабр ва намоз ўқиш билан мадад сўранглар! Албатта (намоз ўқиш) оғир ишдир. Магар Парвардигорларига рўбарў бўлишларини, Унинг ҳузурига қайтувчи эканларини биладиган шикастанафс зотларга (оғир эмас)” (*Бақара сураси, 45-46-оятлар*).

Муаммолар кўпайиб, қатъият сусайган бир пайтда намоз бандага куч бағишлайди, уни сабрли бўлишга ундайди. Намоз тоатни янгилаб турувчи восита, қалбни озиклантирувчи илоҳий кучдир. У сабр арконини мустаҳкамлайди, узилиб кетишидан асрайди. Зеро, қуввати чекланган инсон доим мадад олиб туришга, ёмонликларга қарши курашиш учун ёрдамга муҳтождир. Шаҳватлар, эҳтирослар тугён урганда, йўл узайиб, қисқа умрида машаққатлар кўпайиб кетганида инсонга далда, хотиржамлик берувчи воситага – намозга эҳтиёжи янаям ортади. Мана шунда намознинг ҳақиқий қиймати билинади. Чиндан ҳам, намоз қуримас булоқ, жазирама кундаги ёқимли шаббода, ҳолдан тойган қалб учун юпанч, меҳрибон овутовчидир. Намоз бандани Аллоҳга боғлайди, Унга яқинлаштиради, раҳматига ноил қилади. Шунинг учун улуғ пайғамбарлар бирон муаммога дуч келишса, намоз ўқишган⁶⁸. Жумладан, анбиёлар саййиди Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам мушкул вазиятда қолсалар, ибодат қилиб Аллоҳдан мадад сўрадилар.

عَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا حَزَبَهُ أَمْرٌ صَلَّى. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ
وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бошларига бирон юмуш тушса, намоз ўқишга чоғланардилар (Абу Довуд, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон нарсага муҳтож бўлсалар, танг аҳволда қолсалар оила аъзоларига мурожаат қилиб: “Эй аҳлим! Намоз ўқинглар, намоз ўқинглар!” деб айтардилар⁶⁹.

Расулуллоҳ кўз қувончини намозда деб билганлар. Намоз ўқиб роҳатланар, Аллоҳга юкиниб ўзларини енгил ҳис этардилар, қалбларини намоз билан сайқаллаб олардилар. Шу сабаб бўлса керак,

⁶⁸ Манба: Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривояти.

⁶⁹ Манба: Байҳақий, “Шуабул имон”; Табароний, “Авсаг”; Аҳмад ибн Ҳанбал, “Зухд”; Абу Нуайм, “Ҳилиятул авлиё”.

нажот сари чорловчи муаззин Билолга қараб: “Эй Билол! Намозга иқомат айт, бизни роҳатлантир!” дердилар.

عَنْ سَالِمِ بْنِ أَبِي الْجَعْدِ قَالَ: قَالَ رَجُلٌ قَالَ مَسَعَرٌ أَرَاهُ مِنْ خُرَاعَةَ: لَيْتَنِي صَلَّيْتُ فَاسْتَرَحْتُ فَكَأَنَّهُمْ عَابُوا عَلَيْهِ ذَلِكَ فَقَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: يَا بِلَالُ أَقِمِ الصَّلَاةَ أَرْحَنَّا بِهَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ.

Солим ибн Абу Жаъддан ривоят қилинади: “Бир киши (Мисъарга кўра, у Ҳузоза қабиласидан эди) шундай деди: “Қани энди намоз ўқиб, бир истироҳат қилсам!” деди. Одамлар уни (нг гапани нотўғри тушуниб,) айблашди. Шунда ҳалиги киши: “Мен Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Билол, намозга иқомат айт, у билан бизни роҳатлантир”⁷⁰”, деганларини эшитганман”, деди” (Абу Довуд, Аҳмад, Табароний ривоят қилган⁷¹).

Арабча “истироҳат” сўзи “ҳордиқ чиқариш”, “хузурланиш”, “роҳатланиш” маъноларини англатади. Баъзилар хузоалик кишининг “Қани энди намоз ўқиб, бир истироҳат қилсам!” деган гапани нотўғри тушунишган⁷², намозни оғир иш деб билипти, деб ўйлашган. Лекин ҳалиги киши Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам Билол ибн Абу Рабоҳ розияллоҳу анҳуга айтган ҳадисларини мисол қилиб келтирганида жим бўлиб қолишган.

Намозни тўқис адо этадиган, қалби ва юзи ила Парвардигорига иқбол қиладиган банда гуноҳлари кечирилади. У намоздан чиқар экан, ўзини енгил сезади, қалбида ғайрат-шижоат, руҳида тиниқлик пайдо бўлади. Намознинг мазасини тотиб кўрган инсон намоздан чиққиси келмайди, тақрор-тақрор Аллоҳга юкиниш, тазарруъ қилиш пайида бўлади. Ҳақиқатан, намоз банда учун роҳат манбаи, қалбига илоҳий хузур бағишловчи неъматдир. Мўмин банда намозга кирса, ғамларини унутиб маза қилади, дунёнинг чеки йўқ муаммоларидан биров бўлса-да узоқлашади, фикру хаёли Яратган Эгаси – Улуғ Аллоҳ зикри ила банд бўлади. Дунё ҳақида ўйлаш, унга қаттиқ боғланиб қолиш руҳ учун азоб. Аллоҳни эслаш, Унга хушў-ла юкиниш, ёлвориб илтижолар қилиш эса роҳатдир.

Яратганга бевосита илтижо этиш шунчалар лаззатлики, агар подшоҳлар унинг мазасини билиб қолганларини ўша лаззатни тортиб олиш учун мўминнинг қалбига лашкар тортган бўларди, дейишади машойихлар. Мўмин ўша лаззат учун бор-йўғини фидо этишга рози. Қолаверса, унга ўрганиб қолган қалб ҳеч қачон уни тарк этолмайди⁷³.

Бу – имтиҳон дунёси. Имони заиф ёки эътиқодсиз кимсалар бирон муаммо қаршисида эсанкираб, нима қилишларини билмай қолади, кўзёш тўқиб, тушкунликка тушади, ҳолатидан нолийди, ҳатто баъзилар ароқ ичишга муккадан кетади. Бундай қуруқ шикоятлар, ҳасратлар киши аҳволини енгиллаштирмайди. Чунки қалбда имон бўлмаганидан кейин оғир дамларда Аллоҳдан мадад сўраш, Парвардигорига янада маҳкамроқ боғланиш ўрнига ҳиссиётга берилади, оқилона қарор чиқариш йўллари топиш ўрнига бор аламини ҳаром-ҳариш ичимликлардан олади. Оқибатда аҳволи янада оғирлашади. Мўмин банда бундай вазиятда Аллоҳга юкинади, ўтинади, илтижо этади, намоз-ла У Зотдан кўмак сўрайди, кўнгил тубидаги дарду ҳасратларини Яратганга арз қилади, илоҳий марҳаматга дохил бўлиш умидида зикр-тасбеҳларни, салавотни, истиғфорни янада кўпайтиради, ибодатга қаттикроқ киришади. Натижада боши узра тўпланган қора булутлар арийди, Аллоҳнинг ёрдами ила мушкул вазиятдан эсон-омон чиқиб кетади.

Ҳис-туйғуларини жиловлай олмайдиган, ҳаяжонга берилувчан киши кутилмаганда машаққатга йўлиқса, дарров холдан тояди, қайғуравериб уйқусизликка дучор бўлади. Ғазабланган кишининг туйғулари кўпираниди, ичида яшириниб ётган иллатлар юзага чиқади. Хурсандчилик пайтида ҳаяжони

⁷⁰ Яъни, Эй Билол, намозга азон айт, уни ўқиб роҳатланайлик, қалбимиз ибодат ила машғул бўлсин.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқишни ўзлари учун роҳат деб билганлар, намоздан бошқа дунёвий ишларни ҳорғинлик санаганлар (Манба: Абулҳасан Муборакфурий, “Миръотул мафотиҳ шарҳу мишкотил масобих”).

⁷¹ Шуайб Арнаут “Муснаду аҳмад ибни ханбал” таҳрижида айтади: “Имом Аҳмад ровийлари ишончли, лекин Солим ибн Абу Жаъд борасида ихтилоф қилинган”.

⁷² Яъни, улар хузоалик киши гапани “Намоз ўқигандан кейин биров ҳордиқ чиқарай”, деб тушунишган.

⁷³ Манба: “Ҳидоят” журналининг 2001-йилги 3-сон.

ичига сиғмаган шахс енгилтак бўлиб, шодлик гирдобиди ўзини унутиб қўяди, қадрини туширади. Ҳиссиётларини бошқара оладиган, ҳар нарсани тарозига солиб, ўлчаб кўрадиган инсон ҳақни кўра биледи, тўғри йўлни танлай олади.

Аллоҳ таоло инсонни мағрур, мактончок деб сифатлаган. Қачон унга камбағаллик келса, бирон ёмонлик етса, сабрсизлик қилади. Агар яхшилик – бойлик ёки саломатликка эришса, бахиллик тўнини кияди. Фақат намозхонларгина кулфат чоғида ҳам, шодлик пайтида ҳам ўртача ҳолатда қолишади: фаровонликка шукр, мусибатга сабр қилишади. Демак, хушуъли намоз инсон ҳаёти бир маромда кечишини ҳам таъминлайди.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: حُبَّبَ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا: النَّسَاءُ وَالطَّيِّبُ وَجُعِلَتْ قُرَّتُهُ عَيْنِي فِي الصَّلَاةِ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Анас розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Менга дунёдан аёллар, хушбўйлик севимли этилди. Кўзимнинг қувончи”⁷⁴ эса намозда қилинди” (Насоий, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ⁷⁵).

Намозда зикрнинг барча турлари мужассам. Унда кироат, дуо, тасбеҳ, ҳамд, такбир, салават, истиғфор бор. Намозни маромига етказиб ўқиган инсон ҳаловат топади. Бу лаззатни моддий неъматлар бера олмайди. Чунки улар фақат тана аъзоларимизни хузурлантиради. Намоз эса қалбимизга ҳам, танамизга ҳам ором бағишлайди. Бироқ намоз ҳаммага ҳам бирдек роҳатбахш ибодат эмас. У ҳақиқий ошиқ, обид бандаларгагина кўз қувончини ҳадя этади. Қалби Аллоҳ зикридан йирок, охират ташвишидан ғофил банди намозга дангасалик қилади, ўқиса ҳам эриниб туради. Нега? Чунки унда ихлос йўқ, хушуъ йўқ, Аллоҳнинг азобидан қўрқмайди, раҳматидан умид қилмайди. Шунинг учун намозни пала-партиш ўқиб, яна бошқа ишларга шўнғиб кетади.

Тарих китобларида ёзилишича, мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга бирон масала мушкул келса, шогирдларига: “Қилган гуноҳларим туфайли шундай бўляпти”, деб таҳорат қилар, икки ракат намоз ўқирди, истиғфор айтарди. Шундан кейин қийин масала ўз ечимини топарди⁷⁶.

Мусибатга учраган одам яхшилаб таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқисин, ҳаёлини бир ерга жамлаб, ихлос билан ибодат қилсин, қалб тўридаги дил розларини Аллоҳга тўқиб солсин, Буюк Парвардигоридан мадад сўрасин. Ана шунда Аллоҳ унга кўмак беради, қийин вазиятдан чиқаради. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга тавсия этган нажот йўли шу.

Қизиғи шундаки, ҳатто бирон жойимиз оғриганида ҳам намоз ўқисак, танамиз яйрайди, мушқулимиз осон бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: هَجَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَهَجَرْتُ فَصَلَّيْتُ ثُمَّ جَلَسْتُ فَالْتَفَتَ إِلَيَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: اشْكَمْتُ دَرْدًا قُلْتُ: نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: ثُمَّ فَصَلَّ فَإِنَّ فِي الصَّلَاةِ شِفَاءً. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Куннинг қоқ ўртасида, қуёш айна қиздирган маҳалда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга юрдим. Кейин туриб намоз ўқиб, жойимга келиб ўтирдим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга разм солиб туриб: “Қорнинг оғрияптими?” деб сўрадилар. Мен: “Ҳа, эй Расулulloҳ!” дедим. Шунда у зот:

⁷⁴ Ҳадис таржимасида “кўзимнинг қувончи” деб ифодаланган бирикма арабча матнда “қурроту айний” тарзида келган. “Қорра” сўзи “бирон жойда қарор топиш”, “хотиржам бўлиш”, “совимок” маъноларини англатади. “Қурротул айн” эса “кўз қувончи”, “шодлик”, “хурсандчилик” мазмунида қўлланади. Айтилишича, “Қурротул айн” совиш маъносидадир. Зеро, инсон хурсандчиликдан йиғласа, кўзидан муздек кўз ёш чиқади. Агар ғамга ботганидан, аламидан йиғласа, иссиқ (аччик) кўз ёш чиқади (Манба: Роғиб Исфохоний, “Муфрадоту алфозил куръон”).

⁷⁵ Шуайб Арнаутга кўра, Аҳмад ибн Ҳанбал келтирган ривоят санади ҳасан.

⁷⁶ Манба: Васлий Самарқандий, “Имом Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар”; “Ҳилол” тақвимининг 2008-йилги 3-сон.

“Ўрнингдан тургин-да, намоз ўқи! Чунки намозда шифо бор”, деб марҳамат қилдилар” (Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Намоз ризқни баракали қилади, соғлиқни тиклайди, азиятни кетказди, касалликни ҳайдайди, юракни бақувват қилади, кўнгилга шодлик бағишлайди, дангасаликни аритади, танани тетиклаштиради, куч-қувватни оширади, дилни равшан қилади, руҳни озиклантиради, юзни нурли қилади, азобни қайтаради, барака келтиради, шайтонни узоклаштиради, Аллоҳга яқинлаштиради. Бир сўз билан айтганда, қалбни, танани касалликлардан сақлашда намознинг ўрни бекиёс⁷⁷.

НАМОЗ ШИФО БЎЛДИ

(Ибратли ҳикоя)

Бир муслима аёл намоздан топган ҳузур-ҳаловати ҳақида шундай ҳикоя қилади:

“Уйимиз дала ёнида, дарвозамиз яқинида катта зовур бор эди. Кўпинча зовур ичидаги булоқдан сув олардик.

Бир куни шомга яқин булоқдан сув олиб уйга кирдим. Негадир ўзимни ғалати сездим. Тун бўйи нимадир безовта қилиб чиқди. Ухлаёлмадим, аллақандай тушлар кўрдим...

Аввалига буни ҳеч кимга айтолмадим. Кейинроқ аямга ёрилдим. Чунки кечалари сира ухлаёлмас, аллақандай қора, думалоқ, жундор бир нарса кўзимга кўринар, бир хунук башара пайдо бўларди-да, бўға бошларди. Аямни, дадамни ёрдамга чақириб алаҳсирардим. Аммо улар мени эшитишмас, чунки овозим чиқмасди.

Хуллас, ҳаммасини бирма-бир аямга сўзлаб бергач, ўпкам тўлиб йиғлаб юбордим. У ёқ-бу ёққа қаратдик, аммо фойдаси бўлмади.

Икки йил шундай азобландим. Ниҳоят мактабни битириб, Тошкентга ўқишга келдим. Ҳаммаси энди барҳам топар, деб ўйлагандим, аммо...

Институтга кирдим. Талабаликнинг илк йиллари. Биласиз, бу давр қанчалар шод-хуррамлик даври бўлади. Лекин менга асло татимасди. Кечалари ҳамон безовталанар, аҳволимни хонадошларим билиб қолишларидан уялардим. Ҳар тун улар ухлаганидан кейингина дам олишга ётардим.

Аммо қачонгача яшира олардим? Ҳамхоналаримдан бири намозхон бўлиб, ярим кечалари ибодатга турарди. У тунги алаҳсирашларимдан хавотирга тушибди. Эрталаб мени ёнига чақириб, қандай дардим борлигини сўради. Ўртоғимга ҳам аямга айтганимдек дардимни тўкиб солдим-у, йиғлаб юбордим. У эса жилмайиб қўйди. “Бу дарддан халос бўлиш йўлини ўргатаман”, деб намоз ўқишим кераклигини айтди. Кечқурунлари таҳорат қилиб, ўзимга дам солиб ётишимни, яна билишим зарур кўп нарсаларни ўргатди.

Аввалига, барибир фойдаси бўлмайди, деб қўл силтадим. Кейинчалик унинг далдаси билан намоз ўқишни бошладим.

Ниҳоят, илк бор намоз ўқиб уйкуга ётдим. Ўша тун бирам мириқиб ухладимки... Неча йиллардан бери уйқудан энди ором топишим эди. Аста-секин намоз ҳаловатини сеза бошладим, рукуъ-саждаларни яхши кўриб қолдим. Кечалар ётишдан олдин таҳорат қилиб, Қуръон ўқиб, ўзимга дам солишни қанда қилмасдим. Йиллар давомида қийналиб, ҳатто анча сарф-харажатлар эвазига топилмаган давони намоздан топганим учун бениҳоя хурсанд эдим. Бу ҳол Мехрибон Аллоҳнинг менга бир маҳраматини эканидан қувонаман⁷⁸.

НАМОЗГА ЧИРОЙЛИ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

Хушуъ топиш ниятидаги инсон намозга гўзал суратда тайёрланади. Бунинг учун намоздан бошқа масалалар хаёлдан чиқарилади, ибодатдан тўсувчи нарсалар тарк этилади. Дилга намоз ўқиш нияти тугилиб, мукамал таҳорат қилинади: мисвок билан тишлар тозаланади, таҳоратнинг фарз, суннат, мустаҳаблари тўла бажарилади. Шу ўринда таҳорат қилиш фазилати ҳақида айтилган бир

⁷⁷ Манба: Муновий, “Файзул кодир”.

⁷⁸ Манба: “Ҳидоят” журналининг 2003-йилги 6-сон.

муборак ҳадис билан танишиб чиқсак. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилганда кўзлар, кўл-оёқлар билан содир этилган барча гуноҳлар сув билан бирга чиқиб кетишини айтганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوْ الْمُؤْمِنُ فَعَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا عَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ فَإِذَا عَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَشَتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَفِيًّا مِنَ الذُّنُوبِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Агар мусулмон ёки мўмин банда таҳоратда юзини ювса, юзидан икки кўзи қараб қилган барча гуноҳлари сув билан ёки сувнинг охириги томчиси билан чиқиб кетади. Агар кўлини ювса, икки кўли ушлаб содир этган ҳамма гуноҳлари сув билан ёки сувнинг охириги томчиси билан чиқиб кетади. Агар оёғини ювса, оёғи (билан) юриб содир этган жами гуноҳлар сув билан ёки сувнинг охириги қатраси билан чиқиб кетади. Шундай қилиб гуноҳлардан (бутунлай) покланади” (Муслим, Термизий, Молик, Аҳмад ривоят қилган).

Маълумки, инсоннинг юзи, кўли, оёғи, боши қолган аъзоларига қараганда кўпроқ кир бўлади. Бу аъзолар тез-тез покланмаса, кишидан бадбўй ҳид келиб туради. Бошқа томондан қараганда, инсоннинг айнан мана шу тўрт аъзоси гуноҳ қилишда асосий вазифани бажаради. Аллоҳ таоло бандаларига шунчалик меҳрибонки, уларга кунда беш маҳал гуноҳлардан покланиш имконини берган. Агар таҳорат қилаётганимизда ҳар бир аъзоимиздан гуноҳлар тўкилаётганини хаёлдан ўтказсак, таҳоратга эътиборимиз ортади, қалбимизда ихлос пайдо бўлади⁷⁹.

Кўпчилик таҳоратни намоздан олдин қилинадиган оддий бир амал, деб билади. Аслида таҳорат ҳам ибодат. Чунки таҳорат олган кишининг гуноҳлари ювилади, руҳи ҳам, жисми ҳам покланади. Шунинг учун таҳоратга алоҳида эътибор билан қаралади. Чунончи, банда таҳорат қилаётганда бошқалар билан заруратсиз гаплашмайди, шошилмайди, аъзоларини яхшилаб, тозалаб ювади. Бир нарсага эътибор бериш лозим: таҳорат қилаётган одам подшоҳлар Подшоҳи, бутун оламлар Ҳукмдори Аллоҳ таоло билан учрашувга ҳозирланаётган бўлади.

Таҳорат олингач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган дуолар ўқилади.

۱ – أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

۲ – اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ.

۳ – سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ.

۴ – اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي وَوَسِّعْ لِي فِي دَارِي وَبَارِكْ لِي فِي رِزْقِي.

Дуолар ўқилиши:

1. “Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, ва ашҳаду анна муҳаммадан ʼабдуҳув ва росувлуҳ⁸⁰”.

2. “Аллоҳуммажʼалний минат тавваабийн, важʼалний минал мутатоҳҳирийн⁸¹”.

3. “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдик, ашҳаду аллаа илааҳа иллаа анта астағфирука ва атувбу илайк⁸²”.

4. “Аллоҳуммағфир лий замбий, ва вассий лий фий даарий, ва баарик лий фий ризқий⁸³”.

⁷⁹ Манба: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли, “Таҳорат китоби”.

⁸⁰ Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад, Байҳақий ривоят қилган. Термизий: “Аллоҳуммажʼалний минат тавваабийн, важʼалний минал мутатоҳҳирийн”ни зиёда қилган.

⁸¹ Термизий ривоят қилган.

⁸² Ҳоким “Мустадрок”да, Насоий “Ас-суанул кубро”да, Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ҳокимга кўра, ҳадис санади саҳиҳ.

Дуолар маъноси:

1. “Гувоҳлик бераман, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқ. Муҳаммад Унинг бандаси ва Расулидир”.

2. “Эй Аллоҳ, мени тавба қилувчилардан, ўта пок зотлардан қил!”

3. “Эй Аллоҳ, Сен (барча айб-нуқсонлардан) Поксан. Мен Сенга ҳамд айтаман, Сендан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман, Сенга истиғфор айтаман, тавба қиламан!”

4. “Ё Аллоҳ, менинг гуноҳимни кечир, мен учун уйимда кенглик қил, ризқимга барака бер!”

Бир нарсага эътибор берганмисиз: одам таҳорат олганидан кейин ўзини енгил ҳис қилади. Нега? Чунки таҳорат билан гуноҳларимиз тўкилади. Юз-қўлни, оёқни ювганимизда, бошга масҳ тортганимизда ҳам жисман, ҳам руҳан покланамиз, вужудимиз зоҳирий, ботиний ғуборлардан фориғ бўлади. Таҳоратнинг ўзида шунча фойда! Қолаверса, намозхон либоси, ибодат қиладиган жойи покиза бўлиши керак. Кўряписими, намоз инсонни қанчалик поклайди, танасини ҳам, қалбини ҳам кирлардан тозалайди.

Намоз ўқишдан олдин фикрни бир ерга жамлаб, дунё ишларини ортга ташлашга ишора сифатида икки қўлни кўтариб, “Аллоҳу акбар!” дея кулоқ қоқилади. Намозга кирар экансиз, дилингиздан ҳасад, кибру ҳаво, гина-кудуратни чиқариб ташланг. Чунки намозда Аллоҳ билан юзма-юз турасиз. Аллоҳ қалбингизда нима борлигини билади. Қиблага юзланингизми, қалбингиз билан Аллоҳга юзланинг. Юзингиз қиблага қараб, хаёлингиз бошқа тарафларга кетиб қолмасин. “Анави иш нима бўлдикин”, “Нархи тушдими-кўтарилди?” деган ўй-хаёллар одамни чалғитади. Сиз холис ниятда ибодат қиладиган экансиз, ўн-ўн беш дақиқа бўлсаям Аллоҳ олдида турганингизни бутун вужудингиз билан ҳис этинг. Зеро, “Аллоҳга севимли банда бўлай”, “Ибодатим ҳусни қабул бўлсин”, деган инсон намозга қираётганида фикрини бир ерга жамлайди, гуноҳлари учун истиғфор айтади, Аллоҳ улуғлигини эътироф этади, ўзининг ожизлигини эслайди. Шундан кейин намозни бошласа, ибодатдан чексиз лаззат олади⁸⁴.

НАМОЗХОН ЛИБОСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Мусулмон киши намоз ўқишдан олдин тоза, чиройли либослар кияди. Зеро, Парвардигоримиз азза ва жалла шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Эй одам болалари, ҳар бир сажда (яъни, ибодат) чоғида зийнатланинг!..” (*Аъроф сураси, 31-оят*).

Аллоҳ таоло бу оятда Байтуллоҳни тавоф қилиш чоғида авратларни беркитишга, намоз ўқишдан олдин чиройли, покиза кийимлар кийишга буюрмоқда, Каъба атрофини яланғоч ҳолда тавоф қилишдан қайтармоқда.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, одамлар Байтуллоҳни кийимсиз тавоф қилишарди. Кейин Аллоҳ уларни зийнатланишга, тавофдан олдин либосларини ечмасликка буюрди. Зийнат авратни ёпиб турадиган либосдир⁸⁵.

Имом Қуртубий айтишича, оятда Байтуллоҳни яланғоч тавоф қиладиганлар назарда тутилган бўлса ҳам, бу барчага тегишли буйруқдир.

Эътибор берилса, мазкур оятда авратни беркитиш “зийнат” дейилапти. Чунки уятли жойларни бегоналар кўзидан яшириш бадан учун зийнатдир. Агар аврат очилса, тана хунук кўринади, бадандаги айблар билиниб қолади. Демак, одам авратини беркитиб юрса, Аллоҳ наздида итоатгўй банда, кишилар назарида ҳурматли инсон саналади.

Банда намозда Аллоҳга юзланади, ғайбий мулоқотга киришади, хожатлари раво этилишини сўрайди. Зеро, Аллоҳдан буюк, Аллоҳдан улуғ зот йўқ. У Рабби ҳузурда турар, Унинг марҳаматидан умидвор экан, бу туриш шу улуғворликка муносиб бўлиши зарур. Оддий бир меҳмонга, тўй-ҳашамга ёхуд байрамга кетаётганда ясан-тусан қилинади. Нега энди мана шундай буюк даргоҳга юзланган маҳал зийнатланмаслик керак?! Ҳолбуки, зийнатланишимиз учун энг муносиб зот Аллоҳ таолодир.

⁸³ Насоий, Абу Яъло, Ибн Сунний ривоят қилган. Ривоят санади саҳих.

⁸⁴ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

⁸⁵ Шу маънодаги ривоятни Ибн Жарир, Ибн Абу Ҳотим, Ибн Мардавайҳ нақл қилган.

Жойнамозга чиройли, покиза кийимларда келиш намозга бўлган ҳурматдан дарак. Яхши кийимлари бўла туриб ухлаганда ёки ишлаганда киядиган либослар билан намоз ўқиш одобсизлик саналади. Уламолар тавсиясига кўра, кўчага кийиб чиқишга уялмайдиган кийимда намоз ўқилади.

Бирон нарсага эҳтиёжи тушган, кимнингдир эшигини қоқаётган кишини кўз олдингизга келтиринг. У бадавлат, мансабдор кишиларга ҳожатини арз қилар экан энг мулойим, таъсирли сўзларни топиб гапиради, уларнинг шаънига муносиб тарзда муомала қилади, ўрни келганда уни ўзида бор-йўқ хислатлар билан мактаб ҳам кўяди. Қабулга киришдан олдин оҳори тўкилмаган энг зўр кийимларини кияди, хўжайин эътиборини қозониш, кўзига яхши кўриниш пайида бўлади. Хуллас, нима қилиб бўлса ҳам муродига етишга қаттиқ уринади. Банда Аллоҳга ҳар лаҳзада, ҳар жабҳада ўта муҳтожлигини ҳисобга олсак, бундай тайёргарликка, мақтов-олқишларга оламлар Парвардигори муносиброқ эмасмикан? – деган савол туғилади.

Бироқ, масаланинг яна бир жиҳати бор: намозга чиройли либосда келиш керак экан, деб жуда оҳанжамага, дабдабага йўл қўйилмайди, ўта қимматбаҳо кийимлар кийилмайди. Чунки либос жуда нодир, унча-мунчаси сотиб ололмайдиган бўлса, қалбда кибр пайдо бўлади. Бундан ташқари қиммат кийимга гард юқтирмаслик ҳақидаги ўй сизни ибодат чоғида безовта қилади. Оқибатда рукуъ, саъдаларни бемалол, маза қилиб бажаролмайсиз, хаёлингизда “Кийимим ғижим бўлмасмикан, бирон жойи чўзилиб кетмасмикан”, деган фикр айланади. Шунинг учун бу борада ҳам ўртача йўлни танлаган: покиза, хушбичим, содда либос кийган маъкул.

Ҳадиси шарифда айтилишича, Аллоҳ Покдир, покликни яхши кўради. Аллоҳ Гўзалдир, гўзалликни хуш кўради.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қалбида зиғирча имон бор банда жаҳаннамга кирмайди. Қалбида зиғирча кибр бор банда жаннатга кирмайди”, дедилар. Шунда бир киши: “Эй Расулуллоҳ, мен либосим ювилган, сочимга ёғ суртилган, пойафзалим ипи янги бўлишини хоҳлайман”, деди. Кейин бир нарсаларни зикр қилди. Ҳатто қамчиси тасманини ҳам айтди ва: “Шуям кибрми, эй Расулуллоҳ?” деб сўради. У зот: “Йўқ. Бу чиройдир. Албатта Аллоҳ гўзалдир, гўзалликни яхши кўради. Аммо кибр ҳақни тан олмаслик, одамларни масхара қилишдир”, дедилар⁸⁶.

Чиройли либос кийган одам кибрланмаса, фақат озодалиқни, юздаги холдек бўлиб юришни ният қилса, ҳечқиси йўқ. Айниқса, намоз ўқишдан олдин энг сара, покиза кийимларини кийиб олса, жуда яхши бўлади.

Хўп, намоз учун зийнатланиш керак экан, унда қайси рангдаги либос кийган афзал? Бу саволга мана бу ҳадиси шарифдан жавоб оламиз.

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْبَسُوا الْبَيَاضَ فَإِنَّهَا أَطْهَرُ وَأَطْيَبُ وَكَفَنُوا فِيهَا مَوْتَاكُمْ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Оқ (либос) кийинглар. Чунки у покиза, чиройлидир. (Оқ мато) билан майитларингизни кафанланглар” (Термизий, Насоий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда оқ либос кийишга тарғиб қилмоқдалар. Чунки оқ кийимга бирон нарса тегса, чанг бўлса, доғ тушса, тезда билинади, ювиб кийилаверади. Бошқа рангдаги либослар кири унча-мунчага сезилмаслиги мумкин. Қолаверса, оқ кийим инсонга ярашиб туради. Оқ ранг кўзга хуш ёқади, дилни равшан қилади.

Айниқса, жума куни либосга, покликка алоҳида эътибор берилади. Чунки жума фазилатли, муборак кундир.

⁸⁶ Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ лиғойрих.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَلَامٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ عَلَى الْمِنْبَرِ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ: مَا عَلَى أَحَدِكُمْ لَوْ اشْتَرَى ثَوْبَيْنِ لِيَوْمِ الْجُمُعَةِ سِوَى ثَوْبٍ مَهْتَتِهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَاللَّفْظُ لَهُ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абдуллоҳ ибн Салом розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, у Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жума куни минбарда туриб: “Сизлардан биронтангиз жума куни учун иш кийимдан ташқари иккита кийим сотиб олса, қандай яхши бўлади”, деганларини эшитган экан (Абу Довуд, Ибн Можа, Абд ибн Ҳумайд ривоят қилган. Ривоят лафзи Ибн Можага тегишли. Ҳадис санади саҳиҳ).

Жума – ҳафталик байрам куни. Жума намозини ўқиш учун кишилар масжидга тўпланишади. Бундай ҳолатда одамнинг ташқи кўриниши чиройли, танаси покиза, либоси тоза бўлгани маъқул. Агар имкони топилса, жума намози учун ишчи кийимдан бошқа либос қилиб қўйилса, жуда соз иш бўлади. Чунки иш кийими билан жумага бориш одобдан эмас. Табиийки, одам ишлаганда терлайди, кийимига турли нарсалар тегади. Оқибатда кийимдан кўнгилини беҳузур қиладиган ҳид келади. Ишдан чиқиб, тўғри жумага борилса, ёқимсиз ҳид намозхонларга азият беради, улардаги хушуъни кетказди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жума намози учун покиза кийим кийишни бежизга таъкидламаганлар. Бунинг тагида ҳикмат кўп.

НАМОЗХОН ЛИБОСИГА ҚЎЙИЛГАН ШАРТЛАР

Мавриди келганда намозхон либосига қўйилган айрим шартларни эслатиб ўтамиз:

1. Кийим кенг, намоз ўқиш учун қулай бўлиши.

Либос юришга ҳам, намоз ўқишга ҳам қулай бўлгани афзал. Эркакларга тор шим кийиш тавсия этилмайди. Чунки бунда аврат аъзолари шакли кўришиб қолиши мумкин. Устига-устак, намоз ўқиётганда – рукуъ, сажда қилаётганда тор шим ёки кўйлак ноқулайлик туғдиради. Баъзи намозхонлар рукуъга кетаётиб шимини бир кўтариб олади. Бу иш кўп такрорланаверса, намоз бузилиши эҳтимоли бор. Тор кийимда намозни рисоладагидек, хушуъ-хузуъ билан ўқиб бўлмайди. Мутахассислар айтишича, ўта тор либослар соғлиқ учун зарарли экан. Шунинг учун ихлосли мусулмон банда кийим олаётганда ёки тиктираётганда модани эмас, биринчи навбатда ибодатдаги қулайликни ўйлайди.

2. Нопок нарсалардан холи бўлиши.

Нажосат теккан кийимда намоз ўқилмайди. Агар кийимнинг кўп қисмига нопок нарса теккан бўлса, унда ўқилган намоз бузилади. Агар бир дирҳам миқдорда теккан бўлса, жоиз. Фикҳ китобларида ёзилишича, оғир нажосатларнинг бир дирҳам миқдордагиси авф қилинади. Бу, қуюқ нажосатда бир мисқол, суюқда кафт миқдоричадир. Дирҳам оғирлиги 2.975 граммни ташкил этади. Мана шу миқдордаги оғир нажосат теккан либосда ўқилган намоз тўғри бўлади. Чунки ундан сақланиш қийин. Игна миқдоридagi сийдик ҳам авф этилади.

Нажосат билан чанг-ғуборнинг фарқи бор. Маний, бавл каби нарсалар либосга тегса, нажосат теккан жой яхшилаб ювиб ташланади. Усталар, оғир меҳнат билан банд кишилар ишга алоҳида кийим қилишлари одатий ҳол. Агар уларнинг либоси пок бўлса, чанг, занг кабиларни яхшилаб қоқиб ташлаб, намоз ўқиса бўлади. Лекин масжидга иш кийимида борилмайди. Чунки бу билан намозхонларга озор этади, масжид кир бўлади.

Кўчага кийиладиган кийимга нопок нарса тегмаган бўлса ҳам намоз учун алоҳида либос қилиб қўйиш мустаҳабдир. Чунки либосга нажосат томчилари тегиб кетиши эҳтимоли бор.

Умуман олганда, ибодат учун алоҳида либос қилиш қўйиш талаб этилмайди. Кўчага киядиган ёки тоза иш кийимида намоз ўқиса бўлади. Аммо имконини топганлар намоз учун алоҳида либос қилиб қўйганлари яхши. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим, мусулмон банда намозда ҳам, намоздан ташқарида ҳам пок бўлиши, авратини беркитиши зарур.

3. Авратни беркитадиган бўлиши.

“Аврат” сўзи луғатда “душман кириши хавфи бор ҳар қандай нозик, бўш, химояланмаган жой” маъносини англатади.

Инсон аврати деганда, одамларга кўрсатишдан уяладиган аъзолари назарда тутилади. Чунончи, киши вужудида номаҳрамлар қараши ҳаром қилинган жойлар аврат дейилади.

Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, тананинг аврат жойларини очиш, номаҳрамларга кўрсатиш ҳалол эмас. Авратни беркитиш, бегона кўзлардан яшириш вожиб.

Эркакларда тананинг киндикдан тизза остигача бўлган қисми авратдир. Тушунарлироқ бўлиши учун эркак кишининг қайси аъзолари аврат ҳисобланишини айтиб ўтамыз:

1. Жинсий аъзо, унинг атрофи.
2. Икки мойак.
3. Орқа аврат, унинг атрофи.
4. Икки думба.
5. Икки сон (тиззалар ҳам).
6. Киндик ҳамда қовуқ ораси.

Муслима озод аёлнинг икки кафти (билаги ошиғигача), оёқ тўпиғининг пастки қисми (қадами), юзидан бошқа бутун бадани аврат ҳисобланади. Соч, гажаги ҳам авратга киради. Чунончи, аёлнинг куйидаги аъзолари аврат саналади:

1. Жинсий аъзо.
2. Икки қулоқ.
3. Икки кўкрак.
4. Оёқнинг билак қисми ва сон (қадам бунга кирмайди).
5. Қўл (кафт қисми аврат эмас).
6. Гардан.
7. Бош.
8. Соч.
9. Бўйин.
10. Елка.

Аврат аъзолари бежизга санаб ўтилмади. Чунки, авратни ёпиш намоз шартларидандир. Агар авратнинг тўртдан бир қисми намоз ичида бир тасбеҳ айтиш, яъни бир рукни адо этиш вақтида очилса, намоз бузилади. Тўртдан биридан оз қисми очилса ёки очилган заҳоти ёпилса, бузилмайди.

Ҳозир айрим ёшлар жуда калта майка, футболка, шортик, юпқа либослар кийиб масжидга келишади. Бу кийимлар бировга кўрсатиш уят саналадиган жойларни тўлиқ беркитмайди ёки рукуъда, саждада авратлар (жумладан, тиззаси, киндиги, орқаси) очилиб қолади. Бу билан намозга путур етади, бошқаларнинг ҳам хушувси йўқолади. Шунингдек, масжидга ҳар хил нарсалар сурати туширилган кийимлар кийиб келиш ҳам тўғри эмас. Муслмон одам сал эътиборли, фаросатли бўлади, қаерга келаётгани, намозни нима учун ўқиётгани ҳақида фикр-мулоҳаза юритади.

НАМОЗНИ ИНТИҚИБ КУТИШ

Инсонда соғинч туйғуси бор⁸⁷. Бу туйғу фақат яхши кўрган нарсаларга нисбатан уйғонади. Масалан, киши узоқ вақт кўрмаган дўстини соғинади, қачон келар экан, деб интиқ бўлади. Тансиқроқ таом ҳозирланаётган бўлса, пиша қолсайди, деб тоқатсизланади. Ойнаи жаҳонда қизиқ филм ёки кўрсатув кўйиладиган бўлса, қачон бошланаркан, деб интизор бўлади. Ҳатто маош бериладиган кунни соғинади... Ана шу соғинчлар ичида хушувли банданинг яна бир соғинчи бор. У намоздир. Албатта, намозда бир марта ҳаловат топган киши яратган Эгаси ҳузурда тавозеъ, ихлос билан яна бўйин эгишни, дунёнинг ҳамма ташвишларидан биров узоқлашиб, хотиржамлик топишни, тўйиб-тўйиб саждалар қилишни, Парвардигори билан ёлғиз қолишни соғинади. Кейин яна соғинади, соғинаверади. Ҳирс ўтида ёнган нафс бойлик топган сайин, яна топсам, кўпроқ йиғсам, дейди. Эгасини топган қалб эса, тагин Унга сиғинсам, муножот қилсам, пойида чўксам, деяверади. Васлига етишгунга қадар бу ҳол кучайиб бораверади... Намозни соғинадиган бундай бандаларга Муҳаммад Мустафо соллалоху алайҳи ва саллам гуноҳлар кечирилиши, номаи аъмолга ҳисобсиз ажр-мукофотлар ёзилиб туриши ҳақида мужда берганлар.

⁸⁷ Бу бобни тайёрлашда Абдуғафур Искандарнинг “Намозда хушув” рисоласидан фойдаланилди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى مَا يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا وَيَرْفَعُ بِهِ الدَّرَجَاتِ قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ عَلَى الْمَكَارِهِ وَكَثْرَةُ الْخُطَا إِلَى الْمَسَاجِدِ وَانْتِظَارُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ فَذَلِكَ الرِّبَاطُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мен сизларни – Аллоҳ улар сабабидан – гуноҳларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган (амаллар)га далолат қилайми?” дедилар. Шунда (одамлар): “Ҳа, эй Расулуллоҳ”, дейишди. У зот: “Қийин (пайт)ларда таҳоратни мукамал қилиш, масжидларга кўп қатнаш, бир намоздан сўнг (келаси) намозни кутиш. Мана шу муробитликдир”, дедилар (Муслим, Термизий, Насоий, Доримий, Ибн Можа, Молик, Аҳмад ривоят қилган).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам солиҳ амалларга тарғиб қилишдан аввал тингловчи эътиборини ўзларига қаратиб, айтилаётган нарсага қизиқиш уйғотардилар. Кейин асосий масалани баён қилардилар. Бу ривоятга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом одамларга қарата: “Шундай амаллар бор, ким уларни қилса, Аллоҳ гуноҳларини ўчиради, даражасини кўтаради. Улар қайси амаллигини сизларга айтайми?” деганларида, улар қизиқиб: “Ҳа, эй Расулуллоҳ, айтинг”, дейишди. Шунда у зот шароит қийинлигига қарамай таҳоратни мукамал қилиш, жамоат билан намоз ўқиш учун масжидларга қатнаш, бир намоздан сўнг келаси намозни илҳақлик билан кутиш⁸⁸ гуноҳларни кетказиб, мартабаларни кўтаришини айтдилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخَّرَ لَيْلَةَ صَلَاةِ الْعِشَاءِ إِلَى شَطْرِ اللَّيْلِ ثُمَّ أَقْبَلَ عَلَيْهِمْ بَوَّجِهِ بَعْدَ مَا صَلَّى فَقَالَ: صَلَّى النَّاسُ وَرَقَدُوا وَمَنْ تَزَالُوا فِي صَلَاةٍ مُنْذُ انْتَضَرْتُمُوهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам хуфтон намозини тун ярмигача кечиктирдилар. Намоз ўқиб бўлганларидан кейин саҳобаларга юзланиб: “Одамлар намоз ўқиб бўлиб уйкуга кетишди. Сизлар намозни кутиб турганингиздан бери намозда бўлдингиз”, дедилар (Бухорий ривоят қилган).

Шу маънода Абу Саид Худрий розияллоху анхудан қуйидаги ривоят келтирилган: “Биз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан хуфтон намозини ўқидик. Тун ярмидан ўтгунича у зот чикмадилар. Кейин: “Жойларингизни эгалланг”, дедилар. Биз жойимизга (яъни, сафга) турдик. Шунда у зот: “Одамлар намоз ўқиб бўлиб уйкуга кетишди. Сизлар намозни кутиб турганингиздан бери (хукм ва савоб жиҳатидан⁸⁹) намозда бўлдингиз. Агар заифнинг ожизлиги, беморнинг касаллиги бўлмаганида бу намозни тун ярмигача кечиктирган бўлардим”, дедилар⁹⁰”.

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْقَاعِدُ عَلَى الصَّلَاةِ كَالْقَانِتِ وَيُكْتَبُ مِنَ الْمُصَلِّينَ مَنْ حِينَ يَخْرُجُ مِنْ بَيْتِهِ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَى بَيْتِهِ. رَوَاهُ ابْنُ جَبَانَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Уқба ибн Омир розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Намозни (кутиб) ўтирувчи (намозда) турувчи кабир. У уйдан чикқанидан то қайтгунича

⁸⁸ Абулвалид Божийнинг “Ал-мунтақо шарҳул муваттоъ” китобида шундай дейилган: “Банда жамоат билан намоз ўқиб бўлгач, жойнамоз устида ўтириб келаси намозни кутади. Бу бир-бирига яқин икки намоз орасида бўлади. Масалан, пешин намозидан сўнг асрни ёки шомдан кейин хуфтон намозини кутиш мумкин. Аммо хуфтондан кейин бомдодни кутишга инсон тоқати етмайди. Қолаверса, бу вақт мобайнида, одатда, таҳорат синади. Шунингдек, бомдоддан сўнг пешинни кутиш ҳам шунга қиради”.

Лекин бошқа уламоларга кўра, банда хоҳ жамоат билан, хоҳ ёлғиз ўзи ўқисин, ибодатдан сўнг келаси намозни кутса, бошқа ишларини бажарган ҳолда қалби намозга боғлиқ бўлса, бир намоздан кейин келаси намозни кутган бўлади (Манба: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли, “Таҳорат китоби”).

⁸⁹ Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”.

⁹⁰ Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади саҳих.

намозхонлардан деб ёзилади” (Ибн Ҳиббон, Ибн Ҳузайма, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Киши яхшилаб таҳорат олиб, жамоат намозини ўқиш учун масжид томон йўл олса, қайтиб келгунича номаи аъмолига намоз ўқиш савоби ёзилиб туради. Буни юракдан ҳис қилинса, инсонда кунт, ихлос пайдо бўлади. Чиндан ҳам, намозни кутиш, соғиниш улуг иш. У қалбни хушуъ билан зийнатлайди, вужудни гуноҳлардан, хатолардан тозалайди.

Агар инсон намоздан лаззат олса, вақт ўтганини сезмай қолади, намоз узайиб кетса ҳам, унга бор-йўғи бир неча дақиқа ўтгандек туюлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ҳаловат топганлари учун ҳам кечалари қиёмда жуда узоқ турар, бир ракатда Бақара, Оли Имрон каби узун сураларни ўқирдилар, рукуъни, саждани жуда мукамал қилардилар. Намоз Расулulloҳ учун кўз қувончи, қалб сурури эди.

Салафи солиҳлардан айримлар ибодатга ўта ташна бўлганидан кечаси билан бедор бўлар, хуфтоннинг таҳорати билан бомдод намозини ўқирди. Жумладан, машҳур тобеин Саид ибн Мусайяб раҳматуллоҳи алайҳ эллик йил мобайнида шундай қилган⁹¹.

Сулаймон Таймий Басрий раҳматуллоҳи алайҳ ҳам қирқ йил давомида хуфтон намози учун олган таҳорати билан бомдодни ўқиган⁹².

Ҳатто баъзилар намоздан чексиз ҳузур-ҳаловат топганидан қабрда ҳам намоз ўқиш имкони берилишини сўраган экан. Масалан, Собит ибн Аслам Буноний Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Ё Аллоҳ, агар бирон кишига қабрида ҳам намоз (ўқиш имкони)ни берадиган бўлсанг, қабримда намоз ўқишим учун имкон бер!” деб дуо қилган. Аллоҳ унинг дуосини ижобат этган. Ривоят қилинишича, Собит Бунонийни дафн этган Абу Сино унинг қабрда намоз ўқиётганини кўрган экан. Яна бир киши таъкидлаб айтишича, у Собит Буноний яшил либос кийган ҳолда қабрда намоз ўқиётганини тушида кўрган⁹³.

Зикр қилинган хислатлар ҳаммага эмас, хос бандаларгагина берилади. Аллоҳ таоло бизни ҳам ибодатни орзиқиб кутадиган, намоз ўқиб дили шодликка тўладиган инсонлардан қилсин!

ХУШУЪНИНГ ИНСОН РУҲИЯТИГА, СОҒЛИҒИГА ТАЪСИРИ

- Хушуъ қон айланишини, юрак фаолиятини яхшилайдди.
- айрим сурункали касалликлардан, масалан, аллергия, артритдан соғайишга ёрдам беради.
- иммунитетни кучайтиради, касалликларга қарши курашиш қобилиятини оширади.
- сурункали асаб касалликлари билан оғриган беморлар учун хушуъ жуда фойдали.
- хушуъ инсоннинг ўзига ишончини орттиради, кўнглини хотиржам қилади.
- кўрқув, хавотир, руҳий безовталиқдан халос этади.
- хужайралар бузилишини камайтиради. Бу – Аллоҳнинг изни билан – узоқ умр кўришга сабаб бўлади.
- хушуъ ёрдамида ортиқча вазндан халос бўлиш мумкин.
- хушуъ бош оғриғига шифо бўлади.
- астма касаллигини даволашда қўл келади.
- мияга фаоллик бағишлайди, тана қувватини оширади.
- хушуъ фикрни бир ерга жамлаш, ўзини қўлга олиш малакасини шакллантиради, инсоннинг ақлий қобилиятини ўстиради.
- одамлар билан муносабатни яхшилайдди.
- дунёнинг икир-чикирларига, майда муаммоларига эътибор бермасликка чақиради.
- ҳар қандай муаммони босиқлик билан ҳал қилиш, қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгиб ўтиш малакасини ҳосил қилади.
- иродани мустаҳкамлайди, турли руҳий изтироблардан асрайди.
- масъулият ҳисини оширади.
- хушуъ мия фаолиятини яхшилайдди, тўғри қарор қабул қилишга ёрдамлашади.

⁹¹ Манба: Ибн Халликон, “Вафаётул аъён”.

⁹² Манба: Ибн Саъд, “Ат-табақотул кубро”; Байҳақий, “Шуабул имон”; Абу Нуайм, “Ҳилятул авлиё”.

⁹³ Манба: Захабий, “Сияру аъломин нубало”; Ибн Мулаққин, “Табақотул авлиё”.

- чекишни ташлашда ҳам хушуънинг ўрни катта.
- хушуъ кўнгилдагидек дам олишни, мириқиб ухлашни таъминлайди, ёмон туш кўришдан, тунги босинқирашдан сақлайди.
- бошқаларни тинглашни, одамлар билан яхши муомала қилишни ўргатади, ўзгалар ишончини қозонишга кўмаклашади.
- мия билан юрак, нафс билан рух ўртасидаги алоқани мустаҳкамлайди...

НАМОЗДА ХУШУЪНИНГ ЗАРУРАТИ

Юқорида айтилганидек, руҳнинг бадандаги ўрни қандай бўлса, хушуънинг намоздаги аҳамияти ҳам шундай. Агар рух чикса, жисм ҳалок бўлади. Хушуъсиз намоз ҳам руҳсиз танага ўхшаб қолади. Хушуъсиз намоз мукамал бўлмайди. Бундай ибодатга жуда оз савоб берилади. Хушуъга безътибор одам ажрни тўла-тўқис олмайди.

Хушуъсиз намозда яхшилик йўқ экан, усиз намоз ўликка айланиб, бандага оғирлик қиларкан, демак, бу хушуънинг заруратини кўрсатади. Қолаверса, юқорида зикр этилган оятларда, ҳадисларда куш дон чўкигандек тез-тез сажда қилган, рукуъдан қаддини тўла ростламасдан саждага кетган, шошиб-пишиб намоз ўқиган киши қайтадан намоз ўқишга буюрилгани хушуъ нақадар муҳимлигини билдиради.

Хушуънинг аҳамияти, фазилати ҳақида гапирилар экан, ўз-ўзидан уни уйғотадиган сабаблар хусусида сўз юритишга тўғри келади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан, саҳобаи киромлардан хушуъ пайдо қиладиган, уни кетказадиган амаллар, ҳолатлар ривоят қилинган. Қуйида шу ҳақида тўхталиб ўтамиз.

НАМОЗДА ХУШУЪНИ ЖАЛЪ ҚИЛУВЧИ САБАБЛАР

1-САБАБ. АЛЛОҲ ТАОЛОНИ ТАНИШ, У ЗОТ НАҚАДАР УЛУҒЛИГИНИ АНГЛАБ ЕТИШ

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло барча оламларни яратган Зотдир. Ҳамма нарса Унинг ихтиёрида, мулк Унга тегишли. Аллоҳ Ўзи яратган мавжудотлар ишини тадбир қилади. Аллоҳ бандасига бирон неъмат берса, уни ман қилувчи йўқ. Бандасини бирон неъматдан ман этса, уни берувчи йўқ. Аллоҳ азиз қилган зотлар азиздир. Аллоҳ мартабасини кўтарган кишини ҳеч ким хор қила олмайди. Аллоҳ хор қилганни ҳеч ким азиз қилолмайди. Аллоҳ таоло ибодат қилишга, бўйсунушга энг ҳақли Зотдир. Ундан ўзга ҳеч ким ибодатга лойиқ эмас. Аллоҳнинг шериги йўқ. Ундан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. Мушриклар Аллоҳга шерик қилаётган “илоҳ”лар ботилдир. Шундай экан, мўмин-мусулмон банда фақат Аллоҳга холис ибодат қилади, намозни ҳам фақат Парвардигори розилиги учун ўқийди.

Киши имони қанча кучли бўлса, ибодатни шунча мукамал адо этади. Қайси банда Аллоҳни яхшироқ таниса, Раббига кўпроқ хушуъ қилади. Аллоҳнинг қудрати, мўъжизалари ҳақида фикр юритилса, У Зот яхшиликлари, лутфу карами, адолати, улуғлиги ҳақида мулозаҳа қилинса, қалбдаги имон мустаҳкамланади. Агар инсон Аллоҳни яхши кўрса, намозда У билан муножот қилишини, ёлғиз қолишини билса, Рабби билан учрашадиган онлар яқинлашган сари унинг холати ўзгаради, бутун вужудини ҳис-ҳаяжон эгаллайди.

Ривоят қилинишича, зайнулбидин – Али ибн Ҳусайн раҳматуллоҳи алайҳ намозга таҳорат қилганидан кейин ранги ўзгариб, титрай бошларди. Бунинг сабаби сўралганида, “Мен ҳозир Кимнинг олдида туришимни, Кимга муножот қилишимни биласизларми?!” деб айтарди⁹⁴.

Инсон ўзини таниса, Аллоҳ яратган мавжудотлар, коинот, борлик ҳақида фикр юритса, Парвардигорини танийди. Аллоҳ қанчалик улуғлигини қалбига жойласа, У Зот кўриб турганини бир зум ҳам унутмаса, ўзининг ожизлигини, гуноҳкорлигини эътироф этса, қалби ёришади, дилида хушуъ уйғонади. Имон кучайгани сари хушуъ ҳам зиёда бўлади. Аллоҳ белгилаган чегаралардан намоздан ташқарида ўтмаган, У Зотдан кўрққан банда намозда ҳам хушуъга эришади.

⁹⁴ Манба: Абу Нуайм, “Ҳиялатул авлиё”; Заҳабий, “Сияру аъломин нубало”.

2-САБАБ. НИЯТНИ ХОЛИС ҚИЛИШ

Ҳар қандай амал холис ниятда бажарилса, Аллоҳ тарафидан қабул этилади. Жумладан, намозда ҳам ният муҳим. Мўмин киши намозни Аллоҳ розилиги учун ўқийди. Шунингдек, бу билан зиммасидаги бандалик вазифасини ўташни, охиратга захира бўлишини мақсад қилади. Иши юришиши, соғлиғи яхши бўлиши каби моддий манфаатларни кўзлаб бажарилган амал нохолис ҳисобланади. Агар эзгу ният қилинса, ҳам ухравий, ҳам дунёвий манфаатлар қўлга киритилади. Албатта, хушув ҳам ният, ихлос билан чамбарчас боғлиқ.

3-САБАБ. ҚАЛБ ҚАТТИҚЛИГИНИ ДАВОЛАШ

Қалб касаллиги намозхонни хушувдан тўсади. Агар қалб тўғри бўлса, қолган аъзолар ҳам тўғриланади. Қалб қаттиқлигини даволашдан аввал унинг сабаблари, белгилари аниқланади. Шундан сўнг муолажага ўтилади.

ҚАЛБ ҚАТТИҚЛИГИ САБАБЛАРИ, БЕЛГИЛАРИ ВА ДАВОСИ

Қалб қаттиқлиги сабаблари:

- Аллоҳ кўриб турганини унутиш.
- қалбнинг Аллоҳдан бошқасига боғланиши.
- ғафлатга ботиш.
- Аллоҳни ёд этмаслик.
- орзу-ҳавасларга берилиш.
- ҳаром-ҳариш нарсалар истеъмол қилиш.
- кибр отига миниш, бировларни менсимаслик.
- одамларга қўпол муомала қилиш.
- зулм-ситама ўтказиш.
- ўткинчи дунёга берилиш, бойлиги билан мақтаниш, ўлимни, қабрдаги ҳолатни, охиратни унутиш.
- номаҳрамларга ҳирс билан қараш.
- ўзини тергамаслик, орзулар кетидан қувиш.
- динга ҳам, дунёга ҳам фойдасиз сўзларни кўп гапириш.
- Аллоҳ ҳаром қилган ишларга журъат этиш, “Аллоҳ кечирворади!” деб гуноҳдан тап тортмаслик.
- шубҳали нарсалар атрофида ўралашиб қолиш, неъматларни исроф қилиш.
- ҳазиллашишда меъёрни билмаслик;
- кўп кулиш, кўп ейиш, кўп ухлаш.
- ҳеч қандай сабабсиз ғазабланиш, нафси учун ўч олиш.
- ёлғон гапириш, ғийбат қилиш.
- ёмон суҳбатдош билан ўтириш.
- ҳасад, ичиқоралик, кўролмаслик, адоват, нафрат.
- вақтни бекор кетказиш, фойдали ишлар билан шуғулланмаслик.
- шаръий илмларга қизиқмаслик.
- ножоиз нарсаларни эшитиш, шарият қайтарган томошаларни кўриш.
- дуога эътиборсизлик.

Қалб қаттиқлиги белгилари, оқибатлари:

- Қалби қотиб қолган кимса тоат-ибодатларга дангасалик қилади, яхши ишларга кўп ҳам эътибор бермайди. Унинг намози фақат ётиб-туришдангина иборат бўлади. Бундай киши ибодатни зўрға адо этади, намозга эринади, роҳат-фароғатни хуш кўради.
- бағритош кимса Куръон эшитганда таъсирланмайди, кулоғига панд-насихат кирмайди, жаннат васф қилинганда шавқи ошмайди, жаҳаннам зикр этилганда сергак тортмайди.

– қалби тошдек қаттиқ шахс теварак атрофдаги воқеа-ҳодисалардан таъсирланмайди, ҳеч нарсага эътибор бермайди. Чунки унда кўрқув йўқ. Қабристонда ҳам ўзини худди бозорда юргандек ҳис қилади, маййитлар ҳолидан ибрат олмайди, охиратни эсламайди.

– дили қотиб қолган одам дунёни охиратдан устун қўяди. Унинг бор эътибори беш кунлик дунёга қаратилган, ғам-ташвиши ҳам дунёдан иборат. Унинг назарида моддий ашёлар биринчи ўринда туради. Бундай кимсада ғайрат-шижоат бўлмайди. Шунинг учун ҳаром ишлар содир этилса ям пинагини бузмайди, гуноҳларни менсимайди, яхшилик қадрига етмайди, ёмонликдан ҳазар қилмайди.

– бағритош кимса меҳр-мурувватни четлаб ўтади, камбағалларга раҳми келмайди, етимлар ҳолига ачинмайди, қариндошлари билан борди-келди қилмайди.

Қалб қаттиқлиги давоси:

– Аллоҳ буюрган амалларни бажариш, қайтарганларидан қайтиш;

– одамлар орасида ҳам, ёлғиз қолганда ҳам Аллоҳ кўриб турганини қалбдан ҳис этиш;

– фойдали илм олиш;

– Қуръонни ихлос билан, тафаккур билан ўқиш;

– гуноҳларни тарк этиш, Аллоҳга чин дилдан тавба қилиш, истиғфор айтиш (Чунки, гуноҳлар кетма-кет содир этилаверса, қалбни қотириб юборади. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумо айтади: “Савобли ишлар юзни чароғон этади, қалбга нур бағишлайди, ризқни кенгайтиради, танани бакувват қилади, (Аллоҳ тарафидан яратилган) мавжудотлар қалбида муҳаббат уйғотади. Гуноҳлар эса юзни қаро қилади, қалбга зулмат олиб киради, танани заифлаштиради, ризқни камайтиради, мавжудотлар қалбида нафрат уйғотади⁹⁵”.

– Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг муборак ҳаётларини ўрганиш;

– одамларга кўз-кўз қилмасдан садақа бериш;

– камбағалларга, бева-бечораларга яхшилик қилиш, етимнинг бошини силаш (Зеро, етимларга, камбағалларга ғамхўрлик қилмайдиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимса қалби қотиб кетади. Ривоят қилинишича, бир киши Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, қалби қаттиқлигидан шикоят қилганида у зот ҳалиги кишини мискинларга таом беришга, етимлар бошини силашга чақирганлар⁹⁶);

– кишиларни яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш;

– ота-она хизматида бўлиш, дуоларини олиш;

– қариндош-уруғлари билан силаи раҳм қилиш;

– беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга ширин сўз айтиш, совғалар бериб кўнгилларини кўтариш.

– қабристонни зиёрат қилиш, маййитлардан ибрат олиш (Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мен сизларни қабристонга боришдан қайтарганим. Энди у ерга бораверинглар. Чунки у қалбни юмшатади, кўзни ёшлантиради, охиратни эслатади. Лекин ботил (беҳуда) сўзларни гапирманглар”, деганлар⁹⁷);

– ўлимни, қабрда ёлғиз қолишни, савол-жавобни эслаш (Ўлимни эслаш лаззатларни парчалайди, кўзнинг ширасини кеткази, одамни сергакликка ундайди, ғафлат уйқусидан уйғотади);

– қалби ва тили билан Аллоҳни кўп зикр қилиш (Бу нарса қалбнинг маънавий иллатлардан саломатлигини таъминлайди. Чунки беҳуда сўзларни кўп гапириш қалбни қотиради. Доим Аллоҳни зикр қиладиган банда дили юмшайди. Ибн Қаййим айтишича, қалб ғафлат ва гуноҳ сабабидан занглайди, истиғфор ҳамда зикр билан жилоланади. Қуйидагилар зикр сирасига киради: Қуръон ўқиш, Аллоҳнинг гўзал исмларини, сифатларини эслаш, У Зотга мактов айтиш, яқкаю яғоналигини, ҳар қандай нуқсонлардан поклигини эътироф этиш, Аллоҳга дуо қилиш, Парвардигори буйруқларини, қайтариқларини эслаш, Аллоҳнинг фазлу марҳаматларини тилга олиш ва ҳоказо);

– кўпроқ нафл намоз ўқиш;

– гўзал хулқли бўлиш;

– кўп кулмаслик (Чунки кўп кулиш қалбни ўлдиради);

– таниган-танимаган одамга салом бериш;

⁹⁵ Манба: Ибн Қаййим, “Ал-жавобул кофий”.

⁹⁶ Манба: Аҳмад ибн Ханбал ҳасан санад билан келтирган ривоят.

⁹⁷ Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан.

- ўлимдан олдин нафсини тергаш, ўзини ҳисоб-китоб қилиш;
- солиҳлар суҳбатидан баҳраманд бўлиш;
- қалбни даволашда улуғлар айтган сўзлар аҳамияти катта. Чунки ҳикматли сўзлар кишини сергак торттиради, қалбида ғайрат-шижоат пайдо қилади. Иброҳим Хаввос раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Бешта нарса қалб давосидир: Қуръонни тадаббур билан қироат қилиш, қориннинг бўшлиғи (рўза тутиш, камроқ овқат ейиш), тунги намозда қоим бўлиш, саҳар чоғида Аллоҳга тазарруъ қилиш, солиҳлар мажлисида қатнашиш⁹⁸”);
- вақтни ғанимат билиб, эзгу амалларга бел боғлаш, охират тадоригини кўриш;
- дунёнинг ортикча матоҳларидан четлашиш;
- қиёмат куни Аллоҳга ҳисоб беришни ўйлаш;
- одамлар хатосини кечириш;
- ҳалол касб-кор билан шуғулланиш.
- барча мўмин-мусулмонлар ҳақиқага дуо қилиш;
- жониворларга шафқат қилиш;
- нафл рўза тутиш;
- кишилар орасини ислоҳ қилиш;
- жаннат неъматларини, жаҳаннам азобларини эслаш;
- Аллоҳ берган ҳисобсиз неъматлар ҳақида фикр юритиш;
- Аллоҳга доим дуо-илтижо қилиш, ўзини хокисор тутиш⁹⁹.

4-САБАБ. ИБОДАТ УЧУН ҚАЛБНИ ҲОЗИРЛАШ, БУТУН ВУЖУДИ БИЛАН БЕРИЛИБ НАМОЗ ЎҚИШ

Дунё ташвишлари, шайтон васвасаси, нафс хоҳишлари қалбни хушудан тўсадиган энг катта ғовдир. Лекин ҳақиқий мўмин банда дунё моҳиятини тўғри англайди, охиратда бахтли бўлиш учун бор кучи билан интилади, тирикчиликни ҳам, ибодатни ҳам ўз вақтида қилади.

Уламолар айтишича, намоз ўқиётганда бошқа нарсаларга чалғимасдан, фақат ибодат билан машғул бўлиш лозим. Ибодатга чоғланган киши қалбида намоздан ўзга нарса бўлмаса, ана шунда хаёл бўлинмайди. Дунё ва охират саодатини топишда бунинг аҳамияти катта. Зеро, ибодатга бутун қалби билан киришиш, хаёлни бир жойга қўйиб, ихлос билан намоз ўқиш инсон қалбига ўзгача бир файз, тинчлик-хотиржам олиб киради. Аллоҳ таоло ихлосли банда ризқини ўйламаган томонидан етказди, ҳожатларини раво қилади, чала қолган ишлари битишига ёрдамлашади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: يَا ابْنَ آدَمَ تَفَرَّغْ لِعِبَادَتِي أَمْلاً صَدْرَكَ غِنَى وَأَسَدًا فَفَرَكَ وَإِلَّا تَفَعَلَ مَلَأْتُ يَدَيْكَ شُغْلًا وَلَمْ أَسُدَّ فَفَرَكَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Хурайра¹⁰⁰ розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **Аллоҳ таоло айтади: “Эй одам боласи, ибодатимга фориғ бўл. Шунда қалбингни бойликка тўлдираман, фақирлигингни кетказаман. Акс ҳолда қўлингни иш билан банд қилиб қўяман, фақирлигингни кетказмайман!”** (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Бу ҳадиси қудсийда бутун вужуди билан берилиб ибодат қилиш фойдаси ҳақида сўз кетмоқда:

“Эй одам боласи, ибодатимга фориғ бўл. Шунда қалбингни бойликка тўлдираман, фақирлигингни кетказаман”.

⁹⁸ Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушӯ фис салот”.

⁹⁹ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

¹⁰⁰ Маъқил ибн Ясор розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Раббингиз табарока ва таоло: “Эй одам боласи, ибодатимга фориғ бўл. Шунда қалбингни бойликка, қўлингни ризққа тўлдираман. Эй одам боласи, Мендан узоклашма! Акс ҳолда, қалбингни фақирликка тўлдираман, қўлингни банд қилиб қўяман”, дейди” (Ҳоким “Мустадрок”да саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

“Фориғ бўлиш” бирон ишни бажараётганда унга боғлиқ бўлмаган нарсаларни тарк этишдир. Ибодатга фориғ бўлиш худди Аллоҳни кўриб тургандек, диққат-эътиборини жамлаб У Зотга тоат-ибодат қилишдир.

Ҳадисдаги “ибодат”дан мурод намоз, рўза, закот, ҳаж, Қуръон тиловати, Аллоҳга яқинлаштирадиган бошқа солиҳ амаллардир.

Аллоҳ таоло бандасига хитобан шундай демоқда: Эй бандам, дунё ишлари сени ибодатни хушуъ билан бажаришдан тўсиб қўямасин. Агар ихлос билан ибодат қилсанг, намозни берилиб ўқисанг, қалбингни хотиржам қилиб қўяман, ҳамма ҳожатларингни раво қиламан, фақирлигингни кетказаман, сени мухтожликдан сақлайман.

“Акс ҳолда қўлингни иш билан банд қилиб қўяман, фақирлигингни кетказмайман!”

Агар ибодатимга фориғ бўлмасанг, дунё ташвишлари билан овора бўлиб, Менга ибодат қилишни унутсанг, уни рисоладагидек бажармасанг, сени муаммолар гирдобига ташлайман, қанча ҳаракат қилсанг ҳам ҳожатларингни раво этмайман.

Мана шу ҳадиси қудсий хато-камчиликларимиз нимадалигини кўрсатади. Тан олиш керак, орамизда кўпчилик намозни шошиб-пишиб ўқийди. Фикр-хаёлида дунё ташвиши. Натижада ибодат лаззатини, намоз ҳузур-ҳаловатини сезмайди. Эътибор берсангиз, вақт ўтган сари хушуъ билан ибодат қилиш, намозни қиёмига етказиб ўқиш тобора камайиб бормоқда. Бунинг оқибати нима бўляпти? Ташвишларимиз кўпайса, кўпаймоқда, лекин камаймаяпти. Ҳадисда айтилганидек, ибодат чоғида бутун борлигимиз билан Аллоҳга юкинсак, улкан мукофотлар оламиз, қатор муаммолардан қутуламиз, кўзланган натижага эришамиз.

5-САБАБ. ДУНЁ МОҲИЯТИНИ АНГЛАБ ЕТИШ

Ўткинчи дунё матоҳларига ҳирс қўйиш, мол-дунёга ўчлик дилни занглатади. Булар бориб-бориб қалбни печакдай чирмаб олади. Одам намоз ўқимоқчи бўлганида кундалик ташвишлар, иш билан боғлиқ ўй-хаёллар мияга тўхтовсиз келаверади, бемалол ибодат қилишга қўймайди. Натижада ўзингиз истагандек роҳатланиб намоз ўқий олмайсиз. Дунё ҳаётининг асл моҳиятини яхшилаб тушуниб олмагунча бу нарсдан қутулиш, намозда хушуъ топиш қийин.

Аллоҳ таоло шундай деган:

“-----Арабча матн-----”

“(Эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, одамларга) дунё ҳаёти мисолини келтиринг! (У) худди бир сув кабиридирки, Биз осмондан ёғдиргач, (аввал – киши ҳаётининг баҳорида) у сабабли замин набототи (бир-бирига) аралашиб кетади. Сўнг (хаёт кузи келгач), шамоллар учириб кетадиган хас-ҳашакка айланиб қолади. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир Зотдир. Мол-мулк, бола-чақа шу дунё ҳаёти зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса (абადий) қолувчи яхши амаллар савоблироқ, орзулироқдир...” *(Каҳф сураси, 45-46-оятлар).*

Дунё ҳаёти Аллоҳ осмондан ёғдирган ёмғирга ўхшайди. Ёмғир ерга тушса, кўп ўтмай кўзни қувнатувчи ям-яшил майсалар, ўсимликлар униб чиқади. Лекин куз фаслида аввал ёқимли кўринган ўсимликлар, дарахтлар барги қуриб хазон бўлади, шамоллар учириб кетадиган хас-ҳашакка айланади. Дунё ҳаёти ҳам худди шундай заволга учрайди. Ундаги ҳузурланиш, лаззатланишлар узокқа бормайди. Бойлик, фарзандлар мана шу беш кунлик дунё зийнатидир. Бироқ тоат-ибодат, солиҳ амаллар Аллоҳ наздида ўткинчи дунё матоҳларидан яхшироқ. Чунки савобли ишлар дунё неъматларидек тез тугаб қолмайди, абадий охират диёрида ҳам фойда беради.

Бойлик, бола-чақа инсонни кўпинча туғён кўчасига етаклайди. Агар кишида имон бўлмаса, бу икки неъмат унинг кибрини, ғурурини баттар кўпайтиради. Қалбида имони бор одам бойликни ўз жойига сарфлайди, фарзандларини имон-эътиқодли, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялайди. Ана шунда мазкур икки неъмат бандасига фойдасига ишлайди.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Абадий қолувчи солиҳ амалларни кўпроқ қилинган”, дедилар. Шунда сўралди: “Эй

Расулulloҳ, улар қайси амаллар?” У зот дедилар: “Такбир, таҳлил, тасбеҳ, таҳмид, лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах¹⁰¹”.

Нўъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Субҳаналлоҳ, валҳамдулиллаах, ва лаа илааҳа иллаллоху валлоху акбар боқий қолувчи солиҳ амаллардир”, деб марҳамат қилганлар¹⁰².

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ الدُّنْيَا كُلَّهَا مَتَاعٌ وَخَيْرُ مَتَاعِ الدُّنْيَا الْمَرْأَةُ الصَّالِحَةُ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَزَّازُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Албатта дунёнинг ҳаммаси матоҳдир (яъни, қисқа муддат фойдаланиш, ҳузурланишдан иборат). Ундаги энг яхши нарса солиҳа аёлдир” (Насоий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Баззор ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Дунё – оз муддат ҳузурланиш, ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиш макони. У тез орада тугайди. Унинг ҳеч қандай қадр-қиймати йўқ. Дунёда фойдаланиладиган, киши ҳузурланишига сабаб бўлувчи неъматларнинг энг яхшиси солиҳа жуфтдир. Чунки мўмина, солиҳа аёл эрига итоат этади, охират ишларида кўмаклашади, унутганини эслатади, хожасини ҳаромдан сақлайди.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ كَانَتْ الدُّنْيَا تَعْدِلُ عِنْدَ اللَّهِ جَنَاحَ بُعُوضَةٍ مَا سَقَى كَافِرًا مِنْهَا شَرْبَةً مَاءٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Саҳл ибн Саъд розияллоху анху Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар дунё Аллоҳ наздида чивин қанотига тенг бўлганида кофирга бир култум ҳам сув бермасди” (Термизий, Байҳақий, Баззор ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ўлган, шишиб кетганидан оёқлари тепага кўтарилиб қолган кўйни кўриб: “Мана бу (кўй) эгаси назарида ўта қадрсиз деб ўйлайсизларми? Жоним измида бўлган Зотга қасамки, дунё Аллоҳ учун мана шундан ҳам қадрсизроқдир. Агар Аллоҳ наздида дунёнинг чивин қанотичалик вазни бўлганида кофирга бир томчи ҳам сув бермасди” дедилар¹⁰³.

Маълумки, чивин энг кичик ҳашаротлардан саналади. Унинг жуда кичик, ўта нозик қаноти ҳеч нарсага арзимади. Бу билан дунё ҳаётининг чивин қанотичалик ҳам қадри йўқ дейилмоқчи. Агар бўлганида кофир кимса бир хўплам ҳам сув ича олмасди. Чунки Аллоҳ наздида аҳамиятли нарсалар фақат мўминларга, У Зот суйган кишиларга берилади. Дунёнинг ҳеч қанақа ўрни бўлмаганидан ғайридинлар, имонсизлар ҳам моддий неъматлардан баравар, ҳатто мўминлардан кўпроқ баҳраманд бўлишади.

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَحَبَّ دُنْيَاهُ أَضْرَّ بِآخِرَتِهِ وَمَنْ أَحَبَّ آخِرَتَهُ أَضْرَّ بِدُنْيَاهُ فَاتَّبِرُوا مَا بِيَقِي عَلَى مَا يَفْنَى. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِعَبْرِهِ.

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким дунёсини яхши кўрса, охиратига зарар етказибди. Ким охиратини яхши кўрса, дунёсига зиён келтирибди. Шундай экан, ўтқинчи (дунё)дан боқий (охират)ни устун қўйинглар!” (Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Қайси бир банда дунё ишларига муккадан кетса, фикру хаёли ўтқинчи матоҳларга боғланиб қолса, тоат-ибодатга иштиёқи камаяди. Дунё билан овора кимса охират ишларини кўнгилдагидек, ихлос билан бажара олмайди, хою ҳавасларга берилиб кетади. Бу билан унинг охиратига зарар етади.

¹⁰¹ Аҳмад, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Ибн Жарир, Абу Яъло ривоят қилган. Ҳокимга кўра, ривоят санади саҳиҳ.

¹⁰² Аҳмад, Саид ибн Мансур, Ибн Мардавайх ривоят қилган.

¹⁰³ Ибн Можа, Байҳақий, Табароний – Саҳл ибн Саъд розияллоху анхудан – ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

Агар кимда-ким дунё ишларидан охиратини афзал билса, диққат-эйтиборини ухравий амалларга қаратса, дунёсига зиён етиши мумкин. Дунё ва охират бир-бирига зид эканини, бири ўткинчи, иккинчиси абадийлигини билган инсон охиратни дунёдан устун қўяди, ўткинчи дунё ишларини зарурат юзасидан бажаради, бор эйтиборини охирати ободлигига қаратади. Лекин дунё ишларини ташлаб қўйиш, таркидунёчилик қилиш ҳам тўғри эмас. Зеро, Анас розияллоҳу анҳудан қилинган ҳадисда: “Дунёсини деб охиратини, охиратини деб дунёсини ташлаб қўймаган, одамларга юк бўлмаган (киши) сизларнинг яхшиларингиздир”, дейилган¹⁰⁴.

Чиндан ҳам, дунё билан охират бир-бирига тескаридир. Улар тарозининг икки палласига ўхшайди. Агар бири тош босса, иккинчиси енгил келади. Шунингдек, дунё ва охират машриқ билан мағрибга ўхшайди. Агар бирига яқинлашсанг, бошқасидан узоқлашасан. Айрим уламолар дунё билан охиратни икки кундошга ўхшатишган. Агар улардан бирини рози қилсанг, бошқасининг жаҳли чиқади. Иккиси кўнглиги бирдек олиш жуда мушкул. Худди шунга ўхшаб, дунё ҳамда охират амалларини бир маромда, бадастир амалга ошириш қийин. Илло Аллоҳ муваффақ қилганларгагина осон.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَتَّبِعُ الْمَيِّتَ ثَلَاثَةٌ فَيَرْجِعُ اثْنَانِ وَيَبْقَى مَعَهُ وَاحِدٌ: يَتَّبِعُهُ أَهْلُهُ وَمَالُهُ وَعَمَلُهُ فَيَرْجِعُ أَهْلُهُ وَمَالُهُ وَيَبْقَى عَمَلُهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Майитга уч нарса эргашади. Улардан иккитаси ортига қайтади, бири (банда) билан қолади. Унга аҳли-оиласи, бойлиги, амали эргашади. Аҳли билан бойлиги орқасига қайтади, амали (у билан) қолади” (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

Банда оламдан ўтса, оила аъзолари, қариндошлари, таниш-билишлари уни қабргача кузатиб боради. Дафн этилгандан кейин банда билан қабрда фақат амали қолади. Яъни, ҳаётдан кўз юмган бандага яқинлари ҳам, бойлиги ҳам наф беролмайди. Чунончи, қабрда уюм-уюм тилло-кумушлари, данғиллама иморатлари, қўша-қўша фарзандлари ёки насл-насаби эмас, қилган эзгу амаллари – хушув билан ўқиган намози, ихлос билан тутган рўзаси, қалбдан айтган зикр-тасбеҳлари, салаволлари, истиғфорлари асқатади. Моддий лаш-лушлар ортда қолиб кетади.

6-САБАБ. ҲАЛОЛ ИШЛАШ, ПОКИЗА НАРСАЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

Мўминун сурасининг 51-оятда айтилади:

“-----Арабча матн-----”

“(Юборган барча пайғамбарларимизга:) “Эй пайғамбарлар, ҳалол-поқ таомлардан енглар, яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган ишларингизни Билувчиман” (дедик)”.

Бу оятда пайғамбарлар ва уларга эргашганларга хитоб қилинмоқда¹⁰⁵. Маълумки, барча пайғамбарлар қўл меҳнати билан тирикчилик қилишган: кимдир дурадгорлик билан, яна кимдир деҳқончилик ёки тижорат билан шуғулланган. Анбиёлар ҳалол ишлаш, ҳалол еб-ичишда ҳам инсоният учун ёрқин ўрнак бўлишган.

Мазкур оятдан келиб чиқиб айтиш мумкин, ҳалол касб-кор қилиш, покиза нарсалар ейиш солиҳ амалларга кўмакчи бўлади. Савобли ишлар бандани Аллоҳга яқинлаштиради. Ҳаромнинг оқибати эса аянчли. Шулардан бири дуо қабул бўлмаслигидир. Лукмага нопок нарсалар аралашса, киши дин-диёнатиغا зарар етади, ибодатидан ҳаловат кўтарилади, қалби қаттиқлашади, Парвардигоридан узоқлашади.

¹⁰⁴ Бу ҳадисни Хатиб Бағдодий “Жомеъ”да Анас розияллоҳу анҳудан марфуъ тарзда ривоят қилган.

¹⁰⁵ Мана шу ояти карима нозил қилинган пайтда фақат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаёт бўлганлар. У зот охирги пайғамбар эканларини ҳисобга олсак, ҳар бир набийга ўз даврида “Эй пайғамбарлар, ҳалол-поқ таомлардан енглар, яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган ишларингизни Билувчиман” деб хитоб қилингани маълум бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй одамлар, албатта Аллоҳ Покдир, фақат пок нарсаларни (яъни, нуқсонлардан, бузук ниятлардан холи, ихлос ила қилинган солиҳ амалларни, покиза сўзларни) қабул қилади. Аллоҳ пайғамбарларга буюрган ишларни мўминларга ҳам амр этган, “Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар, яхши амаллар қилинглар! Албатта Мен қилаётган ишларингизни Билувчиман” ҳамда “Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз покиза нарсалардан енглар”, деган”, деб айтдилар. Кейин сафарини чўзиб юборган, сочлари тўзиган, (либослари, пойафзали) чанг (бўлиб кетган) бир кишини тилга олдилар. У икки кўлини осмонга чўзиб: “Эй Раббим, эй Раббим!” деб дуо қилади. Аммо егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаромдир. У ҳаромдан озикланган. Қандай қилиб унга ижобат этилсин¹⁰⁶.

Аслида йўл юриб ҳориган, ноқулай шароитларда қийналган, сочлари тўзиган, кийимлари бир аҳволдаги мусофир дуо си сўзсиз қабул бўлиши керак эди. Устига-устак кўлини кўтариб, “Ё Раббим!..” дея нола қилса, дуо ижобати янаям тезлашади. Лекин ривоятдаги кишида ундай бўлмади. Нега? Чунки у ҳаромдан касб қилганди, таоми ҳам, ичимлиги ҳам ҳаром эди, ёшлигидан ҳаром билан озикланган, нопок нарсаларни еб улғайганди. Либоси, таоми, ичимлиги ҳалол бўлмаганидан кейин нолаю илтижолари бўғзидан тепага кўтарилмайди. Ҳалол меҳнат қилиш, пешона тери билан пул топиб, пок нарсалардан истеъмол қилиш аҳамияти шунда.

Аллоҳ таоло айтади:

“-----Арабча матн-----”

“Эй инсонлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар, шайтон изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир” (Бақара сураси, 168-оят).

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида “Эй инсонлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар...” ояти тиловат қилинди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб:

– Эй Расулуллоҳ, мени дуо си мустажоблардан қилишини Аллоҳдан сўранг, – деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга:

– Эй Саъд, ҳалқумингни покла. Шунда дуо си мустажоблардан бўласан. Муҳаммаднинг жони измида бўлган Зотга қасамки, бир банда қорнига ҳаром лукмани солади-да, кейин қирқ кунлик амали қабул этилмайди. Қайси бир банда гўшти ҳаромдан, рибодан ўсган бўлса, дўзах унинг учун муносиб (жой)дир, – дедилар¹⁰⁷.

Бирон нарсада зотий ва шаръий ҳалоллик жамланса, мўмин банда ундан фойдаланиши жоиз. Жумладан, ўлимтик, қон, тўнғиз гўшти зоти (асли) нопок нарсалардир. Ҳалол ҳайвонларни ҳам шариат талабига мос тарзда сўйиш, шу билан бирга, уларни ҳалол йўл билан қўлга киритиш зарур. Буни қўй мисолида тушунтирамиз. Бир қўй арқонига ўралиб ҳаром ўлиб қолди. Мусулмон киши уни ейиши мумкин эмас. Яна бир қўй сўйилди, лекин шариатга хилоф тарзда бўғизланди. Буни ҳам ейилмайди. Яна бир қўй шариат талабига мувофиқ сўйилди, аммо у ўғрилиқ орқасидан топилган пул эвазига сотиб олинганди. Қўйни ейиш ҳалол бўлиши учун уни ҳалол пулга сотиб олиб, шариат қоидаларига кўра сўйиш лозим. Шундагина у зотан ва шаръан ҳалол саналади.

Хуллас, ҳалол яшаган, пешона тери билан меҳнат қилган одамнинг кўнгли тўқ бўлади, ҳаёти тинч-осуда ўтади, тоат-ибодатларини ҳаловат билан, хушӯ-хузуӯ билан бажаради, Аллоҳдан сўрагани берилади.

7-САБАБ. НАМОЗИ ҚАБУЛ БЎЛМАЙ ҚОЛИШДАН ҚЎРҚИШ

Қуръони каримда Иброҳим ва Исмоил алайҳимуссалом ҳақида шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

“Эсланг, Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳ пойдеворини кўтариб (дедилар:) “Парвардигоро, биздан (бу амалимизни) ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен Эшитувчи, Билувчисан” (Бақара сураси, 127-оят).

¹⁰⁶ Муслим, Термизий, Доримий, Аҳмад, Байҳақий ривоят қилган.

¹⁰⁷ Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Бу ривоятни Ибн Касир “Тафсирул қуръонил азим”да, Жалолидин Суютий “Ад-дуррул мансур”да келтирган.

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Иброҳим билан Исмоил алайҳимуссалом Каъбатуллоҳ асосини кўтараётганларида “Парвардигор, биздан солиҳ амалимизни қабул эт, дуоларимизни ижобат қил. Зеро, Сен бандаларинг гапларини эшитасан, ҳолатларидан, ниятларидан хабардорсан”, деганларини эсланг.

Мазкур икки пайғамбар улуғ ишни қилаётган бўлсалар-да, қалбларида хавф билан ражо бор эди. Шунинг учун умид билан, кўркув билан Аллоҳга дуо қилишган, амалларини ҳусни қабул этишини сўрашган. Улуғ пайғамбарлар Аллоҳ наздида буюк ишни қилаётган амаллари қабул бўлмади қолишдан хавфсирашган экан, биз бундан-да сергакроқ бўлишимиз зарур.

Аллоҳ таоло шундай деган:

“-----Арабча матн-----”

“Шунингдек, улар садақаларини (қиёматда) Парвардигорга қайтувчи эканларидан қалблари кўркиб турган ҳолда берадиган кишилардир...” (Мўминун сураси, 60-оят).

Асъад Ҳавмаднинг “Айсарут тафосир” китобида мазкур оят қуйидагича тафсир қилинган: “Улар ўзларига юклатилган бандалик вазифаларини тўлиқ бажарадилар, фарз, вожиб амалларни мукамал адо этадилар. Шунда ҳам амалларини нуқсонли деб биладилар, тоат-ибодатларини кам санайдилар, эзгу ишлари Аллоҳ томонидан қабул қилинмай қолишидан кўрқадилар. Чунки улар Аллоҳга қайтишларини, куни келиб У Зот ҳузурда туриб ҳисоб беришларини яхши билишади. Камбағалларга, бева-бечораларга садақалар беришса-да, риё, кибр аралашиб амаллари ҳабата (бекор) бўлиб қолишидан чўчишади”.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен: “Эй Расулуллоҳ, Аллоҳнинг “Шунингдек, улар садақаларини (қиёматда) Парвардигорга қайтувчи эканларидан қалблари кўркиб турган ҳолда берадиган кишилардир” деган сўзи ўғрилиқ, зино қилиб, хамр (яъни, ароқ каби нопок ичимликлар) ичиб, шу билан бирга Аллоҳдан кўрқадиган киши ҳақидами?” деб сўрадим. Шунда у зот: “Йўқ, (бу оят) рўза тутадиган, садақа берадиган, намоз ўқийдиган, шу билан бирга (амаллари) қабул бўлмай қолишидан кўрқадиган киши ҳақидадир”, дедилар¹⁰⁸”.

Банда амали Аллоҳ тарафидан қабул қилиниши учун бир неча шартлар мавжуд. Жумладан, имон, ихлос, ният амаллар илоҳий даргоҳга кўтарилиши учун асосий восита саналади. Қилган эзгу ишлари қабул бўлмай қолишдан кўркиш ҳам солиҳ мўминларга хос сифатдир.

Шу ерда савол туғилади: амали мақбул бўлмасликдан кўркиш ҳикмати нимада?

Биринчидан, амалим қабул бўлмай қолса-чи, деган ўй кишини доим ўзини тергашга, амалларини янада мукамалроқ бажаришга ундайди.

Иккинчидан, амали қабул бўлмай қолишдан кўрқадиган одам кибрга, ғурурга берилмайди, ғафлатда қолмайди. Чунки кўркув уни доим сергак бўлишга чорлайди.

Учинчидан, амали қабул бўлмай қолишдан кўркиш савобли ишларни янаям кўпроқ, сифатлироқ қилишга туртки беради.

عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ قَامَ إِلَى الصَّلَاةِ فَأَتَمَّ رُكُوعَهَا وَسُجُودَهَا وَالْقِرَاءَةَ فِيهَا قَالَتْ: حَفِظَكَ اللَّهُ كَمَا حَفِظْتَنِي ثُمَّ أَصْعَدَ بِهَا إِلَى السَّمَاءِ وَلَهَا ضَوْءٌ وَنُورٌ وَفُتِحَتْ لَهَا أَبْوَابُ السَّمَاءِ وَإِذَا لَمْ يُحْسِنِ الْعَبْدُ الْوُضُوءَ وَلَمْ يُتِمِّمِ الرُّكُوعَ وَالسُّجُودَ وَالْقِرَاءَةَ فِيهَا قَالَتْ: ضَيَعَكَ اللَّهُ كَمَا ضَيَعْتَنِي ثُمَّ أَصْعَدَ بِهَا إِلَى السَّمَاءِ وَعَلَيْهَا ظُلْمَةٌ وَعُغِّلَتْ أَبْوَابُ السَّمَاءِ ثُمَّ تَلَفُتُ كَمَا يُلَفُّ التَّوْبُ الْخَلْقُ فَيُضْرَبُ بِهَا وَجْهَ صَاحِبِهَا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَالْبَزَّازُ.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар банда яхшилаб таҳорат қилиб намозга турса, рукуъсини, саждасини, қироатни мукамал адо этса, (намоз): “Мени сақлаганингдек Аллоҳ ҳам сени сақласин”, дейди. Сўнг – унда зиё ва нур бўлган ҳолида – осмонга кўтарилади. Ўша (намоз) учун осмон эшиклари очилади. Агар (банда) таҳоратни чиройли қилмаса, рукуъни, саждани, қироатни мукамал адо этмаса, (намоз):

¹⁰⁸ Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Байҳақий ривоят қилган.

“Мени зое қилганингдек Аллоҳ ҳам сени зое қилсин”, дейди. Кейин – унда зулмат бўлган ҳолида – осмонга кўтарилади. Ўша (намоз) учун осмон эшиклари ёпилади. Шундан сўнг худди эски кийим каби ўралиб, у билан эгаси юзига урилади” (Табароний, *Баззор ривоят қилган*¹⁰⁹).

Биз ўқиган намоз Аллоҳга ҳавола қилинади. Энди бир ўйлаб кўрайлик: Аллоҳга кўрсатиладиган ибодатимиз чиройли адо этилдими ёки шошиб-пишиб, чала-чулпа ўқилдими? Намозимиз қабул бўлишига кўзимиз етадими? Ибодатимиз мақбул бўлиши учун нима қилишимиз керак? Албатта, намозни қоим қилиш зарур. Агар таҳоратимиз мукамал қилинса, намоз рукнларини ўрнига қўйиб адо этсак, қироатимиз беҳато бўлса, намоз: “Менинг рукнларимни комил бажарганинг, хушуъ билан чиройли ўқиганингдек Аллоҳ ҳам сени сақласин”, деб дуо қилади. Аллоҳ бундай намозни қабул этади. Чиройли суратда ўқилган намозгина хайр-барака, яхшилик келтиради. Аллоҳ сақласин, мабодо таҳорат мукамал қилинмаса, рукуълар, саждалар чала бўлса, хато қироат қилинса, намоз: “Мени зое қилганингдек Аллоҳ ҳам сени зое қилсин”, деб дуоибад қилади. Аллоҳ бунақа намозни қабул қилмайди, у билан эгаси юзига урилади...

“Бу иш қачон содир бўлади?” деган саволга икки хил жавоб берилган:

1. Киши намоздан чиқиши билан.

2. Қиёмат куни.

Намоз билан юзга урилиши қандай маънони англатади?

Бу намозхоннинг умидсизлиги, муваффақиятсизлиги, Аллоҳ раҳматидан узоқлиги, ажр-савобдан маҳрумлигини билдиради¹¹⁰.

Баъзи солиҳ салафлар айтишади: “Намоз подшоҳга совға қилинадиган чўри қизга ўхшайди. Унга шол, ғилай, кўр, кўл-оёғи кесилган ёки ногирон, мажруҳ, хунук қизни ҳадя қилган одам ҳақида нима деб ўйлаш мумкин? Худди шунга ўхшаб, жонсиз, руҳсиз намозни Парвардигорига тақдим эта туриб, яна ўша намози билан Эгасига яқинлашишни истайдиган банда ҳақида-чи?! Аллоҳ покдир, фақат пок нарсани қабул қилади. Руҳи бўлмаган намоз эса, қабул бўлишдан йироқдир¹¹¹”.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз: намоз ўқиш учун бандага куч-қувват берган Зот Аллоҳдир. Агар Аллоҳ имкон бермаса, имонни, солиҳ амалларни севдирмаса, намозга хоҳишимиз бўлмайди, уни адо этишга қурбимиз етмайди. Мусулмонни мусулмон, намозхонни намозхон қилган Аллоҳ таолодир. Шунинг учун ҳар қандай яхшилик Аллоҳга хосланади, У Зотга шукр қилинади, ҳамду санолар айтилади.

Бунинг фойдаси нимада? Аввало, ҳар қандай яхшилик Аллоҳдан эканига имон келтирган банда қилаётган амалидан мағрурланмайди, ўзига бино қўймайди. Қолаверса, олқишни энг муносиб Зотга айтади, ўзини ўринсиз мақтамайди, кибрдан сақланади.

Шу билан бирга, банда чиройли тоат-ибодат қилишга, намозни мукамал ўқишга уринмасин, барибир хатога йўл қўяди. Чунки хом сут эмган банда амали нуқсон-камчиликдан холи эмас. Аслида Аллоҳга қанча қуллик қилинса, У Зот хизматидан қоим турилса арзийди. Аллоҳнинг бандага қилган яхшиликларини санаб саноғига етиш қийин. Шунинг учун ҳар бир мўмин амалини нуқсонли билиб, уни қабул этишини сўраб Аллоҳга илтижолар қилса, озгина амал қилиб қўйиб ўзини катта олмаса, тоат-ибодатни қойиллатиб қўйган тақдирдаям камтар бўлса, Аллоҳ ундан рози бўлади, гуноҳларини фазлу карами билан кечиради, намозини, бошқа хайрли ишларини ҳусни қабул қилади.

8-САБАБ. ГУНОҲ-МАЪСИЯТЛАРДАН САҚЛАНИШ

Бандани хушуъдан тўсадиган асосий нарса гуноҳдир. Чунки гуноҳлар қалбнинг Аллоҳга, охиратга мойиллигини заифлаштиради. Қалб ўзининг табиий қуввати билан Аллоҳга рағбат қилади. Гуноҳлар ана шу қувватни кучсизлантиради, дилни хавфли касалликка чалинтиради. Агар гуноҳлар кетма-кет содир этилаверса, банда секин-аста дунёни охиратдан устун қўядиган ғофил кимсага айланади.

¹⁰⁹ Ҳайсамий “Мажмауз завоид”да айтади: “Бу ривоят санадида Аҳвас ибн Ҳаким бор. Ибн Мадиний ҳамда Ижлий уни ишончли ровий санаган. Бир гуруҳ уламолар наздида Аҳвас заифдир. Қолган ровийлар ишончли”.

¹¹⁰ Манба: Муновий, “Файзул кодир”.

¹¹¹ Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушуъ фис салот”, муҳаққиқ муқадримаси; Абдуғафур Искандар, “Намозда хушуъ”.

Гуноҳлар қалбни тўғри йўлдан оғдиради. Қалб зарур озуқалар билан озикланмагунича бу иллатдан буткул соғайиб кета олмайди. Зотан, касаллик танага қандай таъсир қилса, гуноҳлар ҳам қалбга шундай таъсир ўтказди.

Гуноҳлар қалб кўзини кўр қилади, унинг нурини сўндиради. Ривоят қилинишича, бир куни имом Молик имом Шофеийга қарата: “Аллоҳ таоло сенинг қалбинга нур солганини кўряпман. Энди уни маъсият зулмати билан сўндириб қўйма!” деб таъкидлаган¹¹².

Гуноҳларнинг энг катта зарари ҳам шунда. Агар банда билан Парвардигори ораси узилса, хайр-барака ришталари узилади, ёмонлик арқони боғланади. Парвардигоридан узоқлашган банда учун қандай нажот, қандай умид, қандай хузур-ҳаловат бўлиши мумкин?!

Тил офатлари ҳам қалб қотишига, хушуъсизликка олиб боради. Ибн Умар розияллоҳу анху Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ зикридан холи сўзларни кўпайтирманглар. Зеро, Аллоҳ зикридан холи сўз қалбни қотиради. Шубҳасиз, инсонлар ичида Аллоҳ таолодан энг узоғи қаттиқ қалб (соҳиби)дир¹¹³”.

Тилдан яхши сўз чикса, Аллоҳ зикр қилинса, қалб ором олади, кўнгил жилоланади, дилдаги ғиллу ғашлик тарқалади. Агар тил беҳуда сўзлар билан намланса, қалбга салбий таъсир этади. Тил офатлари кўнгил ойнасини хиралаштиради, дийдани қотиради.

Анас ибн Молик розияллоҳу анху айтади: “Киши бир марта ёлғон гапириб қўяди-да, кейин кечаси намоз ўқишдан, кундузи рўза тутишдан маҳрум бўлади¹¹⁴”.

Албатта, инсон хатодан холи эмас. У билиб-билмай гуноҳга қўл уради, баъзан жохиллигидан, баъзида нафсига қулоқ солиб айб иш қилиб қўяди. Меҳрибон Аллоҳ бизга хатони тўғрилаш, айбни ювиш имконини берган. Осий кимса тезда тавба қилиб, кўп-кўп истиғфор айтса, гуноҳи кечирилади, дили равшан бўлади, қалбига тушган қора доғлар ювилади.

Бандани хушуъдан айирадиган иллатлардан яна бири номаҳрамларга хирс билан тикилишдир. Бу ҳақида қуйида сўз юритамиз.

9-САБАБ. КЎЗНИ НОЖОИЗ НАРСАЛАРДАН ТИЙИШ

Аллоҳ таоло инсон танасининг айрим жойларига қарашни ман этган. Бунинг фойдалари бисёр. Номаҳрамлардан кўзини тийган одамнинг қалби, танаси соғлом бўлади. Қолаверса, бу билан жуда кўп ёмонликлар олди олинади, оилалар тинч бўлади. Намозни хушуъ билан адо этишда ҳам кўзни тийиш ўрни беқиёс.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деган:

“-----Арабча матн-----”

“(Эй Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар, авратларини (ҳаромдан) сақласинлар¹¹⁵! Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир). Албатта Аллоҳ қилаётган ишларидан Хабардордир. Мўминаларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркекларга тикишдан) тўссинлар, авратларини (ҳаромдан) сақласинлар!..” (Нур сураси, 30-31-оятлар).

Мазкур оятдаги “Мана шу улар учун энг тоза (йўлдир)” жумласига эътибор қаратамиз. Уламолар таъкидлашича, номаҳрамларга ёмон кўз билан қарамаслик, бузук ишлардан узоқ юриш қалб поклиги учун ўта муҳим экан.

Айтишларича, ким кўзини ҳаромдан тийса, Аллоҳ унинг басиратида бир нур пайдо қилади¹¹⁶.

Арабча “басират” сўзи “ақл-идрок”, “заковат”, “қалб кўзи”, “тажриба”, “хужжат”, “ибрат” маъноларини англатади. “Басират” деганда бизда кўпроқ “қалб кўзи” назарда тутилади.

Ислом дини ўзида поклик, иффат каби фазилатларни мужассам этган. Мазкур қайтариқда ҳам қалб тозалиги, нафс софлиги, ният холислиги, амал мақбуллиги бор.

¹¹² Манба: Ибн Қаййим, “Ал-жавобул кофий лиман са-ала анид давоиш шофий”.

¹¹³ Термизий, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади заиф.

¹¹⁴ Байҳақий ривоят қилган.

¹¹⁵ Бегоналарга хирс билан тикилиш фаҳш ишларга олиб боради. Кўз, қулоқ, қўл зиноси ҳақиқий зинога ундайди.

¹¹⁶ Бир ривоятда “қалбида”, дейилган экан (Манба: Ибн Касир, “Тафсирул қуръонил азим”).

Кимда-ким мана шу оятларга риоя этса, қалбида ҳаловат, намозида хушуъ пайдо бўлади. Фикримизни қуйидаги ҳадиси шариф қувватлайди.

عَنْ حَدِيثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: النَّظَرُ سَهْمٌ مِنْ سِهَامِ إِبْلِيسَ مَسْمُومَةٍ فَمَنْ تَرَكَهَا مِنْ خَوْفِ اللَّهِ أَثَابَهُ جَلًّا وَعَزَّزَ إِيمَانًا يَجِدُ حَلَاوَتَهُ فِي قَلْبِهِ. رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

Ҳузайфа розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “(Номаҳрамларга) **назар солиш иблиснинг захарланган ўқларидан биридир. Ким Аллоҳдан қўрқиб уни тарк этса, У Зот аzza ва жалла шундай имон беради.** (Банда) унинг ҳаловатини қалбида ҳис қилади” (*Ҳоким ривоят қилган, “Ҳадис санади саҳиҳ”, деган*).

Бир ўйлаб кўрайлик: ибодат чоғида хузур-ҳаловат топа олмаётганимиз сабаби кўзни тиймаслик эмасмикан?!

Аллоҳ таоло бизга намозни шунчаки ўқиб қўйишни эмас, тўқис адо этишни буюрган. Намозда хушуъ топаман, деган одам биринчи навбатда кўзини, тилини, кулоғини – барча аъзоларини ҳаромдан сақлайди. Шунда секин-аста хушуъсизлик дардидан қутулади.

Бир нарсани айтиб ўтиш керак: кўзни ҳаромдан тийиш дегани эркак киши бегона аёлнинг қорасини ҳам кўрмасин, дегани эмас. Балки ҳожатдан ташқари назар ташламасин, номаҳрамга беихтиёр кўзи тушиб қолса, назарини дарҳол бошқа томонга бурсин, узоқ тикилиб қолмасин, деганидир. Чунки бегона аёлга кетма-кет қараш шахвоний ҳирсни уйғотади, инсон хаёлини чалғитади, бузуқлик кўчасига бошлайди.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَنْظُرُ إِلَى مَخَاسِنِ امْرَأَةٍ أَوْ لَمَرَّةٍ ثُمَّ يَعْضُ بَصَرَهُ إِلَّا أَحَدَتْ اللَّهُ لَهُ عِبَادَةً يَجِدُ حَلَاوَتَهَا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ جَدًّا.

Абу Умома розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “**Қайси бир мусулмон (киши бегона) аёл гўзаллигига бир бор кўзи тушганида нигоҳини четга қаратса, Аллоҳ (ўша инсон) учун бир ибодатни пайдо қилади. Унинг ҳаловатини (қалбида) топади**” (*Аҳмад, Байҳақий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади жуда заиф*).

Кўзи пок, юзи пок инсоннинг сўзи пок бўлади. Тил пок бўлса, дил ҳам пок бўлади. Кўряписми, назарни ҳаромдан сақлаш, ножоиз нарсаларга қарамаслик, тилни тийиш қалб ислоҳида, намозни хушуъ билан ўқишда қанчалик аҳамиятга эга.

Юқорида келтирилган ояти каримага, ҳадиси шарифларга эътибор берсак, намозда нима учун хушуъ топа олмаётганимиз ойдинлашади. Бу хабарлар бизга хушуънинг асоси нимадалигини баён этади, нуқсон-камчиликларимизни яққол кўрсатади. Чунончи, агар биз Аллоҳ амрига итоат этсак, У Зот дилимизга ихлос неъматини солади. Унинг ҳаловатини ибодат қилаётганда сезамиз. Дунёда имон ҳаловатидан ҳам лаззатлироқ, кўнгил хотиржамлигидан-да тотлироқ неъмат йўқ. Аллоҳ таоло барчамизни мустаҳкам имон, ихлос, хушуъ, офият неъматини билан ярлақасин¹¹⁷.

10-САБАБ. ТАҲОРАТНИ МУКАММАЛ ҚИЛИШ

Таҳоратни, ғулсни мукаммал қилиш хушуънинг асосий омилларидан биридир. Қолаверса, намоз тўғри бажарилиши учун ҳам таҳорат комил бўлиши шарт. Намозни раҳмат эшиги деб фараз қилсак, бетаҳоратлик унинг кулфи. Комил суратда таҳорат олиш ана ўша кулфни очадиган калитдир. Шунинг учун Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шошилмасдан, бекаму кўст таҳорат қилиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар.

¹¹⁷ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Куръон – қалблар шифоси”.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِإِسْبَاغِ الْوُضُوءِ. رَوَاهُ الدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ибн Аббос розияллоху анху айтади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бизга мукаммал таҳорат қилишни буюрганлар” (Доримий, Ибн Можса, Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Мусулмон киши намоз калити бўлмиш таҳоратни тўкис қилади. Кимда-ким Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам буйруқларига бўйсунса, барака топади. Қайси маънода? Набавий тавсияларга риоя этган кишининг намози рисоладагидек адо этилади, Аллоҳ даргоҳида хусни мақбул бўлади, охиратда юзидан, қўл-оёғидан нур таралиб туради.

وَعَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَمَّانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ خَرَجَتْ خَطَايَاهُ مِنْ جَسَدِهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَظْفَارِهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Усмон ибн Аффон розияллоху анху ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ким таҳоратни мукаммал қилса, унинг гуноҳлари танасидан, хатто тирноқлари остидан чиқиб кетади”, деганлар” (Муслим, Насоий, Аҳмад, Табароний, Байҳақий ривоят қилган).

Таҳоратни тўкис қилиш мана бу ривоятда ўргатилган. Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Бир киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, “Таҳоратни қандай мукаммал қилинади?” деб сўради. Расулуллоҳ намоз вақти бўлгунича жим турдилар. Кейин сув олиб келишни буюрдилар. Сўнг икки қўлларини ювдилар, бурунларига сув олиб қоқдилар, мазмаза қилдилар, юзларини, қўлларини уч мартадан ювдилар, бошларига масҳ тортдилар, оёқларини ҳам уч мартадан ювдилар. Кейин кийимлари остига сув сепиб, “Таҳоратни мукаммал қилиш мана шундай бўлади”, дедилар¹¹⁸.”

Демак, таҳорат суннатларига, мустаҳабларига, одобларига риоя этилса, таҳорат мукаммал бўлади¹¹⁹.

Эътиборли жиҳати шундаки, жамоат намозига келадиган одам яхшилаб таҳорат қилмаса, имом қироатда янглишиб кетиши мумкин экан.

عَنْ أَبِي رُوْحِ الْكَلاَعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّى بِنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَاةً فَقَرَأَ فِيهَا سُورَةَ الرُّومِ فَلَبَسَ عَلَيْهِ بَعْضُهَا قَالَ: إِنَّمَا لَبَسَ عَلَيْنَا الشَّيْطَانُ الْقِرَاءَةَ مِنْ أَجْلِ أَقْوَامٍ يَأْتُونَ الصَّلَاةَ بِغَيْرِ وُضُوءٍ فَإِذَا أَتَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَأَحْسِنُوا الْوُضُوءَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَهَذَا حَدِيثٌ حَسَنٌ.

Абу Равҳ Калоий розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам биз билан намоз ўқидилар, унда Рум сурасини қироат қилдилар, айрим жойларида янглишиб кетдилар¹²⁰. У зот: “Намозга бетаҳорат келган баъзи кишилар сабаб шайтон бизни қироатда адаштирди. Агар биронтангиз намозга келса, чиройли таҳорат қилсин!” дедилар” (Аҳмад ривоят қилган. Бу – ҳасан ҳадис¹²¹).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бу ерда нега “Намозга бетаҳорат келган” деяптилар? Чунки таҳоратни чала қилиш таҳоратсизлик билан баравар. Масалан, қўлнинг тирсаккача бўлган қисми ювилмай қолса, оёқдами, юздами сув тегмаган жой бўлса, таҳорат ўрнига ўтмайди. Шунинг

¹¹⁸ Абу Яъло, Баззор ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

¹¹⁹ Манба: Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли, “Таҳорат китоби”.

¹²⁰ Абу Равҳ Калоий бир саҳобийдан ривоят қилишича, бу воқеа бомдод намозидан бўлган (Манба: Насоий, “Сунан”; Аҳмад, “Муснад”).

¹²¹ Шуайб Арнаут: “Бу – ҳасан ҳадис. Лекин Шарик, яъни Ибн Абдуллоҳ Нахайй заифлиги, ирсоли туфайли ривоят санади заиф”, деган.

учун таҳорат қилаётганда фарзлар тўқис адо этилади. Таҳорат суннатлари, мустаҳаблари билан поклик маромига етади. Шундай қилинса, киши намозда хушӯ топади, имом қироатига халал бермайди¹²².

11-САБАБ. НАМОЗ ЎҚИШДАН ОЛДИН МИСВОК ҚИЛИШ

Намозга таҳорат олаётганда тишлар мисвок билан яхшилаб тозаланади. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам мисвок ишлатишга жуда кўп тарғиб қилганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَوْلَا أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ بِالسَّوَاكِ مَعَ كُلِّ صَلَاةٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Агар умматимга қийин қилиб қўй(ишни ўйла)маганимда, уларни ҳар бир намозни мисвок (ишлатиб ўқиш)га буюрган бўлардим”** (Бухорий, Муслим, Насоий, Ибн Можжа, Аҳмад ривоят қилган).

Зайд ибн Холид Жуҳаний розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар умматимга қийин бўлишини ўйламаганимда, уларга ҳар бир намозни мисвок (ишлатиб ўқиш)ни буюрган, хуфтон намозини туннинг (аввалги) учдан биригача кечиктирган бўлардим”, деб айтганларини эшитганман”. (Абу Салама) айтади: “Зайд масжидда намозларга ҳозир бўларди, худди котиб қаламни қулоғига қистириб олганидек, мисвокни қулоғига қистириб оларди. Агар намозга турадиган бўлса, мисвок қилар, кейин уни жойига қайтариб қўярди¹²³”.

Муаллим Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир намоздан олдин мисвок ишлатишга бежизга қизиқтирмаганлар. Бунинг бир қанча фойдалари бор:

- Мисвок ишлатиб ўқилган намоз мисвок қўлламаздан ўқилган намоздан етмиш барабар афзал;
- мисвок қироатга, намозга иштиёқни оширади, қалбда хушӯ уйғотади;
- мисвок тилни фасоҳатли (бурро) қилади. Намоздан олдин мисвок ишлатган киши Куръонни қийналмай ўқийди.

Уламолар айтишича, ҳар бир намоздан олдин мисвок қилиш суннати муаккададир.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْلَا أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرَتِهِمْ بِالسَّوَاكِ مَعَ كُلِّ وُضُوءٍ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар умматимга қийин қилиб қўй(ишни ўйла)маганимда, уларни ҳар сафар таҳорат қилаётганда мисвок (ишлатиш)га буюрардим”** (Табароний “Авсат”да ҳасан санад билан ривоят қилган).

Ҳанафий мазҳаби уламоларига кўра, мисвок таҳорат вақтида қилинади¹²⁴. Киши бир таҳорат билан икки-уч маҳал намоз ўқиса, бир марта мисвок қилиш етади. Чунончи, таҳоратдан олдин мисвок қилган бўлса, намоз ўқишдан аввал такрор мисвок ишлатмайди. Агар таҳорат вақтида унутган бўлса, намоздан олдин тишини тозалайди.

¹²² Аллома Ибн Касирга кўра, бу ривоят муқтадид таҳорати нуқсонли бўлиши имом намозига таъсир қилишини кўрсатади. Таҳоратни тўқис қилиш ибодатда туришни осонлаштиради, уни комил суратда бажаришга ёрдам беради (Манба: “Тафсирул куръонил азим”).

¹²³ Абу Довуд, Термизий, Аҳмад, Байҳақий, Табароний ривоят қилган. Абу Исо Термизий: “Бу ҳадис ҳасан-саҳиҳ”, деган.

¹²⁴ “Ниҳоя”, “Фатҳул қодир” китобида мазмаза қилаётганда, “Бадоеъ” ва “Мужтаба”да эса таҳоратдан олдин мисвок қилиниши айтилган.

عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ أَمَرَ بِالسَّوَاكِ وَقَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْعَبْدَ إِذَا تَسَوَّكَ ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي قَامَ الْمَلِكُ خَلْفَهُ فَيَسْتَمِعُ لِقِرَاءَتِهِ فَيَدْنُو مِنْهُ أَوْ كَلِمَةً نَحْوَهَا حَتَّى يَضَعَ فَاهُ عَلَى فِيهِ فَمَا يَخْرُجُ مِنْ فِيهِ شَيْءٌ مِنْ الْقُرْآنِ إِلَّا صَارَ فِي جَوْفِ الْمَلِكِ فَطَهَّرُوا أَفْوَاهَكُمْ لِلْقُرْآنِ. رَوَاهُ الْبَزَّازُ فِي الْمُسْنَدِ بِإِسْنَادٍ جَيِّدٍ وَرَوَى ابْنُ مَاجَةَ بَعْضَهُ مَوْقُوفًا.

Али розияллоху анху мисвокка буюрди ҳамда Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам шундай деганларини ривоят қилди: “Агар банда мисвок қилгандан кейин намоз ўқиса, бир фаришта унинг орқасида туриб қироатини эшитади, унга яқинлашиб келади – ёки шунга ўхшаш бир сўз (айтдилар) – ҳатто оғзини оғзига кўяди. Унинг оғзидан Қуръондан бир нарса (яъни, оят) чиқса, фаришта ичида бўлади. Шундай экан, Қуръон учун оғизларингизни покланг!” (Баззор “Муснад”да жайид санад билан ривоят қилган. Ибн Можжа бу ҳадиснинг айрим қисмини мавқуф тарзда келтирган).

Агар киши намоз ўқишдан олдин мисвок билан оғзини тозаласа, бир фаришта орқасида туриб қироатини эшитади, унга яқинлашиб келади. Ҳатто оғзини оғзига кўяди, банда оғзидан чиқаётган Қуръон оятлари фаришта ичига тушади. Шунинг учун Қуръон қироатидан, намоз ўқишдан олдин оғиз яхшилаб тозаланади.

وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: فَضَّلُ الصَّلَاةَ بِالسَّوَاكِ عَلَى الصَّلَاةِ بِغَيْرِ سِوَاكٍ سَبْعِينَ ضِعْفًا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

Оиша розияллоху анҳо Набий соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Мисвок билан (ўқилган) намоз мисвоксиз (ўқилган) намоздан етмиш баравар афзал” (Аҳмад, Дароқутний, Абу Яъло, Ибн Хузайма, Ҳоким ривоят қилган. Ҳоким: “Бу ҳадис Муслим шартига кўра саҳиҳ”, деган¹²⁵).

Демак, солиҳ амалларда миқдор эмас, сифат муҳимроқ экан. Мисвок намозни комил суратда адо этишда катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда савол туғилади: мисвок қилишда қандай воситалардан фойдаланилади?

Мисвокнинг энг афзали арок деган дарахт буталаридан олинади. Чунки бу дарахтда инсон соғлиғи учун фойдали моддалар кўп.

Арок дарахти Саудия Арабистони, Судан, Жанубий Миср, Чад, Ҳиндистоннинг шарқий қисмида ўсади. Арок дарахти ўсмайдиган мусулмон давлатларида бошқа дарахтлардан мисвок қилинади. Аммо ҳозирда арок дарахти мисвоки экспорти кенг йўлга қўйилган. Ҳатто баъзи ширкатлар арок ва шунга ўхшаш дарахт навалари, илдизлари экстрактидан¹²⁶ фойдаланиб, тиш ювиш маъжунлари (пасталари) ишлаб чиқармоқда. Аҳамиятли томони шундаки, арок дарахти экстракти кўшиб тайёрланган маъжунлар бошқа воситаларга қараганда тишларни яхшироқ тозалайди.

Одатда, қуйидаги дарахтлардан мисвок олинади:

- Арок;
- зайтун;
- бутм;
- хурмо;
- юнон ёнғоғи;
- яна бошқа аччиқ илдизли, зарарсиз дарахтлардан мисвок олиниши мумкин.

¹²⁵ Бу ҳақида бошқа ривоятлар ҳам бор. Жумладан, Ибн Аббос розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Мисвок билан икки ракат намоз ўқишим мен учун мисвоксиз етмиш ракат намоз ўқишдан сеvimлироқ” (Абу Нуайм “Китобус сивок”да жайид санад билан ривоят қилган).

Жобир розияллоху анху ривоят қилади: “Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: “Мисвок билан (ўқилган) икки ракат (намоз) мисвоксиз (ўқилган) етмиш ракат (намоз)дан афзал”, деганлар” (Баззор, Абу Нуайм ҳасан санад билан ривоят қилган).

¹²⁶ Экстракт – кимёвий йўл билан органик тўқималардан олинган модда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “мисвок” сўзи “тиш тозалаш воситаси” маъносини англатади. У маълум дарахт наваларидан, илдишларидан олинади. Агар ўша турга оид дарахтдан тайёрланган мисвок топилмаса, қандай йўл тутилади?

Касир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Авф Музаний отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар мисвок бўлмаса, бармоқлар мисвок ўрнига ўтади”, деганлар¹²⁷.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Бани амр ибн авфлик ансорлардан бири: “Эй Расулуллоҳ, сиз мисвокка (кўп) тарғиб қилдингиз. (Тиш тозалаш учун) ундан бошқа нарса ҳам борми?” деди. Шунда у зот: “Икки бармоғинг таҳоратда мисвокдир. У иккисини тишларинг устидан юргизасан. Албатта, нияти йўқнинг амали йўқ. Савобдан умид қилмаганнинг ажри йўқ”, дедилар¹²⁸”.

Ҳозирда мавжуд замонавий тиш ювиш воситалари ҳам мисвок ўрнини тўлиқ боса олмайди. Фақат мисвок йўқлигида ёки мисвок билан қўшиб фойдаланса бўлади. Лекин фақат тиш пасталари билан ювишнинг ўзи мисвок савобини қозониш учун етарли эмас.

Аниқланишича, мисвок милк касалликлари олдини олишда тиш пасталаридан яхшироқ самара беради. Бироқ ҳозирги тиш маъжунларини ишлатиш ҳам маъқул эканини айтиб ўтамыз. Мўмин киши илм-фан ютуқларини рад этмайди, ҳалол-покиза воситалардан унумли фойдаланади.

12-САБАБ. ШАЙТОН ҲИЙЛАСИГА АЛДАНМАСЛИК

Шайтон мўминнинг ашаддий душманидир. У бандани намоздан, хушуъдан қайтаради. Иблис инсонни, аввало, имондан тўсади. Имон келтирса, ибодатдан чалғитади, ҳар хил нарсаларни хаёлига келтириб, намозни эсидан чиқаришга интилади, ибодатни оғир кўрсатиб, бошқа ишлари қолиб кетишидан чўчитади. Зеро, банда намозга киришар экан, энг улуғ мақомда турган бўлади. Мўмин кишининг намоз ўқиши шайтонни ғазаблантиради, пешонасини саждага қўйиши уни хафа қилади. Агар банда васвасага парво қилмай ибодатга турса, шайтон унинг хаёлини чалғитишга, савобини камайтиришга бор кучи билан уринади. Кўпинча, унутган нарсасини ёдига солади, тополмай юрган матоҳининг жойини эслатади ёки келажакда қилинадиган ишлар режасини ёдига солади. Нима қилиб бўлсаям қалбини Аллоҳ зикридан машғул қилишга қаттиқ тиришади. Агар банда зикрда, ибодатда давом этса, қандай Зот ҳузурида турганини, шайтон макри заифлигини унутмаса, васваса унга таъсир этмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисда шайтоннинг намозхонга ҳийласи ҳақида хабар берганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا نُودِيَ بِالصَّلَاةِ أَذْبَرَ الشَّيْطَانُ وَلَهُ ضُرَاطٌ حَتَّى لَا يَسْمَعَ الْأَذَانَ فَإِذَا قُضِيَ الْأَذَانُ أَقْبَلَ فَإِذَا تَوَبَّ بِهَا أَذْبَرَ فَإِذَا قُضِيَ التَّوْبُ أَقْبَلَ حَتَّى يَخْطَرَ بَيْنَ الْمَرْءِ وَنَفْسِهِ يَقُولُ: ادْكُرْ كَذَا وَكَذَا مَا لَمْ يَكُنْ يَدْكُرُ حَتَّى يَظَلَّ الرَّجُلُ إِنْ يَدْرِي كَمْ صَلَّى فَإِذَا لَمْ يَدْرِ أَحَدُكُمْ كَمْ صَلَّى ثَلَاثًا أَوْ أَرْبَعًا فَلْيَسْجُدْ سَجْدَتَيْنِ وَهُوَ جَالِسٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар (азон айтиб) намозга чақирилса, шайтон азонни эшитмаслик учун ел чиқарган ҳолда ортига қараб қочади. Азон айтиб бўлинса, қайтиб келади. Агар иқомат айтилса, яна қочади. Иқоматдан кейин келиб киши хаёлини чалғитади, “Уни эсла, буни эсла”, деб аввал эслолмаган нарсаларни (ёдига солади. Натижада) киши ҳатто қанча намоз ўқиганини билолмайди. Агар биронтангиз уч (ракат) ўқидими, тўрт (ракат) ўқидими, била олмаса, ўтирган холида икки марта сажда қилсин!” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

¹²⁷ Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Касир заиф ровий, лекин Термизий унинг ҳадисини ҳасан, деган.

¹²⁸ Байхақий “Ас-сунанул кубро”да ривоят қилган.

Эътибор берсангиз, одам намоздан ташқарида эслай олмаган айрим нарсаларни намозда эслайди, ибодат чоғида баъзи муҳим маълумотлар ёдига тушиб қолади. Бу шайтон тарафидан қилинади.

Айтишларича, бир киши хазинасини қаерга кўмганини эсидан чиқариб қўйибди. Шунда унга: “Намоз ўқисанг бойлигингни қаерга кўмганинг ёдингга тушади”, деб маслаҳат берилибди. Ҳалиги одам таҳорат қилиб намоз ўқибди. Кутилганидек, намоз ўқиётганда хазинасини кўмган жойни эслабди. Шунда тавсия берган одамдан: “Буни қаердан билдинг?” деб сўрашибди. “Билдимки, шайтон банда эслолмаган нарсаларини намозда эслатади. Хазинаси қаердалигини эслатар деган умидда бу кишига шундай маслаҳат бердим”, деган экан.

Юқоридаги ҳадисга кўра, шайтон ибодатга чоғланган кишига айрим нарсаларни эслатади. Оқибатда чалғиб, неча ракат ўқиганини аниқ билолмайди. Шундай ҳолатда нима қилиш кераклиги мана бу ривоятда батафсилроқ тушунтирилган.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا شَكَتَ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاتِهِ فَلَمْ يَدْرِ كَمْ صَلَّى ثَلَاثًا أَمْ أَرْبَعًا فَلْيَطْرَحِ الشَّكَّ وَلْيَبْنِ عَلَى مَا اسْتَيْقَنَ ثُمَّ يَسْجُدْ سَجْدَتَيْنِ قَبْلَ أَنْ يُسَلَّمَ فَإِنْ كَانَ صَلَّى خَمْسًا شَفَعَنَ لَهُ صَلَاتُهُ وَإِنْ كَانَ صَلَّى إِتْمَامًا لِأَرْبَعٍ كَانَتْ تَرْغِيمًا لِلشَّيْطَانِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Саид Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Агар биронтангиз намозида иккиланиб қолса, уч (ракат) ўқидими, тўрт (ракат) ўқидими, била олмаса, шубҳани тарк этсин, ўзи аниқ ишонган (нарсга) суянсин, салом беришидан олдин икки марта сажда қилсин. Шунда, агар беш ракат (ўқиган) бўлса, ўша (икки сажда) унинг намозини жуфт қилади. Агар тўлиқ тўрт ракат ўқиган бўлса, (икки сажда) шайтон бурнини ерга ишқалаган бўлади” (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можса, Аҳмад ривоят қилган).

Демак, уч ёки тўрт ракат ўқиганини аниқ била олмаган киши:

1. Шубҳани тарк этади, васвасага эътибор бермайди.
2. Қайси тарафга гумони кўпроқ бўлса, ўшанга суянади. Уч ракат ўқидим, деб ўйлаётган бўлса, яна бир ракат ўқийди. Тўрт ракат ўқидим, деб ўйласа, намозини тамомлайди.
3. Салом беришдан олдин икки марта саждаи саҳв қилади.
4. Шу билан муаммо ҳал бўлади: уч ракат ўқиган бўлса, яна бир ракат ўқиб тўғри қилган бўлади. Агар қўшимча бир ракат билан намози беш ракат бўлиб қолса, икки сажда билан намоз олти ракатга айланади.
5. Борди-ю уч ракат ўқиган ҳолида тўрт ракат ўқидим, деб ўйласа, саждаи саҳв унинг намозини тўлиқ қилади. Оқибатда бандани ибодатдан тўсишга, савобдан айиришга уринган шайтон бурни ерга ишқаланади.

Мана бу ҳадисда ҳам шайтон макрини даф қилиш усули ўргатилган.

عَنْ أَبِي الْعَلَاءِ أَنَّ عُمَانَ بْنَ أَبِي الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ الشَّيْطَانَ قَدْ حَالَ بَيْنِي وَبَيْنَ صَلَاتِي وَقِرَاءَتِي يَلْبِسُهَا عَلَيَّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ذَاكَ شَيْطَانٌ يُقَالُ لَهُ خَنْزَبٌ فَإِذَا أَحْسَسْتَهُ فَتَعَوَّذْ بِاللَّهِ مِنْهُ وَانْفِلْ عَلَى يَسَارِكَ ثَلَاثًا قَالَ: فَفَعَلْتُ ذَلِكَ فَأَذْهَبَهُ اللَّهُ عَنِّي. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Абул Алодан ривоят қилинишича, Усмон ибн Абул Ос розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эй Расулуллох, шайтон мен билан намозим ҳамда қироатим орасида тўсиқ бўлди. У мени қироатда адаштириб юборди”, деди. Шунда Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам: “У “Ханзаб” дейиладиган шайтондир. Агар уни(нг васвасасини) сезсанг, Аллох паноҳ беришини сўра, чап тарафинга уч марта тупла”, дедилар. Усмон айтади:

“Мен шундай қилгандим. Аллоҳ унинг васвасасини мендан кетказди” (Муслим, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган).

Бу ривоятга кўра:

1. Шайтон намоз ўқиётган одамни адаштиришга, хушудан тўсишга уринади.

2. Намозда хаёлни чалғитадиган шайтон “Ханзаб” дейилади.

3. Агар шайтон намозда васваса қилса, унинг зиёнидан Аллоҳ паноҳ бериши сўралади, чап тарафга уч марта туланади.

Шайтон бандани таҳорат борасида ҳам шубҳа кўчасига етаклайди, хаёлига турли фикрларни келтириб, кўнглини ғаш қилмоқчи бўлади. Бу васвасани қандай кетказиш йўлини мана бу ривоятдан билиб оламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا وَجَدَ أَحَدُكُمْ فِي بَطْنِهِ شَيْئًا فَأَشْكَلَ عَلَيْهِ أَخْرَجَ مِنْهُ شَيْءٌ أَمْ لَا فَلَا يَخْرُجَنَّ مِنَ الْمَسْجِدِ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳу Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар биронтангиз қорнида нимадир сезса, ундан бирон нарса чиққан-чиқмагани ҳақида шубҳага борса, овозни эшитмагунича ёки ҳид сезмагунича масжиддан асло чиқиб кетмасин!”** (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Доримий, Ибн Можжа, Аҳмад ривоят қилган).

Демак, одам намозда таҳорати кетган-кетмагани ҳақида иккиланса, ел овозини эшитмагунича, ҳидини сезмагунича ёки таҳоратни бузувчи бошқа ҳолатларни кўрмагунича таҳорати синмаган ҳисобланади, намоз ўқишда давом этади.

13-САБАБ. НАМОЗ ҲУКМЛАРИНИ ЯХШИ БИЛИШ

Ҳар бир мўмин-мусулмон инсон намоз ҳукмларини беш қўлда билиши зарур. Чунки намозда нечта фарз, нечта вожиб амал борлигини билса, намоздаги суннат, мустаҳаб амалларни ёдлаб олиб, уларни бекаму кўст бажарса, ибодати комил бўлади. Намоз ҳукмларини, қандай намоз ўқишни, ибодат вақтида ўзини қандай тутишни яхши билмаган одам намозни рисоладагидек ўқий олмайди. Зеро, хушуд ҳам илмга, тақвога асосланади.

14-САБАБ. ЖАМОАТ НАМОЗИГА БОРИШДАН ОЛДИН САРИМСОҚ, ПИЁЗ КАБИ БАДБҲҲ НАРСАЛАР ЕМАСЛИК

Масжид Аллоҳ таолонинг уйи ҳисобланади. У ерда намоз ўқилади, зикр-тасбеҳлар, салаватлар айтилади, дуолар қилинади. Масжидга бориш, жамоат намозларида иштирок этиш савоби жуда улуғ. Лекин, масжидга борадиган кишидан руҳан, жисман озода бўлиш талаб этилади. Чунончи, масжидга кетаётганда хушбўйланиш, айниқса оғизни тозалаб, ҳар хил ҳидларни кетказиш юксак мўминлик одоби саналади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам масжидларга пок ҳолда келишга буюрганлар, ҳатто ҳалол бўлса-да, бадбўй ҳидли сабзавотлар, кўкатлар ейишдан қайтарганлар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي غَزْوَةِ حَيْبَرَ: مَنْ أَكَلَ مِنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ يَغْنِي الثُّومَ فَلَا يَفْرِنَنَّ مَسْجِدَنَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Хайбар газотида: **“Ким мана бу дарахт, яъни саримсоқдан еса, масжидимизга зинҳор яқинлашмасин!”** деганлар (Бухорий ривоят қилган).

Бу ерда саримсоқ зикр қилинаётган бўлса ҳам бадбўй ҳидли бошқа сабзавотлар, озиқ-овқатлар, жумладан, пиёз, турп, редиска, карам кабилар ҳам шунга киради.

Бир нарсага эътибор бериш лозим: ҳадисда саримсоқ ейишдан қайтарилмаяпти, балки уни еган одам – ҳиди кетгунича – масжидга келмай туриши айтилмоқда.

“Масжидимизга” деганда фақат Масжидун набавий эмас, барча масжидлар, мўмин-мусулмонлар намоз ўқийдиган жойлар назарда тугилади.

Уламолар бу ҳадисдан қиёс қилиб, нафақат масжидларга, балки илм ёки зикр мажлисига, жаноза намозига, тўйларга, байрамларга – одамлар йиғиладиган жойга боришдан олдин ёқимсиз ҳидли нарсалар емасликни тавсия этишган.

عَنْ عَبْدِ الْعَزِيزِ وَهُوَ ابْنُ صُهَيْبٍ قَالَ: سَأَلَ أَنَسُ عَنِ الثُّومِ فَقَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَكَلَ مِنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ فَلَا يَغْتَرِنَا وَلَا يُصَلِّيَ مَعَنَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَاللَّفْظُ لَهُ.

Абдулазиз ибн Суҳайбдан ривоят қилинади: “Анасан саримсоқ хақида сўралди. Шунда у: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким мана бу дарахтдан еса, бизга яқинлашмасин, биз билан намоз ўқимасин!” деганлар”, деб айтди” (*Бухорий, Муслим ривоят қилган*).

Табароний ривоятида: “Сиз мана бу икки кўкатни (яъни, саримсоқни, пиёзни) еган ҳолда масжидимизга кирманглар. Агар (ейиш) лозим бўлса, оловда яхшилаб ўлдириб (яъни, пишириб) енглар”, дейилган.

Бу гап терлаб, бадани ёки кийимидан бадбўй ҳид келиб турган ҳолда масжидга кирувчиларга ҳам тегишли. Мусулмон одам кўли билан, тили билан, ҳатто ҳиди билан ҳам ҳеч кимга озор етказмайди, кўлини зиён-заҳматдан, зулмдан, тилини беҳуда гаплардан тияди, ҳамиша ювиниб, озода бўлиб юради. Айниқса, масжидга бораётганида бунга кўпроқ аҳамият беради.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ أَكَلَ ثُومًا أَوْ بَصَلًا فَلْيَعْتَزِلْنَا أَوْ قَالَ: فَلْيَعْتَزِلْ مَسْجِدَنَا وَلْيَقْعُدْ فِي بَيْتِهِ وَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى بِقَدْرٍ فِيهِ خَضِرَاتٌ مِنْ بُقُولٍ فَوَجَدَ لَهَا رِيحًا فَسَأَلَ فَأَخْبَرَ بِمَا فِيهَا مِنْ الْبُقُولِ فَقَالَ: قَرَّبْتُهَا إِلَى بَعْضِ أَصْحَابِهِ كَانَ مَعَهُ فَلَمَّا رَأَاهُ كَرِهَ أَكْلَهَا قَالَ: كُلْ فَإِنِّي أَنَا حِجِي مَنْ لَا تُنَاجِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимда-ким пиёз ёки саримсоқ еган бўлса, биздан (ёки масжидимиздан¹²⁹) узоқлашсин, уйда ўтирсин”, деганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қозон олиб келинди. Унда кўкатлар, сабзавотлар (солинган таом) бор эди. У зот (сабзавотлар) ҳидини сездилар. Кейин сўрадилар. Қозонда қанақа сабзавотлар борлиги билдирилди. Шунда Расулуллоҳ уни айрим саҳобаларига олиб боришни айтдилар. У зот уни кўриб, ейишни ёқтирмадилар, “Сен еявер. Зеро, сен муножот қилмайдиганлар (яъни, фаришталар) билан мен муножот қиламан¹³⁰”, дедилар (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юқоридаги ҳадисларда ҳалол, аммо ҳиди ёқимсиз пиёз, саримсоқ еб масжидга келишдан қайтармоқдалар. Энди ўйлаб кўрайлик: ҳиди бадбўй тамаки, нос чекиб масжидга келиш ҳақида нима дейиш мумкин?! Аллоҳнинг ягоналигига шубҳасиз ишонган, охират куни нажот топишдан умидвор ҳар бир банда масжидга пок ҳолда келади, нохуш ҳидлардан,

¹²⁹ Бу – ровий Зухрий томонидан қилинган шубҳа, яъни иккиланиш (Манба: Ибн Ҳажар, “Фатхул борий”).

¹³⁰ Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон – Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан – келтирган ривоятга кўра, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен Аллоҳнинг фаришталаридан уяламан, лекин у (яъни, саримсоқ, пиёз каби сабзавотлар, кўкатлар) ҳаром эмас”, деганлар.

Мазкур икки муҳаддис келтирган бошқа ривоятга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар еяверинглар. Зеро, мен сизлардан биронтангиз каби эмасман. Мен соҳибимга азият етказишдан кўрқаман”, деганлар.

ёкимсиз нарсалардан йироқ юради, ёнида намоз ўқийдиган инсонларга ҳам, у ерда ҳозир бўладиган фаришталарга ҳам озор бермайди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтаемиз: Аллоҳ таоло ҳар бир бандага икки фариштани бириктирган. Ўнг томондаги фаришта савобли амалларни, чап томондагиси гуноҳларни номаи аъмолга ёзиб боради¹³¹. Бундан ташқари олд ва орқа тарафида яна икки фаришта – Аллоҳнинг буйруғи билан – бандани турли шикаст-балолардан сақлайди¹³². Бу фаришталар “хафаза” дейилади. Улар алмашиб туради. Мазкур малоикалар доим банда билан бирга бўлади, унинг амалларини ёзиб, ўзини зиёнлардан асрайди, ҳақиқа дуо қилади, истиғфор айтади. Фақат ҳожатхонага кирганда, эр-хотин жинсий муомала қилганда инсонни тарк этади. Демак, банда доим тўрт томондан тўрт фаришта ўртасида бўлади. Биз биламиз, фаришталар нопок нарсалардан озорланади. Жумладан, оғиздан чиққан бадбўй хид уларга азият етказиши. Шунинг учун намоз ёки Қуръон ўқишдан олдин оғизни тозалаш тавсия этилади.

15-САБАБ. ЖАМОАТ НАМОЗЛАРИДА ҲОЗИР БЎЛИШ

Намозни жамоат билан ўқиш фазилати улуғ, фойдалари бисёр. Жамоат намози ёлғиз ўқилган намоздан бир неча баравар афзалдир.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: صَلَاةُ الْجَمَاعَةِ تَفْضُلُ صَلَاةِ الْفَدِّ بِسَبْعٍ وَعِشْرِينَ دَرَجَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жамоат намози ёлғиз (ўқилган) намоздан йигирма етти баравар афзал”, деганлар (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Ибн Можа ривоят қилган).

Жамоат намози киши бир ўзи ўқиган намозидан 25 ёки 27 баравар афзаллиги ҳақида ривоятлар бор. Уламолар айтишича, масжид узоқ-яқинлигига, намозхонлар оз-кўплигига, банда ихлосига, хушбўйсига, имом таквосига қараб жамоат намози фазилатда бир-биридан фарқланади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ صَلَّى لِلَّهِ أَرْبَعِينَ يَوْمًا فِي جَمَاعَةٍ يُدْرِكُ التَّكْبِيرَةَ الْأُولَى كُتِبَتْ لَهُ بَرَاءَةٌ مِنَ النَّارِ وَبَرَاءَةٌ مِنَ النَّعَاقِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким қирқ кун (давомида) биринчи ракатга улгурган ҳолида Аллоҳ учун жамоат билан намоз ўқиса, унга икки омонлик: дўзахдан омонлик, нифокдан омонлик ёзилади” (Термизий ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Қайси бир банда қирқ кун давомида жамоат намозининг аввалги такбирига улгурса, унга иккита омонлик ёзилади. Биринчиси, дўзахдан халос бўлиш, жаҳаннам азобидан нажот топиш. Иккинчиси, нифокдан омонлик. Тийбий айтишича, бундай киши дунёда нифокдан сақланади, мунофиқ ишини қилмайди, ихлослилар амалини қилишга муваффақ бўлади, охиратда мунофиқлар тортадиган азобдан қутулади, “Мунофиқ эмас”, деб фойдасига гувоҳлик берилади. Чунки мунофиқлар намозни эриниб ўқийди, ибодатга дангасалик қилади. Аллоҳ учун ихлос билан жамоат намозларида қатнашган инсон бундай ёмон оқибатдан саломат бўлади¹³³.

Аллоҳ таоло, У Зотнинг Расули соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни жамоат бўлишга, иттифоқликка буюради, ўзаро ихтилофдан, тарафкашликдан қайтаради. Бироқ шайтон кишини жамоатдан ажрашга, ёлғиз қолишга ундайди. Иблис мўминни якка ҳолда топса, бутун лашкарлари билан келиб васваса қилади, намозда хаёлини чалғитади, хушбўйдан тўсади.

¹³¹ Манба: Қоф сурасининг 17-18-оятлари.

¹³² Манба: Раъд сурасининг 11-ояти.

¹³³ Манба: Мулла Али Қори, “Мирқотул мафотих шарҳу мишкотил масобих”.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَا مِنْ ثَلَاثَةٍ فِي قَرْيَةٍ وَلَا بَدْوٍ لَا تُقَامُ فِيهِمُ الصَّلَاةُ إِلَّا قَدْ اسْتَحْوَذَ عَلَيْهِمُ الشَّيْطَانُ فَعَلَيْكَ بِالْجَمَاعَةِ فَإِنَّمَا يَأْكُلُ الذُّبُّ الْقَاصِيَةَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Дардо розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Қишлоқ ёки саҳродаги уч (киши) намоз вақти кирганида (алоҳида-алоҳида намоз ўқишса,) шайтон улар устидан ғолиб чиқади. Шундай экан, сен жамоатни маҳкам ушла! Зеро, бўри ҳам (тўдадан) айрилган қўйни еб кетади”, деганларини эшитганман” (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

“Бўлинганни бўри ер” деб бекорга айтишмаган. Бўри қўйларнинг ашаддий кушандасидир. Чўпон назоратидан чиққан, тўдадан айрилган қўй бўри ўлжасига айланади. Шайтон эса мўминнинг ғанимидир. У Аллоҳга, охират кунига ишонган инсонни адаштиришга уринади. Агар ёлғиз мўминни кўрса, келиб васваса қилади. Айниқса, бир ўзи намоз ўқиётган бандани кўпроқ чалғитади¹³⁴. Шунинг учун намозни жамоат бўлиб ўқишга чақирилган.

Салафи солиҳлар – саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеинлар жамоат намозига жиддий эътибор беришган, уни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилишган, Агар биронта намозни жамоат билан ўқишга улгуришмаса, ўзларини маломат қилишган¹³⁵. Мисол учун, ҳазрат Умар ибн Хаттоб розияллоху анху жамоат намозидан кечиккани “каффорати”га бутун бошли боғини садақа қилиб юборган.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анху эса, хуфтон намозини жамоат билан ўқий олмаса, тунни билан ухламай чиқарди.

Омир ибн Абдуллоҳнинг уйи масжид олдида эди. Одатга кўра, шом намозига чиқмоқчи бўлди. Ўзи касал эди. Ёнидагиларга: “Қўлимдан ушланглар”, деди. Улар: “Сиз касалсиз-ку”, деб эътироз билдиришди. “Аллоҳнинг даъватчисини эшитиб, унга ижобат қилмайми?! Тутинглар қўлимдан!” деди. Сўнг намозга кирди, жамоат билан шомнинг бир ракатини ўқишга улгурди. Кейин омонатни топширди.

Саид ибн Мусайяб айтади: “Ўттиз йилдан бери муаззин азон айтганида масжидда бўламан¹³⁶”.

Робиа ибн Язид раҳматуллоҳи алайҳ: “Қирқ йилдан бери пешинга азон айтилганда масжидда ўтирган бўламан”, деган.

Муҳаммад ибн Самоа шундай деган: “Қирқ йил биринчи такбирдан кеч қолмадим. Фақат онам казо қилган кунда кечикдим¹³⁷”.

Ҳотим жамоат намозидан кечга қолганида Абу Исҳоқ Бухорий унга таъзия билдирди. Ҳотим айтади: “Агар болам ўлганида ўнг минглаб одам менга таъзия изҳор этарди, чунки кишилар назарида Диндаги мусибат дунёвий мусибатдан енгилроқдир¹³⁸”.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ أَنَّهُ مَرَّ بِسُوقِ الْمَدِينَةِ فَوَقَفَ عَلَيْهَا فَقَالَ: يَا أَهْلَ السُّوقِ، مَا أَعْجَزَكُمْ قَالُوا: وَمَا ذَاكَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ قَالَ: ذَاكَ مِيرَاثُ رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُقْسَمُ وَأَنْتُمْ هَاهُنَا لَا تَذْهَبُونَ فَتَأْخُذُونَ نَصِيبَكُمْ مِنْهُ قَالُوا: وَأَيْنَ هُوَ قَالَ: فِي الْمَسْجِدِ فَخَرَجُوا سِرَاعًا إِلَى الْمَسْجِدِ وَوَقَفَ أَبُو هُرَيْرَةَ لَهُمْ حَتَّى رَجَعُوا فَقَالَ لَهُمْ: مَا لَكُمْ قَالُوا: يَا أَبَا هُرَيْرَةَ فَقَدْ أَتَيْنَا الْمَسْجِدَ فَدَخَلْنَا فَلَمْ نَرِ فِيهِ شَيْئًا يُقْسَمُ فَقَالَ لَهُمْ أَبُو هُرَيْرَةَ: أَمَا رَأَيْتُمْ فِي الْمَسْجِدِ أَحَدًا

¹³⁴ Яна бир қавлга кўра, шайтон Аҳли сунна вал жамоадан айрилган бандани ўзига бўйсундиради (Манба: “Шарҳу сунанин насоий”, “Хошиятус суютий”).

¹³⁵ Салафлар биринчи такбирни ўтказиб юборишса, уч кун ўзларига таъзия билдиришарди. Агар жамоат намозини ўтказиб юборишса, ўзларига етти кун таъзия изҳор этишарди. Яъни, улар жамоат намозидан қолиб кетишни мусибат санаган (Манба: Абул Ало Муборакфурий, “Тухфатул аҳвазий”).

¹³⁶ Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да, Абу Нуайм “Ҳилятул авлиё”да ривоят қилган.

¹³⁷ Манба: Заҳабий, “Сияру аъломин нубало”.

¹³⁸ Манба: Абдуғафур Искандар, “Намозда хушув”.

قَالُوا: بَلَى، رَأَيْنَا قَوْمًا يُصَلُّونَ وَقَوْمًا يَفْرُقُونَ الْقُرْآنَ وَقَوْمًا يَتَذَكَّرُونَ الْحَلَالَ وَالْحَرَامَ فَقَالَ لَهُمْ أَبُو هُرَيْرَةَ: وَيَحْكُمُ فَذَلِكَ مِيرَاثُ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ فِي الْأَوْسَطِ بِسَنَدٍ حَسَنٍ.

Ривоят қилинишича, Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Мадина бозоридан ўтди, у ерда бироз турди. Кейин: “Эй, бозор аҳли! (Ўз улушингизни олишдан) нега ожиз қолдингиз?” деб мурожаат қилди. Одамлар: “Эй Абу Хурайра, у нима экан?” деб сўрашди. Абу Хурайра: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам мерослари тарқатиляпти. Сизлар эса бу ердасизлар. Бориб ўз улушингизни олмайсизми?” деди. Одамлар: “Қаерда у?” дейишди. “Масжидда”, деб жавоб берди Абу Хурайра. Шунда бозор аҳли шошилганча масжид томон кетишди. Улар қайтиб келгунларича Абу Хурайра розияллоҳу анҳу кутиб турди. Келганларидан сўнг: “Сизларга нима бўлди?” деб савол берди. “Эй Абу Хурайра! Бориб масжид ичига кирдик, лекин бирон нарса тарқатилаётганини кўрмадик”, дейишди. Абу Хурайра сўради: “Масжидда ҳеч кимни кўрмадингизми?” Улар: “Йўқ (кўрдик), намоз ўқиётган, Қуръон тиловат қилаётган, ҳалол-ҳаромни зикр этаётган қавмни кўрдик”, дейишди. Шунда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу: “Эх, сизларни қаранг! Ана ўша Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва саллам мерослари бўлади”, деди (Табароний “Авсат” да ҳасан санад ривоят қилган).

Масжидда нима ҳалол, нима ҳаромлиги тушунтирилади, ваъз-насихат қилинади, шариат ҳукмлари ўргатилади, илм олинади. Мана шу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бизларга қолдириб кетган бебаҳо меросдир. Пайғамбар алайҳиссалом бизга коп-коп тилло, кумуш ёки ер-мулк ташлаб кетмаганлар. У зотдан моддий бойликлар мерос қолмади, балки илм қолди. Кимда-ким набавий меросдан ўз улушини олишни истаса, масжидларга қатнайди, намозни жамоат билан ўқийди, китоб мутолаа қилади, шариат ҳукмларини ўрганади. Зеро, масжид ибодат, маърифат, зиё маскани, қалблар ором оладиган, кўнгиллар таскин топадиган макондир.

16-САБАБ. МАСЖИДГА БОРИШ ОДОБЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИШ

Масжидлар ер юзидаги энг покиза жойдир. У ерда Аллоҳ зикр этилади, намоз ўқилади, илм-маърифат олинади, яхши амаллар қилинади. Масжидга бориш, у ерда ўзини тутишнинг ҳам тартиб-қоидалари, одоблари бор. Жамоат билан намоз ўқиш учун масжидга кетаётганда мана шу одобларга амал қилган киши сергак тортади, хаёли бир ерга жамланади, дилида ихлос пайдо бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: صَلَاةُ الرَّجُلِ فِي الْجُمَاعَةِ تُضَعَّفُ عَلَى صَلَاتِهِ فِي بَيْتِهِ وَفِي سُوقِهِ خَمْسًا وَعِشْرِينَ ضِعْفًا وَذَلِكَ أَنَّهُ إِذَا تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضُوءَ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الْمَسْجِدِ لَا يُخْرِجُهُ إِلَّا الصَّلَاةُ لَمْ يَخْطُ خَطْوَةً إِلَّا رُفِعَتْ لَهُ بِهَا دَرَجَةٌ وَحُطَّ عَنْهُ بِهَا خَطِيئَةٌ فَإِذَا صَلَّى لَمْ تَزَلْ الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَيْهِ مَا دَامَ فِي مُصَلَّاهُ: اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيْهِ اللَّهُمَّ ارْحَمْهُ وَلَا يَزَالُ أَحَدُكُمْ فِي صَلَاةٍ مَا انْتَهَرَ الصَّلَاةَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кишининг жамоат билан ўқиган намози ўйда, бозорида ўқиган намозидан йигирма беш баравар кўпайтирилади. Агар у яхшилаб таҳорат қилса, кейин масжидга чиқса, фақат намоз (ўқиш) учун чиққан бўлса, босган ҳар бир қадами билан мартабаси бир поғона кўтарилади, битта гуноҳи ўчирилади. Қачон намоз ўқиса, модомики, намозгоҳида турар экан, фаришталар “Ё Аллоҳ, унга салават айт. Ё Аллоҳ, унга раҳм қил!” деб дуо қилиб туради. Сизлардан биронтангиз намозни кутиб ўтирар экан, демак, у намоздадир” (Бухорий, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган).

Бу ҳадиси шарифдан қуйидаги хулосалар чиқади:

1. Жамоат намози уйда ёки бозорда ўқилган намоздан йигирма беш баравар афзал.
2. Жамоат намозига борадиган одам таҳоратни мукамал қилади. Унинг нияти холис бўлади, намоз ўқишдан бошқа нарсани кўзламайди.

3. Масжидга кетаётган кишининг босган ҳар бир қадами билан мақоми бир поғона кўтарилади, битта гуноҳи ўчирилади. Демак, уйимиздан масжид томон қанча кўп қадам боссак, савоби шунча улғу бўлади. Бунинг учун масжидга оҳиста юриб бориш, қадамни кичикроқ ташлаш тавсия этилади.

4. Масжидда жамоат билан намоз ўкиб бўлиб, таҳоратини синдирмаган ҳолда намозгоҳида турган банда ҳақиқа фаришталар тинимсиз салавот айтади.

5. Жамоат намозини кутиб ўтирган киши намоз ўқиш савобини олади. Бу, намозга илҳақлик, қалби билан масжидга боғланиш қанчалик фазилатли эканини билдиради.

Масжид томон йўл олганда мана бу дуо ўкилади:

اللَّهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُورًا وَفِي بَصَرِي نُورًا وَفِي سَمْعِي نُورًا وَعَنْ يَمِينِي نُورًا وَعَنْ يَسَارِي نُورًا وَفَوْقِي نُورًا وَتَحْتِي نُورًا
وَأَمَامِي نُورًا وَخَلْفِي نُورًا وَاجْعَلْ لِي نُورًا.

Дуо ўқилиши: “Аллоҳуммажъал фий қолбий нувро, ва фий басорий нувро, ва фий самъий нувро, ва ай ямийний нувро, ва ав ясаарий нувро, ва фавкий нувро, ва тахтий нувро, ва амаамий нувро, ва холфий нувро, важъал лий нувро”.

Дуо маъноси: “Ё Аллоҳ, менинг қалбимда нур қил, кўзимда нур қил, қулоғимда нур қил, ўнг томонимдан нур қил, чап тарафимдан нур қил, тепамда нур қил, тагимда нур қил, олдимда нур қил, ортимда нур қил, мен учун нур қил”¹³⁹.

Киши масжидга кетаётганда номаъқул ишлардан тийилади. Жумладан, панжаларини бир-бирининг ичига киргизмайди. Чунки яхшилаб таҳорат қилиб намозни кутаётган одам намоз ўқиётган ҳисобланади.

عَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَأَحْسَنَ وُضُوئَهُ
ثُمَّ خَرَجَ غَامِدًا إِلَى الْمَسْجِدِ فَلَا يُشَبَّكَنَّ بَيْنَ أَصَابِعِهِ فَإِنَّهُ فِي صَلَاةٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ لِعَيْزِهِ.

Каъб ибн Ужра розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз чиройли таҳорат қилиб масжид(да намоз ўқиш)ни мақсад қилиб чиқса, бармоқларини бир-бирига киргизмасин. Чунки у намоздадир”, деганлар (Термизий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ лигайриҳ).

Панжаларни бир-бирининг ичига киргизиш ахлоқсизлик, беҳуда иш саналади. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам бундан қайтарганлар. Зеро, мусулмон одам бемаъни ишлардан йироқ юради. Жумладан, жамоат билан намоз ўқийман деган ниятда мукамал таҳорат қилиб йўлга чиққан киши муҳим ишга отланган, Дин асосларидан бўлмиш намозни адо этиш сари одимлаган бўлади. Бундай киши беҳуда нарсалардан сақланади, тили, қалби ила Аллоҳни ёд этади. Шунда номаи аъмолига намоз ўқиш савоби тўхтовсиз ёзилиб туради.

Масжид Аллоҳга ибодат қилинадиган, гуноҳлар учун истиғфор айтиладиган, дуою илтижолар этиладиган, инсон қалби таскин топадиган муборак жойдир. Шунинг учун мусулмон киши масжидга боришдан олдин ўзидаги бадбўй хидларни кетказди, тишини тозалайди, энг чиройли, покиза либосларини кияди, хушбўй мушки анбарлардан сепеди, оёқ кийимига алоҳида эътибор беради. Агар нопок нарсалар илашган бўлса, масжидга киришдан олдин пойафзалини яхшилаб тозалайди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَسْجِدِ
فَلْيَنْظُرْ فَإِنْ رَأَى فِي نَعْلَيْهِ قَدْرًا أَوْ أَدَى فَلْيَمْسَحْهُ وَلْيُصَلِّ فِيهِمَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Саид Худрий розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар биронтангиз масжидга келса, қарасин, мабодо пойафзалида нопок ёки азият берадиган нарса бўлса, (тупроққа) ишқалаб, унда намоз ўқийверсин!” (Абу Довуд, Ибн Хузайма, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

¹³⁹ Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган.

Авваллари масжидларда жойнамозлар бўлмаган, ерда намоз ўқилган. Шунинг учун кимнинг пойафзали тоза бўлса, унда намоз ўқийверган. Ҳозир ҳолат бошқача: масжидларга гиламлар, жойнамозлар тўшаб қўйилади, у ерга оёқ кийимда кирилмайди. Шундай бўлса-да, намозхон инсон Аллоҳнинг уйига келишдан олдин пойафзалини тозалайди, уст-бошига бир қараб қўяди, одамларга, фаришталарга азият етказадиган нарсалардан сақланади. Бу мўминнинг гўзал одобларидандир.

Шунингдек, намозхонларни ранжитадиган, малоикаларга озор берадиган сигарет, нос, пиёз, саримсоқ кабиларни истеъмол қилиб масжидга бориш дуруст эмас.

Киши масжидга оҳиста юриб боради, йўл-йўлакай маъсур (яъни, Қуръони каримда, ҳадиси шарифларда келган) дуоларни ўқиб кетади, ибодатга – Аллоҳ билан юзма-юз туришга руҳан тайёрланади.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам масжидга ҳовликмасдан, секин-аста юриб боришни тавсия этганлар. Чунки намозга ҳаллослаб, терлаб-пишиб келган кишининг хотиржамлиги йўқолади. Зеро, ташқи омиллар ҳам хушубга монеълик қилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا تَوَّابَ بِالصَّلَاةِ فَلَا يَسْمَعُ إِلَيْهَا أَحَدُكُمْ وَلَكِنْ لِيَمْشِ وَعَلَيْهِ السَّكِينَةُ وَالْوَقَارُ صَلَّى مَا أَدْرَكَتْ وَأَقْضَى مَا سَبَقَكَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар намозга иқомат айтилса, ҳеч бирингиз унга шошилмасин, балки хотиржам ҳолда, виқор билан келсин. Етган жойингни ўқи, ўтиб кетганини қазо қил” (Муслим, Аҳмад, Табароний ривоят қилган).

Намозга иқомат айтилганда ҳам шошилмасдан келишга буюрилган экан, ундан бошқа ҳолатларда, вақт бемалол бўлганда оҳиста юриб келиш янаям таъкидлироқ бўлади.

Хоҳ жума намозига, хоҳ бошқа намозларга бўлсин, киши масжидга виқор билан, оҳиста юриб келади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам ҳар бир тавсияларида ҳикмат бор. Агар биз унга амал қилсак, икки дунёда бахтли бўламиз. Албатта, намозда хушубни топиш ҳам улкан саодатдир.

Масжидга киришдан аввал намозга халақит берадиган нарсалар олди олинади. Масалан, машинада келган бўлса, уни ҳеч кимга халал бермайдиган жойга қўйилади, қўл телефони ўчирилади, автомобил огоҳлантирувчи қўнғироқлари безовта қилмаслиги таъминланади. Ҳозирги замонда мана шундай масалаларни ҳам гапиришга тўғри келади. Чунки намоз ўқиётганда кимнингдир телефони жириглаб қолиши, кўчадаги машинадан баланд овоз чиқиши диққатни тортади, хаёлни бўлади. Фаҳм-фаросатли инсон намозга келаётганида мана шу томонларни ҳам ҳисобга олади.

Масжидга ўнг оёқ билан кирилади. Кейин қуйидаги дуо ўқилади.

أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ وَبِوَجْهِهِ الْكَرِيمِ وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ.

Ўқилиши: “Аувзу биллааҳил азийм, ва биважҳиҳил карийм, ва султониҳил қодийми минаш шайтонир рожийм”.

Маъноси: “Улуғ Аллоҳдан карим ваҳжи, қадимий салтанати ила тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ сўрайман!”

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам масжидга кирсалар: “Аувзу биллааҳил азийм, ва биважҳиҳил карийм, ва султониҳил қодийми минаш шайтонир рожийм”, деб дуо қилардилар. Агар (банда) шуни айтса, шайтон: “Куннинг қолган қисмида мендан сақланди”, дейди¹⁴⁰.

Ортидан мана бу дуо ўқилади:

بِسْمِ اللَّهِ وَالصَّلَاةِ وَالسَّلَامِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ أَللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ.

Ўқилиши: “Бисмиллааҳ, вас-солаату вас-салааму алаа росувлиллааҳ, аллоҳуммафтаҳ лий абвааба роҳматик”.

¹⁴⁰ Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Маъноси: “Аллоҳнинг исми билан бошлайман, Расулуллоҳга салавот ва салом айтаман. Ё Аллоҳ, мен учун раҳматинг эшикларини оч¹⁴¹!”

Масжидга киргач, “Ассалааму алайкум”, деб салом берилади. Агар ҳеч ким бўлмаса, “Ассалааму алайна, ва алаа ибаадиллааҳис солиҳийн” (Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига саломатлик-тинчлик бўлсин) дейилади. Кейин икки ракат нафл намози ўқилади.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ بْنِ رِبْعِيِّ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمْ الْمَسْجِدَ فَلَا يَجْلِسُ حَتَّى يُصَلِّيَ رَكَعَتَيْنِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Қатода ибн Рибъий Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Агар биронтангиз масжидга кирса, икки ракат намоз ўқимасдан (олдин) ўтирмасин” (Бухорий, Муслим, Ибн Можа ривоят қилган).

Мазкур намоз “тахиятул масжид” намози дейилади. Уни намоз ўқиш мумкин бўлган вақтларда адо этиш жоиз. Намоз ўқиш ҳаром ёки макруҳ саналган пайтларда, имом хутба қилаётганда тахиятул масжид намози ўқилмайди.

Киши бомдод намозининг икки ракат суннатини уйда ўқиган бўлса, масжидга келиб намоз ўқимайди, бомдоднинг фарзини кутади. Чунки бомдод вақти кирганидан кейин икки ракат суннати муаққада намозидан бошқа нафл намоз ўқилмайди.

Шунингдек, шом намозига келган киши масжидга кириб тахиятул масжид намози ўқимайди. Чунки, одатда, шом намозига қуёш ботаётганда келинади. Бу пайтда ҳеч қандай намоз ўқиш жоиз эмас. Шомга азон айтилгач, аввал уч ракат фарз, ундан кейин икки ракат суннат намози ўқилади.

Масжидга киргач, иложи бўлса, биринчи сафдан жой олади. Лекин ўзи учун алоҳида жойни хослаб олмайди, бўш ўринга ўтиради.

Агар намозгача бироз вақт бўлса, қиблага юзланган ҳолда Қуръон ўқийди, Аллоҳни зикр қилади, салавот, истиғфор айтади ёки китоб мутолаа қилади.

Масжидга вақтлироқ келган киши намозни кутаётганини қалбдан ўтказди, ибодатга илҳак бўлиб туради. Шунда намоз ўқиш савобини олади, фаришталар унинг ҳақиқага салавот айтиб туради.

Масжидда беҳуда, дунёга оид сўзлар гапирилмайди, баланд овоз чиқарилмайди, атрофдагиларга азият етказилмайди, жим ўтирилади, Аллоҳ зикр қилинади.

Намозни адо этиб бўлгач, масжид дарвозасидан чап оёқ билан чиқилади. Кейин мана бу дуо ўқилади:

بِسْمِ اللَّهِ وَالصَّلَاةِ وَالسَّلَامِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ اللَّهُمَّ اعْصِمْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ.

Ўқилиши: “Бисмиллаах, вас-солаату вас-салааму алаа росувлиллаах, аллоҳумма инний асъалука мин фазлик, аллоҳуммаъсимний минаш шайтонир рожийм”.

Маъноси: “Аллоҳнинг исми билан бошлайман, Расулуллоҳга салавот ва салом айтаман. Ё Аллоҳ, Сенинг фазлингдан сўрайман. Ё Аллоҳ, тошбўрон қилинган шайтондан мени сақла¹⁴²!”

Эътибор берган бўлсангиз, намозхон масжидга кираётганида Аллоҳ раҳматини, у ердан чиқаётганида У Зот фазлини сўрайди. Бунинг қандай ҳикмати бор?

Масжидга кирган инсон Аллоҳнинг ажр-савобига эришади, жаннатга яқинлаштирувчи ибодат билан машғул бўлади. Бу ўринда раҳматни зикр этиш муносиброкдир. Масжиддан чиққач, ҳалол ризқ-рўз талаб қилади. Бу вақтда фазлни тилга олиш ўринли. Шунингдек, масжиддан чиқаётганда шайтондан ҳимояланиш сўралади. Чунки банда масжидда кўрғон ичида бўлади. Масжиддан ташқарида эса иблис уни йўлдан уриши эҳтимоли кўпроқ.

17-САБАБ. МУАЗЗИНГА ИЖОБАТ ЭТИШ

¹⁴¹ Муслим, Абу Довуд, Насоий – Абу Ҳумайд ёки Абу Усайд Ансорий розияллоху анхудан – ривоят қилган.

¹⁴² Манба: Муслим, Абу Довуд, Насоий – Абу Ҳумайд ёки Абу Усайд Ансорий розияллоху анхудан – келтирган, Ибн Можа – Абу Ҳурайра розияллоху анхудан – саҳиҳ санад билан нақл қилган марфуъ ҳадис.

Ҳадисларда айтилишича, азон эшитган киши муаззин айтган калималарни такрорлаб туради. Бунинг ўзига хос фазилати бор.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا سَمِعْتُمُ النَّدَاءَ فَفَعُولُوا مِثْلَ مَا يَفْعُولُ الْمُؤَدِّنُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Агар азон эшитсангиз, муаззин айтганини такрорланг” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган).

Бу ерда муаззиннинг ҳар бир жумласини қайтаришга чақирилмоқда. Бошқа ривоятда икки ўринда: муаззин “Ҳайя алас солаах”, “Ҳайя алал фалаах” деганида бошқа зикр айтиш тавсия этилган.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا قَالَ الْمُؤَدِّنُ: اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ فَقَالَ أَحَدُكُمْ: اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ ثُمَّ قَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ ثُمَّ قَالَ: أَشْهَدُ أَنْ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ ثُمَّ قَالَ: حَيَّ عَلَى الصَّلَاةِ قَالَ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ قَالَ: حَيَّ عَلَى الْفَلَاحِ قَالَ: لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ ثُمَّ قَالَ: اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ قَالَ: اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ ثُمَّ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مِنْ قَلْبِهِ دَخَلَ الْجَنَّةَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَابْنُ حِبَّانَ.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар муаззин: “Аллоху акбар, Аллоху акбар”, деса, бирингиз: “Аллоху акбар, Аллоху акбар”, дейди. Агар у: “Ашҳаду аллаа илааха иллаллох”, деса, (эшитувчи) ҳам: “Ашҳаду аллаа илааха иллаллох”, дейди. Агар (муаззин): “Ашҳаду анна мухаммадар росувлуллох”, деса, у: “Ашҳаду анна мухаммадар росувлуллох”, дейди. Агар (муаззин): “Ҳайя алас солаах”, деса, у: “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”, дейди. Агар (муаззин): “Ҳайя алал фалаах”, деса, у: “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”, дейди. Агар (муаззин): “Аллоху акбар, Аллоху акбар”, деса, уям: “Аллоху акбар, Аллоху акбар”, дейди. (Муаззин): “Лаа илааха иллаллох”, деганида (эшитувчи) қалбдан: “Лаа илааха иллаллох”, деса, жаннатга киради” (Муслим, Абу Довуд, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Азон эшитган одам муаззин жумлаларини такрорлайди. Фақат икки ҳайъалада “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” дейди¹⁴³. Буям кишини хушўга ундайди. Зеро, “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” дейиш билан Аллохга илтижо этилади, қалб Унга боғланади. “Ҳавл” ҳаракат дегани. Яъни, барча ҳаракатлар Аллохнинг хоҳиши билан бўлади. Агар Аллох истамаса, бирон ишни бажаришга, ёмонликдан сақланишга, яхшилик касб этишга банда тоқати етмайди. Аллох асраган кишигина маъсиятдан омон қолади. Аллох ёрдам берган одамгина У Зотга тоат-ибодат қилиш имконига эга бўлади¹⁴⁴.

“Ҳайя ғалас солаах, ҳайя алал фалаах” жумласи “Намозга шошилининглар, нажотга шошилининг” маъносини англатади. Муаззин шундай деганида эшитувчи “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”, дейди. Унинг маъноси: “Бу – улуг иш. Мен заифман, ожизман. Уни бажаришга куч-қувватим етмайди. Магар Аллох Ўзи тавфиқ берса, шундагина кодир бўламан¹⁴⁵”.

¹⁴³ Жумхур уламоларга кўра, икки ҳайъалада икки ҳавқала айтилади. Аммо ҳанафий мазҳаби айрим олимларидан “Ҳайя алас солаах”да “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”, дейиш, “Ҳайя алал фалаах”да “Маа шаа-аллоху каана ва маа лам яшаъ лам якун”, дейиш нақл қилинган (Манба: Ибн Ражаб, “Фатхул борий”).

Жумладан, “Ҳошиятун раддил мухтор”, “Ал-баҳрур роик шарху канзид дақоик”, “Мажмаул анхур” китобларида келтирилишича, “Ҳайя алал фалаах”да “Маа шаа-аллоху каана ва маа лам яшаъ лам якун”, дейилади.

¹⁴⁴ Манба: Нававий, “Шарху саҳиҳи муслим”.

¹⁴⁵ Манба: Ибн Ҳажар, “Фатхул борий”.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِذَا سَمِعْتُمُ الْمُؤَدَّنَ فَقُولُوا مِثْلَ مَا يَقُولُ ثُمَّ صَلُّوا عَلَيَّ فَإِنَّهُ مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلَاةً صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ بِهَا عَشْرًا ثُمَّ سَلُوا اللَّهَ لِي الْوَسِيلَةَ فَإِنَّهَا مَنْزِلَةٌ فِي الْجَنَّةِ لَا تَنْبَغِي إِلَّا لِعَبْدٍ مِنْ عِبَادِ اللَّهِ وَأَرْجُو أَنْ أَكُونَ أَنَا هُوَ فَمَنْ سَأَلَ لِي الْوَسِيلَةَ حَلَّتْ لَهُ الشَّقَاعَةُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганларини эшитган экан: “Агар муаззин (азони)ни эшитсангиз, унинг айтганини такрорланг. Кейин менга салавот йўлланг. Зеро, ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади. Шундан сўнг Аллоҳдан мен учун васила сўранг. (Васила) жаннатдаги бир мартаба бўлиб, Аллоҳ бандаларидан фақат биттасига насиб этади. Ўша банда мен бўлишимдан умид қиламан. Ким мен учун васила сўраса, унга шафоат ҳалол бўлади” (Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган).

Демак, азондан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтилади, у зот учун васила сўралади, суннатда келган дуолар ўқилади. Васила сўраш дуоси қуйида келтирилади:

اللَّهُمَّ رَبِّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ آتِ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит тааммаҳ, вас-солаатил қоимаҳ, аати муҳаммаданил васийлата вал фазийлаҳ, вабъасҳу мақомам маҳмувданиллазий ва-ъаттах”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ – бу мукамал даъват, қоим бўлувчи намоз (дуо, салавот) Парвардигори, Муҳаммадга василани, фазилатни бер, у зотни Ўзинг ваъда қилганинг мақталган мақомда тирилтир”.

Васила – жаннатдаги олий мартаба.

Мақталган мақом – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваъда қилинган буюк шафоат мақоми.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Ким азон эшитганидан кейин: “Аллоҳумма робба ҳазиҳид даъватит тааммаҳ, вас-солаатил қоимаҳ, аати муҳаммаданил васийлата вал фазийлаҳ, вабъасҳу мақомам маҳмувданиллазий ва-ъаттах”, деса, қиёмат куни унга шафоатим ҳалол бўлади¹⁴⁶”.

Байҳақий “Сунан”да ҳасан санад билан келтирган ривоятда “Иннака лаа тухлифул мийъаад” зиёда қилинган.

Ким қиёмат куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига эришишни истаса, азондан кейин салавот айтади, у зот учун васила сўрайди. Шунингдек, ўзи ҳамда мўмин-мусулмон биродарлари ҳақида дуо қилади. Чунки азон билан иқомат орасидаги дуо мустажобдир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يُرَدُّ الدُّعَاءُ بَيْنَ الْأَذَانِ وَالْإِقَامَةِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَهَذَا حَدِيثٌ صَحِيحٌ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Азон билан иқомат орасидаги дуо рад этилмайди” (Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривоят қилган. Бу – саҳиҳ ҳадис).

Намоз билан боғлиқ ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сония қадрли. Ана шу онларда хаёл бир ерга жамланса, дунё ташвишлари бироз бўлса-да унутилса, намозга эътибор ортади, дилда хушӯ пайдо бўлади.

18-САБАБ. САФЛАР ТЕКИСЛИГИГА ЭЪТИБОР БЕРИШ

¹⁴⁶ Бухорий, Насоий ривоят қилган.

Жамоат намозида сафлар текис олинса, мусулмонлар қалби тўғри бўлади, шайтон заифлашади, намозхонлар дилидаги хушуъ кучаяди. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларни сафда текис, зич туришга буюрардилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَأَقْبَلَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِوَجْهِهِ فَقَالَ: أَقِيمُوا صُفُوفَكُمْ وَتَرَاصُّوا فَإِنِّي أَرَاكُمْ مِنْ وَرَاءِ ظَهْرِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Намозга иқомат айтилди. Шунда Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз томон юзланиб: “Сафларингизни тўғриланг, зич туринг. Зеро, мен сизларни орқа тарафимдан (хам) кўраман”, дедилар” (Бухорий, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

Одатда, намозга иқомат айтилганда имом жамоатга юзланиб: “Сафларни тўғриланг, бўш жойларни тўлдилинг”, деб мурожаат қилади. Бу иш Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига мувофиқдир. Зеро, жамоат раҳбари намозхонларга ибодатни тўқис бажариш йўл-йўриқларини тушунтиради, нуқсон-камчиликларини тузатади.

Саф тўғри олинши намоз бенуқсон бўлишига воситадир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: سَوُّوا صُفُوفَكُمْ فَإِنَّ تَسْوِيَةَ الصُّفُوفِ مِنْ إِقَامَةِ الصَّلَاةِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Сафларингизни тўғриланг. Зеро, сафларни текис олиш намозни қоим қилишдан (саналади)” (Бухорий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган).

Намозни тўқис адо этиш сафлар ҳолатига боғлиқ. Саф қанчалик тўғри олинса, намоз шунчалик мукамал бўлади. Аксинча, саф қинғир-қийшиқ бўлса, намоз комиллигига, гўзаллигига путур етади.

Сафлар нотекис бўлиши, намозхонлар орасида очиқ жой қолиши душман учун айна муддао. Шайтон ҳар лаҳза имкон пойлаб туради, бўш жой кўриши билан дарров орага суқилади, мусулмонлар қалбига васваса солишга, ўзаро адоват уруғини сочишга уринади.

Баро ибн Озиб розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафларнинг у бошидан бу бошига бориб, намозхонлар елкаларидан, кўкракларидан тутиб тўғрилардилар, “Ҳар хил (қинғир-қийшиқ, олдинма-кетин бўлиб) турманглар. Агар ҳар хил турсангиз, қалбларингиз ҳам ҳар хил бўлиб қолади”, деб айтардилар¹⁴⁷.

Имом Термизий ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху баъзи кишиларни саф тўғрилашга масъул қилиб кўяр, саф текисланмагунича намозни бошламасди. Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхумо имомлик даврида ўзлари одамлар орасида юриб, қаторларни тўлдириб чиқишган¹⁴⁸.

عَنْ جَابِرِ بْنِ سَمُرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَلَا تَصُفُّونَ كَمَا تَصُفُّ الْمَلَائِكَةُ عِنْدَ رَبِّهِمْ جَلًّا وَعَزًّا قُلْنَا: وَكَيْفَ تَصُفُّ الْمَلَائِكَةُ عِنْدَ رَبِّهِمْ قَالَ: يُثْمُونَ الصُّفُوفَ الْمُقَدَّمَةَ وَيَتَرَاصُّونَ فِي الصَّفِّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Жобир ибн Самура розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фаришталар Парвардигорлари ҳузурда саф тортганидек саф тортмайсизларми?” дедилар. Шунда биз: “Фаришталар Парвардигорлари ҳузурда қандай саф тортишади?” деб

¹⁴⁷ Абу Довуд ривоят қилган.

¹⁴⁸ Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхумо сафлар текислигига алоҳида эътибор берганлари ҳақидаги ривоятлар имом Моликнинг “Муваattoъ” китобида келтирилган.

сўрадик. У зот: “Олдинги қаторларни тўлдириб, сафда зич туришади”, дедилар” (Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Намозда саф тортиб туриш оддий иш эмас, балки фаришталар Аллоҳ даргоҳида саф тортиб туришларига ўхшайди. Чунончи, намозга кираётган мусулмонлар жамоат бўлиб Аллоҳ ила роз айтиш учун саф тортади. Уларнинг сафлари фаришталар сафидек тўғри, зич, гўзал бўлиши зарур.

19-САБАБ. НАМОЗ ЎҚИШ УЧУН МУНОСИБ ЖОЙ ТАНЛАШ

Намозни шовқин-сурондан, бақир-чақирдан холи жойда ўқиган маъкул. Чунки атрофда ўйин-кулги бўлиб турса, баланд овозлар эшитилса, хаёл ўша тарафга кетиб қолади. Бундан ташқари, одамлар серкатнов жойларда, гаплашиб ўтирган ёки телевизор кўраётганлар олдида, хуллас, фикрни чалғитадиган жойларда намоз ўқилса, хушуъ камаяди. Хушуъ талабидаги инсон шовқиндан, ранг-баранг нарсалардан йироқ жойда, хотиржам ҳолатда намоз ўқийди. Шунингдек, ибодат қилиш учун турли ҳайкаллар, суратлар йўқ жой танланади.

Намоз ўқиладиган хона ҳарорати ёзда мўътадил, кишда иссиқроқ бўлиши зарур. Чунки ўта иссиқ ёки жуда совуқ ерда ибодат қилинса, кўнгилда ҳаловат, хотиржамлик бўлмайди. Пешин намозини қуёш тафти биров пасайганидан кейин ўқишга буюрилиши бежизга эмас.

20-САБАБ. ЗАРУРАТСИЗ ЁН АТРОФГА ҚАРАМАСЛИК

Намозхон қибла тарафга юзланиб туриши фарз. Шунинг учун қаерда бўлса ҳам, юз Каъбатуллоҳ тарафга қаратилади, қалб эса Аллоҳга боғланади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْإِنْفَاتِ فِي الصَّلَاةِ فَقَالَ: هُوَ اخْتِلَافٌ يَحْتَلِسُهُ الشَّيْطَانُ مِنْ صَلَاةِ الْعَبْدِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Ошиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан намозда (атрофга) аланглаш ҳақида сўрадим. Шунда у зот: “У ўғриликдир. Шайтон (бу билан) банда намозидан уриб қолади”, дедилар” (Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган).

Намозда турган одам кўзини бошқа томонга бурса, хаёли қочади, қалбидан хушуъ кетади, ибодат учун оладиган савоби камаяди. Бу худди шайтоннинг киссавурлигига ўхшайди. Чунки аланглаган вақтидаги савобни шайтон ўғрилайди, мукофотни тўлиқ олишдан маҳрум этади¹⁴⁹. Шунинг учун киши киёмдалигида сажда ўрнига, рукуъда оёқ учига, саждада бурнига, ўтирганда кўксига қарайди.

Маълумки, хаёл бўлинса, ҳеч бир ишда унум бўлмайди. Масалан, овқат пишираётган ошпаз унга-мунга чалғиса, атрофга анқаяверса, таомни шўр ёки тузи паст қилиб қўйиши, пиёзни куйдириб юбориши мумкин. Агар у фикрини жамлаб, кунт билан овқат тайёрласа, таоми тобида чиқади, тузи ҳам меъёрида бўлади. Ҳафсала билан қилинган овқатни иштаҳа билан ейилади. Ибодатда ҳам худди шундай. Агар намоз эътибор билан, ҳеч нарсага чалғимасдан берилиб ўқилса, кўнгилдагидек бўлади.

قَالَ أَبُو دَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يَزَالُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ مُقْبِلًا عَلَى الْعَبْدِ وَهُوَ فِي صَلَاتِهِ مَا لَمْ يَلْتَفِتْ فَإِذَا التَّفَتَ انْصَرَفَ عَنْهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ وَصَحِيحٌ لِغَيْرِهِ.

Абу Зар розияллоху анҳу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Намоз ўқиётган банда (атрофга) алангламаса, Аллоҳ азза ва жалла унга юзланади. Агар (у ёқ-бу ёққа)

¹⁴⁹ Яна бир қавлга кўра, намозхон Аллоҳ таолога юзланади. Шайтон эса банданинг мана шу ҳолатига путур етказишга, атрофга қараган пайтидан фойдаланиб қолишга уринади (Манба: Ибн Ҳажар, “Фатҳул борий”).

қараса, (Аллоҳ) ундан юз ўгиради” (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад, Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ лигайриҳ).

Киши намозни хушув, хузув билан ўқиса, атрофга қарамаса, Аллоҳ унга раҳмат назари билан қарайди, гуноҳларини кечиради, улкан ажр-савоблар беради. Агар эътиборсизлик билан бошқа тарафга бўйнини буриб қараса, ибодатга боғлиқ бўлмаган нарсаларга чалғиса, Аллоҳ азза ва жалла ундан юз ўгиради¹⁵⁰.

Ато раҳматуллоҳи алайҳдан ривоят қилинади: “Бизга хабар қилинишича, Аллоҳ азза ва жалла: “Эй одам боласи, сен кимга назар соляпсан?! Ундан кўра Мен сен учун хайрлироқман”, деб айтади¹⁵¹.

Ибн Қаййимга кўра, намоздаги аланглаш (чалғиш) икки хил бўлади:

Биринчиси: қалбнинг Аллоҳдан бошқасига мойил бўлиши.

Иккинчиси: кўзнинг бошқа тарафга қараши.

Банда намоздалигида Аллоҳ унга юзланади. Агар қалби ёки юзи билан бошқа тарафга қараса, Аллоҳ ундан юз ўгиради.

Намозда қалбнинг бошқа тарафга бурилиши олдини олиш қийинроқ. Аллоҳ тавфиқ берганлар учун осон. Бунинг энг яхши йўли – намозда Аллоҳнинг буюклигини хаёлдан ўтказиш, “Парвардигорим ҳозир мени кўряпти, гапларимни эшитяпти”, деб ўйлаш.

Фараз қилинг: раҳбар бир хизматчини чақиртирди. Хизматчи хўжайини рўпарасида туриб гапларини эшитяпти, лекин ўнгга, чапга аланглаб, хаёли бошқа тарафларга кетиб қоляпти. Раҳбар гапини эшитаётган бўлса-да, лекин нима деяётганини тушунмайди. Чунки фикри бошқа нарсалар билан банд, хаёли жойида эмас. Бу ҳолатдан раҳбарнинг жаҳлини чиқадими? Албатта, бу иш унга ёқмайди. Оддий банда мисолида шундай бўлса, оламлар Парвардигори Аллоҳ таоло ҳақида нима дейиш мумкин?

Аслида ҳақиқий мўмин-мусулмон инсон ибодат чоғида бутун фикрини бир ерга жамлайди. Намозда турар экан, Аллоҳнинг улуғлигини қалби билан чуқур хис этади, У Зотга юкинади, ўзини хор тутади, муҳтожлигини изҳор қилади. Намозда Аллоҳ билан юзма-юз туришини яхши билган инсон қалби билан ҳам, юзи билан ҳам бошқа тарафга бурилмайди, хаёли дунё ишлари билан банд бўлмайди, ўнгга, чапга нима борлигига парво қилмайди, бутун диққат-эътибори ибодатни мукамал бажаришга қаратилади.

قَالَ أَنَسُ بْنُ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا بُنَيَّ إِنِّي وَالْإِنْتِفَاتِ فِي الصَّلَاةِ فَإِنَّ الْإِنْتِفَاتِ فِي الصَّلَاةِ هَلَكَةٌ فَإِنْ كَانَ لَا بُدَّ فَمِنِ التَّطَوُّعِ لَا فِي الْفَرِيضَةِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَصَحَّحَهُ.

Анас ибн Молик розияллоху анху айтади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менга: “Эй ўғлим, намозда аланглашдан сақлан. Чунки намозда (у ёқ-бу ёққа) аланглаш ҳалокатдир. Агар лозим бўлса, фарзда эмас, нафлда (жоиз)”, деганлар” (Термизий ривоят қилган, санадини саҳиҳ, деган).

Намоз ўқиётганда юзни бошқа тарафга қаратиш шайтонга итоат этишдир. Шайтонга бўйсунган киши ҳалокатга учрайди. Агар зарурат туғилса, фарз намозларида эмас, нафл намозларида қараш жоиз.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَلْحَظُ فِي الصَّلَاةِ يَمِينًا وَشِمَالًا وَلَا يَلْوِي عَنْقَهُ خَلْفَ ظَهْرِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالِدَارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ибн Аббос розияллоху анхундан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намозда ўнгга, чапга кўз ташлардилар, лекин бўйинларини орқага бурмасдилар (Термизий, Табароний, Дорақутний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятда айтилишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам намозда турганларида – хожат туғилса – кўз кирини ташлардилар, бироқ юзлари билан атрофга қарамасдилар. У зот намоз

¹⁵⁰ Ибн Малакка кўра, бу ерда Аллоҳнинг юз ўгиришидан мурод намоз учун кам савоб берилишидир (Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”).

¹⁵¹ Баззор ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-мавқуф.

бузилмаслигини билдириш учун ёки зарурат туғилганда бир неча марта шундай қилган бўлишлари мумкин¹⁵².

Намозда жисман у ёқ-бу ёққа қараш уч хил бўлади:

1. Кўз қири билан қараш. Бунинг ҳечқиси йўқ. Кўзнинг бир тарафи билан ёнига қараган киши намозига зарар етмайди.

2. Юзнинг ўзини бошқа томонга буриш. Кўкрак қиблага қараган ҳолда юзини ўнгга ёки чапга қаратиш билан намоз бузилмайди, аммо бу иш макруҳ саналади.

3. Кўкрак қибладан бошқа тарафга буриладиган даражада қараш. Ким шундай қилса, намози бузилади.

21-САБАБ. НИГОҲНИ ОСМОНГА ҚАРАТМАСЛИК

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا بَالُ أَقْوَامٍ يَرْفَعُونَ أَبْصَارَهُمْ إِلَى السَّمَاءِ فِي صَلَاتِهِمْ فَأَشْتَدَّ قَوْلُهُ فِي ذَلِكَ حَتَّى قَالَ: لَيَنْتَهُنَّ عَنْ ذَلِكَ أَوْ لَتُخَطَفَنَّ أَبْصَارُهُمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қавмларга нима бўлган, намозда кўзларини осмонга қаратадилар”, дедилар. Кейин бу ҳақда қаттиқроқ сўзладилар, “Бу ишни бас қиладилар ёки кўзлари олинади”, дедилар” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа ривоят қилган).

Намоз вақтида осмонга қараган киши хаёли бўлинади, хушуъси камаяди. Шунинг учун ҳадисда бу ишдан қайтарилмоқда, ҳатто одамлар намозда осмонга қарашни тўхтатишмаса, кўзлари кўр қилинишидан огоҳлантирилмоқдалар. Билган одам учун бу қаттиқ таҳдид.

Мана шу ривоятни далил қилган айрим уламолар намозда осмонга қарашни ҳаром, дейишган. Ҳатто бу ишни қилса, намоз бузилади, деганлар ҳам бор. Бироқ жумҳур уламолар наздида намоз ўқиётганда осмонга қараш макруҳ саналади.

22-САБАБ. САЖДА ЎРНИГА ҚАРАШ

Ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда бошларини эгиб, кўзларини ерга қаратиб турардилар¹⁵³. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага кирганларида – то чиққунларича – кўзлари сажда ўрнидан нарига ўтмаган¹⁵⁴.

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: يَا أَنَسُ اجْعَلْ بَصْرَكَ حَيْثُ تَسْجُدُ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: Эй Анас, кўзингни сажда қиладиган жойингга қарат”, деганлар” (Байҳақий ривоят қилган).

Ибодат чоғида сажда ўрнига қараш, кўзнинг ундан нарига ўтиб кетмаслиги хушуъга, камтарликка яқиндир. Агар ёнга, олдинга назар ташланса, хаёл бўлинади.

Фикҳ китобларида келтирилишича, қиёмда турганда саждагоҳга, рукуъда оёқлар орасига, сажда пайтида бурун учига, ташаҳхудда ўтирганда кўкракка қараш мустаҳабдир¹⁵⁵.

¹⁵² Манба: Абул Ало Муборакфурий, “Тухфатул аҳвазий”.

¹⁵³ Ҳоким “Мустадрок”да, Байҳақий “Ас-суанул кубро”да ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

¹⁵⁴ Ҳоким “Мустадрок”да саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

¹⁵⁵ Абу Ҳанифа, Шофеий, Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳим мазҳабида намозхон сажда ўрнига қараб туриши мустаҳаб саналади. Бироқ Молик ибн Анасга кўра, намозда қибла тарафга қаралади (Манба: Абулҳасан Муборакфурий, “Миръотул мафотих шарҳу мишкотил масобих”).

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الزُّبَيْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا قَعَدَ فِي التَّشَهُّدِ وَضَعَ كَفَّهُ الْيُسْرَى عَلَى فَحْدِهِ الْيُسْرَى وَأَشَارَ بِالسَّبَّابَةِ لَا يُجَاوِزُ بَصْرَهُ إِشَارَتَهُ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ وَصَحِيحٌ.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ташаххудда ўтирганларида чап қўллари чап тиззаларига қўярдилар, кўрсаткич бармоқлари билан ишора қилардилар, нигоҳлари ишораларидан ўтиб кетмасди (Насоий, Аҳмад, Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Намозхон қаъдада ўтиганида нигоҳи кўрсаткич бармоғидан нарига ўтиб кетмаслиги суннатдир. Киши ташаххудда ишораи саббоба қилиш билан тавҳидни, ихлосни ният қилади. Ҳанафий мазҳаби уламоларидан бўлмиш Ҳалвонийга кўра, “Лаа илааҳа иллаллоҳу” деганда кўрсаткич бармоқни кўтариб ишора қилинади, “иллаллоҳ”да туширилади. Бунда бармоқни кўтариш инкор этиш, тушириш тасдиқлаш маъносини билдиради. Ибн Раслон айтишича, бу билан Аллоҳнинг яқкаю ягоналиги банд эътиқодида, сўзида, ҳаракатида жамланади¹⁵⁶.

Гоҳида киши кўзини юмиб намоз ўқиса, хушуъ кучайгандек, очса, намоздан чалғигандек бўлади. Ваҳоланки, кўзни очиб намоз ўқиш суннатдир. Кўзни юмиш эса, кишини ана шу суннат савобидан маҳрум этади. Шунинг учун уламолар намозда кўзни юмишни макруҳ санашган. Лекин бир гуруҳ уламолар бунга рухсат беришган. Масалан, кўзни очиб туриш хушуъга тўсқинлик қилса, қибла тарафда хаёлни чалғитувчи нарсалар бўлса, кўзни юмиб намоз ўқишнинг ҳечқиси йўқ. Аммо кўзни очиш хушуъга халал бермаса, шуниси афзал. Чунки бу суннатга мувофиқдир¹⁵⁷.

23-САБАБ. БИЛАКНИ ЕРГА ТЕККАЗМАСЛИК

Саждада қоринни тиззадан, билакларни ердан узоқроқ қилиш эркаклар учун суннат ҳисобланади. Аёллар бунинг аксини қилишади. Чунки улар саждада турганда ҳам таналарини бегона кўзлардан беркитишади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадиси шарифда – ўзига хос ўхшатиш билан – саждада билакларни ерга текказишдан қайтарганлар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: اعْتَدِلُوا فِي السُّجُودِ وَلَا يَبْسُطْ أَحَدُكُمْ ذِرَاعِيَهُ انْبِسَاطَ الْكَلْبِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتَّسَائِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Саждада мўътадил бўлинглар. Биронтангиз билагини итникига ўхшатиб ёймасин”, деганлар (Бухорий, Муслим, Насоий ривоят қилган).

Ит икки панжасини, билагини ерга қўйиб ётади. Ривоятда намозхон бундай қилишдан қайтарилиб, кафтини ерга қўйиб, билагини кўтариб туришга чақирилмоқда. Демак, сажда қилганда билакни ердан ҳам, қориндан ҳам узоқ қилинади, икки қўл кенгроқ очилади.

24-САБАБ. ҚЎЛНИ БЕЛГА ҚЎЙМАСЛИК

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ يُصَلِّيَ الرَّجُلُ مُخْتَصِرًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам киши қўлини белига қўйиб намоз ўқишидан қайтарганлар” (Бухорий, Муслим ривоят қилган).

¹⁵⁶ Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”.

¹⁵⁷ Манба: Абдуғафур Искандар, “Намозда хушуъ”.

Кўлни белга тираб туриш кибр аломатидир. Банда намозда ўзини хокисор тутати, Парвардигорига дуо-илтижо қилади, муҳтожлигини изҳор этади. Парвардигори ила роз айтадиган, Унга муножот қиладиган банда ўнг кафтини чап кафти устига қўйган ҳолда қўл боғлаб, тавозеъ билан туради, мутакаббирлик қилмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шунинг учун намозда қўлини белига қўйиб туришдан қайтарганлар. Қолаверса, Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, намозда қўлни белга қўйиб туриш қариқ саналарди. Чунки яҳудийлар шундай қилишарди¹⁵⁸.

25-САБАБ. НАМОЗДАН ЧАЛҒИТАДИГАН НАРСАЛАРНИ ЙИРОҚ ҚИЛИШ

Қибла тарафдаги, ён атрофдаги ҳар хил расмлар, нақшли матолар фикрни чалғитиши, хушўга тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун намозхон олдида бундай нарсалар туриши макруҳдир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ قِرَامٌ لِعَائِشَةَ سَتَرَتْ بِهِ جَانِبَ بَيْتِهَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَمِيطِي عَنَّا قِرَامَكَ هَذَا فَإِنَّهُ لَا تَزَالُ تَصَاوِرُهُ تَعْرِضُ فِي صَلَاتِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Оиша розияллоҳу анҳонинг рангли пардаси бор эди. У билан хужрасининг бир тарафини тўсиб қўйганди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Пардангни ол, чунки унинг тасвирлари мени намозда чалғитади”, дедилар” (Бухорий, Аҳмад ривоят қилган).

Маълумки, жонли мавжудот сурати бор уйга фаришталар кирмайди. Уламолар шу маънодаги ҳадис шарҳида: “Сурат бор ерга раҳмат фаришталари кирмайди, аммо кишини турли зарарлардан асрайдиган (хафаза) фаришталари, амалларини ёзиб борувчи фаришталар, ўлим фариштаси киради”, дейишган.

Ато Хуросонийдан ривоят қилинишича, Усмон розияллоҳу анҳу даврида бир масжид қурилди. Унинг шифтига утружжа¹⁵⁹ сурати чизилди. Масжидга кирган одамнинг кўзи ўша суратга тушарди. Бу ҳолат ҳазрат Усмонга маълум қилинганида унинг буйруғи билан утружжа сурати ўчириб ташланган¹⁶⁰.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: “Ҳайкаллар бор уйда намоз ўқима”, деб тайинлаган¹⁶¹.

عَنْ الْأَسْلَمِيِّ قَالَتْ: قُلْتُ لِعُثْمَانَ: مَا قَالَ لَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ دَعَاكَ قَالَ: قَالَ لِإِي نَسِيْتُ أَنْ أَمُرَّكَ أَنْ تُحْمَرَ الْقُرْنَيْنِ فَإِنَّهُ لَيْسَ يَنْبَغِي أَنْ يَكُونَ فِي الْبَيْتِ شَيْءٌ يَشْعَلُ الْمُصَلِّيَّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي شَيْبَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Асламиядан ривоят қилинади: “Мен Усмондан¹⁶²: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сени чақирганларида нима дегандилар?” деб сўрадим. У: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сенга бу икки шохни¹⁶³ ёпиб қўй, деб айтишни унутибман. Уйда намозхонни чалғитадиган нарса бўлиши керак эмас”, дедилар”, деб айтди (Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Абу Шайба ривоят қилган).

Демак, намозхоннинг олдида сурат, ҳайкаллар бўлиши маъқул эмас. Агар бўлса, устига бирон нарса ёпиб қўйилади. Аммо бундай нарсалар орқа тарафда туришининг зарари йўқ.

¹⁵⁸ Манба: Бухорий ривояти.

¹⁵⁹ Утружжа – апелсинга ўхшаш мева. Унинг ҳажми ўртача, кўриниши чиройли, ранги сариқ-кизғиш. Утружжанинг ажойиб ранги киши эътиборини тортади. Унга қараган инсон кўнглида қувонч пайдо бўлади. Қолаверса, утружжанинг хиди хушбўй, мазаси тотлидир (Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – калблар шифоси”).

¹⁶⁰ Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да ривоят қилган.

¹⁶¹ Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да ривоят қилган.

¹⁶² Бу ерда Усмон ибн Талха Ҳажабий розияллоҳу анҳу назарда тутилмоқда.

¹⁶³ Яъни, Аллоҳ таоло Исмоил алайҳиссалом ўрнига фидо қилган кўчқорнинг икки шохини.

Шунингдек, намозхон либосида расмлар, ҳар хил нақшлар бўлиши ҳам хаёлни чалғитади. Намозга киришдан олдин шунга ҳам эътибор қаратилади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَلَّى فِي خَمِيصَةٍ لَهَا أَعْلَامٌ فَقَالَ: شَعَلْتَنِي أَعْلَامٌ هَذِهِ
اذْهَبُوا بِهَا إِلَى أَبِي جَهْمٍ وَأَثُونِي بِأَنْبِجَانِيَّةٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ.

Ошиа розияллоху анҳодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам белгилари бор кўйлақда намоз ўқидилар. Шунда у зот: “Бунинг белгилари мени чалғитди. Уни Абу Жаҳмга олиб боринглар, менга анбижонияни олиб келинглар!” дедилар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ривоят қилган).

Абу Жаҳм – машҳур саҳобий куняси. Унинг тўлиқ исми Омир (Убайдуллоҳ) ибн Ҳузайфа Қурашийдир. У киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга кўйлақ совға қилган эди.

Анбижония – сидирға, гулсиз, бир хил рангдаги кўйлақ.

Намозхон либоси оддий, турфа нақшлардан, ёзувлардан холи бўлгани маъқул. Шунингдек, жойнамозда, ён атрофда хаёлни чалғитадиган ашёлар бўлмаслиги тавсия этилади. Чунки бундай нарсалар хушувни кетказди. Абу Жаҳм ҳадя қилган кўйлақ Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдек зотни чалғитган экан, бошқаларни гапирмаса ҳам бўлади.

Баъзи уйлар деворига турли расмлар илиб қўйилади, мебеллар жонли мавжудотлар: одамлар, ҳайвонлар ҳайкали билан безатилади. Қолаверса, кўпинча идиш-товоқларга, пардаларга, кийим-кечакларга, кўрпа-ёстиқларга ҳам жонли нарсалар сурати туширилади. Маълумки, мўмин-мусулмон кишининг уйида намоз ўқилади, дуо-илтижо қилинади. Хонадонимга раҳмат фаришталари киришига, Аллоҳнинг файз-баракаси ёғилишига тўсқинлик қилмай, деган инсон бундай нуқсон-камчиликларни тузатади.

26-САБАБ. ТАНА АЪЗОЛАРИНИ, ЛИБОСИНИ ЎЙНАМАСЛИК

Намозда турганда тана аъзолари заруратсиз ўйналмайди. Жумладан, бош қашилмайди, либос тўғриланмайди. Бундай ишларни намозга киришдан аввал қилинади, намозни хушув билан ўқишга халақит берадиган ҳолатлар олди олинади. Фикҳ китобларида ёзилишича, амали касир қилган одамнинг намози бузилади. “Амали касир” кўп иш дегани. Намозда бир қўл билан бажариб бўлмайдиган, иккала қўл билан бажариладиган ишлар амали касирдир. Масалан, салла ўраш, тўн кийиш, белбоғ боғлашга ўхшаган ишлар намозни бузади. Баъзилар тор шим кийганлари учун саждага кетишдан олдин шимни бир кўтариб оладилар. Бу иш дам-бадам такрорланади. Мана шу ҳолат ҳам хушувга халал беради. Бунинг олдини олиш учун кенгрок, қулайроқ либос кийилади.

27-САБАБ. НАМОЗДА БАРМОҚЛАРНИ БИР-БИРИНИНГ ИЧИГА КИРИТМАСЛИК

Каъб ибн Ужра розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз чиройли таҳорат қилиб масжид(да намоз ўқиш)ни мақсад қилиб чиқса, бармоқларини бир-бирига киргизмасин. Чунки у намоздадир”, деганлар¹⁶⁴.

Намоздан ташқарида панжаларни бир-бирининг ичига киргизишдан қайтарилаётган экан, бу нарсанамозда янада таъкидлироқ бўлади.

Масжидга кетаётганда, намоз ўқиётганда мазкур ишни қилиш макруҳ. Бирок намоздан кейин, ибодат билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, масалан, ҳамжиҳатликни ифодалаш учун бармоқларини бир-бирининг ичига киргизиш жоиз¹⁶⁵.

¹⁶⁴ Термизий саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

¹⁶⁵ Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Мўмин мўминга нисбатан худди бир бино кабидир. Улар бир-бирларини мустаҳкам тутиб туради”, дедилар. Кейин панжаларини бир-бирининг орасига киритдилар (Муттафақун алайҳ).

28-САБАБ. НАМОЗНИ ТАОМ ҲОЗИР БЎЛГАНДА ЎҚИМАСЛИК

Овқат пишганда намоз бироз ортга сурилади. Чунки қорин оч пайтда дастурхонда ширин таом тайёр турган бўлса, фикр ўша ёққа кетиб қолади. Жуда оч қоринган қилинган ибодатда хушуъ, ҳаловат бўлмайди. Шунинг учун таом сузилиши билан намоз бир вақтга тўғри келиб қолса, аввал озрок тамадди қилиб, нафс қондирилади. Кейин хотиржам ҳолда намоз ўқилади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا وُضِعَ عَشَاءُ أَحَدِكُمْ وَأُقِيمَتِ الصَّلَاةُ فَأَبْدَأُوا بِالْعَشَاءِ وَلَا يَعْجَلَنَّ حَتَّى يَفْرُغَ مِنْهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар биронтангизнинг кечки овқати (олдига) қўйилганда намозга иқомат айтилса, аввал овқатдан бошласин, ундан фориғ бўлгунича шошилмасин” (Бухорий, Термизий, Ибн Можа ривоят қилган).

Маълумки, муборак рамазон ойида кун ботгач, аввал ифторлик қилинади, оғиз очиб, ул-бул тамадди қилинганидан кейин шом намози ўқилади. Зеро, одам егулик ейишни жуда хоҳлаб турса ёки қаттиқ ташналик безовта қилса, намозида хушуъ бўлмайди. Шунинг учун намоз ўқишдан олдин нафснинг энг зарур истаклари инобатга олинади. Бунда намозни ўтказиб юборадиган даражага борилмайди. Агар вақт тиғизлиги сабаб намоз қазо бўлиш хавфи туғилса, олдин намоз ўқилади.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا كَانَ أَحَدُكُمْ عَلَى الطَّعَامِ فَلَا يَعْجَلَنَّ حَتَّى يَقْضِيَ حَاجَتَهُ مِنْهُ وَإِنْ أُقِيمَتِ الصَّلَاةُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз овқатланаётган бўлса, гарчи намозга иқомат айтилса ҳам, эҳтиёжини қондириб олгунича шошилмасин”, деганлар” (Бухорий ривоят қилган).

Бу масалада куйидаги шартлар мавжуд:

1. Овқат тайёр бўлиши.
2. Намозхон қорни роса очгани учун таом ейишни қаттиқ хоҳлаши. Агар таом сузилганда қорин тўқроқ бўлса, хаёл унга кетиб қолмаса, намоз ўқиладеради.

3. Киши ҳиссий, шаръий жиҳатдан таом ейишга қодир бўлиши. Ҳиссий жиҳати шуки, таом жуда иссиқ бўлмасин, уни бемалол ейиш иложи бўлсин. Шаръий жиҳати эса, киши рўзадор бўлмаслигидир. Чунки, рўза тутган одам кун ботгунича овқат емайди, ичимлик ичмайди. Кун бўйи очнаҳор юрган соим эса шом вақти киргач, аввал бироз егулик еб, нафсини қондиргандан кейин намоз ўқийди.

Саҳобаи киромлар мазкур ҳадисларга оғишмай амал қилишган. Масалан, Ибн Умар розияллоҳу анҳу олдида таом қўйилганида намозга иқомат айтилса ҳам, таом еб бўлмагунича намозга турмасди, овқатланаётганида имом кироатини эшитарди¹⁶⁶. Бир куни Ибн Аббос ҳамда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумо олдида таом, қовурилган гўшт қўйилди. Шунда муаззин иқомат айтишга келди. Ибн Аббос эса: “Шошмай тур, мана бу қовурилган гўштни еб олайлик. Токи намоздалигимизда ичимизда бирон нарса (яъни, эҳтиёж) бўлмасин”, деди¹⁶⁷.

Шу ўринда яна бир гап: Қоринни ҳаддан ташқари тўйдириб овқат ейиш, доим тўқ юриш, очқамасдан овқатланиш қалбни қотиради. Бу гап ростлигини билмоқчи бўлсангиз, аввал оч қоринга, кейин тўқ қоринга намоз ўқиб кўринг. Албатта, аввалги ҳолатда топганингиз хушуъни кейинги ҳолатда топа олмайсиз.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай деган: “Сизлар ҳаддан зиёд тўйиб овқат ейишдан, ичимлик ичишдан сақланинглар. Чунки бу жисмни бузади, касаллик келтириб чиқаради, кишини намозга дангаса қилиб қўяди. Таомни ҳам, ичимликни ҳам камроқ истеъмол қилинлар. Зеро, бу нарса

¹⁶⁶ Бухорий “Саҳих”да, Бағавий “Шархус сунна”да ривоят қилган.

¹⁶⁷ Бағавий “Шархус сунна”да, Ибн Жаъд “Муснад”да ривоят қилган.

танани ислоҳ этади. Шундай қилинса, исрофдан сақланилади. Албатта, Аллоҳ таоло семиз олимни¹⁶⁸ ёмон кўради. Киши динидан кўра шаҳватини устун қўймагунича ҳалок бўлмайди¹⁶⁹ (яъни, нафс хоҳишларига кул бўлиш одамни ҳалокатга бошлайди)”.
وَقَالَ أَبُو الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: مِنْ فِقْهِ الْمَرْءِ إِقْبَالُهُ عَلَى حَاجَتِهِ حَتَّى يُقْبَلَ عَلَى صَلَاتِهِ وَقَلْبُهُ فَارِعٌ. رَوَاهُ

الْبُخَارِيُّ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу шундай деган: “Намозга қалби хотиржам ҳолда кириш учун (аввал) эҳтиёжини қондириб олиш кишининг фақиҳлигидандир” (Бухорий ривоят қилган).

Мўмин банда намозни бошлашдан олдин энг зарур эҳтиёжларини қондириши, хаёлни чалғитадиган нарсаларни бартараф этиши унинг донолигини, шариат моҳиятини яхши билишини кўрсатади.

Масалан, таом, ичимлик каби хаёлни олиб қочадиган бошқа эҳтиёжлар бўлса, аввал уларни қондириб олинади, кейин намозга кирилади. Шунингдек, кимдир билан телефонда гаплашаётганингизда бир нарсани айтиб юбориши керак бўлиб қолди, “Ҳозир беш дақиқада сизга телефон қилиб, жавобини айтаман”, деди. Сиз унинг телефон қилишини кутасиз. Намозга киришдан олдин у билан гаплашиб, натижаларни билиб, кейин ибодат қиласиз ёки намоздан сўнг кўнғироклашишга келишасиз. Бўлмаса, намоз ўқиётганингизда телефон жириглаб қолиб, сизни чалғитиши мумкин.

Яна бир ҳолат: сизга жуда муҳим хабар (хат ёки СМС шаклида) келди. Унда нима ёзилган экан, деб роса қизиқяпсиз. Аввал ўша хатни ўқийсиз, нима ҳақида хабар берилганини биласиз. Кейин намозни бошлайсиз.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолат: сиз рўзғорга керакли бир жиҳоз сотиб олдингиз. Унинг ишлаш тартиби ҳақидаги йўриқномани ўқишга қизиқ кетяпсиз. Шунда жиҳозни очиб, унинг маълумотномасини ўқийсиз, қандай ишлатиш йўл-йўриқларидан хабардор бўлиб, кўнғилни хотиржам қилиб, кейин ибодатга киришасиз. Хаёлни бир ерга жамлашда, хушў ҳосил қилишда бунинг аҳамияти катта.

29-САБАБ. НАМОЗНИ ҲОЖАТ ҚИСТАБ ТУРГАНДА ЎҚИМАСЛИК

Ҳожатхонага боришга зарурат туғилганда ҳам намоз ўқилмайди. Чунки у хушўга ҳалал беради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожат қистаб турганида намоз ўқимасликни, аввал эҳтиёжни қондириб, кейин ибодат қилишни тайинлаганлар.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: لَا صَلَاةَ بِحَضْرَةِ الطَّعَامِ وَلَا هُوَ يُدَافِعُهُ الْأَحْبَتَانِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Таом ҳозир бўлганда, (ейилган таомни) икки (чиқариш) йўли танг қилиб турганда намоз йўқ”, деб айтганларини эшитганман” (Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ривоят қилган).

Ушбу ривоятга кўра:

1. Таом тайёр бўлганда намоз вақти кирган бўлса, аввал нафс озроқ қондириб олинади.

2. Заҳар танг қилиб ёки қазои ҳожат қистаб турганда, шунингдек, қорин дам бўлиб, ел чиқаришга зарурат туғилганда ўзини мажбурлаб, қимтиниб намоз ўқилмайди, аввал бўшаниб олинади. Кейин қайтадан таҳорат қилиб, кўнғил хотиржам ҳолда намоз ўқилади.

Ҳожатга боришга тўғри келганда қайта таҳорат қилишдан эриниб ўзини мажбурлаб ушлаб туриш нафақат намозда хаёлни чалғитади, балки соғлиқ учун ҳам кони зиёндр.

¹⁶⁸ Имом Ғаззолий – Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан – накл қилишича, Аллоҳ семиз қорини (яъни, Қуръон ўқувчини) ёмон кўради (Манба: Саховий, “Ал-мақосидул ҳасана”).

¹⁶⁹ Абу Нуайм ривоят қилган.

Уламолар айтишича, киши эътиборини тортадиган, хушуъсига халал берадиган нарсаларни даф қилиш ҳам мазкур ҳукм доирасига киради.

Албатта, бунда вақт бемалол бўлиши шарт. Агар бироз тамадди қилгунича ёки ҳожатхонага бориб келиб, қайта таҳорат олгунича фарз намози вақти чиқиб кетадиган бўлса, ўша ҳолда намоз ўқиладигани, ибодат кечиктирилмайди.

عَنْ هِشَامِ بْنِ عُرْوَةَ عَنْ أَبِيهِ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْأَرْقَمِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ خَرَجَ حَاجًّا أَوْ مُعْتَمِرًا وَمَعَهُ النَّاسُ وَهُوَ يُؤْمُهُمْ فَلَمَّا كَانَ ذَاتَ يَوْمٍ أَقَامَ الصَّلَاةَ صَلَاةَ الصُّبْحِ ثُمَّ قَالَ: لِيَتَقَدَّمَ أَحَدُكُمْ وَذَهَبَ إِلَى الْحَلَاءِ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِذَا أَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يَذْهَبَ الْحَلَاءِ وَقَامَتِ الصَّلَاةُ فَلْيَبْدَأْ بِالْحَلَاءِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ҳишом ибн Урва отасидан ривоят қилишича, Абдуллоҳ ибн Арқам розияллоҳу анҳу ҳаж ёки умра қилиш ниятида (йўлга) чиқди. У билан одамлар ҳам бор эди. Абдуллоҳ уларга имомлик қиларди. Бир куни у бомдод намозига турди. Кейин: “Биронтангиз олдинга ўтсин”, деб ҳожатхонага кетди¹⁷⁰. Сўнг: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Намоз вақти кирганида биронтангиз ҳожатхонага боришни истаса, аввал у ерга бориб келсин”, деганларини эшитганман”, деди (Абу Довуд, Термизий, Ҳоким ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Киши ҳатто жамоат намозидан кечикса ҳам, аввал ҳожатини чиқариб келади¹⁷¹. Чунки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожати қистаб турган бир саҳобийни намозга қўймаганлар¹⁷². Нега десангиз, бундай ҳолатда одам эмин-эркин намоз ўқий олмайди, ибодати нуқсонли бўлиб қолади. Зеро, ҳожатхонага бориш эҳтиёжи туғилганда мияга бўшаниш лозимлиги ҳақида буйруқ (сигнал) келади. Агар одам қайта таҳорат қилишдан эриниб, шу ҳолатда ибодатга кирса, мияга тўхтовсиз келаётган сигналлар уни хотиржам намоз ўқишга қўймайди. Набавий ҳадисдаги қайтарик ҳикматларидан бири шунда.

30-САБАБ. НАМОЗНИ УЙҚУ КЕЛИБ ТУРГАНДА ЎҚИМАСЛИК

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا نَعَسَ أَحَدُكُمْ وَهُوَ يُصَلِّي فَلْيَرْقُدْ حَتَّى يَذْهَبَ عَنْهُ النَّوْمُ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا صَلَّى وَهُوَ نَاعِسٌ لَا يَدْرِي لَعَلَّهُ يَسْتَغْفِرُ فَيَسُبُّ نَفْسَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Оиша розияллоҳу анҳодан¹⁷³ ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз намоз ўқиётганида мудраса, уйқу кетгунича (озрок) мизғиб олсин. Чунки мудраб намоз ўқиса, истиғфор айтаман, деб ўзини сўкиб қўйганини билмай қолади”, деганлар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривоят қилган).

Бу гап барча намозларга – кечаси, кундузи ўқиладиган фарз намозига ҳам, нафл намозига ҳам тегишли. Намозни диққат-эътибор, ғайрат-шижоат билан ўқишга ундаш мақсадида шундай маслаҳат берилмоқда¹⁷⁴.

Демак, намозга шайланган кишини уйқу босса, бироз ухлаб олгани маъқул. Чунки, у Аллоҳдан гуноҳларини кечиришни сўраш ўрнига ўзини сўкиб қўйганини билмай қолиши эҳтимоли бор. Устига-

¹⁷⁰ Имом Термизий келтирган ривоятга кўра, Абдуллоҳ ибн Арқам розияллоҳу анҳу қавм имоми кўлидан ушлаб олдинга ўтказган. Кейин мазкур ҳадисни айтган.

¹⁷¹ Мана шу сабаб билан жамоатни тарк этиш жоиз (Манба: Абул Ало Муборакфурий, “Тухфатул аҳвазий”).

¹⁷² Манба: Ибн Можа ривояти.

¹⁷³ Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз намозда мудраса, нима ўқиганини билгунича (озрок) мизғиб олсин”, деганлар (Бухорий ривоят қилган).

¹⁷⁴ Манба: Нававий, “Шарҳун нававий ала саҳихи муслим”.

устак бундай ҳолатда ўқилган намозда хушуъ бўлмайди, мудраган одам нима ўқиётганини идрок этмайди.

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنَ اللَّيْلِ فَاسْتَعَجَمَ الْقُرْآنَ عَلَى لِسَانِهِ فَلَمْ يَدْرِ مَا يَقُولُ فَلْيَضْطَجِعْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Хурайра розияллоху анху Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар биронтангиз тунда қоим бўлганида Қуръон ўқишга тили келишмаса, нима деяётганини билмаса, бироз мизғиб олсин”** (Муслим, Абу Довуд, Ибн Можса ривоят қилган).

Одатда, киши қаттиқ чарчаса, намозда кўзи илиниб қолади, уйку устунлик қилади. Бундай пайтда имкон қадар уйқуни қочиришга ҳаракат қилинади Агар шунда ҳам мудроқ кетмаса, ҳадисда айтилганидек, бироз ухлаб олгандан сўнг намоз ўқилади. Чунки, намоз – улуг ибодат. Унда банда бевосита Аллоҳ билан боғланади, Унинг Каломини тиловат қилади. Намозда мудраб, Қуръонни хато ўқиш дуруст эмас.

Бу ҳадислар нафақат тунги таҳажжуд намозига, балки фарз намозларига ҳам тегишли. Фақат намоз вақти чикиб кетмаслигига амин бўлинса, шундай йўл тутилади.

31-САБАБ. ОЛДИГА СУТРА ҚЎЙИШ, УНГА ЯҚИНРОҚ ТУРИШ

Олдидан одамлар ўтиши эҳтимоли бор жойда намоз ўқийдиган киши бир зироъ (ярим метр) ёки ундан ҳам баландроқ, камида бармоқ қалинлигида сутра қўяди. Агар биринчи сафда ёки масжид устунни ортида намоз ўқиса, сутра қўйиши шарт эмас. Сутра тик қилиб қўйилади. Пойафзал, бош кийим, сумка кабилар сутра қилишга ярамайди. Имомнинг сутраси орқада намоз ўқиётганларга кифоя қилади. Сутрага яқинроқ туриш суннатдир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ فَلْيُصَلِّ إِلَى سِتْرَةٍ وَلْيَدْنُ مِنْهَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Саид Худрий розияллоху анху Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар биронтангиз намоз ўқиса, сутрага (қараб) ўқисин, унга яқинроқ турсин”** (Абу Довуд ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Киши одамлар ўтадиган жойда намоз ўқийдиган бўлса, олдига сутра қўйиб, унга яқинроқ туради. Шунда шайтон уни намоздан чалғитмайди.

Мавриди келганда масжидда намозхонлар олдидан кесиб ўтиш, елка ошиб олдинга интилиш масаласига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

عَنْ أَبِي جَهْمٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَوْ يَعْلَمُ الْمَارُّ بَيْنَ يَدَيْ الْمُصَلِّي مَاذَا عَلَيْهِ لَكَانَ أَنْ يَقِفَ أَرْبَعِينَ خَيْرًا لَهُ مِنْ أَنْ يَمُرَّ بَيْنَ يَدَيْهِ قَالَ أَبُو النَّضْرِ: لَا أَدْرِي أَقَالَ أَرْبَعِينَ يَوْمًا أَوْ شَهْرًا أَوْ سَنَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ.

Абу Жуҳайм Ансорий розияллоху анху Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Намоз ўқувчи олдидан кесиб ўтадиган кимса қанчалик гуноҳкор бўлишини билганида, унинг олдидан ўтишдан кўра қирқ (муддат) тўхтаб туриши ўзи учун яхши бўларди”**. Абу Назр¹⁷⁵

¹⁷⁵ Ривоятда исми келган Абу Назр ушбу ҳадисни ривоят қилувчилардан биридир. У киши ўзига бу ҳадисни айтиб берган Буср ибн Саид раҳматуллоҳи алайҳ қирқ кун дедими, қирқ ой ёки қирқ йил, дедими билмай қолган экан. Абу Назр омонатга хиёнат қилмай, қандай бўлса, шундайлигича ривоят қилган (Манба: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Ҳадис ва Ҳаёт”, 5-жуз).

шундай деган: “Қирк кун ёки қирк ой ёхуд қирк йил, дедими, билмайман” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган).

Агар киши намозхон олдидан кесиб ўтиш қанчалик гуноҳлигини билганида қирк муддат кутиб туришни афзал кўрарди. Мазкур ҳадисда қирк муддат (қирк кунми, қирк ойми, қирк йилми аниқ эмас) деб келтирилган бўлса, Термизий ривоятида “Сизлардан бирингиз юз йил кутиб туриши намоз ўқиётган биродари олдидан кесиб ўтишидан яхшироқдир”, дейилган. Демак, намозхон олдидан кесиб ўтиш яхши эмас. Агар бир одам олдига сутра қўймасдан намоз ўқиётган бўлса, бироз сабр қилиб кутиб турилади, икки тарафга салом бериб намоздан чиққанидан кейин ўтилади. Намозхон олдидан ўтиб, гуноҳга ботгандан кўра шуниси афзал. Бунга кўп эмас, нари борса, 3-4 дақиқа кетади.

Маълумки, намоз амалларнинг энг яхшиси, жаннат қалити, мўминнинг меърождир. Сиз кўп машаққат чекиб, нафс хоҳишларини энгиш билан ибодат лаззатини топгандай бўласиз. Лекин шу пайт кимдир олдингиздан ўтиб, Раббингиз билан мулоқотингизни кесиб қўяди, хушўяга халал беради. Нақадар ёқимсиз манзара бу. Шундай эмасми? Аслида шайтон намозхон хаёлини бўлади, турли йўллар билан ибодатни тўқис адо этишдан чалғитади. Шу сабаб бўлса керак, ҳадиси шарифда намозхон олдидан кесиб ўтувчи кимса шайтонга қиёсланган.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِذَا صَلَّى أَحَدُكُمْ إِلَى شَيْءٍ يَسْتُرُهُ مِنَ النَّاسِ فَأَرَادَ أَحَدٌ أَنْ يَجْتَازَ بَيْنَ يَدَيْهِ فَلْيَدْفَعْهُ فَإِنَّ أَبِي فَلْيَقَاتِلْهُ فَإِنَّمَا هُوَ شَيْطَانٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Саид Худрий розияллоху анху айтади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Биронгангиз ўзини одамлардан тўсиб турадиган нарсага қараб намоз ўқиётганда биров олдидан кесиб ўтмоқчи бўлса, уни қайтарсин. Агар кўнмаса, у билан урушсин. Зеро, у шайтондир”, деганларини эшитганман” (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган).

Имом Бухорий ривоят қилишича, Абу Саид Худрий розияллоху анху жума куни ўзини одамлардан тўсадиган нарсага қараб намоз ўқиётганида бани абу муайтлик бир йигит олдидан ўтмоқчи бўлди. Абу Саид унинг кўкрагидан итарди. Йигит қараса, Абу Саид олдидан бошқа ўтадиган жой йўқ экан. Шунинг учун яна ўтишга ҳаракат қилди. Шунда Абу Саид уни аввалгидан ҳам қаттиқроқ итарди. Йигит Абу Саидни сўқди. Кейин умавийлар бошлиғи Марвон ибн Ҳакам олдига бориб шикоят қилди. Абу Саид ҳалиги йигит ортидан Марвон ҳузурига кирди. Марвон сўради: “Сен билан биродаринг ўғлига нима бўлди, эй Абу Саид?” Шунда Абу Саид Худрий юқоридаги ҳадисни айтди.

Киши олдига сутра қўйиб намоз ўқиётганида саждагоҳгача бўлган ораликдан биров ўтмоқчи бўлса, уни “Субҳаналлоҳ”, деб ёки имо-ишора (кўз, бош, қўл ҳаракати) билан қайтаради. Огоҳлантиришга қарамай намозхон олдидан яна ўтишга уринган киши шайтонга тенглаштирилади. Лекин, масаланинг бошқа тарафи ҳам бор: одамлар тез-тез ўтиб турадиган йўл устида намоз ўқиш макруҳдир. Шунинг учун масжидда яқка ўзи намоз (масалан, нафл ёки фарзнинг қазосини) ўқийдиган одам ўзига муносиб жой танлайди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسَيْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ يَتَخَطَّى رِقَابَ النَّاسِ يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَالنَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَخْطُبُ فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اجْلِسْ فَقَدْ آذَيْتَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам хутба қилаётганларида бир киши келиб, одамлар елкасини туртиб ўтди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам унга: “Ўтир! Сен азият етказдинг!” дедилар” (Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Жума куни одамлар хутбага кулоқ солиб ўтирганида елка ошиб олдинга ўтиш мусулмонларга озор бериш саналади. Мусулмон киши биродарларига тили билан ҳам, қўли билан ҳам шикаст етказмайди, ўзгаларни безовта қилмайди. Айниқса, жума куни бунга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун жумага вақтлик борганлар аввалги сафларни тўлдириб, зичроқ ўтиришлари, кейин келганлар елка ошиб олдинга интилмасликлари керак. Агар биринчи сафни ният қилган бўлса, шунга яраша вақтлик келсин. Кеч қолиб, ҳаммани безовта қилиб олдинга қараб талпиниш тўғри эмас.

Ундан кўра бўш жой топиб, жим ўтириб маъруза эшитгани, ҳеч кимга халакит бермагани маъқул. Қолаверса, намоз ўкиб бўлгандан кейин елка ошиб чиқиб кетиш ҳам одобсизликдир. Шошилинич иши бор одам намоздан кейин вақтлироқ чиқиб кетмоқчи бўлса, шуни ҳисобга олиб орқароқда ўтирсин. Аввалги сафларга ўтиб олиб, ҳали намозхонлар ўрнидан турмасидан ҳамманинг тинчини бузиш мўмин кишига ярашмайди.

Имом-домлалар мана шундай масалаларни намозхонларга ўргатиб боришса, бир-бир эслатиб туришса, мақсадга мувофиқ бўлади.

32-САБАБ. ЎНГ КАФТНИ ЧАП КАФТ УСТИГА ҚЎЙИБ, ТАВОЗЕЪ БИЛАН ТУРИШ

Намозда ўнг кафтни чап кафт устига қўйиб, қўл боғланади, Аллоҳ учун тавозеъ билан турилади. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳдан намозда икки кафтни бир-бирининг устига қўйилиши ҳақида сўралганида, “Бу Қудратли Аллоҳ олдида ўзини хокисор тутишдир”, деб жавоб берган¹⁷⁶.

Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Уламолар айтишича, мана шу ҳолат хокисор сўровчининг кўринишидир. Бу, кишини беҳуда нарсалардан тўсади. Мана шундай туриш хушўйга яқинроқдир¹⁷⁷”.

عَنْ قَبِيصَةَ بْنِ هُلْبٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُؤْمِنَا فَيَأْخُذُ شِمَالَهُ بِيَمِينِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

Қабийса ибн Ҳулб отасидан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилар, чап (кафт)ларини ўнг (кафт)лари билан ушлаб турардилар” (Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан-саҳиҳ).

Намозда ўнг кафт чап кафт устига қўйилиши собит бўлган. Аммо уни киндик остига ёки устига қўйиш, ё бўлмаса кўкрак бараварида ушлаб туриш борасида ихтилоф қилинган. Жумладан, шофеийларда кафт кўкрак бараварида ушлаб турилса, моликийлар қўлни икки тарафга туширган ҳолда туришни ихтиёр этишган. Бизнинг ҳанафий (шунингдек, ханбалий) мазҳаби уламоларига кўра, икки кафт киндик остида ушлаб турилади¹⁷⁸.

عَنْ أَبِي جُحَيْفَةَ أَنَّ عَلِيًّا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مِنَ السُّنَّةِ وَضْعُ الْكَفِّ عَلَى الْكَفِّ فِي الصَّلَاةِ تَحْتَ السُّرَّةِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَالِدَّارَقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Жухайфадан ривоят қилинишича, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу шундай деган: “Намозда кафтни кафт устига қўйиб, киндик остида ушлаб туриш суннатдир” (Абу Довуд, Аҳмад, Дорақутний ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

¹⁷⁶ Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушў фис салат”.

¹⁷⁷ Манба: Ибн Ҳажар, “Фатхул борий”.

¹⁷⁸ Мазҳаббошимиз Абу Ҳанифа, шунингдек, Суфён Саврий, Исҳоқ ибн Роҳвайх, Шофеий асхобларидан Абу Исҳоқ Марвазийга кўра, намозда кафтлар киндик остига қўйилади.

Бу борада имом Молиқдан икки хил ривоят собит бўлган. Биринчисида, кафтлар кўкрак остига, киндик юқорисига қўйилади, дейилган. Иккинчисида икки кафт бир-бирининг устига қўйилмайди, ёнга туширилади, дейилган. Имом Молиқдан қўллар боғланиши ҳамда икки ёнга туширилиши мухайярлиги (ихтиёрий экани) ҳам нақл қилинган.

Имом Аҳмаддан бу борада уч хил ривоят нақл қилинган: 1. Икки кафтни киндик остига қўйиш. 2. Иккисини кўкрак остига қўйиш. 3. Кўкрак ва киндик остига қўйишда киши ихтиёри ўзидалиги. Биринчи ривоят машхурроқ. Кўп ханбалийлар шунга амал қилишади (Манба: Абул Ало Муборакфурий, “Тухфатул аҳвазий”).

Шофеий мазҳабига кўра, кафт киндикдан юқорида ушлаб турилади. Ҳар бир мазҳабнинг етарли далиллари бор. Бу борадаги ихтилоф мусулмонлар учун раҳматдир. Зеро, бу хилма-хиллик намозни турли усулда ўқиш жоизлигини билдиради.

Одатда, ёши улуғ, мартабаси юкори кишилар олдида одоб саклаб турганда икки кафт киндик остида ушлаб турилади. Бандага хурмат юзасидан шундай қилинганидан кейин Аллоҳ хузурида камтарлик билан, ўзини хокисор тутиб туриш янада муносиброқ бўлади.

عَنْ أَبِي وَائِلٍ قَالَ: قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَخَذُ الْأَكْفَ عَلَى الْأَكْفِ فِي الصَّلَاةِ تَحْتَ الشَّرَةِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِسَنَدٍ ضَعِيفٍ.

Абу Воилдан ривоят қилинишича, Абу Хурайра розияллоҳу анҳу шундай деган: **“Намозда кафтларни кафтлар устига қўйиб, киндик остида ушлаб турилади”** (Абу Довуд заиф санад билан ривоят қилган).

Маълумки, ханафий мазҳаби уламолари наздида заиф ривоятнинг нақл қилиниш йўллари кўп бўлса, бир-бирини қувватлаб келса, ҳасан лиғайриҳ даражасига чиқади, хужжат сифатида қабул қилинади.

Алқамма ибн Воил ибн Хужр отасидан ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда ўнг кафтларини чап кафтлари устига қўйиб, киндик остида ушлаб турганларини кўрганман¹⁷⁹”.

Абу Маъшар – Иброҳимдан – ривоят қилади: “Киши намозда ўнг кафтини чап кафти устига қўйиб, киндик остида тутиб туради¹⁸⁰”.

Ҳажжож ибн Ҳассондан ривоят қилинади: “Мен Абу Мижлаздан: “(Намозда) қандай қилади?” деб сўрадим. У: “Ўнг қўл кафти ичини чап қўл кафти устига қўйиб, киндикдан пастрокда ушлаб туради”, деди¹⁸¹”.

Хуллас, ханафий мазҳабида эркаклар намозда ўнг кафтини чап кафти устига қўйиб, киндик остида ушлаб туради. Аёллар эса қўлини кўкраги устига қўяди.

33-САБАБ. НАМОЗДА КИЙИМ ВА СОЧНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛМАСЛИК, ЛИБОСНИ СУДРАМАСЛИК

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَمَرْنَا أَنْ نَسْجُدَ عَلَى سَبْعَةِ أَعْظُمٍ وَلَا نَكْفُ ثَوْبًا وَلَا شَعْرًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Биз егти аъзо билан сажда қилишга, либосни, сочни йиғиштирмасликка буюрилганмиз”** (Бухорий, Муслим ривоят қилган).

Баъзи уламолар намозда енгни шимариб олиш кибр аломатидир, дейишган. Яна бошқалар айтишича, енгни шимариб олиш, сочни йиғиштириш намозда сажда қилишга тўсқинлик қилади.

Намоздан олдин енгни шимариш танзиҳий макруҳ саналади¹⁸². Бу нарса намоз қабул бўлишига монелик қилмайди. Чунончи, енгини шимариб намоз ўқиган киши намоз арконларини, шартларини, вожибларини адо этса, намози қабул бўлади. Бирок, намозга киришдан олдин енгни шимармаслик мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, соч узун бўлса, намоздан олдин боғлаб олинмайди.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ أَبِي سَعِيدٍ الْمَقْبُرِيِّ يُحَدِّثُ عَنْ أَبِيهِ أَنَّهُ رَأَى أَبَا رَافِعٍ مَوْلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَّ بِحَسَنِ بْنِ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَهُوَ يُصَلِّي قَائِمًا وَقَدْ غَرَزَ ضَفْرَهُ فِي قَفَاهُ فَحَلَّهَا أَبُو رَافِعٍ فَالْتَفَتَ حَسَنٌ إِلَيْهِ مُغْضَبًا فَقَالَ أَبُو

¹⁷⁹ Ибн Абу Шайба жайид санад билан ривоят қилган.

¹⁸⁰ Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

¹⁸¹ Ибн Абу Шайба ривоят қилган.

¹⁸² Намозда енгни шимариш ҳаром эмас, одобга зиддир.

رَافِعٍ: أَقْبَلَ عَلَى صَلَاتِكَ وَلَا تَغْضَبْ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ذَلِكَ كِفْلُ الشَّيْطَانِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Саид ибн Абу Саид Мақбурий ривоят қилишича, унинг отаси Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам озод қилган қуллари Абу Рофеънинг намозда турган Ҳасан ибн Али розияллоҳу анху олдидан ўтганини кўрган экан. (Ўшанда Ҳасан) соч ўримини орқасига турмаклаб олганди. Абу Рофеъ уни ечиб юборди. Шунда Ҳасан ғазабланиб қаради. Абу Рофеъ эса: “Намоз ўқишда давом эт. Жаҳлинг чикмасин. Зеро, мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу шайтон ўтирадиган жойдир”, деганларини эшитганман”, деди (Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Киши сажда қилаётганида барча аъзолари, бутун вужуди, ҳатто сочи, либослари ҳам иштирок этади. Агар кийим шимариб, соч турмаклаб олинса, бу ҳолатга путур этади. Шунинг учун намозга киришдан олдин сочни, либосни йиғиштириб олиш мақруҳ саналади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى عَنْ السَّدْلِ فِي الصَّلَاةِ وَأَنْ يُغَطِّيَ الرَّجُلُ فَاهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда кийимни осилтиришдан, оғизни тўсишдан қайтарганлар (Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Ўша пайтларда Арабистон ярим оролида либос билан боғлиқ турли урф-одатлар тарқалган. Жумладан, эркаклар узун кўйлак кийиш, либосни ерга осилтириб юриш билан фахрланишган. Бу иш кибр аломати бўлгани учун шариатда ман этилган. Шунингдек, уларда салланинг бир тарафи билан оғизни беркитиш одати ҳам бўлган. Ривоятда шу ишдан ҳам қайтарилмоқда¹⁸³. Чунки, намозда кибр-ҳаводан, одобсизлик саналган хатти-ҳаракатлардан тийилиш таъкидлироқ бўлади.

34-САБАБ. НАМОЗДА ОРТИҚЧА ҲАРАКАТ ҚИЛМАСЛИК, БУТУН ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРНИ ИБОДАТГА ҚАРАТИШ

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَإِنَّ الرَّحْمَةَ تَوَاجِهُهُ فَلَا يَمْسَحُ الْحُصَا. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَاللَّفْظُ لَهُ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Зар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар биронтангиз намоз ўқишни бошласа, раҳмат у билан юзма-юз туради. Шундай экан, майда тошларга тегмасин!” деганлар” (“Сунан” соҳиблари, Доримий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят лафзи Доримийга тегишли. Унинг ривояти санади саҳиҳ).

Асри саодат даврида масжидлар жуда содда бўлган, ерга гиламлар, жойнамошлар солинмаган, тупроқ устига сажда қилинган. Табиийки, у ерда майда тошлар ҳам бўлган. Ривоятда ана шундай тошларни қўли билан сурмаслик таъкидланмоқда.

Намозхон устига ёғилиб турган раҳматдан маҳрум бўлмаслиги учун ҳам саждагоҳдаги майда тошларни, ҳас-чўпларни термаслик тавсия этилади. Буни ибодатдан олдин ёки жуда зарурат туғилса, намоз вақтида бир марта қилса бўлади.

عَنْ مُعَيْقِبٍ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فِي الرَّجُلِ يُسْوِي الثَّرَابَ حَيْثُ يَسْجُدُ قَالَ: إِنْ كُنْتَ فَاعِلاً فَوَاحِدَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

¹⁸³ Аммо эснашни қайтариш учун кафт билан оғизни ёпиш жоиз саналади.

Муайқибдан ривоят қилинишича, **Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилаётганда тупроқни тўғрилаб оладиган кишига: “Агар (шундай) қиладиган бўлсанг, бир марта (қил)”, деганлар (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ривоят қилган).**

Яъни, сажда қилишдан олдин ерни текислама. Агар шундай қилишга тўғри келса, бир марта тўғриласанг майли.

Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан айрим нарсалар, ҳатто (намозда) майда тошларни текислаш ҳақида ҳам сўрадим. У зот: “Бир марта (қил). Бўлмаса, (уни ҳам) тарк эт”, дедилар¹⁸⁴.

Ривоят қилинишича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу намозда майда тошларни бир марта текислашга рухсат берар, “Ундай қилмаслик мен учун махбуброқ”, деб айтарди¹⁸⁵.

Саждага бош қўйишдан олдин ерни бир текислаб олиш камтарликка зид бўлгани, намозхонни чалғитгани боис макруҳ саналади. Лекин, уламолар айтишича, суннатга мувофиқ сажда қилишга (яъни, пешона билан бурунни ерга текказишга) монъелик туғилса, бир марта енгил текислаб олиш мумкин.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: رَأَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ غُلَامًا لَنَا يُقَالُ لَهُ أَفْلَحُ إِذَا سَجَدَ نَفَخَ فَقَالَ: يَا أَفْلَحُ تَرَبَّ وَجْهَكَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Умму Салама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Афлах” исмли хизматкоримиз сажда қилаётганда (ерни) пуфлаганини кўриб: “Эй Афлах, юзингни тупроқ қилавер”, дедилар” (Термизий, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади заиф).**

Киши намозга кирганидан кейин хаёлини бир ерга жамлаб, ихлос билан ибодат қилиши керак. Намозда турганда саждагоҳдаги чанг, чўп, тош каби нарсалар олиб ташланмайди. Чунки бу киши эътиборини тортади, фикрини чалғитади, хушуъсини камайтиради.

Шунингдек, намозга кирганда либоси ғижим бўлишини ўйлаб рукуъни, саждани тўлиқ қилмаслик, ибодат тўқислигидан кўра кийимига гард юкмаслигини кўпроқ ўйлаш мўмин бандга ярашмайди. Чунки кийимга чанг тегса, ювиб тозалаш мумкин. Ғижим бўлган жойларини дазмолласа, яна аввалги ҳолига қайтади. Бунақа майда нарсаларни деб намозни пала-партиш, юзаки ўқиб қўйиш яхши эмас. Агар қалбда хушуъ бўлса, моддий нарсалар анча паст даражага тушиб қолади. Ихлосли инсон ўткинчи дунёнинг арзимас матоҳларини деб ибодатига нуқсон етказмайди.

35-САБАБ. НАМОЗДА ЭСНОҚНИ ҚАЙТАРИШ

Эснаш ҳафсаласизлик, дангасалик белгисидир. Эснаш чарчоқни кучайтиради. Намозда ҳомуза тортиш эса, банданинг Парвардигори ҳузурда турганини ҳис этмаслик саналади. Қолаверса, эснаш шайтонга йўл беришдир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا تَنَآوَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُمْسِكْ بِيَدِهِ عَلَىٰ فِيهِ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَدْخُلُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар биронтангиз эснаса, кўли билан оғзини ёпсин. Чунки, шайтон (унинг ичига) киради” (Муслим, Абу Довуд, Аҳмад ривоят қилган).**

Термизий ривоят қилган ҳадисда: “Намозда эснаш шайтондандир. Қайси бирингизни эсноқ тутса, иложи борича қайтаришга ҳаракат қилсин”, дейилган.

Агар эсноқ келса, ўнг қўл билан оғиз ёпилади. Бу умумий тавсия намозхонга кўпроқ тааллуқли. Чунки шайтон бандани айнан намозда кўп чалғитади, улуғ ибодатни маромига етказиб ўқишига

¹⁸⁴ Термизий ривоят қилган. Шу маънодаги ривоятни Аҳмад ибн Ханбал – Хузайфа розияллоҳу анҳудан – келтирган.

¹⁸⁵ Манба: Ибн Абу Шайба, “Мусаннаф”.

халақит беради. Агар эснаётганда оғиз ёпилмаса, шайтон одамнинг ичига киради, унга намозни оғир қилиб кўрсатади. Бундан чиқди, оғиз шаръан макрух (яъни, ёқимсиз) нарса учун очилса, шайтон кирадиган йўлакка айланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْعُطَّاسَ وَيَكْرَهُ التَّائِبَ فَإِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ وَحَمِدَ اللَّهَ كَانَ حَقًّا عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ سَمِعَهُ أَنْ يَقُولَ لَهُ: يَرْحَمُكَ اللَّهُ وَأَمَّا التَّائِبُ فَإِنَّمَا هُوَ مِنَ الشَّيْطَانِ فَإِذَا تَنَاءَبَ أَحَدُكُمْ فَلْيُرِدْهُ مَا اسْتَطَاعَ فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا تَنَاءَبَ ضَحِكَ مِنْهُ الشَّيْطَانُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ аксиришни яхши кўради, эснашни ёқтирмайди. Агар биронтангиз аксириб, Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир мусулмон учун: “Ярҳамукаллоҳ”, дейиш лозим бўлади. Эснаш эса шайтондандир. Агар биронтангиз эснаса, уни имкони борича қайтарсин. Зеро, орангиздан бир (киши) эснаса, шайтон унинг устидан кулади” (*Бухорий, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган*).

“Эснаш эса шайтондандир” жумласи қуйидагича тушунтирилган:

1. Бу ҳадис “Эснашни шайтон вужудга келтиради”, деган маънода эмас, балки шайтон банд эснашини хоҳлайди, инсонни эснаган ҳолатда кўришни ёқтиради. Чунки эснаган кишининг ташқи кўриниши хунуклашади. Шунда шайтон унинг устидан кулади.

2. Ҳар қандай ёмон иш шайтонга нисбат берилади. Чунки у ёмонлик воситасидир. Ҳар қандай яхши иш фариштага нисбат берилади. Сабаби у эзгулик воситасидир. Эснаш ошқозон ҳаддан ташқари тўлиб кетишидан пайдо бўлади, дангасаликка олиб боради. Бу иш шайтон воситасида амалга ошади. Аксириш кам овқат ейишдан келиб чиқади. У ғайрат-шижоатни оширади. Бу иш фаришта воситасида амалга ошади¹⁸⁶.

Имом Нававий айтишича, шайтон шаҳватларга чақиради. Эснаш тана оғирлиги, бадан бўшашиши, қорин тўлишидан келиб чиқади¹⁸⁷.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бежизга “Эснаш шайтондан”, демаганлар. Айниқса, намоз ўқиб турганда эснаш маъкул саналмайди. Кимда шундай ҳолат кузатилса, имкони борича эсноқни қайтаради ёки кафти билан оғзини беркитади. Бўлар-бўлмасга эснайверган, эснаганда “Ҳо-о-о” деб ёқимсиз овоз чиқарадиган одам шайтоннинг кулгисига қолади.

Уламолар намозда эснашни макрух санашган, ўзлари ҳам бу ишдан тийилишган. Қудурий айтади: “Кўп марта синадик, киши “Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ҳаргиз эснамаганлар¹⁸⁸”, деб кўнглига келтирса, эсноқ қайтар экан”. Ибн Обидин ҳам шу гапни айтган¹⁸⁹.

36-САБАБ. НАМОЗДА ХОТИРЖАМ ТУРИШ

Аллоҳ таоло инсонга фикр юритиш, хаёл суриш неъматини берган. Оқил киши булардан ўз ўрнида фойдаланади, албатта. Шунингдек, намозга турганда хаёлини бир ерга жамлаб, хотиржам ҳолда Яратганга юзланиш комил мўминга хос фазилатдир. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам намозда ниҳоятда хотиржам турганлар, бошқаларни ҳам шунга буюрганлар.

Хотиржамликнинг намоздаги ўрни катта. У хушуъ билан эгизак. Бирисиз бошқасининг бўлиши даргумон.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар намозга иқомат айтилса, ҳеч бирингиз унга шошилмасин, хотиржам ҳолда, виқор билан келсин. Етган жойингни ўқи, ўтиб кетганини қазо қил¹⁹⁰”.

¹⁸⁶ Манба: Ибн Ҳажар, “Фатхул борий”.

¹⁸⁷ Манба: Ибн Ҳажар, “Фатхул борий”.

¹⁸⁸ Язид ибн Асомдан мурсал тарзда ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам зинҳор эснамаганлар” (Ибн Абу Шайба “Мусаннаф” да, Бухорий “Тарих” да келтирган).

Маслама ибн Абдулмалик ибн Марвон айтади: “Бирон пайғамбар сира эснамаган” (Хаттобий ривоят қилган).

¹⁸⁹ Манба: Абдуғафур Искандар, “Намозда хушуъ”.

¹⁹⁰ Муслим, Аҳмад, Табароний ривоят қилган.

Абу Қатода розияллоху анху айтади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Одамлар ичида энг ёмон ўғри намозидан ўғрилайдиганидир”, дедилар. Шунда: “Эй Расулulloх, намозидан қандай ўғрилайди?” деб сўрашди. У зот: “Рукуъ билан саждасини мукаммал қилмайди ёки рукуъда, саждада белини тўғри тутмайди”, деб жавоб бердилар¹⁹¹”.

Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анху бир киши шошиб намоз ўқиётганини кўриб, ундан: “Қачондан бери намоз ўқийсан?” деб сўради. “Қирқ йилдан бери”, деди у. “Демак, қирқ йилдан бери намоз ўқимабсан. Агар шу ҳолда ўлсанг, Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламниқидан бошқа фитратда ўлган бўласан”, деди Ҳузайфа¹⁹².

Хуллас, намозда қалби хотиржам бўлмаган кишининг хушуъ қилиши қийин. Намозни шошиб ўқиш, қуш дон чўқигандек тез-тез сажда қилиш кишини комил ибодатдан, савобни тўлиқ олишдан маҳрум этади.

37-САБАБ. АЛЛОҲ БАНДАНИНГ СИРЛАРИНИ, ХАЁЛИДАН НИМА ЎТАЁТГАНИНИ БИЛИШНИ УНУТМАСЛИК

Қуръонда таъкидланишича, бандалар қилаётган ҳар битта ишни Аллоҳ таоло кўриб-билиб туради. Жумладан, Бақара сурасида шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

“Аллоҳдан кўрқинг! Билингки, Аллоҳ қилаётган амалларингизни Кўрувчидир” (Бақара сураси, 233-оят).

Аллоҳ ҳамма нарсадан Хабардор. Тириклик чоғимизда қилган ҳар битта ишимиз учун қиёмат куни жавоб берамиз. Бизнинг ақидамиз шундай. Қуръон бизни – Аллоҳ кўриб турганини ҳис этиб яшашга – ундайди.

Каломуллоҳнинг бошқа оятида:

“-----Арабча матн-----”

“Албатта Аллоҳ осмонлар ва ердаги гайб сирларни билади. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир”, дейилган (Хужурот сураси, 18-оят).

Осмонлару ерда қанчадан-қанча сир-синоатлар яширинган. Биз ожиз бандалар уларни билмаймиз, кўз билан кўриш мумкин бўлганларини ҳам тўлиқ идрок эта олмаймиз. Ҳали бизга номаълум не-не махфий нарсалар бор. Аллоҳ таоло уларнинг барчасини билади.

Мана бу оят ҳар биримизни огоҳликка, намозни хушуъ билан ўқишга ундайди. Қуръонда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламга шундай хитоб қилинган:

“-----Арабча матн-----”

“(Аллоҳ) Сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилувчилар орасида (имом бўлганингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига) кўчаётганингизда ҳам кўриб туради. Шак-шубҳасиз, У Эшитувчи, Билувчи Зотдир” (Шуаро сураси, 218-220-оятлар).

Яъни, эй Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам), намозда турганингизда, рукуъ, сажда қилганингизда, ташаҳхудда ўтирганингизда Парвардигорингиз Сизни кўриб туради. Зеро, Аллоҳ ҳар қандай овозни Эшитувчи, ҳар бир нарсанинг ташқи, ички жиҳатларини, кўзга кўринмайдиган, ақлбодар қилмайдиган нарсаларни ҳам Билувчи Зотдир.

“Нега бу оятда бошқа ибодатлар ичидан айнан намоз хосланган?” деган савол туғилади. Маълумки, намоз энг шарафли, фазилатли ибодатдир. Қайси банда намозда турганда Парвардигори кўраётганини хаёлига келтирса, қалбида хушуъ пайдо бўлади, хокисорлиги, камтарлиги ортади. Шу билан намози комил бўлади. Намози мукаммал кишининг қолган амаллари ҳам тўқис бажарилади.

قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَمَا سَأَلَهُ جَبْرِيلُ عَلَيْهِ السَّلَامُ بِقَوْلِهِ: فَأَخْبِرْنِي عَنِ الْإِحْسَانِ فَقَالَ: أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ.

¹⁹¹ Аҳмад, Ҳоким, Байхақий, Табароний ривоят қилган. Бу – саҳиҳ ҳадис.

¹⁹² Бухорий ривоят қилган.

Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Менга эҳсон нималигини айт”, деганида у зот: “(Эҳсон) Аллоҳни кўриб турганингдек ибодат қилишинг. Агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, У Зот сени кўриб туради”, деганлар (Бухорий, Муслим, “Сунан” соҳиблари ривоят қилган).

Ҳадисни тўлиқроқ тушуниш учун аввал “эҳсон”, “ибодат” сўзлари мазмуни билан танишиб чиқамиз.

“Эҳсон” калимаси луғатда “яхшилиқ”, “чиройли иш”, “кимгадир фойда келтириш”, “бирон ишни гўзал суратда, қойиллатиб бажариш” маъносини ифодалайди. Уламолар айтишича, бу ҳадисдаги “эҳсон”дан мурод ихлос, хушуъ, Аллоҳ кузатиб турганини қалбдан ўтказиш, ибодатни маромига етказишдир.

“Ибодат” сўзи “Аллоҳни улуғлаш”, “Аллоҳ айтганини қилиш” мазмунини англатади. Намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш ибодат бўлганидек, ҳар бир ишни Аллоҳ кўрсатмасига биноан бажариш, Аллоҳ буюрганини бекаму кўст адо этиш, қайтарганларидан қайтиш ҳам ибодатдир. Хуллас, ҳар бир соҳада Аллоҳ розилигини истаб яшаш ибодат саналади. Албатта, намоз ибодатлар ичида энг улуғдир. Ҳадисда ибодат чоғида Аллоҳни кўриб тургандек ҳис этишга чақирилмоқда. Агар бунинг уддасидан чиқа олинмаса, Аллоҳ бандани кўриб тургани хаёлдан ўтказилади.

Агар бир одам сизни диққат билан кузатиб турса, ўзингизни одобли тутасиз, ортиқча гап гапирмаслик, ноҳўя иш қилмаслик ҳаракатида бўласиз. Бу, одатда, ожиз банда учун маълум вақтлардагина қилинади. Қаерда бўлсангиз ҳам Аллоҳ сизни кузатиб туради. Шундай экан, сиз қалбан Аллоҳни кўриб тургандек намоз ўқишга ҳаракат қилинг. Агар бунинг иложи бўлмаса, Аллоҳ сизни кўриб турганини ёдда тутинг. Ҳеч ким йўқ жойда бир ўзингиз намоз ўқиётган бўлсангиз ҳам Аллоҳ сизни кўриб туради, нима қилаётганингизни билади. У Зот фаришталари сизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингизни, айтган сўзларингизни номаи аъмолингизга битиб боради.

38-САБАБ. НАМОЗНИ ВАҚТИДА ЎҚИШ

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّ الْعَمَلِ أَحَبُّ إِلَى اللَّهِ قَالَ: الصَّلَاةُ عَلَى وَقْتِهَا قَالَ: ثُمَّ أَيٌّ قَالَ: ثُمَّ بُرِّ الْوَالِدَيْنِ قَالَ: ثُمَّ أَيٌّ قَالَ: الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ: حَدَّثَنِي بِهِنَّ وَلَوْ اسْتَزِدُّنَهُ لَرَدَدَنِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Аллоҳ учун қайси амал энг севимли?” деб сўрадим. У зот: “Вақтида ўқилган намоз”, дедилар. “Кейин қайси (амал)?” дедим. У зот: “Ота-онага яхшилиқ қилиш”, дедилар. “Кейин қайси (амал)?” деб савол бердим. Шунда у зот: “Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш”, дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга уларни айтдилар. Агар сўрашда давом этганимда жавоб бераверардилар” (Бухорий, Муслим, Насоий ривоят қилган).

Демак, вақтида ўқилган фарз намози Аллоҳ таоло наздида энг маҳбуб амаллардан бири экан. Шунинг учун намозни вақтида, тўқис адо этган инсон Аллоҳ учун севимли бандага айланади. Умуман намоз ўқиймайдиган ёки вақтидан ўтказиб, қазо қилиб ўқийдиганлар Аллоҳга маҳбуб бўла олмайди.

عَنْ أُمِّ فَرْوَةَ وَكَانَتْ مِمَّنْ بَايَعَتْ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ: سُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّ الْأَعْمَالِ أَفْضَلُ قَالَ: الصَّلَاةُ لِأَوَّلِ وَقْتِهَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ لِعَبْرِهِ.

Умму Фарва (у Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган аёллардан эди) шундай деган: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Амаллар ичида қайси бири энг афзал?” деб сўралди. Шунда у зот: “Аввалги вақтида ўқилган намоз”, деб жавоб бердилар” (Термизий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ лигайриҳ).

Вақти кириши билан намозни ўқиб олиш афзал. Чунки фарз намозни аввалги вақтида ўқишда яхшилиқка шошилиш хислати бор. Шунингдек, вақт бемалоллигида хаёлни бир ерга жамлаб намоз

ўқилади. Ибодат вақти чиқиш арафасида эса одам ҳовлиқиб, шошиб-пишиб намозни пала-партиш ўқишига тўғри келади. Табиийки, бундай ҳолатда қалбада хушув бўлмайди. Шунинг учун ибодатим тўқис бўлсин деган инсон намозни вақтида, бамайлихотир ўқийди.

39-САБАБ. БАНДА АЛЛОҲГА ХИТОБ ҚИЛАЁТГАНИНИ, АЛЛОҲ УНГА ИЖОБАТ ЭТИШИНИ АНГЛАШ

Мўмин киши намозда Аллоҳга хитоб қилади, тазарруъ этади. Қуръон ўқиётганида Аллоҳ уни тинглайди. У Зот нафақат бандани кўриб-эшитиб туради, балки Фотиҳа сурасининг ҳар бир оятига жавоб қайтаради. Келинг, шу ўринда Фотиҳа сураси фазилати ҳақида айтилган ажойиб бир ҳадиси шарифни кўриб чиқамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: قَسَمْتُ الصَّلَاةَ بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي نِصْفَيْنِ وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ فَإِذَا قَالَ الْعَبْدُ: ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾ ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: حَمَدَنِي عَبْدِي وَإِذَا قَالَ: ﴿الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ﴾ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَتْنَى عَلَيَّ عَبْدِي وَإِذَا قَالَ: ﴿مَالِكِ يَوْمَ الدِّينِ﴾ قَالَ: بَحَدَنِي عَبْدِي وَقَالَ مَرَّةً: فَوَضَّ إِلَيَّ عَبْدِي فَإِذَا قَالَ: ﴿إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ﴾ قَالَ: هَذَا بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ فَإِذَا قَالَ: ﴿اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ، صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ﴾ قَالَ: هَذَا لِعَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَمَالِكٌ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло айтади: “Намозни Ўзим билан бандам ўртасида иккига тақсимладим. Бандам учун сўраган нарсаси (берилади). Агар банда: “Алҳамдулиллааҳи роббил ʼааламийн”, деса, Аллоҳ таоло: “Бандам менга ҳамд айтди”, дейди. Агар (банда): “Ар-роҳмаанир роҳийм”, деса, (Аллоҳ таоло): “Бандам мени мақтади”, дейди. Агар (банда): “Маалики явмид дийн”, деса, (Аллоҳ таоло): “Бандам мени улуғлади”, дейди. (Ровий айтади:) “Бир марта, бандам Менга (ишини) топширди, дейди”, деб айтган эдилар. Агар (банда): “Иййаака наъбуду ва иййаака наста-ʼийн”, деса, (Аллоҳ таоло): “Бу Мен билан бандам ўртасидаги нарса. Бандамга сўрагани (ато қилинади)”, дейди. Агар (банда): “Иҳдинассиротол мустақийм, сиротоллазийна анъамта ʼалайҳим, ғойрил мағзуби ʼалайҳим ва лаз-зооллийн”, деса, (Аллоҳ таоло): “Бу бандам учун. Бандамга сўрагани (берилади)”, деб айтади”, деганларини эшитганман” (Муслим, “Сунан” соҳиблари, Молик, Аҳмад ривоят қилган).

Бу улуғ ҳадисни ким ёдида тутса, онгу шуурига яхшилаб сингдирса, ҳар намозда дилидан ўтказса, етук бир хушувга эришади, қалбида Фотиҳа сураси таъсирини топади. Чунки у Парвардигорнинг ўзига хитобини, сўраганларига жавоб беришини чуқур ҳис этади. Бу буюк суҳбат хушув билангина қадрини топади.

Мазкур ҳадиси кудсийда намоз Аллоҳ билан банда ўртасида иккига тақсимлангани айтилмоқда. Уламолар шундай дейишган: “Бу ҳадисдаги “намоз”дан мурод Фотиҳа сурасидир. Чунки Фотиҳасиз ўқилган намоз тўғри бўлмайди”.

Маълумки, Фотиҳа сураси етти оятдан иборат. Биринчи уч оят Аллоҳ таолога ҳамду санодан, охирги уч оят эса дуодан иборат. Ўртадаги бир оятнинг ярми сано, ярми дуодир.

“Аллоҳу акбар” деб намозга кирилгач, сано, тааввуз, басмала айтилади. Кейин Фотиҳа сураси ўқилади. Банда бу сурани шошилмасдан тиловат қилади, “Алҳамдулиллааҳи роббил ʼааламийн”, деб бироз тўхтайтиди. Мана шу оятни ўқиганда Аллоҳ: “Бандам менга ҳамд айтди”, деб жавоб қайтараётганини кўнглидан ўтказади. “Ар-роҳмаанир роҳийм”, деб яна тўхтайтиди. Бунда Аллоҳ: “Бандам мени мақтади”, дейди. “Маалики явмид дийн”, деб тўхтайтиди. Агар банда бу оятни ўқиса, Аллоҳ: “Бандам мени улуғлади”, деб жавоб қайтаради. Мана шу лаҳзаларда Аллоҳ “Бандам” деб хитоб

қилишининг ўзи бизга чексиз қувонч бағишлайди. Лекин шаҳватлар, хирс, тамагирлик қалбни идрок этишдан тўсиб туради. Инсон шу тўсиқларни енгиб ўта олса, намозда Фотиҳа сурасини мароқ билан ўқийдиган, ўқиб тўймайдиган чинакам мўминга айланади.

Кейин банда Аллоҳга шундай ваъда беради: “Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн”. Аллоҳ бунга жавобан: “Бу Мен билан бандам ўртасидаги нарса. Бандамга сўрагани (ато қилинади)”, дейди. Мана шу оятда буюк ҳақиқатлар яширинган. Зеро, ибодат қилишга фақат Аллоҳ муносибдир. Ундан ўзга ҳеч ким ёки ҳеч нарса ибодат учун лойиқ эмас. Ибодат билан инсон бандалигини тан олади, Парвардигорига юкинади, Унга яқинлашади, Ўзидангина ёрдам сўрайди. Мана шу Аллоҳ билан банда ўртасидаги келишувдир. Агар банда фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Ёлғиз Ўзидан ёрдам сўрашга аҳд қилса, Аллоҳ унинг сўраганини беради, ҳар бир ишида кўмаклашади. Агар банда сўзида турса, Аллоҳ ваъдаси устидан чиқади.

Агар киши: “Ихдинассиротол мустақийм, сиротоллазийна анъамта ьалайҳим, ғойрил мағзувби ьалайҳим ва лаз-зооллийн”, деса, Аллоҳ таоло: “Бу бандам учун. Бандамга сўрагани (берилади)”, деб айтади. Бу онларда инсон Аллоҳнинг ҳидоятига, тавфиқига ўта муҳтожлигини, агар Аллоҳ ёрдам бермаса, тўғри йўлдан адашиб кетишини мулоҳаза қилади, ҳидоят йўлида бардавом этишини, яхудийларга, насронийларга ўхшаб адашиб кетмасликни Раббидан ўтиниби сўрайди.

Оқни қорадан, яхшини ёмондан, ҳалолни ҳаромдан ажрата олиш, жаннат йўлидан адашиб кетмаслик учун ҳидоят ниҳоятда муҳим. Киши ҳар лаҳзада Аллоҳнинг мададига, тавфиқига жудаям муҳтож. Шунинг учун бўлса керак, намозда Фотиҳа сурасини такрор-такрор ўқиш буюрилган, Аллоҳга мақтов айтиш, ҳожатлари раво этилишини фақат Ўзидан сўраш таъкидланган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْمُؤْمِنَ إِذَا كَانَ فِي الصَّلَاةِ فَأَمَّا يُنَاجِي رَبَّهُ فَلَا يَبْرُقَنَّ بَيْنَ يَدَيْهِ وَلَا عَنْ يَمِينِهِ وَلَكِنْ عَنْ يَسَارِهِ أَوْ تَحْتَ قَدَمِهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади:
“Мўмин банда намоз ўқиётганида Парвардигорига муножот қилади. Шундай экан, у олдига ҳам, ўнг тарафига ҳам тупурмасин, лекин чап томонига ёки оёқ остига (тупурса майли)” (*Бухорий, Муслим, Аҳмад ривоят қилган*).

Намозда Аллоҳ таолога муножот этилади, У билан сирли суҳбат қилинади. Намоз Аллоҳ таоло томонидан бандага бутун дард-ҳасратларини тўкиб солиш, дилидаги тилақларини сўраш учун берилган қулай фурсатдир.

Ривоят қилинишича, Бакр ибн Абдуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳ шундай деди:

– Эй одам фарзанди! Раббинг ҳузурига изнсиз кириб, таржимонсиз гаплашишни хоҳлайсанми?

– Қандай қилиб? – деб сўралди.

– Таҳоратни мукамал қиласан, меҳробингга кирасан. Мана, сен Парвардигоринг ҳузурига изнсиз кирдинг. Энди У Зотга таржимонсиз сўзлайвер¹⁹³.

Абу Имрон Жавний раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Аллоҳ азза ва жалла Мусо алайҳиссаломга ваҳий қилиб: “Агар Менинг қаршимда турсанг ўта хокисор бандадек тур, нафсингни маломат қил. Чунки у маломатга лойиқдир, Менга қўрқувчи қалб, ростгўй тил билан муножот эт”, деди¹⁹⁴”.

Киши ўзига ўхшаган одам қабулига кирмоқчи бўлса, у билан учрашувга қанча тайёргарлик қилади, унга заррача беодоблик қилмасликка уринади. Шундай экан, оламлар Парвардигори ҳузурда турганида, инсонни йўқдан бор қилган, унга ризқ берадиган, ишларини тадбир этиб турувчи Зотга муножот қилганида ўзини бундан-да кўпроқ ўнглаши, Кимнинг ҳузурига кираётганини, Ким билан ёлғиз қолишини доим ёдида тутиши лозим.

Ҳадис давомида намозда турган холида олдига, ўнг тарафига тупуришдан қайтарилмоқда, жуда зарурат туғилса, чап тарафга ёки оёқ остига туплаш мумкинлиги айтилмоқда. Чунки намозхон рўпарасига қараб тупурса, Холиқига қараб тупурган, ўнг томонига тупурса, пок нарсалар учун хосланган томонга тупурган бўлади. Ноилож қолганда чап томонга ёки оёқ остига тупурса майли. Нега десангиз, бундай нарсалар учун чап тараф ажратилган.

¹⁹³ Манба: “Ҳилол” тақвимининг 2004-йилги 6-сони.

¹⁹⁴ Абу Нуайм “Ҳият ул авлиё”да ривоят қилган.

Албатта, бу ўша даврга хос гап. У пайтларда ерда намоз ўқиларди, масжидларга, ҳатто Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларига ҳам жойнамоз тўшалмаган эди. Ҳозирги вақтда масжидларга чиройли гиламлар, жойнамозлар тўшаб, ҳамма ёқ чиннидек тоза қилиб қўйилади, деворлар ҳам турли безаклар билан зийнатланади. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда масжидга тупуриш тўғри келмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّى بِنَا رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الظُّهْرَ فَلَمَّا سَلَّمَ نَادَى رَجُلًا كَانَ فِي آخِرِ الصُّفُوفِ فَقَالَ: يَا فُلَانُ أَلَا تَتَّقِي اللَّهَ أَلَا تَنْظُرُ كَيْفَ تُصَلِّي إِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا قَامَ يُصَلِّي إِمَّا يُقَوْمُ يُنَاجِي رَبَّهُ فَلْيَنْظُرْ كَيْفَ يُنَاجِيهِ إِنَّكُمْ تَرَوْنَ إِنِّي لَا أَرَاكُمْ إِنِّي وَاللَّهِ لَأَرَى مِنْ خَلْفِ ظَهْرِي كَمَا أَرَى مِنْ بَيْنِ يَدَيَّ. رَوَاهُ الْحَاكِمُ وَابْنُ خُرَيْمَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан пешин намозини ўқидилар. Салом берганларидан кейин охирги сафдаги кишига хитоб қилиб: “Эй фалончи, Аллоҳдан қўрқмайсанми? Қандай намоз ўқиётганингга қарамайсанми? Албатта, биронтангиз намоз ўқишга турса, Парвардигорига муножот қилади. Шундай экан, Унга қандай муножот қилаётганига эътибор берсин. Сизлар “У зот бизни кўрмайдилар”, деб ўйлайсизлар. Аллоҳга қасамки, мен олдимдан қандай кўрсам орқа тарафимдан ҳам худди шундай кўраман”, дедилар” (Ҳоким, Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Арабча “муножот” сўзи “сирли суҳбат”, “қалбидаги сирларни махфий тарзда билдириш” маъносини англатади. Банда намозда бутун вужуди билан берилиб Аллоҳга муножот қилади. Бу вақтда тил билан талаффуз қилинаётган сўзлар қалб ила идрок этилади. Чунки муножот тил билан дил ҳамоҳанглигида кечади. Агар қалб ғофил бўлса, тилдан чиқаётган зикрлар, дуолар оддий, кундалик юмушдек бўлиб қолади, инсон улардан таъсирланмайди. Киши намозда Аллоҳ билан сирлашар, роз айтишар экан, қандай қилиб ғафлатда қолиши мумкин? Аксинча, бировга сирингизни очар экансиз, мия, кўз, қулоқ каби катта аъзолар у ёқда турсин, ҳатто ҳар бир тукингиз, ҳар бир ҳужайрангиз хушёр тортади.

Шу ерда бир мисол келтирамиз: сиз телефонда ким биландир гаплашаётганингизда бутун диққат-эътиборингизни суҳбатдошингиз гапларини эшитишга, уни яхшилаб тушуниб, муносиб жавоб қайтаришга қаратасиз. Бу вақтда бошқа нарсаларга чалғимайсиз, атрофдаги баланд овозларни пасайтиришга ҳаракат қиласиз. Чунки сиз муҳим масалада суҳбатлашмаяпсиз. Бундай пайтда шерингизни икки қулоғингиз билан тинглаб, фикрингизни бир ерга жамлайсиз. Агар жуда қизиқ мавзу бўлса, бутун баданингиз қулоққа айланади. Бу бир ожиз бандага қилинаётган муомала. Энди барча оламлар Парвардигори, Қудратли Аллоҳ намозда сиз билан муножот қилса-ю, хаёлингиз бошқа жойларга кетиб қолса, У Зотга нима деб хитоб қилаётганингизни билмасангиз, тилингизда айланаётган сўзлар мазмунини тушунмасангиз, “Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина ёрдам сўраймиз”, деб туриб хаёлан савдодаги кирим-чиқимларни ҳисоблашга, қайсидир муаммони ҳал қилишга киришиб кетсангиз, қандай бўлади?!

40-САБАБ. ҚУРЪОН МАЪНОСИНИ ТУШУНИШ

Қуръон маъноларини англаш киши қалбида хушуъ пайдо қилади. Қуръон ўқиш, эшитиш, ёд олиш қалб касалликларининг энг зўр давосидир.

Қуръонни тадаббур қилишга жуда кўп тарғиб этилган. Жумладан, Нисо сурасининг 82-оятда шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

“Ахир улар Қуръонни тадаббур қилмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқаси томонидан (нозил қилинган) бўлганида, унда кўп қарама-қаршиликларни топардилар”.

Агар одамлар Қуръон маъноларини чуқур англасалар, бу Китоб одамлар Парвардигори томонидан юборилганига шак-шубҳасиз ишонадилар.

Қуръонда маънолар қарама-қаршилиги йўқ. Чунки, у – Аллоҳнинг Каломи. Агар Қуръон Аллоҳдан ўзгаси томонидан туширилганида унда кўп айб-камчиликлар топиларди. Чунки инсон хатодан холи эмас. Аллоҳ эса ҳар қандай нуқсондан Покдир.

Аллоҳ таоло айтади:

“-----Арабча матн-----”

“(Эй Муҳаммад, бу Қуръон барча одамлар) оятларини тадаббур қилишлари учун Биз Сизга нозил қилган бир муборак Китобдир” (Сод сураси, 29-оят).

Муфассир Ибн Жарир Табарий: “Қуръон ўқиб, унинг тафсирини билмаган одам қироатдан лаззат олишига ажабланиман”, деган. Демак, намозда хушў топиш умидидаги инсон Қуръон тафсирини ўқиб, Каломуллоҳ маъносини қалбига сингдиради.

Яна бир оятда айтилади:

“-----Арабча матн-----”

“Албатта бунда (огоҳ) қалб эгаси ёки ўзи ҳозир бўлган ҳолда (сидқидилдан) қулоқ тутган киши учун эслатма-ибратлар бордир” (Қоф сураси, 37-оят).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, мунофиқлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида ўтиришарди. Кейин ташқарига чиқиб: “Муҳаммад ҳозир нима деди ўзи?” деб бир-бирларига савол беришарди. Уларнинг қалби йўқ эди, эшитганини тушунмасди. Айтилган гап у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетарди¹⁹⁵.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“-----Арабча матн-----”

“Очиқ-равшан Китобга – Қуръонга қасамки, албатта Биз уни – ақл юргизишингиз учун – арабий Қуръон қилдик” (Зухруф сураси, 2-3-оятлар).

Одамлар тушунишлари учун Аллоҳ таоло Қуръонни араб тилида нозил қилган. Араб тили дунёдаги энг фасоҳатли тиллардан биридир. Унинг имкониятлари жуда катта. Ўта нозик маъноларни, ҳис-туйғуларни теран ифодалашда араб тилининг олдига тушадигани йўқ, десак муболаға бўлмайди.

Қуръон ўқиётган одам хаёлини бир ерга жамласа, дили яйрайди, имони кучаяди, тиловат учун оладиган ажр-мукофоти ортади. Баъзи салафлар Қуръон ўқиётганларида – қалблари таскин топиши учун – битта оятни қайта-қайта такрорлашган. Улуғлар бу борада ҳам бизга ёрқин ўрناق бўлишган.

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтади: “Илмсиз бажарилган ибодатда, тушунмасдан эгалланган илмда, тадаббурсиз қироатда яхшилик йўқ¹⁹⁶”.

Молик ибн Динор: “Эй Қуръон аҳли! Бу Китоб қалбингизга нима экди? Зотан, баҳор ёмғири ерни ям-яшил майсаларга буркаганидек Қуръон мўмин киши қалбини яшнатади”, деган.

Аҳмад ибн Абулҳаворий айтади: “Агар Қуръон ўқувчи оятлар мазмунини теран англаганида¹⁹⁷, берилган шунча неъматлардан боши осмонга етиб, тонггача мижжа қокмай чиқарди¹⁹⁸”.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам оятларни дона-дона қилиб, чиройли қироат қилганлар. Кимда-ким у зот алайҳиссалом суннатларига амал қилса, қалбида хушў пайдо бўлади. Қуръонни шошилиб ўқиш, Каломуллоҳ мазмунини англамаслик кишини ибодат лаззатидан айиради.

Ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамлар билан намоз ўқидилар, овозларини чиқариб тиловат қилдилар, лекин бир оятни ташлаб кетдилар. Шунда:

– Эй фалончи, мана бу сурадан бирон нарсани тушириб қолдирдимми?, – деб сўрадилар. У: “Билмайман”, деди. Кейин бошқасидан сўрадилар. Икки-уч кишига шу ҳақида савол бердилар. Уларнинг ҳаммаси “Билмайман”, деб жавоб қилди. Кейин у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўрадилар:

¹⁹⁵ Манба: Ибн Мардавайҳ ривояти.

¹⁹⁶ Доримий “Сунан”да ривоят қилган.

¹⁹⁷ Қуръонни тадаббур қилиш икки хил бўлади: муфассал (мукаммал) тадаббур ҳамда мужмал (умумий) тадаббур. Қуръон ўқувчи ёки қироатни эшитаётган одам оятлар маъносини тушуниши, ўзи учун панд-насихат олиши муфассал тадаббурдир. Қори ёки соме, “Бу – Аллоҳ таолонинг Каломи” деб хаёлини бир ерга жамлаши, бошқа нарсага чалғимаслиги мужмал тадаббур саналади.

¹⁹⁸ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

- Орангизда Убай борми?
- Ҳа.
- Эй Убай, бу сурадан бирон оятни тушириб қолдирдимми?
- Ҳа, фалон оятни ўқимадингиз.
- Нега менга лутма бермадинг?
- У оят насх қилинган ёки (ҳукми) кўтарилган деб ўйладим.

Шундан кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар:

– Одамларга нима бўлди?! Уларга Аллоҳнинг Китоби тиловат қилинса-ю, ундан қайси (оят ўқилмай) ташлаб кетилганини билишмаса?! Аллоҳнинг буюклиги Бани Исроил қалбидан мана шу тарзда чиқарилган. Уларнинг таналари ҳозир-у, қалблари ғоиб (йўқ) бўларди. Бирон банданинг қалби танаси билан шоҳид (ҳозир) бўлмагунича Аллоҳ унинг амалини қабул этмайди¹⁹⁹.

Бундан чиқди, қуруқ тана билан қилинган ибодат тўқис бўлмайди, намоз ўқиётганда қалб ҳам иштирок этиши зарур. Аллоҳ тана ва қалб билан бажарилган ибодатни хусни қабул этади.

Азизлар, Аллоҳ таолонинг мана бу сўзига эътибор берайлик, у ҳақида мушоҳада юритайлик:

“-----Арабча матн-----”

“Агар Биз бу Қуръонни бирон тоққа нозил қилганимизда, албатта сиз у (тоғ)ни Аллоҳнинг қўрқувидан эгилиб-ёрилиб кетган ҳолида қўрган бўлардингиз. (Лекин айрим инсонлар диллари тоғнинг тошидан-да каттиқроқ бўлгани сабаб уларга Қуръон оятлари ҳам таъсир қилмайди). Биз бу мисолларни одамлар учун, шояд тафаккур қилсалар, деб келтирмоқдамиз” (Ҳашир сураси, 21-оят).

Салобати билан одамларни лол қолдирадиган пурвиқор тоғлар Қуръон мазмунини англаб етганида Аллоҳдан қўрққанидан парча-парча бўлиб ёрилиб кетарди. Энди инсон зоти икки қулоғи билан Каломуллоҳни эшитиб туриб мазмунини қандай тушунмасин, қалби таскин топмасин, Аллоҳни ёд этганда дили юшамасин?!

Одам жонсиз темир ускуна эмаски, бир ишни одатий юмушга айлантириб олса, намоздаги рукуъларни, саждаларни ҳиссиз, шуурсиз бажарса, ибодат лаззатини туймаса. Аслида инсоннинг дукиллаб уриб турган юраги – қалби, бирон нарсдан таъсирлагандиган ҳис-туйғулари бор. Шундай экан, ҳазрати одам боласи намозда нима ўқиётганига эътибор берса, Аллоҳ олдида турганини унутмаса, хушуъ сари қадам ташлайди.

41-САБАБ. ҚУРЪОННИ БЕХАТО ВА ЧИРОЙЛИ ЎҚИШ

Қуръонни тажвид қоидаларига мувофиқ, чиройли ўқиш ҳам хушуъга ундайди. Чунки ширали қироат инсон қалбининг туб-губигача етиб боради, имонини кучайтиради, намозга иштиёқини оширади.

Намозда Қуръонни гўзал суратда тиловат қилиш борасида ҳам набавий тавсиялар берилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَا أَذِنَ اللَّهُ لِشَيْءٍ مَا أَذِنَ لِلنَّبِيِّ أَنْ يَتَعَقَى بِالْقُرْآنِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Аллоҳ Пайгамбарнинг Қуръонни тағанний қилиб ўқиганини эшитганичалик бошқа нарсани тингламаган”** (Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

Қироат қилаётган одам, “Аллоҳга Қуръон ўқиб беряпман”, деб фараз қилсин. Чунки Аллоҳ банданинг ҳар бир ҳаракатини кўриб, гапларини эшитиб туради. “Аллоҳ қироатимни эшитяпти”, деб ишонган инсон сергак тортади, қалбида ихлос пайдо бўлади.

¹⁹⁹ Муҳаммад ибн Наср Марвазий “Таъзиму кадрис салот” да ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

وَعَنْ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: زَيَّنُوا الْقُرْآنَ بِأَصْوَاتِكُمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Баро ибн Озиб розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Қуръонни овозингиз билан зийнатланг” (Абу Довуд, Насоий, Доримий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Бу ерда Қуръонни чиройли тиловат қилиш лозимлиги айтилмоқда. Чунки гўзал Сўз гўзал овоз билан янада ёқимли бўлади. Қуръони карим хуш овоз билан ўқилса, одамларда Каломуллохни эшитишга қизиқиш уйғонади.

Яна бир ҳадиси шарифда: “Қуръонни овозингиз билан зийнатланг! Зеро, гўзал овоз Қуръонни янада чиройли қилади”, деб айтилган²⁰⁰.

Киши Қуръонни имкон қадар чиройли ўқийди, лекин ўзича турли оҳангга солмайди, қўшиққа ўхшатмайди. Аслида тажвид қоидаларига риоя этилса, Қуръоннинг соф илоҳий савти (оҳанги) келиб чиқади. Қуръонни чиройли ўқийман, деб қандайдир оҳангга солиш шарт эмас. Тажвид қоидаларига амал қилиб ўқилса бўлгани.

وَعَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ لِكُلِّ شَيْءٍ حَلِيَّةً وَحَلِيَّةَ الْقُرْآنِ الصَّوْتُ الْحَسَنُ. رَوَاهُ عَبْدُ الرَّزَّاقِ وَالضَّيَّاءُ الْمُقَدِّسِيُّ وَقَالَ: آخِرُ إِسْنَادِهِ صَحِيحٌ.

Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қилишича, Пайғамбар соллаллоху алайхи ва саллам шундай деганлар: “Ҳар бир нарсанинг зийнати бор. Қуръоннинг зийнати – чиройли овоз” (Зиё Мақдусий ривоят қилган, “Иснодининг охири саҳиҳ”, деган).

Хулқ-атвор, гўзал сиймо инсон кўрки саналади. Гўзал овоз эса Қуръон чиройини янада зиёда қилади.

Ривоят қилинишича, Ҳайсам Форсий деган инсон тушида Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламни кўрди. У зот: “Қуръонни овози билан зийнатлайдиган Ҳайсам сенмисан?” деб сўрадилар. Ҳайсам: “Ҳа”, деб жавоб берди. Шунда Расулуллох: “Аллох сени яхшилиқ билан мукофотласин!” дея ҳақиқа дуо қилдилар²⁰¹.

Алкама ибн Қайсдан ривоят қилинади: “Мен Қуръонни чиройли ўқирдим. Аллох менга шундай неъматни берганди. Ибн Масъуд олдимга одам жўнатарди. Унинг олдига бориб Қуръон ўқи берардим. Қироатни тугатганимда, Абдуллох: “Яна ўқи, ота-онам сенга фидо бўлсин! Мен Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: “Чиройли овоз Қуръон зийнатидир”, деганларини эшитганман”, деб айтарди²⁰²”.

Қорининг²⁰³ овози ғамнок, маҳзун бўлса, қироат ҳам чиройли чиқади.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ مِنْ أَحْسَنِ النَّاسِ صَوْتًا بِالْقُرْآنِ الَّذِي إِذَا سَمِعْتُمُوهُ يَقْرَأُ حَسِبْتُمُوهُ يَخْشَى اللَّهَ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Жобир ибн Абдуллох розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Қироатини эшитганингизда, у Аллохдан кўрқяпти, деб ўйлаганингиз одам Қуръонни энг чиройли овозда ўқувчидир” (Ибн Можа саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

Ким Аллохдан кўрқса, гарчи овози жуда-а чиройли бўлмаса-да, энг гўзал қироат соҳибидир. Қайси бандада риё, хўжақўрсинлик, манманлик белгилари кўзга ташланса, овози қанчалиқ ёқимли, ширали бўлмасин, Аллох наздида чиройли ўқувчи ҳисобланмайди.

²⁰⁰ Доримий, Ҳоким, Байҳақий марфуъ тарзда ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ.

²⁰¹ Манба: Абул Фараж Ибн Жавзий, “Минҳожул қосидин”.

²⁰² Табароний, Абу Нуайм ривоят қилган. Ривоят санади заиф.

²⁰³ Қори деганда, фақат Каломуллохни тўлиқ ёдлаган ёки маҳорат билан тиловат қиладиган инсон эмас, Қуръонни беҳато ўқувчи ҳар бир мўмин-мусулмон банда назарда тутилади.

وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سُئِلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَحْسَنُ النَّاسِ صَوْتًا بِالْقُرْآنِ قَالَ: مَنْ إِذَا سَمِعَتْ قِرَاءَتَهُ رَأَيْتَ أَنَّهُ يُحْيِي اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَالْبَزَّازُ وَأَبُو نُعَيْمٍ.

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан: “Одамлар ичида Қуръонни энг чиройли ўқувчи ким?” деб сўралди. Шунда у зот: “Қироатини эшитганингизда, у Аллоҳ азза ва жалладан кўрқяпти, деб ўйлаганинг одам”, дедилар (Байҳақий, Табароний, Баззор, Абу Нуайм ривоят қилган²⁰⁴).

Амаллар зийнати тақводир. Айнан тақво тиловатга кўрк бағишлайди. Кимнинг кўрқуви кўп бўлса, қироати янаям чиройли чиқади.

Қуръон ўқиладиганда аҳамият берсангиз, ким Аллоҳ розилиги учун, ким риё учун ўқиётгани шундоқ овозидан билиниб туради. Қалбида тақво бор инсон Қуръон ўқиса, эшитиб маза қиласиз, дилингиз яйрайди, ҳеч тўймайсиз, яна ўқисайди, деб қироатига илҳақ бўласиз.

Демак, чиройли қироат учун тажвид қоидаларига мос ҳолда ўқиш билан ширали овознинг ўзи камлик қилади. Қироат ростмана гўзал чиқиши учун қалбда тақво бўлиши керак. Зеро, Аллоҳдан кўрқадиган инсон қироати қалбга кучли таъсир қилади.

Маълумки, бомдод, шом, хуфтон намозларида жаҳрий қироат қилинади. Ёлғиз намоз ўқувчи ҳам мазкур намозларда – бировга азият етказмаслик шарти билан – овоз чиқариб тиловат қилиши жоиз, балки афзалдир. Чунки овоз чиқариб ўқилса, қалб уйғонади, хаёл бир ерга жамланади.

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ الْجُهَنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْجَاهِرُ بِالْقُرْآنِ كَالجَاهِرِ بِالصَّدَقَةِ وَالْمُسِرُّ بِالْقُرْآنِ كَالْمُسِرِّ بِالصَّدَقَةِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Уқба ибн Омир Жуҳаний розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Қуръонни овоз чиқариб ўқувчи ошкора садақа қилувчи кабидир. Қуръонни овоз чиқармай ўқувчи садақани махфий тарзда берувчига ўхшайди” (Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Уламолар айтишича, бировга билдирмасдан берилган садақа ошкорасидан афзал. Чунки, одамларга кўз-кўз қилмасдан берилган садақа риёдан холи, ихлосга яқиндир. Бундай ҳолатда садақа олаётган одам ҳам ноқулайлик сезмайди.

Пастроқ овозда қилинган тиловат махфий садақа кабидир. Сабаби Қуръонни паст овозда ўқиган одам риёдан узоқ бўлади, ён-атрофдагиларга халал бермайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ: كَانَتْ قِرَاءَةُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِاللَّيْلِ يَرْفَعُ طَوْرًا وَيَخْفِضُ طَوْرًا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам кечаси баъзан овозларини кўтариб, баъзида паст овозда қироат қилардилар” (Абу Довуд ҳасан санад билан ривоят қилган).

Бу ривоят шарҳида айтилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом ёлғиз қолганларида овозларини баландроқ кўтариб қироат қилардилар. Агар ёнларида ухлаётган одам бўлса, Қуръонни паст овозда ўқирдилар.

Абдуллох ибн Абу Қайсдан ривоят қилинади: “Мен Оишадан: “Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг тунги қироатлари қандай эди: паст овозда ўқирмидилар ёки овоз чиқарибми?” деб сўрадим. Шунда Оиша: “Буларнинг ҳаммасини қилардилар. Гоҳида овозларини пасайтириб, гоҳида

²⁰⁴ Ҳайсамий “Мажмауз завоид”да айтади: “Бу ҳадисни Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ҳадис санадида Ҳумайд ибн Ҳаммод ибн Хувор бор. Ибн Ҳиббон уни ишончли ровий деб ҳисоблаган. Менимча, у янглишган. Баззорнинг бошқа ровийлари саҳиҳ кишилар”.

баланд овозда (Қуръон) ўқирдилар”, деди. Мен: “Ҳамду сано ишларда енгиллик (жорий) этган Аллоҳга хосдир!” деб айтдим²⁰⁵”.

Хуллас, Қуръонни чиройли ўқишга, оятлар мазмунини тафаккур этишга намозда алоҳида эътибор берилса, қалбда ихлос, Аллоҳга қурбат ҳосил бўлади²⁰⁶.

42-САБАБ. ҚИРОАТИ БИЛАН БОШҚАЛАРГА ХАЛАҚИТ БЕРМАСЛИК

Тунларнинг бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддик ҳамда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо олдидан ўтдилар. Иккиси намоз ўқишаётганди. Абу Бакр паст овозда, Умар овозини сал кўтариб тиловат қиларди. Улар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига боришганида у зот Абу Бакрдан жуда паст овозда қироат қилиш сабабини сўрадилар. Абу Бакр:

– Мен муножот этаётган Аллоҳ қироатимни эшитади. Овозимни баланд кўтаришга ҳожат йўқ, – деди.

Шунда Расулulloҳ Абу Бакрга овозини бироз кўтаришни тавсия этдилар. Умар розияллоҳу анҳудан баланд овозда тиловат қилиш боиси сўралганида шундай деди:

– Бу билан мудраб қоладиган одамни уйғотаман, шайтонни ҳайдайман.

Шунда муаллим Пайғамбаримиз алайҳиссалом Умарга сал пастроқ овозда ўқишни тайинладилар. Чунки жуда баланд овозда қироат қилинса, яқин атрофда намоз ўқиётган ёки дам олаётганларга халақит бериши мумкин. Шунинг учун ўртача йўл тутилади²⁰⁷.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда эътикоф ўтирганларида одамлар овоз чиқариб қироат қилаётганини эшитдилар. Пардани очиб: “Огоҳ бўлинглар! Ҳар бирингиз Парвардигорига муножот қилади. Шундай экан, бир-бирингизга озор берманглар! Қироатда (ёки намозда²⁰⁸) овозингизни (баланд) кўтарманг!” деб таъкидладилар²⁰⁹.

Ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа розияллоҳу анҳу намоз ўқишга турди. Овозини чиқариб қироат қила бошлади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Ибн Ҳузофа! (Қироатингни) менга эмас, Парвардигорингга эшиттир!” дедилар²¹⁰.

Тийбий айтади: “Риё хавфи бўлганида махфий тиловат ошкорасидан афзал. Намоз ўқиётган, дам олаётганларга азият етказмаслик шarti билан Қуръонни овоз чиқариб ўқиган яхши. Чунки жаҳрий тиловат қилинса, ўзгаларга фойдаси тегади. Улар эшитишлари, таълим олишлари ёки завқланишлари мумкин. Ошкора тиловат Дин шиоридир. У қалбни уйғотади, фикрни бир ерга жамлайди, уйқуни кочиради, ибодатга ғайратни оширади. Шу мақсадда овоз чиқариб қилинган тиловат афзал²¹¹”.

43-САБАБ. НАМОЗ СУННАТЛАРИНИ ТАРК ЭТМАСЛИК

Қуйидагилар намознинг суннатларидир:

1. Такбири тахримада кўл бармоқларини ўз ҳолида очик тутиб кулокка текказиш (Аёллар такбири тахрима айтишда кўллари елка бараварида кўтарадилар).
2. Иқтидо қилувчи такбири имом такбири билан олдинма-кетин бўлиши.
3. Эркакларнинг ўнг кафтларини чап кафтлари устига кўйиб, иккисини киндик остида тутиб туришлари (Аёллар ўнг кафтларини чап кафтлари устига кўйиб, кўкраклари устида ушлаб турадилар).
4. “Аллоҳу акбар” деб такбир айтгандан кейин санони махфий (ичида) ўқиш.

²⁰⁵ Термизий, Ҳоким, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоят қилган.

²⁰⁶ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

²⁰⁷ Манба: Абу Довуд, Ҳоким, Ибн Хузайма, Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ.

²⁰⁸ Бу – ровий шубҳаси (Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”).

²⁰⁹ Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Хузайма ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

²¹⁰ Аҳмад ривоят қилган. Шуайб Арнаутга кўра, бу ривоят санади заиф. Бироқ Шавкониининг “Найлул автор” китобида қайд этилишича, Ироқий мазкур ривоят санади саҳиҳлигини айтган.

²¹¹ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

5. Санодан кейин “Аувзу”, ҳар ракатда Фотиҳадан олдин “Бисмиллаҳ” айтиш (Тааввуз ҳам, басмала ҳам махфий – овоз чиқармай, пичирлаб айтилади).
 6. Фақат биринчи ракатда Фотиҳадан олдин “аувзу”ни айтиш.
 7. Фотиҳа сурасини ўқиб бўлгач, ичида “Омин” дейиш (Буни имом ҳам, муқтадий ҳам, ёлғиз намоз ўқувчи ҳам айтади).
 8. Имомнинг рукуъдан кейин “Самиаллоҳу лиман ҳамидах”, иқтидо қилганларнинг эса “Роббанаа лакал ҳамд”, дейиши (Намозни бир ўзи ўқиган киши иккаласини ҳам айтади).
 9. Бир рукндан бошқа рукнга ўтаётганда “Аллоҳу акбар”, деб такбир айтиш.
 10. Имом такбирларни овоз чиқариб айтиши. Иқтидо қилувчилар эшитиши учун такбирларни жаҳрий айтилади.
 11. Қиёмда икки оёқ орасини тўрт бармоқ кенглигида очиб туриш.
 12. Рукуъда қўл бармоқларини очиб, икки тизза кўзини маҳкам ушлаш, бошни орқа билан бир текис қилиш, белини тўғри тутиш, камида уч марта “Субҳаана роббиял азийм”, дейиш.
 13. Рукуъдан бош кўтаргач, аъзолар ҳаловат топгунча бироз туриш.
 14. Қиёмдан саждага боришда аввал тиззани, кейин кафтни, кейин бурунни, охирида пешонани қўйиш. Саждадан қиёмга туришда бунинг тескариси қилинади: аввал пешона, кейин бурун, кейин кафтлар, охирида тизза ердан кўтарилади.
 15. Саждада пешонани қўллар орасига олиш, бармоқларни жипслаб, бош бармоқни қулоғи тўғрисида ушлаш, камида уч марта “Субҳаана роббиял аълаа” дейиш.
 16. Саждада эркаклар оёқлари, тиззалари, қўллари, пешонаси, бурни ерга тегиб туриши, билакларини ерга ҳам, қорнига ҳам текказмай тутиши (Аёллар саждада қоринларини сонларига, қўлларини ерга текказиб туришади).
 17. Икки сажда орасида ўтириш. Бунда икки кафт худди ташаххуддагидек тиззалар устига қўйилади.
 18. Эркакларнинг чап оёқ устига ўтириши, ўнг оёғини тик қилиб, бармоқ учларини қиблага қаратиши (Аёллар эса икки оёғини ўнг томонга чиқариб, чап думбасига ўтиради).
 19. Ташаххуддан сўнг салавот айтиш, кейин Қуръонда, ҳадисларда келган дуоларни ўқиш.
 20. Намоздан чиқаётганда аввал ўнг, кейин чап томонга салом бериш.
 21. Имомнинг ҳар икки томонга салом бераётганида жамоатни, ҳимоя қилувчи фаришталарни, солиҳ жинларни ният қилиши.
 22. Иқтидо қилган кишининг, имом ўнг томонда бўлса, ўнгга берган, чапда бўлса, чапга берган, олдида бўлса, ҳар икки томонга берган саломида имомни, жамоатдаги биродарларини, ҳимоя қилувчи фаришталарни, солиҳ жинларни ният қилиши.
 23. Ёлғиз намоз ўқиган киши салом бераётганда фақат фаришталарни ният қилиши.
 24. Жамоат саломини имом саломига эргаштириши.
 25. Тўрт ёки уч ракатли фарз намозларининг учинчи, тўртинчи ракатларида Фотиҳа сурасини қироат қилиш. Лекин нафл (жумладан, таъкидланган суннат) намозларининг учинчи, тўртинчи ракатларида Фотиҳа сураси билан зам сура ўқиш вожибдир.
 26. Фарз намозларини жамоат бўлиб ўқиш.
- Мазкур суннат амалларни тарк этиш билан намоз бузилмайди, лекин гўзал суратда адо этилмаган бўлади. Демак, намозни хушў билан ўқишда, улуғ ажр-савоблар олишда намоздаги суннат амаллар ўрни катта.

44-САБАБ. НАМОЗДА ЎЛИМНИ ЭСЛАШ

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам намоз чиройли ўқилиши учун ўлимни эслашни тавсия этганлар. Чунки намозга кирганда ўлимни, ҳаёт ўткинчи эканини эслаган, мана шу намози охиргиси бўлиб қолиши мумкинлигини ўйлаган инсоннинг ибодатга эътибори ортади, уни рисоладагидек ўқишга ҳаракат қилади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ادْكُرْ الْمَوْتَ فِي صَلَاتِكَ فَإِنَّ الرَّجُلَ إِذَا دَكَّرَ الْمَوْتَ فِي صَلَاتِهِ لَحْرِيٌّ أَنْ يُحْسِنَ صَلَاتَهُ وَصَلَّ صَلَاةَ رَجُلٍ لَا يَظُنُّ أَنْ يُصَلِّيَ صَلَاةً غَيْرَهَا وَإِيَّاكَ وَكُلَّ أَمْرٍ يُعْتَدِرُ مِنْهُ. رَوَاهُ الدَّيْلَمِيُّ فِي مُسْنَدِ الْفِرْدَوْسِ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Анас ибн Молик²¹² розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “Намозингда ўлимни эсла. Чунки киши намозда ўлимни эсласа, уни чиройли қилишга интилади. Сен “Бундан бошқа яна намоз ўқийман”, деб ўйламайдиган одамдек намоз ўқи. Узр сўраладиган ҳар қандай ишдан эҳтиёт бўл” (Дайлабий “Муснадул фирдавс”да ҳасан санад билан ривоят қилган²¹³).

Ҳеч ким ўлимдан қочиб қутула олмайди. Эртами-кечми ўлим ҳаммага етади. Аммо унинг қачон келиши номаълум. Ҳар бир намоз охиригиси бўлиб қолиши мумкин. Демак, банда эътибор берсин. Мабодо, вафот этиб қолса, Аллоҳ хузурига олиб борадиган намози қай аҳволда бўлади.

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ عَلَّمَنِي وَأَوْجِزْ قَالَ: إِذَا قُمْتَ فِي صَلَاتِكَ فَصَلِّ صَلَاةَ مُودِعٍ وَلَا تَكَلِّمْ بِكَلَامٍ تَعْتَدِرُ مِنْهُ وَأَجْمَعْ الْيَأْسَ عَمَّا فِي أَيْدِي النَّاسِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Айюб Ансорий розияллоху анху ривоят қилади: “Бир киши Набий соллаллоху алайхи ва саллам хузурларига келиб: “Эй Расулulloх, менга таълим беринг, лекин қисқароқ қилинг”, деди. Шунда у зот: “Агар намозга турсанг видолашаётган (яъни, сафарга кетишдан олдин оиласи, яқинлари билан хайрлашаётган) кишидек намоз ўқи. Узр сўра(шга сабаб бў)ладиган гапни сўзлама. Одамлар қўлидаги нарсадан умидингни уз (яъни, бировнинг молидан тама қилма)”, дедилар” (Ибн Можа, Аҳмад, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади заиф²¹⁴).

Муоз ибн Жабал розияллоху анху ўғлига шундай деган: “Эй ўғлим, агар намоз ўқисанг, видолашаётган кишидек ўқи, яна намоз ўқийман, деб ўйлама. Шун бил, мўмин банда икки яхшилик ўртасида вафот этади: биттаси қилгани, иккинчиси қилишга ҳали улгурмагани²¹⁵”.

Бакр Музаний: “Агар намозинг сенга фойда беришини истасанг, бошқа намоз ўқийман, деб ўйлама”, деган²¹⁶.

Илмсизлигимиз сабаб биз ўлимдан кўра дунёни кўп эслаймиз, ўткинчи кунлар фароғатини ҳушлаймиз, фоний ҳаётимиз абадийдек туюлади, ҳеч қачон ўлмайдигандек узун орзуларга бериламиз. Ўлимни эсламаслик, ўлимдан – худди энг ашаддий душманидан қўрққандек – қўрқиш инсон ҳаётини захарлайди. Куни келиб умр дафтари ёпилишини бот-бот эслаган одамнинг басират кўзлари очилади, қалби нурланади, охирага рағбати ортади. Ўлимни эслаган одам ғофилликдан йироқлашади. Гафлат уйқусидан уйғонган кишининг маънавий олами баланд, ибодати тўқис, ўзгаларга меҳр-оқибати кучли бўлади. Ҳаёт сувдай оқиб ўтиб кетишини, охира абадийлигини билган инсон намозга, бошқа эзгу амалларга ўзгача назар билан қарайди, у дунёда мана шу савобли ишларим менга асқатади, деб ишонади, шу йўлда борини бериб ҳаракат қилади. Мана ўлимни эслашнинг хушуъ ҳосил қилишдаги фойдаси нимада!

Ҳозир бизда бир нарса одат бўлган: кўпинча киши “Намоз ўқиб бўлиб фалон ишни қиламан”, деб режалаштиради, ҳатто намозида ўша ишни қандай амалга оширишни ўйлайди. Шу билан хаёли

²¹² Анас ибн Молик розияллоху анхундан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайхи ва саллам менга: “Аллоҳни кўзинг билан кўриб тургандек амал қил. Агар сен У Зотни кўрмасанг, У Зот сени кўриб туради. Таҳоратни мукамал қил. Агар масжидга кирсанг намозингда ўлимни эсла. Зеро, киши намозда ўлимни эсласа, уни чиройли адо этишга интилади. Сен “Бундан бошқа яна намоз ўқийман”, деб ўйламайдиган одамдек намоз ўқи. Узр сўраладиган ҳар қандай ишдан эҳтиёт бўл” деб насиҳат қилганлар” (Байхақий “Аз-зуҳдул кабир”да ривоят қилган).

²¹³ Хофиз Ибн Ҳажарга кўра, мазкур ҳадис санади ҳасан (Манба: Жалолиддин Суютий, “Жомеул аҳодис”).

²¹⁴ Шуайб Арнаут наздида бу ривоят санади заиф.

²¹⁵ Абу Нуайм “Ҳиятул авлиё”да келтирган.

²¹⁶ Манба: Зайниддин Бағдодий, “Жомеул улуми вал ҳикам”.

чалғийди, пайдо бўлган озгина хушуъни ҳам бой беради. Юқоридаги тавсиялардан хулоса қиладиган бўлсак, намоздан кейин фалон ишни қиламан, деб қатъий ишонмаган маъқул. Чунки ҳали у юмушга улгурадими, йўқми, Аллоҳ билади. У ишдан кўра унга ўлимнинг яқинлиги аниқроқ. Шунинг учун киши кўпроқ ўлимни ўйласа, намозининг сифати ҳақида қайғурса, қалбида гўзал бир хушуъни топади, иншааллоҳ²¹⁷.

45-САБАБ. ҒАФЛАТДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШ

Аллоҳни унутиш, маъсият уммонига ғарқ бўлиш, дунёга берилиш, шаҳватлар ортидан қувиш, бир сўз билан айтганда, ғафлатга ботиш қалб касалликларининг энг хавфлисидир. Намозда хушуъсизликнинг асосий сабаби ғафлатдир. Чунки ғофил банда Аллоҳни эсламайди, намоз ўқишни истамайди. Ўқиса ҳам, эриниб, дангасалик билан туради, дилида ҳаловат, хотиржамлик бўлмайди. Намозни хушуъсиз ўқиш, куруқ ётиб-туравериш ҳам ғафлатнинг бир тури. Зеро, қалбини дунё орзу-ҳаваслари, моддий неъматлар ҳақидаги ўйлар забт этган одам намозни рисоладагидек ўқимайди. Хушуъга эришиш ниятидаги инсон доим ўзини тергаб, ислоҳ қилиб туради, Парвардигори зикридан асло ғофил қолмайди.

46-САБАБ. НАМОЗДА ХУШУЪ ТОПИШНИ АЛЛОҲДАН СЎРАШ

Хушуъли қалб Аллоҳнинг неъматидир. Уям Яратгандан сўралади. Зеро, қалб ўз номи билан қалб. У ҳар қандай ҳолатда қалқиб кетиши, ўзгаришлар рўй бериши, дунёвий арзимас матоҳларга боғланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам қалб салоҳияти, ҳақ йўлда собитқадам бўлиш Аллоҳдан сўралади. Аллоҳ қалбларни Ўзи истаган томонга буриб қўяди. Банда фақат Аллоҳнинг тавфиқи билан хушуъга эришади.

Каломи мажидда Иброҳим алайҳиссалом тилидан шундай дуо қилинган:

رَبِّ اجْعَلْنِي مُقِيمَ الصَّلَاةِ وَمِنْ ذُرِّيَّتِي رَبَّنَا وَتَقَبَّلْ دُعَاءِ.

Ўқилиши: “Роббим, мени муқимас солаати ва мин зуррийяти, роббана ва тақоббал дуаа”.

Маъноси: “Парвардигорим, мени ва зурриётимдан (бўлган болаларимни) намозни тўқис адо этувчи қил. Парвардигоро, дуоимни қабул айла!” (Иброҳим сураси, 40-оят).

Яъни: Ё Аллоҳ! Менга фарз қилганинг намозни вақтида, хушуъ билан тўқис адо этишимга ёрдам бер, фарзандларимни ҳам намозни мукамал ўқийдиганлардан қил. Парвардигорим, сўраганимни менга бер, дуоимни қабул эт!

Иброҳим алайҳиссалом бошқа ибодатлар ичида нега айнан намозни хослаган?

Чунки намоз мўминни бошқалардан ажратиб турадиган асосий белгидир. Мўмин банда намозга эътибори, кучли иштиёқи, ибодатни қоим қилишга интилиши билан яққол ажралиб туради.

Қалб хушуъсини Аллоҳдан сўраш, хушуъсизликдан паноҳ иташ борасида суннати набавияда ҳам кўрсатмалар келган.

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي لَكَ شَاكِرًا لَكَ ذَاكِرًا لَكَ رَاهِبًا لَكَ مَطْوَعًا إِلَيْكَ مُخْبِتًا أَوْ مُنِيبًا رَبِّ تَقَبَّلْ تَوْبَتِي وَاغْسِلْ حَوْبَتِي وَأَجِبْ دَعْوَتِي وَتَبِّتْ حُجَّتِي وَاهْدِ قَلْبِي وَسَدِّدْ لِسَانِي وَاسْأَلْ سَخِيمَةَ قَلْبِي.

Ўқилиши: “Аллоҳуммажъалний лака шаакиро, лака заакиро, лака роҳибаа, лака митваъаа, илайка мухбитан ав мунийбаа. Робби тақоббал тавбатий, вағсил ҳавбатий, ва ажиб даъватий, ва саббит хужжатий, ваҳди қолбий, ва саддид лисаний, васлул сахиймата қолбий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, мени Ўзинга шукр қиладиган, Ўзингни эслайдиган, Ўзингдангина кўрқадиган, итоатгўй, хушуъли (ёки тавозеъли), тавба билан қайтувчи қил! Парвардигорим, тавбамни

²¹⁷ Манба: Абдуғафур Искандар, “Намозда хушуъ”.

қабул эт, гуноҳимни кечир, дуоимни мустажоб айла, хужжатимни мустаҳкам (кучли) қил, қалбимни (ҳақ йўлга) бошла, тилимни тўғрила, қалбимдаги ҳасад-адоватни кетказ²¹⁸”.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ وَمِنْ قَلْبٍ لَا يَخْشَعُ وَمِنْ نَفْسٍ لَا تَشْبَعُ وَمِنْ دَعْوَةٍ لَا يُسْتَجَابُ لَهَا.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика мин ʻилмил лаа янфаъ, ва мин қолбил лаа яхшаъ, ва мин нафсил лаа ташбаъ, ва мин даъватил лаа юстажаабу лаҳаа”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Фойда бермайдиган илмдан, хушуъсиз қалбдан, тўймайдиган нафсдан, ижобат бўлмайдиган дуодан паноҳ беришингни сўрайман²¹⁹”.

Тақвосиз илм фойда келтирмайди, балки дунё эшикларини очиб беради, хою ҳаваслар сари етаклайди. Олим киши одобли, тақволи бўлса, билганига амал қилса, илм-маърифатдан наф олади.

Қалб Аллоҳга хушуъ қилиши, Парвардигордан кўрқиши, Унинг зикри ила роҳатланиши, нурга тўлиши учун яратилган. Агар бундай бўлмаса, қалб қотиб қолади. Бунақа қалбдан паноҳ сўралади²²⁰.

Инсон нафси дунёга ўч бўлса, моддий нарсаларга тўймаса, ашаддий душманга айланади. Шунинг учун ҳам тўймайдиган нафсдан, қаноатсизликдан паноҳ тиланади.

Банда қўлини самога кўтариб дуо қилса-ю, лекин сўрагани ижобат этилмаса, бу унинг илмидан, амалидан фойда чиқмагани, қалби хушуъ қилмагани, нафси тўймагани, ўткинчи дунёга ўта ташналигини билдиради²²¹.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ سَمْعِي وَمِنْ شَرِّ بَصَرِي وَمِنْ شَرِّ لِسَانِي وَمِنْ شَرِّ قَلْبِي وَمِنْ شَرِّ مَنِي.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика мин шарри самъий, ва мин шарри басорий, ва мин шарри лисааний, ва мин шарри қолбий, ва мин шарри манийий”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, қулоғим ёмонлигидан, кўзим ёмонлигидан, тилим ёмонлигидан, қалбим ёмонлигидан, манийим ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман”.

Қулоқ ёмонлиги – Аллоҳ ёмон кўрадиган сўзларни эшитиш.

Кўз ёмонлиги – Аллоҳ қайтарган нарсаларга қараш.

Тил ёмонлиги – фойдасиз, бемаъни, гуноҳ сўзларни гапириш.

Қалб ёмонлиги – бузук эътиқодда бўлиш, дилда ҳасад, кибр, нифоқ каби иллатлар бўлиши, гуноҳ ишни кўзлаш ва ҳоказо.

Маний ёмонлиги – шаҳвоний нафсга қул бўлиб, зинога қўл уриш, номаҳрамларга ҳирс билан тикилиш²²².

Хушуъ топиш йўлида ҳаракат билан дуо уйғунлашса, Аллоҳнинг хоҳиши билан мақсадга эришилади.

47-САБАБ. НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ НАМОЗДА ҚАНДАЙ ХУШУЪ ҚИЛГАНЛАРИНИ БИЛИШ

Хушуъ қилувчилар имоми Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда қай ҳолатда турганларини, у зот ибодатлари қандай бўлганини ўқиб-ўрганиш ҳам инсонни хушуъга ундайди, қалбида ғайрат-шижоат ўтини ёқади.

عَنْ مُطَرِّفٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُصَلِّي وَجِوْفِهِ أَرْزُ كَأَرْزِ الْمَرْجَلِ يَعْنِي يَبْكِي. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

²¹⁸ Абу Довуд, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳих.

²¹⁹ Муслим, Насойй, Аҳмад ривоят қилган.

²²⁰ Фойда бермайдиган илмдан, хушуъ қилмайдиган қалбдан паноҳ сўралаши кетма-кет келиши шуни англатади, хушуъ пайдо қиладиган илмгина манфаатлидир (Манба: Муновий, “Файзул қодир”).

²²¹ Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”.

²²² Манба: Ободий, “Авнул маъбуд”.

Мутарриф отасидан ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига борсам намоз ўқиётган эканлар. Йиғлаганлари учун ичларидан худди қозоннинг биқирлашига ўхшаш овоз эшитиларди” (Насоий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом намозни хушув билан ўқирдилар. Қироат вақтида қалблари эриб, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Лекин у зот овозларини баланд кўтариб йиғламаганлар. Кўзларидан ёш қалқиганда сув биқирлаб қайнашига ўхшаш овоз эшитиларди. Расули ақрам баъзида маййитга ачинганларидан, айрим ҳолларда умматларини ўйлаб, гоҳида Аллоҳ таолодан кўркиб, гоҳида Қуръон эшитиб йиғлаганлар²²³.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз нақадар улуғ ибодат эканини яхши билганлар, хушув-хузув билан намоз ўқишни бошқаларга ўргатганлар. У зот таълимларини олган саҳобалар ичидан намозни қойилмақом ўқийдиган обидлар етишиб чикқан. Уларнинг бу салоҳияти тобеинларга, кейин табаа тобеинларга мерос бўлиб ўтган.

عَنْ عُبَيْدِ بْنِ عُمَيْرٍ أَنَّهُ قَالَ لِعَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَخْبَرِينَا بِأَعْجَبِ شَيْءٍ رَأَيْتَهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: فَسَكَتَتْ ثُمَّ قَالَتْ: لَمَّا كَانَ لَيْلَةً مِنَ اللَّيَالِي قَالَ: يَا عَائِشَةُ ذَرِينِي أَتَعْبُدُ اللَّيْلَةَ لِرَبِّي قُلْتُ: وَاللَّهِ إِنِّي أُحِبُّ قُرْبَكَ وَأُحِبُّ مَا سَرَّكَ قَالَتْ: فَفَقَامَ فَتَطَهَّرَ ثُمَّ قَامَ يُصَلِّي قَالَتْ: فَلَمَّ يَزُلُّ يَبْكِي حَتَّى بَلَ حِجْرُهُ قَالَتْ: وَكَانَ جَالِسًا فَلَمَّ يَزُلُّ يَبْكِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَتَّى بَلَ حِجَّتُهُ قَالَتْ: ثُمَّ بَكَى حَتَّى بَلَ الْأَرْضُ فَجَاءَ بِأَلَّا يُؤَدِّنُهُ بِالصَّلَاةِ فَلَمَّا رَأَهُ يَبْكِي قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ تَبْكِي وَقَدْ غَفَرَ اللَّهُ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ قَالَ: أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا لَقَدْ نَزَلَتْ عَلَيَّ اللَّيْلَةَ آيَةٌ وَإِنِّي لَمَنْ قَرَأَهَا وَلَمْ يَتَفَكَّرْ فِيهَا: إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الْآيَةَ كُلَّهَا. رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ривоят қилинишича, Убайд ибн Умайр исмли киши Оиша онамизга: “Бизга Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўрганингиз энг ажойиб воқеани айтиб беринг!” деди. Шунда Оиша онамиз бироз сукут сақлаб, кейин: “Тунларнинг бирида у зот: “Эй Оиша, мени холи қолдир. Бу кеча Парвардигоримга ибодат қилмоқчиман!” дедилар. Мен: “Аллоҳга қасамки, сизга яқин бўлгим келади. Сизни хурсанд қиладиган нарсадан мен ҳам қувонаман”, дедим. Шунда у зот таҳорат олиб намоз ўқишни бошладилар. Йиғлайверганларидан кўйнилари жикқа хўл бўлиб кетди. У зот ўтиргандилар. Йиғлайверганларидан соқоллари хўл бўлди. Кейин яна йиғладилар. Ҳатто кўз ёшлари ерга тўкилди. Сўнг Билол азон айтишга келди. У зот юм-юм йиғлаётганларини кўриб: “Ё Расулulloҳ, Аллоҳ барча гуноҳларингизни кечириб юборган-ку!..” деди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Шукр қилувчи банда бўлмайми?! Менга бу кеча бир оят тушди. Уни ўқиб тафаккур қилмаган (кимса)нинг холига вой”, деб, “Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида...” оятини охиригача тиловат қилдилар”, деб айтди” (Ибн Ҳиббон саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

Бу ривоятга кўра, Набий алайҳиссалом тунги намозда Оли Имрон сурасининг “Албатта осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун оят-аломатлар бордир” оятини²²⁴ ўқиб, қаттиқ кўз ёш тўкканлар.

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكِ الْأَشْجَعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: فُتِّ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً فَفَقَامَ فَقَرَأَ سُورَةَ الْبَقَرَةِ لَا يَمُرُّ بِآيَةِ رَحْمَةٍ إِلَّا وَقَفَ فَسَأَلَ وَلَا يَمُرُّ بِآيَةِ عَذَابٍ إِلَّا وَقَفَ فَتَعَوَّدَ قَالَ: ثُمَّ رَكَعَ بِقَدْرِ قِيَامِهِ يَقُولُ فِي

²²³ Манба: Ибн Қаййим, “Зодул маод”.

²²⁴ Оли Имрон сураси, 190-оят.

رُكُوعِهِ سُبْحَانَ ذِي الْجَبْرُوتِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكَرْبِيَاءِ وَالْعِظْمَةِ ثُمَّ سَجَدَ بِقَدْرِ قِيَامِهِ ثُمَّ قَالَ فِي سُجُودِهِ مِثْلَ ذَلِكَ ثُمَّ قَامَ فَقَرَأَ بِآلِ عِمْرَانَ ثُمَّ قَرَأَ سُورَةَ سُورَةَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Авф ибн Молик Ашжаий розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Тунларнинг бирида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан намозга турдим. У зот Бақара сурасини ўқидилар. Раҳмат оятидан ўтсалар, дуо қилардилар, азоб оятидан ўтсалар, паноҳ сўрардилар. Кейин қиёмда турган миқдорда рукуъ қилдилар. Рукуъда: “Субҳаана зил жабарувти вал малакувти вал кибрияи вал азома”, дедилар. Сўнг қиёмда турган миқдорда сажда қилдилар. Саждада ҳам худди шундай (дуо) ўқидилар. Кейин туриб Оли Имронни қироат қилдилар. Шундан кейин бир сура-бир сурадан ўқидилар” (*Абу Довуд, Насоий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам тунги намозда узун сураларни ўқирдилар, қиёмда, рукуъда, саждада жуда узоқ турардилар, Аллоҳнинг раҳмати зикр этилган оятлардан ўтсалар, дуо-илтижо қилар, азоб ҳақидаги оятларни ўқиганда Аллоҳдан паноҳ сўрардилар.

Муслим ибн Михроқдан ривоят қилинади: “Мен Оиша розияллоху анҳога: “Эй мўминлар онаси! Баъзилар Қуръонни бир кечада икки-уч мартадан хатм қилишяпти”, дедим. Шунда у: “Ўша одамлар Қуръон ўқишибди, аммо уқишмабди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам кечаси билан ибодат қилиб чиқар, Бақара, Оли Имрон, Нисо сураларини ўқирдилар. Агар башорат берилган оятдан ўтсалар, дуога юзланар, умид қилардилар, (азоб-уқубатдан) кўркитиладиган оятдан ўтсалар, Аллоҳга дуо қилиб паноҳ сўрардилар”, деди²²⁵”.

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ أَنَّهُ سَأَلَ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: كَيْفَ كَانَتْ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي رَمَضَانَ فَقَالَتْ: مَا كَانَ يَزِيدُ فِي رَمَضَانَ وَلَا فِي غَيْرِهِ عَلَى إِحْدَى عَشْرَةَ رَكْعَةً يُصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسْأَلُ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطُولِهِنَّ ثُمَّ يُصَلِّي أَرْبَعًا فَلَا تَسْأَلُ عَنْ حُسْنِهِنَّ وَطُولِهِنَّ ثُمَّ يُصَلِّي ثَلَاثًا فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَتَنَامُ قَبْلَ أَنْ تُوتِرَ قَالَ: يَا عَائِشَةُ إِنَّ عَيْنِي تَنَامَانِ وَلَا يَنَامُ قَلْبِي. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالتَّسَائِيُّ.

Абу Салама ибн Абдурахмондан ривоят қилинишича, у Оиша розияллоху анҳодан: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг рамазондаги намозлари қандай эди?” деб сўради. Оиша: “У зот рамазонда ҳам, ундан бошқа вақтда ҳам ўн бир ракатдан оширмасдилар. Тўрт ракат намоз ўқирдилар. Унинг чиройи, узунлиги ҳақида сўрамай қўявер. Кейин яна тўрт ракат ўқирдилар. Унинг ҳам чиройи, узунлиги ҳақида сўрама. Шундан сўнг уч ракат ўқирдилар. Мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, ухлашингиздан олдин витр ўқийсизми?”, дедим. У зот: “Эй Оиша, албатта менинг икки кўзим ухлайди, бироқ қалбим ухламайди”, дедилар”, деб айтди (*Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган*).

Ушбу ривоятга кўра:

1. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам рамазонда ҳам, бошқа вақтларда ҳам кечаси ўн бир ракат намоз ўқирдилар.
2. У зотнинг тунги намозлари ниҳоятда чиройли, ўта узун бўлган. Бу ҳақида сўрашга, уни васф этишга ҳожат йўқ. Чунки ибодатлари жуда гўзал, мукаммал экани шундоқ кўришиб турган²²⁶.
3. У зот алайҳиссалом уч ракат витр ўқиганлар.
4. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам кўзлари ухласа ҳам қалблар доим уйғоқ бўлган. Бу хусусият пайғамбарларгагина хосдир.

²²⁵ Абдуллох ибн Муборак “Муснад”да ривоят қилган.

²²⁶ Яна бир қавлга кўра, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ибодатларини васф қилишга тил ожиздир (Манба: Абул Ало Муборакфурий, “Тухфатул аҳвазий”).

عَنْ الْأَسْوَدِ قَالَ: سَأَلْتُ عَائِشَةَ: مَا كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصْنَعُ فِي بَيْتِهِ قَالَتْ: كَانَ يَكُونُ فِي مِهْنَةٍ أَهْلِهِ تَعْنِي خِدْمَةَ أَهْلِهِ فَإِذَا حَضَرَتْ الصَّلَاةُ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Асваддан ривоят қилинади: “Мен Оишадан: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларида қандай юмушларни бажарардилар?” деб сўрадим. Оиша: “У зот оила аъзолари хизматида бўлар, агар намоз вақти кирса, намозга чиқардилар”, деди” (*Бухорий, Термизий, Аҳмад ривоят қилган*).

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уй юмушларида завжаларига ёрдамлашардилар. Қачон намоз вақти кирса, намозга чиқардилар. Бу ҳаммамизга ўрнатилган бўлиши керак. Уй ишларида аёлларга кўмаклашиш, уларнинг кўнглини олиш Пайғамбаримиз суннатларига мувофиқдир.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан гаплашардилар. Биз ҳам у зот билан суҳбатлашардик. Агар намоз вақти кирса, у зот бизни, биз эса у зотни танимайдигандек туюларди²²⁷”.

Намоз мўминнинг асосий вазифасидир. Намоз пайтида ҳар қандай муҳим иш ортга сурилади, ибодатдан сўнг давом эттирилади. Аллоҳ таоло намозни вақтида тўқис адо этадиган киши қалбига хотиржамлик, ишига унум, топганига барака беради.

48-САБАБ. САҲОБАЛАР НАМОЗДА ҚАНДАЙ ХУШУЪ ҚИЛГАНЛАРИНИ БИЛИШ

Саҳобалар Қуръон ўқиганда оятлар мазмунини бутун вужудлари билан идрок этишарди. Шунинг учун тиловат чоғида кўз ёшларини тутиб тура олишмасди. Намозни ҳам хушув, хузув билан адо қилишган.

Абдуллоҳ ибн Урва ибн Зубайр ривоят қилади: “Мен бувим – Асмо бинти Абу Бакрдан: “Саҳобалар Қуръон эшитганда қандай ҳолатга тушишарди?” деб сўрадим. Шунда бувим: “Уларнинг кўзидан шашқатор ёш ёқар, Аллоҳ Қуръонда айтганидек, эtlари (қўрқувдан) жимирлаб кетарди”, дедилар²²⁸”.

Мужоҳид айтади: “Саҳобалар намозга туришганида – Аллоҳдан қўрқув сабабидан – худди руҳсиз танага ўхшаб қолишарди²²⁹”.

Ривоят қилинишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу намозга турса, ўзини йиғидан тутиб тура олмасди.

Абу Мусодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлиб қолдилар. Дардлари анча оғир эди. Шунда у зот: “Абу Бакрга айтинглари, чиқиб одамларга имомлик қилсин!” деб буюрдилар. Оиша: “(Отамнинг) кўнгли нозик. Агар ўрнингизга ўтса, одамларга имомлик қила олмайди”, деди. Расулulloҳ: “Абу Бакрга айтинглари, чиқиб одамларга имомликка ўтсин!” деб таъкидладилар. Оиша яна ўша гапни қайтарди. Шунда у зот: “(Эй Оиша,) Абу Бакрга айт, чиқиб одамлар билан намоз ўқисин! Албатта сизлар Юсуфнинг соҳибаларисиз²³⁰”, дедилар. Шунда Абу Бакрга хабар келди, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тириклик вақтларида имомликка ўтди²³¹”.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бетоб бўлиб қолганларида Оиша онамиз уйларида турганлар. У зот Оиша розияллоҳу анҳога: “Абу Бакр имомликка ўтсин!” деб тайинладилар. Аммо Оиша онамиз: “Отам кўнгли нозик киши. Сизнинг ўрнингизда намоз ўқиса, йиғидан ўзини тутолмайди. У кишидан бошқасини тайинласангиз бўларди!..” деган маънода мурожат қилдилар²³². Бироқ Расул ақрам қайта-қайта Абу Бакр имомликка ўтишини таъкидладилар. Шундай қилиб, Абу

²²⁷ Манба: Муновий, “Файзул қодир”.

²²⁸ Манба: Жалолиддин Суютий, “Ал-дуррул мансур”.

²²⁹ Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушув фи салот”, муҳаққиқ мукаддимаси.

²³⁰ Бу ерда сиртдан бир гапни айтиб, аслида бошқа нарса кўзда тутилмоқда. Яъни, Оиша розияллоҳу анҳо оталари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг кўнгли нозик эканини айтаётган бўлсалар ҳам, аслида у киши имомликка ўтса, одамлар тарқаб кетиб, турли гап-сўз кўпайишини мулоҳаза қилганлар.

²³¹ Бухорий, Муслим ривоят қилган.

²³² Манба: Муслим ривояти.

Бакр Сиддиқ розияллоху анху Пайғамбар алайҳиссалом ҳаётлик чоғларида одамларга намоз ўқиб берди.

Бу ривоятдан, намозда хушуъ қилиш йиғига сабаб экани, Аллоҳдан кўрқиб йиғлаш билан намоз бузилмаслигини билиб оламиз.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху жамоат билан бомдод намозини ўқиди, унда Юсуф сурасини қироат қилди, тиловатдан таъсирланиб йиғлаб юборди. Унинг овозини охирги сафдагилар ҳам эшитишди²³³.

Бир куни Умар ибн Хаттоб розияллоху анху намозда бўйинини эгиб турган кишини кўриб: “Эй, бўйнингни кўтар. Чунки хушуъ бўйинда эмас, қалбда бўлади”, деди²³⁴.

Намоз вақти кирганида Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг юз қиёфаси ўзгариб кетарди, “Осмонларга, ерга кўндаланг қилинганида уни кўтаришдан бош тортган, ундан кўрққан омонатни адо этиш вақти етди”, деб айтарди²³⁵.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоху анху намоз ўқиса, хушуъдан қотган таёққа ўхшаб қоларди. Сажда қилганида чумчуқлар у кишини девор деб ўйлаб, устига кўнарди. Бир куни намоз ўқиётганида тош тушиб, кийимининг бир томонини узиб кетганида ҳам бошини саждадан кўтармаган²³⁶.

Жубайр ибн Мутъим розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шом намозида Тур сурасини ўқиётганларини эшитдим. У зот “Балки улар ҳеч нарсадан яралиб қолгандирлар ёки улар ўзлари яратувчимиканлар-а?! Балки осмонлар ва ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар²³⁷” оятига етиб келганларида қалбим учиб кетишига оз қолди²³⁸”.

Жубайр розияллоху анху Қуръон маъноларини чуқур англаб етганидан ўзини осмонга учиб кетаётган кушдек енгил ҳис қилган. Кишининг имони кучайса, қалби зикруллоҳ билан ёришса, шундай бўлади. Имон ҳаловатини бир марта тотиб кўрган инсон ҳеч қандай моддий лаззат унинг олдида туша олмаслигига амин бўлади²³⁹.

Саҳобалар намозга қанчалик иштиёқ билан ёндошганларини билган, ихлос-эътиқоди ҳақида мушоҳада юритган киши беихтиёр уларга ўхшагиси келади, намозда хушуъ топишга, Аллоҳга янада яқинроқ бўлишга ҳаракат қилади. Салафи солиҳлар ана шундай ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтишган. Уларнинг ибодати, еб-ичиши, муомаласи – бутун умри биз учун ёрқин намунадир. Аллоҳ таоло барчаларидан рози бўлсин, солиҳларга эргашишни, Аллоҳга маҳбуб бўлишни бизга ҳам насиб этсин!

САҲОБАЛАР МУВАФФАҚИЯТИ СИРИ НИМАДА?

Саҳобалар ҳаётига назар ташлар эканмиз, уларни бошқалардан ажратиб турувчи хислатларни кўрамиз. Жумладан:

1. Саҳобалар Аллоҳ розилигини ҳар нарсадан устун қўйишган, қалблари Аллоҳга боғланган, оламлар Раббини, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни қаттиқ яхши кўришган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини у зот билан бирга тоттишган. Қанча қийинчиликка учрашса-да, турли азоб-укубатлар тортишса-да, имондан воз кечикмаган. Чунки улар Пайғамбаримиз алайҳиссаломда олийжанобликни, хушхулқни кўрдилар, қалб ташналиклари у зот меҳрлари ила қонди, пурҳикмат сўзлари саҳобалар қалб кўзини очиб юборди, Қуръон оятлари кўнгилларини сайқаллади, қалбларидаги адоват оловини ўчирди, ҳис-туйғуларини ишонч суви билан суғорди. Натижада руҳлари тинчланди, танлари ором олди, асаблари сокинлашди. Мана шу хислат саҳобалар бахт-саодатга эришишида асосий кўприк вазифасини ўтади.

2. Асҳоблар ҳаёти жуда содда, дабдабадан йироқ бўлган, ишлари ҳам оддий усулда бажарилган. Улар ҳар соҳада ўртача йўлни танлашган: ғулувга кетишмаган, сусткашликка ҳам йўл қўйишмаган.

²³³ Нававий “Тибён” да нақл қилган.

²³⁴ Заҳабий “Кабоир” да зикр қилган.

²³⁵ Манба: Ибн Ражаб “Ал-хушуъ фи салот”, муҳакқиқ муқаддимаси.

²³⁶ Абу Шайх Исфохоний “Табақотул муҳаддисин би-асбаҳон” да келтирган.

²³⁷ Тур сураси, 35-36-оятлар.

²³⁸ Бухорий, Ибн Можа ривоят қилган.

²³⁹ Манба: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

3. Илмлари таҳсинга сазовор, баракали, амал билан мувофиқ равишда бўлган. Истилоҳларида тушунарсиз, мураккаб, сохта, уйдирма, муболағали сўзлар деярли ишлатилмаган.

4. Улар учун қалб амаллари бадан амалларидан муҳимроқ ҳисобланган. Шунинг учун саҳобаларда ихлос, таваккул, муҳаббат, рағбат, кўркув, хушуъ кучли бўлган.

5. Саҳобалар ҳам биз каби инсон бўлишган: овқат ейишган, ичимлик ичишган, оила қуришган, тирикчилик қилишган. Бироқ улар имон ҳаловатига етишганлари сабаб қалблари хотиржам бўлган, дунё матоҳларига ҳечам қизиқишмаган, моддий лаззатларга ружуъ қўйишмаган, ўткинчи ҳаёт зеб-зийнатларидан юз ўгиришган. Дунё улар учун асосий мақсад эмас, восита саналган. Шунинг учун энг зарур кундалик юмушларни бажариб, бор эътиборларини охират ободлигига қаратишган, тоат-ибодатга жидду жаҳд қилишган.

49-САБАБ. ТОБЕИНЛАР, УЛАРДАН КЕЙИН ЯШАБ ЎТГАН СОЛИҲЛАР НАМОЗДА ҚАНДАЙ ХУШУЪ ҚИЛГАНЛАРИНИ БИЛИШ

Ривоят қилинишича, Муслим ибн Ясор намозда у ёқ-бу ёққа қарамасди, худди қозикдек қотиб турарди. Ибодат чоғида атрофдагиларни эшитмас, ташқаридаги воқеа-ҳодисаларни пайқамасди. Бир куни масжидда намоз ўқиётганида масжиднинг бир томони кулаб тушиб, бозордаги ҳамма одамлар қочиб кетган, аммо Ибн Ясор буни сезмай намозини ўқийверган²⁴⁰.

Урва ибн Зубайр раҳматуллоҳи алайҳ намозни хушуъ билан, тўкис адо этган тобеинлардандир. Тарих китобларида келтирилишича, унинг оёғига қорасон касали тушганди. Табиблар оёқни сон қисмидан кесиб ташламаса, дард бутун танага тарқалиб кетишини айтишди. Урва ибн Зубайр:

– Ундай бўлса, кесиб ташланглар, – деди.

Табиблар:

– Бунинг учун сенга банж беришимиз керак, – дейишди.

– Банж ҳаром. Уни истеъмол қилмайман!

– Унда оёқни сонидан кесиб ташлаш иложи йўқ.

– Иложи бор. Сизлар асбобингизни тайёрланг. Мен намоз ўқийман. Бир маромга етиб, баданим титрай бошлаганида билганингизни қилаверинг, ҳеч нарса бўлмайди.

Урва ибн Зубайр намоз ўқиди. Бадани титрай бошлаганда табиблар ўша даврнинг услуби билан қорасон тушган оёқни сонидан кесдилар. Сўнг кесилган сонни қайнаб турган ёғга солиб, оқаётган қонни тўхтатганларида Урва намозни тугатиб ҳушидан кетди²⁴¹.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Агар намозга турсанг, Аллоҳ буюрганидек тур. Хаёлинг бўлинмасин, ён атрофга аланглама. Аллоҳ сенга қараб турганда сен бошқа нарсаларга чалғишдан, Аллоҳдан жаннатни сўраб, жаҳаннамдан паноҳ истаб туриб тилинг айтаётган сўзлардан қалбинг ғофил қолишидан эҳтиёт бўл²⁴²”.

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Киши хушуъни қалбида боридан кўра кўпроқ қилиб кўрсатиши қарих (ёмон, ёқимсиз) саналарди²⁴³”.

Саид ибн Жубайр раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Ибн Аббос розияллоҳу анху: “Намоздаги хушуъ ўнг ва чап тарафида ким борлигини билмасликдир”, деганини эшитганимдан бери, (яъни,) қирқ йилдан буён намоздалигимда ўнг томонимда ким бор, чап томонимда ким борлигини билмадим²⁴⁴”.

Али ибн Ҳусайн²⁴⁵ раҳматуллоҳи алайҳ намоз ўқиш учун таҳорат олганидан кейин ранги ўзгариб, титрай бошларди. Бунинг сабаби сўралганида, “Мен ҳозир Кимнинг олдида туришимни, Кимга муножот қилишимни биласизларми?!” деб айтарди²⁴⁶.

²⁴⁰ Манба: Заҳабий, “Сияру аъломин нубало”; Абдуғафур Искандар, “Намозда хушуъ”.

²⁴¹ Манба: Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Ҳадис ва ҳаёт”, 5-жузъ.

²⁴² Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушуъ фис салот”.

²⁴³ Манба: Ибн Қаййим, “Мадорижус соликин”.

²⁴⁴ Манба: Ибн Ражаб, “Ал-хушуъ фис салот”, муҳаққиқ муқаддимаси.

²⁴⁵ Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб (Зайнулобидин, 38-94) улуғ тобеин, обид, саҳий зот бўлган.

²⁴⁶ Манба: Абу Нуайм, “Ҳилятул авлиё”; Заҳабий, “Сияру аъломин нубало”.

Ибн Ваҳб – Суфён Саврийнинг ибодати ҳақида – айтади: “Саврий ҳарамда шомдан кейин намоз ўқиди. Бир сажда қилган эди, хуфтонга азон айтилганда бошини кўтарди”.

Ҳабиб ибн Абу Собит узоқ сажда қилганидан одамлар уни ўлиб қолдим, деб ўйлашар экан.

Анбас ибн Уқба саждада тахтадек қотиб қолганидан, ҳатто чумчуқлар у кишининг устига кўниб-учиб юрарди.

Бу зотлар намозда ҳаловат топганлари боис ундан ташқарига чиқишни исташмаган, фақат қарилик, куч-қувват кетиши узоқ муддат ибодат қилишларига бироз ҳалал берган.

Абу Исҳоқ Сабиъий айтади: “Намоз менга оғирлик қилди, заифлашиб қолдим, кучим кетди. Бугун намозга туриб, Бақара билан Оли Имроннигина ўқий олдим, холос”.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ кўп намоз ўқигани, қиёмда узоқ тургани боис “қозик”, деб ном олганди.

Бир куни имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳни намозда ари чакди. Улуғ имом ибодатни адо этиб бўлгач: “Қаранглар-чи, менга нима озор берди?” деди. Қарашса, ари имом Бухорийнинг ўн етти жойидан чақиб, баданини ишириб юборган экан. У эса намозни бузмаган. Айтилишича, бу ҳодиса пешиннинг фарзидан кейинги нафл намозидан юз берган. Намоздан фориг бўлгач, Бухорийдан: “Ари чакқан заҳоти намоздан нега чиқмадингиз?” деб сўралганида, “Бир сурани ўқиётгандим, уни охирига етказиб қўйишни хоҳладим”, деб жавоб берган экан²⁴⁷.

Муҳаммад ибн Наср Марвазий пешонасини намозда ари чакқан, лекин у киши қимирламаган²⁴⁸.

Ҳотим Асом раҳматуллоҳи алайҳ ўзининг намози ҳақида айтади: “Амр билан тураман, кўрқув билан бораман, ният билан кираман, таъзим билан такбир айтаман, тартил ва тафаккур билан қироат қиламан, хушув билан эгиламан, тавозеъ билан сажда қиламан, ташаҳхудда тўла ўтираман, ният билан салом бераман, Аллоҳ азза ва жаллага ихлос билан намозни тамомлайман. Уни Раббимга қолдириб, нафсимни маломат қилган ҳолда қайтаман. Мендан қабул қилинмай қолишидан, ўлим келгунича уни сақлай олмасликдан кўрқаман²⁴⁹”.

50-САБАБ. НАМОЗДАГИ АМАЛЛАР МАЪНОСИНИ ТУШУНИБ ЕТИШ

Намоздаги амаллар (жумладан, такбири таҳрима, қиём, рукуъ, сажда) моҳиятини яхшилаб тушуниб олиш ҳам хушувни жалб этади. Демак, намозга киришда айтиладиган такбирдан бошлаймиз:

1. Такбири таҳрима маъноси.

Уламолар айтишича, намозга киришдан олдин икки кўлни кўтариш Аллоҳ билан банда ўртасидаги ғафлат пардасини кўтариш, Аллоҳ улуғлигини эътироф этишни англатади. Айрим уламоларга кўра, бу Аллоҳга ўзини топшириш, унга бутунлай бўйсунуш маъносига эга.

Такбири таҳрима ҳақида уч хил ривоят келтирилган:

1. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аввал кўллларини кўтариб, кейин такбир айтардилар²⁵⁰.

2. Аввал такбир айтиб, кейин кўллларини кўтарардилар²⁵¹.

3. Кўллларини кўтариш билан бир вақтда такбир айтардилар²⁵².

Уччала ҳолат суннатга мувофиқдир. Бир сафар унисини, бошқа сафар бунисини қилсаям бўлади. Қайтага мана шундай йўл тутиш намозни хушув билан ўқишга ёрдам беради.

2. Ўнг кафтни чап кафт устига қўйиб, кўл боғлаб туриш маъноси.

Аввал айтиб ўтганимиздек, бу ҳолат банданинг хокисорлигини, Аллоҳ учун тавозеъ қилишини, ўзини паст олиб, Аллоҳ хузурида турганини ҳис этишини билдиради.

3. Намозда туриш (қиёмнинг) маъноси.

Каломи мажидда: “Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда туринглар!” деб буюрилган²⁵³. Банда намозда турар экан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло улуғлигини қалби ила ҳис этади, ҳаётлик чоғида намозда

²⁴⁷ Манба: Заҳабий, “Сияру аъломин нубало”.

²⁴⁸ Манба: Абдуғафур Искандар, “Намозда хушув”.

²⁴⁹ Манба: Абу Нуайм, “Ҳилятул авлиё”; Ибн Ражаб, “Ал-хушув фис салот”.

²⁵⁰ Манба: Муслим – Ибн Умар розияллоҳу анхундан – келтирган ривоят.

²⁵¹ Манба: Бухорий, Муслим – Молик ибн Хувайрис розияллоҳу анхундан – келтирган ривоят.

²⁵² Манба: Бухорий, Муслим – Ибн Умар розияллоҳу анхундан – келтирган ривоят.

чиройли тура олса, киёмат кунни Аллоҳ олдида туриш осон бўлишини эслайди. Борди-ю намоздаги киёмга энгил қараса, уни тўкис бажармаса, охиратдаги туриш унга оғир бўлишини кўз олдида келтиради²⁵⁴. Шундай экан, Аллоҳга ишонган, охиратда нажот топишдан умидвор мўмин банда намоз ўқиётганда қалби билан, танаси билан Раббига юзланади, кўзини ҳар тарафга қаратмайди, бутун вужуди билан берилиб ибодат қилади.

4. Рукуънинг маъноси.

Рукуъ тана аъзолари билан ўзини хокисор тутишни билдиради. Шунинг учун ҳам араблар рукуъ қилишни ёқтирмас, бошни эгишни ўзларига эп кўришмасди²⁵⁵. Бу ҳақида Аллоҳ таоло шундай деган: “Қачон уларга: “Рукуъ қилинглар”, дейилса, рукуъ қилмайдилар” (Мурсалот сураси, 48-оят).

Аллома Исфажоний раҳматуллоҳи алайҳ айтишича, рукуъ эгилишдир. Бу сўз баъзида намоздаги махсус ҳолатга нисбатан, баъзида – хоҳ ибодатда, хоҳ бошқа нарсада бўлсин – тавозеъ, хокисорлик маъносида қўлланади²⁵⁶.

Банда рукуъ қилганда қалби билан ҳам Аллоҳга таслим бўлади, ўта ожизлигини, Аллоҳ нақадар улуғлигини эътироф этади. Мана шунда инсон танаси билан ҳам, қалби билан ҳам Парвардигорига тўлиқ бўйсунган саналади. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рукуъда “Аллоҳумма лака рокаъту ва бика ааманту ва лака асламту, хошаъа лака самъий ва басорий ва муххий ва ғазмий ва ғасобий”, деб дуо қилардилар. Яъни, “Ё Аллоҳ, Сен учун рукуъ қилдим, Сенга имон келтирдим, таслим бўлдим. Қулоғим, кўзим, миям, суягим, асабий сенга хушуъ қилди²⁵⁷”.

Бундан чиқди, инсон рукуъда бутун вужуди билан Аллоҳга хушуъ қилади. Қалб тана аъзолари подшоҳидир. Агар қалбда хушуъ бўлса, қолган аъзоларда хушуънинг самараси кўринади.

5. Сажданинг маъноси.

“Сажда” сўзи аслида “ўзини паст тутиш”, “эгилиш”, “хотиржам бўлиш” маъноларини англатади.

Сажда банданинг Аллоҳ таолога муҳтожлигини, камтарлигини изҳор этишнинг энг юқори нуқтасидир. Чунки инсон саждада энг шарафли, азиз аъзоси бўлмиш бошини ерга қўяди. Одатда, сажда қилганда пешона тупроққа тегади, чанг бўлади. Мана шу ҳолат қалб тавозеъси, Аллоҳ учун хушуъ қилгани белгисидир. Шунинг учун банда саждада Аллоҳга жуда яқин бўлади. Агар зоҳирий саждага қалб саждаси ҳам қўшилса, нур устига нур бўлади.

Мутакаббир мушриклар Аллоҳ учун сажда қилишни хушламасди. Ҳатто айримлари: “Мен сажда қилишни ёмон кўраман. Чунки сажда қилсам, остим бошимдан тепада бўлиб қолади”, деб айтарди. Яна баъзи мушриклар кўлига бир сиқим тупроқ олиб, пешонасига текказар, “Мана шу мен учун кифоя қилади”, дерди. Иблис ҳам Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бўйин товлагани сабаб лаънатга учраган. Чунки у Аллоҳ тупроқдан яратган инсон зотига бош эгишдан кибр қилган, Парвардигори амрига итоат этмаган. Кимда-ким кибрни энгиб, Раббига ихлос-ла сажда қилса, Унга яқинлашади.

Қуръони каримда айтилишича, осмонлар ва ердаги барча жониворлар, фаришталар кибрланмаган ҳолларида Аллоҳга сажда қиладилар²⁵⁸. Улардан фарқли ўлароқ, ҳазрати инсон Аллоҳ таоло учун ўз ихтиёри билан пешонасини ерга қўяди. Бунинг эвазига улуғ ажр-мукофотлар олади.

Шунингдек, икки сажда ўртасида, ташаххудда қўлларни тиззага қўйиб ўтириш банданинг Аллоҳга итоатгўйлигини, камтарлигини билдиради.

51-САБАБ. НАМОЗДАГИ ҚАВЛЛАР МАЪНОСИНИ ТУШУНИБ ЕТИШ

²⁵³ Бақара сураси, 238-оят.

²⁵⁴ Манба: Ибн Қаййим, “Ал-фавоид”.

²⁵⁵ Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Мен тик туриб йиқиламан деб Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат берганман” (Насоий, Аҳмад, Байҳақий, Таёлисий, Табароний ривоят қилган. Ривоят санади саҳих).

Тик туриб йиқилиш деганда рукуъ қилмасдан саждага бориш назарда тутилади. Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ ва муҳаққиқ уламолар ривоятни шундай изоҳлашган (Манба, Ибн Ражаб, “Ал-хушуъ фи салот”).

²⁵⁶ Манба: “Муфрадоту алфозил қуръон”.

²⁵⁷ Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилган.

²⁵⁸ Манба: Наҳл сурасининг 49-ояти.

Талаффуз қилинаётган жумлалар маъносини англаш хаёлни бир ерга жамлашга ёрдам беради. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтамиз: намоздаги қироат, зикр, дуолар маъносини тушуниш учун араб тилини билиш керак. Араб тилини билмайдиганлар ҳар бир дуо, зикр-тасбеҳлар маъносини пухта ёдлаб оладилар. Унга ҳам қодир бўлмаганлар умумий мазмунини тушуниб, ўқиётганда уни дилдан ўтказишса, яхши бўлади.

Қуйида намоздаги такбир, тасбеҳ, тааввуз, басмала, қироат, дуо, салавот каби зикрлар маъноси билан яқиндан танишиб чиқамиз.

1. Такбири тахрима – “Аллоҳу акбар” маъноси.

“Аллоҳу акбар” Аллоҳ барча нарсадан буюк, дегани. Комиллик фақат Аллоҳгагина хос. У Зот ҳар қандай айб-нуқсондан Пок. Бу борада Аллоҳ Яккаю Ягона. Зеро, ҳеч ким буюкликда, мукамалликда, куч-қудратда Унга бас кела олмайди. Улуғ Аллоҳ ибодат қилиш учун энг муносиб Зотдир.

Намозхон “Аллоҳу акбар” деб такбир айтганида тили билан дили бир бўлсин. Яъни, тили айтган сўзларни дили тасдиқласин, унинг қалбида Аллоҳдан буюкроқ нарса қолмасин. Агар киши Аллоҳнинг улуғлигини қалб қўри билан англаб етса, унинг назарида бошқа нарсалар жуда кичик бўлиб қолади.

“Аллоҳ” энг буюк, улуғвор исмдир. Унинг нозик маънолари бор. “Аллоҳ” қалблар сиғинадиган, севадиган, таскин топадиган, рози бўладиган, суянадиган Буюк Зот учунгина аталган исмдир. Кўнгил У Зотдан бошқасидан ҳечам таскин топмайди, хотиржам бўлмайди. Бу неъматларга фақат Унинг исми билан эришилади.

Намозни “Аллоҳу акбар” деб бошлаш ҳикмати нимада?

Агар инсон бу жумла мазмунини идрок этса, қандай улуғ Зот олдида турганини сезади, Унга хушув қилади, Аллоҳдан бошқа нарсаларга чалғиб кетишдан уялади, диққатини жамлаб, намозни ихлос билан адо этади, шошиб-пишиб, пала-партиш ўқиб қўймайди. Тили билан “Аллоҳу акбар” деб туриб, қалби бошқа нарсаларга боғланиб қолган, ибодат чоғида турмуш ташвишлари ҳақида хаёл сурадиган одам такбири тахрима мазмунини яхши тушунмабди. Аслида ҳақиқий мўмин киши учун намозга қираётганда “Аллоҳу акбар” дейишнинг ўзи хушув ҳосил қилишга етади. Чунки мана шу калима билан дунёга тегишли ҳар қандай ўй-хаёллар ортга ташланади, Аллоҳга бутун борлиғи билан таважжух²⁵⁹ қилинади.

2. Сано маъноси.

Намозни бошлашда ўқиладиган дуо бизда “сано”, араб тилида “истифтоҳ (яъни, намозни очиш) дуоси” дейилади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَفْتَحَ الصَّلَاةَ قَالَ: سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالَى جَدُّكَ وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَالِدَارُقُطْنِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам намозни бошласалар, “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табаарокасмуқ, ва таъаалаа жаддук, ва лаа илааха ғойрук”, деб айтардилар” (“Сунан” соҳиблари, Аҳмад, Ҳоким, Дорақутний ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Санонинг турли шакллари бор. Ҳанафий, ҳанбалий мазҳаби уламолари “Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдика”ни ихтиёр қилишган²⁶⁰. Шофеийлар “Важжаҳту важҳий лиллазий фаторос самааваати вал арз” деб бошланадиган дуони ўқишади²⁶¹.

²⁵⁹ “Таважжух” сўзи “юзланиш”, “бориш” маъносини англатади.

²⁶⁰ Абу Ҳанифа ва Муҳаммад наздида намозни бошлашда “Субҳаанакаллоҳумма”га зиёда қилинмайди. Аммо Абу Юсуф “Субҳаанакаллоҳумма...”дан кейин “Инний важжаҳту важҳий...”ни ҳам қўшишни айтган (Манба: “Ал-иноя шарҳул хидоя”).

²⁶¹ Манба: “Ал-фикҳул исламийю ва адиллатух”.

“Субҳаанакаллоҳумма” Аллоҳ ҳар қандай айб-камчиликдан пок эканини, “Ва бихамдика” эса мақтовнинг ҳамма тури Аллоҳга хослигини эътироф этишдир. Яъни: Эй Парвардигорим, Сен нуқсон-камчиликлардан холисан, буюксан, мутлақ комил Зотсан. Ожизликдан, зулм қилишдан, Ўзинг яратган жонзотларга ўхшашдан поксан. Барча ҳамду санолар фақат Сенгагина хос.

“Ва табаарокасмук” Сенинг исминг комил, улуғ, муқаддасдир. Осмонлару ерда исминг баракаси зиёда бўлди, дегани. Агар Аллоҳнинг исми шу қадар баракали бўлса, унда Аллоҳнинг Ўзи янада баракалироқ, улуғроқдир.

Ҳақиқатан, Аллоҳнинг исми баракалидир. Агар овқат ейишдан олдин “Бисмиллаҳ” десангиз, шайтон сизга шерик бўлмайди, таомга барака киради. Агар басмалани айтмасангиз, шайтон сиз билан қўшилиб таом ейди. Агар жонлиқ сўяётганда Аллоҳ исми зикр қилинмаса, у нопок ўлимтик бўлиб қолади. Оламлар Парвардигори исми айтиб сўйилса, пок-ҳалол гўшт саналади. Зеро, Аллоҳнинг исмисиз бошланган ҳеч бир ишда хайр-барака, унум бўлмайди.

“Ва табаалаа жаддук” жумласи “Сенинг улуғлигинг юқори бўлди” маъносини англатади. Аллоҳ шундай буюк Зотки, яратган мавжудотларидан ҳеч бири Унга тенглаша олмайди. Фақат Аллоҳнинг Ўзи улуғдир.

“Ва лаа илааха ғойрук” эса “Сендан Ўзга илоҳ йўқ. Сен Яккаю Яғонасан” мазмунини билдиради. Аллоҳдан бошқа ҳар қандай “маъбуд”лар, “илоҳ”лар ботил, сохтадир. Фақат Аллоҳ буюк, комил, ибодат учун лойиқ Зотдир.

Санони тафаккур қилиш билан қалб уйғонади, Аллоҳга қурбат ҳосил бўлади, шайтон васвасаси даф этилади, ғафлат ортга чекинади, ихлос сари кенг йўл очилади.

3. Тааввуз маъноси.

Намозхон санони ўқиб бўлгач, “Аувзу биллаахи минаш шайтонир рожийм”, дейди. Бунинг маъноси: “Тошбўрон қилинган шайтондан Аллоҳ паноҳ беришини тилайман”. Мана шу тарзда паноҳ сўраш араб тилида “тааввуз” дейилади.

“Аувзу биллаахи” Аллоҳга илтижо қиламан, У Зотдан ҳимоя сўрайман, мазмунини ифодалайди.

“Шайтон” Аллоҳнинг раҳматидан узоқ, дегани. Зеро, Аллоҳ шайтонни лаънатлаган.

Бу ерда “шайтон”дан мурод отамиз Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан бош тортган шайтон ва унинг зурриётларидир.

“Рожийм” тошбўрон қилинган, қувилган мазмунини ифодалайди. Аллоҳ таоло шайтонга қарата шундай деган: “Бас, (жаннатдан) чиқ! Энди сен, шак-шубҳасиз, (Менинг даргоҳимдан) қувилган – малъунсан. Ҳисоб (яъни, қиёмат) кунигача сенга лаънат бўлади” (Ҳижр сураси, 34-35-оятлар).

Шу билан бирга “рожийм” сўзи “тошбўрон қилувчи” мазмунини ҳам ифодалайди. Чунки шайтон иғво билан бошқаларни йўлдан уради, уларни гуноҳ-маъсиятга бошлайди, васваса тошларини ўзгаларга қарата отади.

Мана шу дуони ўқиганда Аллоҳ шайтон васвасасидан сақлаши ўтиниб сўралади. Чунки одам тилидан чиқаётган сўзларни қалби билан тасдиқламаса, гапи ёлғон бўлиб қолиши мумкин.

Қироатдан олдин шайтондан паноҳ сўрашнинг қандай фойдаси бор?

Тааввуз сабабидан шайтон қалбдан узоқлашади, Аллоҳнинг Каломини тадаббур билан ўқишга, Қуръон маъноларини англашга халақит бермайди. Қолаверса, тааввуз оғизни лағвдан, беҳуда сўзлардан поклайди, кишини тиловатга ҳозирлайди. Банда тааввуз билан Аллоҳга тазарруъ қилади, Унинг нақадар қудратли Зотлигига тан беради, кўзга кўринмас хавфли душманга қарши кураша олмаслигини эътироф этади, шайтон ёмонликларидан Аллоҳ паноҳ беришини сўрайди.

4. Басмала маъноси.

“Басмала” сўзи “Бисмиллаахир роҳмаанир роҳийм”нинг қисқартма шаклидир. Унинг маъноси куйидагича: “Ўз зотида, сифатида Яғона, ибодат қилиш учун энг муносиб Аллоҳ номи билан бошлайман. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ ўта Меҳрибон, Раҳмли Зотдир”.

Мўмин инсон доим Аллоҳни ёдида сақлайди, ҳар бир ҳалол ёки мубоҳ ишни (хусусан, ейишичиш, кийиниш, масжидга кириш, у ердан чиқиш, уловга миниш, кундалик юмуш ва ҳоказоларни) бошлашдан олдин У Зот исминини зикр этади. Жоҳилият даврида мушриклар бирон иш бошламоқчи бўлишса, “Лотнинг исми билан”, “Уззонинг исми билан” дейишарди. Бундан фарқли ўлароқ, мўмин банда ҳар бир аҳамиятли ишни Аллоҳ исми билан бошлайди. Зеро, “бисмиллоҳ”сиз бажарилган ишнинг баракаси бўлмайди. Бундай иш охирига етмайди, қутилган натижани бермайди. Қолаверса,

Аллоҳ номи тилга олинса, шайтон яширинади. Иблис васвасасини фақат Аллоҳни эслаш билан қайтарилади.

5. Фотиҳа сураси маъноси.

Қуйида Қуръондаги энг улуғ сура – Фотиҳа сураси тафсири билан танишиб чиқамиз. Зеро, мазкур сура мазмунини англаш ҳам хушуъга ундайди.

2-4. Ҳамд оламлар Рабби, Раҳмон ва Раҳим, ҳисоб кунининг Подшоҳи Аллоҳ учун (хос)дир!

“Алҳамдулиллаахи роббил ааламийн” – “Ҳамд оламлар Рабби Аллоҳ учун (хос)дир!”

“Ҳамд” сўзи “фазилат эгасини чиройли суратда, барча яхши сифатлар билан мақташ” маъносини англатади.

Дунёю охиратдаги барча ҳамду санолар, юксак мактовлар Аллоҳга айтилади. У Зот ҳар қандай айб-нуқсондан, камчиликдан холидир. Аллоҳ – барча оламлар Яратувчиси. Хоҳ жонли, хоҳ жонсиз, хоҳ ақлли, хоҳ ақлсиз бўлсин, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким кўқларга кўтариб мақташга лойиқ эмас.

“Оламлар”дан мурод барча оламлар, осмонлардаги, ердаги – куруклигу денгизлардаги жами мавжудотлардир. Масалан, фаришталар олами, жинлар олами, инсоният олами, ҳайвонот олами, наботот (ўсимлик) олами ва ҳоказо. Мана шу оламларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг мулки. Уларни Аллоҳ яратган, барчаси фақат У Зот жорий этган қонун-қоидаларга бўйсуниб ҳаёт кечиради.

“Раб” сўзи “хожа”, “хўжайин”, “соҳиб”, “эга”, “жаноб”, “тарбиячи”, “подшоҳ”, “ибодат қилинувчи”, “ислоҳ этувчи”, “неъмат берувчи”, “итоат этилувчи”, “муҳофаза қилувчи” маъноларини билдиради.

Қуръони каримда айтилади: “Шундай экан, ҳамд(у санолар) осмонлар Парвардигори, ер Парвардигори, бутун оламлар Парвардигори – Аллоҳ учун (хос)дир” (Жосия сураси, 36-оят).

Аллоҳ таоло барча оламларни бошқариб, бир низомда тутиб туради. Коинотдаги сон-саноксиз жисмларни яратиш, уларни маълум йўналиш бўйича ҳаракатлантириш, куёш, ой, ернинг бир-бири билан мутаносиблигини сақлаш, бир-бирига урилиб кетиши олдини олиш, кўқдаги, курукликдаги, сувдаги барча жонзотларга ризқ бериш, хуллас, жами оламлар ишини тадбир қилиб туриш Раббимиз Аллоҳ таоло зиммасидадир.

“Ар-роҳмаанир роҳийм” – “Раҳмон ва Раҳим...”

“Раҳмон” раҳмати чексиз, “Раҳим” ўта меҳрибон дегани.

Аллоҳ таолонинг “Раҳмон” сифати Унинг барча махлуқотларга, хусусан мўминга ҳам, кофирга ҳам ризқ берувчи, ўта қарамли Зотлигини англатади. “Раҳмон” сифати фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хос. Ундан бошқаси бу сифат билан васф қилинмайди.

“Раҳим” эса “Раҳмон”дан хосроқ бўлиб, “охиратда фақат мўминларга шафқат қилувчи” мазмунини англатади.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳнинг юзта раҳмати бор. Улардан (фақат) битта раҳматни жин, инсон, ҳайвон, ҳашаротлар орасига туширган. Шу сабаб улар ўзаро шафқатли бўладилар, меҳр кўрсатадилар, ваҳший ҳайвон боласига шафқат қилади. Аллоҳ тўқсон тўққиз раҳматини (захира қилиб) олиб қўйган. У билан қиёмат куни (мўмин) бандаларига раҳм қилади²⁶²”.

Аллоҳ чексиз раҳматидан бир бўлагини дунёга туширган. Ана ўша бир қисм раҳмат туфайли инсонлар бир-бирига шафқат қилади, ваҳший ҳайвонлар боласига меҳр кўрсатади, уни машаққат билан боқиб катта қилади. Агар Меҳрибон Аллоҳ Ўзи яратган мавжудотлари қалбига раҳмат ҳисини солмаганида, дунё низоми бузилиб, ҳаёт тизгинидан чиқиб кетарди.

Эътибор берсангиз, фарзанд гўдаклигида, ёшлик чоғларида ота-онасига эркалик қилади. Аллоҳ таоло ота-она қалбига раҳмат неъматини солиб қўйган: улар фарзандлари инжиқлигини, тўполонини кенг юрак билан кўтаради. Ҳатто боланинг хархашаси, шўхликлари ота-она учун ёқимли туюлади. Аллоҳ таоло оналар қалбига шундай меҳрни, раҳматни солиб қўйган: муштипар волидалар тунни кунга улаб болани парваришлагга ҳам шайлар. Оламлар Парвардигори оталар қалбига меҳр ҳисини солиб қўйган: улар энг оғир ишларни қилиб бўлса ҳам, фарзандларини боқишга, яхши едириб-ичиришга, қаровсиз қолдирмасликка интилади.

²⁶² Бухорий, Муслим, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган.

Ҳадис давомида айтилишича, қиёмат куни ҳаммининг ҳоли танг бўлиб турган бир паллада Аллоҳ таоло чинакам мўмин бандалари гуноҳини кечириб, раҳматига олади.

“Маалики явмид дийн” – “Ҳисоб кунининг Подшоҳи...”

Аллоҳ таоло қиёмат кунининг мутлоқ Подшоҳидир. У Кунда бандалар ҳисоб қилинади: яхши амаллар учун мукофот, гуноҳлар учун жазо берилади. Охиратда фақат Аллоҳнинг амри ўтади, Унинг сўзига қарши чиқадиган, ҳукмини ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган зот топилмайди.

“Куни” сўзи арабча матнда “явмун” лафзи билан ифодаланган. У “қуёш чиқишидан ботгунгача бўлган вақт”ни англатади. Бу ерда мутлақ замон, яъни қиёмат куни кўзда тутилмоқда. У куннинг миқдори одамлар ҳисобига кўра, эллик минг йилга тенг.

Бандалар охиратда Аллоҳ таолонинг азобидан кўрқиб, савобидан умид қилиб, марҳаматига кўз тикиб турадилар. Зеро, бу кунда Аллоҳ ҳукмидан ўзга ҳукм ўтмайди, Ундан бошқаси бандалар ҳолига раҳм қила олмайди.

Аллоҳ таолога муносиб ҳамду сано айтилгач, энди мўминлар тилидан шундай ваъда берилади:

5. “Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн” – “Биз Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина ёрдам сўраймиз!”

Яъни: эй Раббимиз, Сен бутун оламлар Парвардигори, ўта Меҳрибон, Раҳмли, ҳисоб кунининг мутлақ Подшоҳи экансан, биз фақат Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина мадад сўраймиз, раҳматингдан умидвормиз, азобингдан кўрқамиз, ҳожатларимизни ёлғиз Ўзингга ошкор этамиз, ибодатларимизни ихлос-ла тўлиқ адо этишда ёрдамингга муҳтожмиз!

“Биз Сенгагина ибодат қиламиз” жумласи “Сенинг айтганингни бажарамиз, ҳукмингга бўйсунамиз, Сенга исён қилмаймиз” маъносини англатади.

“Истионат” манфаатга эришиш, зарарни даф этиш учун қалбнинг Аллоҳ таолога қаттиқ боғланиши, банда ўзини ожиз санаган ҳолда У Зотдан кўмак сўрашидир.

Аллоҳдан мадад сўраш икки хил бўлади:

1. Ибодатларни тўлиқ, бекаму кўст адо этишда ёрдам сўраш;
2. Зарарнинг олдини олиш, ёмонликлардан сақланишда ёрдам сўраш.

Уламолар айтишича, ояти каримада аввал ибодат, кейин истионат келтирилишига бир неча сабаблар бор:

1. Аллоҳ таолонинг ҳақи бандалар ҳақидан устун. Зеро, ибодат Аллоҳнинг бандалари зиммасидаги ҳақи, истионат эса бандаларнинг Аллоҳ зиммасидаги ҳақидир.

2. Аввал умумий, кейин хос нарса зикр қилиниши. Ибодат умумий маънодаги тушунча бўлса, истионат ўша ибодат турига киради.

3. Аввал восита бўладиган нарса тилга олинса, дуо ижобати осонлашади.

4. Банда ибодат қилса, Аллоҳдан ёрдам сўрайди. Имон-эътиқоддан, тоат-ибодатдан йироқ кишилар Аллоҳга дуо қилмайди, У Зотдан мадад сўрамайди.

Фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Ундан кўмак сўрашга ваъда берилгач, дуо-илтижо қилишга ўтилади:

6-7. Бизларни тўғри йўлга – ғазабга учраган, адашганлар эмас, Ўзинг инъом этган зотлар йўлига ҳидоят қил!

Мазкур оятларда кўпликда келган “ибодат қиламиз”, “ёрдам сўраймиз”, “бизларни ҳидоятга бошла” каби жумлалар Исломда жамоат аҳамияти қанчалик катта экани, мўмин киши бошқа биродарлари ҳақиқага дуо қилиши лозимлигини кўрсатади.

“Ихдинас сиротол мустақийм” – “Бизларни тўғри йўлга ҳидоят қил!”

“Ҳидоят” сўзи “мақсадга элтувчи йўлга лутф билан бошлаш” маъносини англатади.

Яъни: эй Раббимиз, бизларни ҳақ йўлга, саодат йўлига, Сенинг розилигингга эриштирадиган, жаннатга олиб борадиган йўлга бошла, бизларга инсоф-тавфиқ бер. Ўзинг ҳидоятда бардавом айла, имонимизни мустаҳкам қил!

Ўтаётган ҳар бир кун инсонни қиёмат сари яқинлаштиради. Охират саодатига элтувчи йўл эса битта. У ҳам бўлса, барча пайғамбарлар, солиҳлар яшаб ўтган Ислом йўлидир.

Шу ерда бир савол туғилади: оятдаги “тўғри йўл”дан мурод Ислом дини бўлса, унда мўмин-мусулмон банда: “Бизларни тўғри йўлга – Исломга бошла!” деб дуо қилишида қандай ҳикмат бор?

“Бизларни тўғри йўлга бошла!” деб дуо қиладиган инсон ҳидоятда бардавомликни, турли нотўғри эътиқодлардан сақлашини Аллоҳдан ўтиниб сўрайди. Зеро, ожиз банда ҳар сонияда Парвардигори тавфиқига, марҳаматига муҳтож. Агар Аллоҳ қўллаб турмаса, тўғри йўлдан адашиб кетиши муқаррар.

Абу Зар розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳ таоло: “Эй бандаларим, сизларнинг ҳар бирингиз адашгандир. Фақат Мен ҳидоят қилганларгина (бундан мустасно). Шунинг учун Мендан ҳидоят сўранглар. Шунда сизларни (тўғри йўлга) ҳидоят қиламан”, деб айтади²⁶³”.

Инсон ўз билими, касбий малакаси, ҳаётий тажрибаси билан ҳам ҳақиқий бахт-саодат йўлини излаб топа олмайди. Чунки ҳақ йўлда собитқадам бўлиш осон эмас. Бу ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бандалар Аллоҳдан тўғри йўлга бошлашини сўрайдилар.

Мўминлар тилидан сиротул мустақимга ҳидоят қилиш сўралгач, бу йўл кимларга насиб этгани, кимлар бундан мосуво экани айтилади:

“Сиротоллазийна анъамта алайҳим. Ғойрил мағзуби алайҳим ва лаз зооллийн” – “Ғазабга учраган, адашганлар эмас, Ўзинг инъом этган зотлар йўлига (бошла)”.

Ибн Аббос розияллоху анху: “Ўзинг инъом этган зотлар йўли” Сенга ибодат қилган, итоат этган фаришталар, пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар йўлидир²⁶⁴”, деган.

Ибн Абу Ҳотим: “Бу оятдаги “ғазабга учраганлар” яҳудийлар, “адашганлар” насронийлар экани борасида муфассирлар ҳамфикрлар”, деб айтган²⁶⁵.

Яъни, бу йўл Сенинг ҳидоятингга, розилигингга эришган, неъматларингга сазовор бўлган зотлар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар йўлидир. Бизларни мана шу йўлга бошла. Нонқўрлик қилиб ғазабингга учраган, ҳақни инкор этган, билганига амал қилмаган яҳудийлар, тўғри йўлдан адашган насронийлар йўлидан асра!

Аллоҳ зикрига ошuftа дил гоҳида чалғиб ҳам кетади, шайтон ҳаёлини ҳар томонга олиб қочади. Тил зикр-ла намланади, аъзолар ҳаракатини қилаверади, бироқ дилда бошқа нарсанинг ёди. Шундай бўлса-да, мўмин банда тезда ўзини ўнглаб олади, қалбини яна Эгасига топширади, Уни улуғлайди, Унга сифнади, набийлар, тўғри йўлдан адашмаганлар йўлига бошлашини илтижо этади, Аллоҳ муяссар қилганича Қуръон ўқийди, ҳар бир сўзни қалбдан ҳис этишга ҳаракат қилади.

Фотиҳа сураси тиловатидан кейин “Омин” дейиш мустаҳабдир²⁶⁶. Бу сўз “Ё Аллоҳ! дуоларимизни ижобат эт!” маъносини билдиради.

Шу ўринда “Омин” дейиш фазилати ҳақидаги ривоятни келтирамиз.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Агар имом: “Ғойрил мағзуби ғалайҳим ва лаз зооллийн”, деса, сизлар: “Омин!” денглар. Чунки кимнинг (“Омин”) дейиши фаришталарникига тўғри келиб қолса, ўтган гуноҳлари кечиради²⁶⁷”.

Маълумки, Фотиҳа сураси намознинг ҳар ракатида такрор-такрор ўқилади. Етти оятдан иборат бу қисқа сурани мусулмон банда бир кунда камида 30-32 марта қайтаради. Агар бошқа нафл ибодатларни ҳам қўшиб ҳисобласак, ҳисоб бундан ҳам ортиб кетади. Лекин шунча такрорласак ҳам Фотиҳа сураси тиловатидан зерикмаймиз, ҳар сафар ўзгача иштиёқ билан қироат қиламиз.

Аслини олганда, ҳар қанча нозик дид билан ёзилган шеър ёки бадий асар ҳам тез-тез ўқиладир, кишини зериктиради. Лекин Қуръони карим ундай эмас. Қуръонни ўқиган сари унга бўлган иштиёқ ортиб бораверади. Кунига ўртача 30-32 марта такрорланадиган Фотиҳа сурасини ёши 70-80 га борган одам неча марта такрорлашини тасаввур қилиб кўринг, азизлар.

Биз юқорида Фотиҳа сураси тафсирини ўргандик. Шу билан бирга, ҳеч бўлмаса, намозда кўп ўқиладиган зам суралар мазмуни билиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Рукуъдаги зикрлар маъноси.

²⁶³ Термизий, Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган.

²⁶⁴ Аллоҳ таоло айтади: “Ким Аллоҳга, Расулига итоат этса, ана ўшалар Аллоҳ инъом этган зотлар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар, солиҳлар билан биргадирлар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳдирлар” (Нисо сураси, 69-оят).

²⁶⁵ Адий ибн Ҳотим розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ғазабга учраганлар” яҳудийлар, “адашганлар” насронийлардир” (Термизий, Аҳмад, Ибн Жарир, Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

²⁶⁶ Ҳанафий мазҳаби уламолар наздида “Омин” овоз чиқармасдан айтилади.

²⁶⁷ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Молик, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Маълумки, рукуъ қилганда мана бу дуо ўқилади:

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ.

Ўқилиши: “Субҳаана роббиял ғазийм”.

Маъноси: “Улуғ Раббим (ҳар қандай нуқсон-камчиликдан) Покдир”.

Яъни, Ўз зотида, сифатларида Буюк, ҳар нарсадан Улуғ Аллоҳ барча айб-нуқсонлардан саломатдир. Жумладан, бирон нарсани билмай қолишдан, ожизликдан, чарчашдан, кучсизланиб қолишдан, Ўзи яратган мавжудотларга ўхшашдан холидир.

Рукуъда, намоздаги бошқа ўринларда айтиладиган зикрнинг турли кўринишлари бор. Ўқувчилар диққатини асосий мавзудан чалғитмаслик учун биз бу ерда фақат бир кўринишини келтирдик. Дуо китобларида бу ҳақда батафсил маълумот берилган.

Намозхон рукуъдан бош кўтарганида шундай дейди:

سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمَدَهُ.

Ўқилиши: “Самиаллоҳу лиман ҳамидах”.

Маъноси: “Аллоҳ Ўзига ҳамд айтган бандасини эшитади”.

Бу ердаги “эшитиш” ижобат қилиш маъносидадир. Яъни, Аллоҳ Ўзига ҳамд айтган банда дуосини қабул этади.

رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ (حَمْدًا كَثِيرًا طَيِّبًا مُبَارَكًا فِيهِ).

Ўқилиши: “Роббанаа ва лакал ҳамд²⁶⁸ (ҳамдан касийрон тоййибам мубаарокан фийҳ)”.

Маъноси: “Эй Раббимиз, ҳамду фақат Сенга хос (Сенга кўп, покиза, муборақ ҳамд айтамыз).

Рифоа ибн Рофеъ Зуракий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир куни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ортларида намоз ўқиётгандик. У зот бошларини рукуъдан кўтарганларида: “Самиаллоҳу лиман ҳамидах”, дедилар. Шунда орқа сафдаги бир киши: “Роббанаа ва лакал ҳамд, ҳамдан касийрон тоййибам мубаарокан фийҳ”, деди. Набий алайҳиссалом намоздан чиққач, “Бу гапни ким айтди?” деб сўрадилар. Ҳалиги одам: “Мен”, деди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен ўттиздан ортиқ фаришта (сен айтган сўзларни) биринчи ёзиш учун шошилаётганини кўрдим”, дедилар²⁶⁹”.

“Роббанаа” – “Эй Раббимиз” деганда Аллоҳнинг Яккаю Ягона Илоҳлиги, Унинг барча мулклар Эгаси, Қудратли зотлиги эътироф этилади.

“Ва лакал ҳамд” деганда дуо билан эътироф жамланади. Унинг мазмуни шундай: “Эй Парвардигоримиз, биздан ҳусни қабул эт. Бизни ҳидоятга бошлаганинг, Ўзинг рози бўладиган йўлга йўллаганинг учун Сенга ҳамд айтамыз”.

“Ҳамдан касийрон тоййибам мубаарокан фийҳ”нинг маъноси куйидагича: “Кўп, холис (тоза, пок), баракали ҳамд айтамыз”.

7. Саждадаги зикрлар маъноси.

سُبْحَانَ رَبِّيَ الْأَعْلَى.

Ўқилиши: “Субҳаана роббиял аълаа”.

Маъноси: “Буюк Раббим (ҳар қандай нуқсон-камчиликдан) Покдир²⁷⁰”.

²⁶⁸ Бу зикр турли сийғаларда келган. Жумладан:

1. “Роббанаа лакал ҳамд” (Бухорий, Муслим ривоят қилган).
2. “Роббана ва лакал ҳамд” (Бухорий, Муслим ривоят қилган).
3. “Аллоҳумма роббанаа лакал ҳамд” (Бухорий, Муслим ривоят қилган).
4. “Аллоҳумма роббана ва лакал ҳамд” (Бухорий ривоят қилган).

²⁶⁹ Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган.

²⁷⁰ Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан намоз ўқиган. Расулulloҳ рукуъда “Субҳаана роббиял ғазийм”, саждада “Субҳаана роббиял аълаа”, дердилар. Қачон раҳмат оятдан ўтсалар, тўхтаб (Аллоҳнинг раҳматини) сўрар, азоб оятдан ўтсалар, (азоб-укубатдан) паноҳ тилардилар (Абу Довуд, Термизий, Насоий ривоят қилган. Ривоят санади саҳих).

Аллоҳнинг “Аъло” сифати “Ҳамма нарсадан олий, буюк, кадри баланд, мутлақ комил” маъноларини англатади.

Намозхон рукуъда камтарликни, саждада хору зорликни ҳис этади, тасбеҳларни, такбирларни, барча дуою зикрларни қалбдан чиқариб, бутун вужуди билан берилиб айтади. Айниқса, саждада Аллоҳ нақадар улуғлигини, ўзининг қанчалик заифлигини ёдга олади, Парвардигорига дилдан тазарруъ қилади.

Икки сажда ўртасида қуйидаги дуо ўқилади:

رَبِّ اغْفِرْ لِي رَبِّ اغْفِرْ لِي.

Ўқилиши: “Роббиғфир лий, роббиғфир лий”.

Маъноси: “Раббим, мени мағфират эт. Раббим, мени мағфират эт”²⁷¹.”

Икки сажда орасида ўтириш, саждаларни шопилмасдан, хотиржамлик билан қилиш суннатдир. Бунда икки қафт худди ташаҳхуддагидек тиззалар устига қўйилади. Мана шу ҳолатда ҳам Аллоҳга хокисорлик изҳор этилади.

Икки сажда орасида мана бу дуони ўқиш ҳам мумкин:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَعَافِنِي وَاهْدِنِي وَارْزُقْنِي.

Ўқилиши: “Аллоҳуммағфир лий, варҳамний, ва аафиний, ваҳдиний, варзуқний”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, гуноҳларимни кечир, менга раҳм қил, офият бер, мени тўғри йўлга бошла, (ҳалол) ризқ бер”²⁷².”

Яъни: “Ё Аллоҳ, катгаю кичик барча гуноҳларимни, нуқсон-камчиликларимни кечир, ибодатларимни ҳусни қабул айла, икки дунёда мени қалб иллатларидан, тана касалликларидан, балло-офатлардан, адашишдан сақла, солиҳ амалларни адо этишда менга тавфиқ бер, ҳақ динда собитқадам қил, менга ҳалол-покиза ризқ бер, охиратда юқори мартаба ато эт, ҳар соҳада қусурларимни тўғрила”.

8. Ташаҳхуд маъноси.

التَّحِيَّاتُ لِلَّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ

الصَّالِحِينَ.

Ўқилиши: “Ат-тахийяту лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаат, ассалааму алайка айюҳан набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатух, ассалааму ғалайна ва ғалаа ғибаадиллааҳис солиҳийн”.

Маъноси: “Мулк (Аллоҳга тегишли), салаватлар, покиза нарсалар Аллоҳ учундир. Эй Пайғамбар, сизга салом, Аллоҳнинг раҳмати, баракаси бўлсин. Бизларга, Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин”.

“Ат-тахийяту лиллааҳи...”даги “тахийя” сўзи улуғлаш маъносини ҳам англатади. Яъни, ҳар жиҳатдан улуғлик, комиллик фақат Аллоҳга хос. Биз Аллоҳнинг улуғлигини эътироф этамиз. У Зот бизнинг улуғлашимизга муҳтожлиги учун эмас, шунга муносиблигини учун Аллоҳ шаънига мақтовлар айтамиз.

“Вас-солаваату” сўзи “намоз”, “дуо” маъносини билдиради. Яъни, барча намозлар – фарзи ҳам, нафли ҳам фақат Аллоҳ учун ўқилади, дуолар У Зотга қилинади, ҳожатлар раво этилиши фақат Аллоҳдан сўралади.

“Тоййибаат” тоза, покиза дегани. Яъни, Аллоҳга энг покиза сифатлар хос. Аллоҳ фақат пок сўзларни гапирди, покиза ишларни қилади, поклик ила васф этилади. Зеро, Аллоҳ барча нарсада: Ўз зотида, сифатларида, қиладиган ишларида Покдир. Шунингдек, Аллоҳ бандаларидан фақат пок нарсаларни: мусаффо эътиқодни, холис амалларни, покиза сўзларни қабул этади.

“Ассалааму алайка”. Яъни:

²⁷¹ Манба: Абу Довуд – Ҳузайфа розияллоху анҳудан – саҳиҳ санад билан келтирган ривоят.

²⁷² Манба: Абу Довуд – Ибн Аббос розияллоху анҳудан – ҳасан санад билан келтирган ривоят.

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳнинг саломи бўлсин! Аллоҳ у зотни ҳифзу химоясида сақласин!

2. У зот учун ҳар қандай офатдан саломатлик тилаб дуо қиламиз.

3. Шариатларига, суннатларига омонлик тилаймиз, душманлар тажовузидан паноҳ сўраймиз.

Шу ерда савол туғилади: тирик инсонга соғлик, тинчлик сўраб дуо қилинади. Бу тушунарли. Лекин ҳаётдан ўтиб кетган одамга нима учун саломатлик сўралади?

Саломатлик сўраб дуо қилиш фақат тириклик билан боғлиқ эмас. Чунки ҳали олдинда қиёматдаги оғир ишлар турибди. Хабарларда келишича, одамлар сирот кўпригидан ўтаётганида пайғамбарлар “Аллоҳумма саллим, саллим” (Ё Аллоҳ, уни саломат қил, саломат қил!) деб дуо қилишади. Бундан чиқди, инсон ўлимдан сўнг ҳам хавф-хатардан холи бўлмайди. Шунинг учун тирикларга ҳам, ўликларга ҳам тинчлик, офият сўралади.

“Ва роҳматуллоҳи ва бароқаатуҳ”. Агар раҳмат мағфират ёки салом билан ёнма-ён келса, унда мақсадга эришишдаги восита назарда тутилади.

“Барака” жуда кўп яхшиликдир. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган мўминлар сони ошишини, улар янада кўпроқ солиҳ амаллар қилишини сўраймиз. Зеро, мўмин-мусулмонлар қилган солиҳ амаллари савоби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб туради.

“Ассалааму ғалайнаа...” деганда киши аввал ўзини, кейин уммати муҳаммадиянинг барча аъзоларини назарда тутди.

“Ва ғалаа ғибаадиллааҳис солиҳийн”. Аллоҳнинг солиҳ бандалари деганда ердами, кўкдами, тирикми, дунёдан ўтганми, одамми, фаришта ёки жинми, ҳар бир солиҳ, ихлосли, Аллоҳга қуллик қилувчи, У Зот буйруқларига итоат этувчи банда кўзда тутилади.

9. Салавот маъноси.

اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ بَجِيدٌ. اللَّهُمَّ بَارِكْ

عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ بَجِيدٌ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма солли ғалаа муҳаммадив-ва ғалаа аали муҳаммад, камаа соллайта ғалаа иброҳийма ва ғалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма баарик ғалаа муҳаммадив-ва ғалаа аали муҳаммад, камаа баарокта ғалаа иброҳийма ва ғалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Иброҳимга, Иброҳим оиласига салавот йўлаганингдек Муҳаммадга, Муҳаммад оиласига салавот йўлла. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан. Ё Аллоҳ, Иброҳимга, Иброҳим оиласига хайр-баракани давомли қилганингдек Муҳаммадга, Муҳаммад оиласига хайр-баракани давомли қил. Зеро, Сен мақтовга энг муносиб, Буюксан”.

Абдурахмон ибн Абу Лайло ривоят қилади: Йўлда кетаётганимда Каъб ибн Ужрани учратиб қолдим. У:

– Сенга Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганим бир нарсани тухфа қилайми? – деди.

– Ҳа, – дедим.

– Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ сизларга қандай салом беришни ўргатган. Бироқ салавотни қандай айтамыз?” – деб сўрадик. Шунда у зот:

– Аллоҳумма солли ғалаа муҳаммадив-ва ғалаа аали муҳаммад, камаа соллайта ғалаа иброҳийма ва ғалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма баарик ғалаа муҳаммадив-ва ғалаа аали муҳаммад, камаа баарокта ғалаа иброҳийма ва ғалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд, деб айтинглар, – дедилар²⁷³.

“Аллоҳумма солли ғалаа муҳаммад”. Аллоҳнинг Пайғамбарига салавоти у зотни малаул аълода (яъни, Ўзига яқин фаришталар олдида) мақташидир. Айрим уламоларга кўра, мазкур салавот “Дунёда мартабаларини баланд, даъватларини юқори, шариатларини боқий этиш билан у зотни улуғ қил.

²⁷³ Бухорий, Муслим, Насой, Доримий, Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Охиратда умматларини шафоат қилиш имконини бериш, у зотга ажр-мукофотларни кўпайтириш билан Расулulloх мартабаларини юқори кўтар”, деган маънони англатади.

“Ва ʔалаа аали мухаммад”. Яъни, Мухаммад соллalloху алайҳи ва салламга эргашганларга ҳам салавот йўлла. Агар “Ва ʔалаа аалихий ва асхаабихий ва атбааъихий” дейилса, у кишининг мўмин қариндошлари, содиқ саҳобалари, қиёматга қадар у зот динига итоат этувчи кишилар назарда тугилади.

“Камаа соллайта ʔалаа иброҳийма ва ʔалаа аали иброҳийм”. Яъни, Иброҳим алайҳиссаломга, у кишига эргашганларга кўрсатган фазлу марҳаматингни Мухаммад соллalloху алайҳи ва салламдан, у киши издошларидан, солиҳ мўминлардан дариг тутма.

“Иннака ҳамийдум мажид”. Аллоҳ таолонинг “Ҳамид” сифати мақтовчи ҳамда мақталувчи маъносини билдиради. Аллоҳ Ўзининг итоаткор бандаларини, авлиёларини мақтайди. Ўз навбатида, бандалари томонидан энг улуғ сифатлар билан мақталади.

“Мажид” улуғлик соҳиби, ўта буюк дегани.

“Аллоҳумма баарик ʔалаа мухаммадив-ва ʔалаа аали мухаммад”. Аввал айтиб ўтганимиздек, “барака” жуда кўп яхшилик мазмунини ифодалайди. Амалдаги барака Аллоҳ тарафидан банданинг солиҳ ишларга муваффақ қилиниши, оқибатдаги барака эса бирон амалдан одамлар манфаат оладиган даражада яхши натижа қолишидир. Шубҳасиз, Набий соллalloху алайҳи ва саллам баракалари мисли йўқ. Чунки Аллоҳ таоло у зот умматлари сонини кўп қилди. Мусулмон уламолар ижтиҳоди ҳам бошқаларникидан баракаликроқ. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллalloху алайҳи ва салламга ҳар жиҳатдан барака ато этган. Салавотда мана бу барака янаям зиёда қилиниши сўралади.

“Камаа баарокта ʔалаа иброҳийма ва ʔалаа аали иброҳийм, иннака ҳамийдум мажид”. Яъни, Иброҳим алайҳиссаломга, у кишига эргашганларга берган баракангни, фазлингни Расулulloх соллalloху алайҳи ва салламга, у зот издошларига ҳам бер.

10. Саломдан олдин ўқиладиган дуолар маъноси.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَفِتْنَةِ الْمَمَاتِ اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْمَأْتَمِّ وَالْمَعْرَمِ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний аувзу бика мин ʔазаабил қобр, ва аувзу бика мин фитнатил масийҳид дажжаал, ва аувзу бика мин фитнатил маҳя ва фитнатил мамаат. Аллоҳумма инний аувзу бика минал маъсами вал мағром”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, қабр азобидан менга паноҳ беришингни сўрайман. Ё Аллоҳ, масиҳ дажжол фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман. Ё Аллоҳ, тириклик ҳамда ўлим фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман. Ё Аллоҳ, гуноҳдан, қарздан паноҳ тилайман”.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинишича, Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам намозда “Аллоҳумма инний аувзу бика мин ʔазаабил қобр, ва аувзу бика мин фитнатил масийҳид дажжаал, ва аувзу бика мин фитнатил маҳя ва фитнатил мамаат. Аллоҳумма инний аувзу бика минал маъсами вал мағром”, деб дуо қилардилар. Бир киши у зотга: “Эй Расулulloх, қарздан жуда кўп паноҳ сўраяпсизми?” деди. У зот: “Агар киши қарзга ботиб қолса, ёлғон гапиради, ваъдасига хилоф қилади”, дедилар²⁷⁴.

“Аллоҳумма инний аувзу бика мин ʔазаабил қобр” – “Ё Аллоҳ, қабр азобидан менга паноҳ беришингни сўрайман”.

Яъни, барзах ҳаётидаги азоб-уқубатлардан паноҳ сўрайман. Бу ердаги “қабр”дан мурод фақат маййит кўмиладиган ер эмас. Зеро, банда вафот этиб, ерга кўмилмаслиги: оловда ёниши ёки сувда чўкиши мумкин. Қабрга кўмилган ҳам, кўмилмаган ҳам барзах ҳаётини бошидан кечиради. Мазкур дуода мана шу муддат ичида бўладиган қийинчиликлардан нажот сўралмоқда.

“Ва аувзу бика мин фитнатил масийҳид дажжаал” – “Ё Аллоҳ, масиҳ дажжол фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман”.

²⁷⁴ Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насой, Аҳмад ривоят қилган.

Масих дажжол фитнаси Одам алайҳиссалом яратилганидан бери ер юзида содир бўладиган энг катта фитнадир. Шунинг учун ҳар бир пайғамбар қавмини дажжол фитнасида оғохлантирган. Масих дажжол фитнаси дунё фитналаридандир. Чунки маййитлар ундан саломат бўладилар.

“Ва аувзу бика мин фитнатил маҳя ва фитнатил мамаат” – “Ё Аллоҳ, тириклик ҳамда ўлим фитнасида паноҳ беришингни сўрайман”.

“Фитна” сўзи бу ерда “имтиҳон”, “синов” маъносида келмоқда. Тириклик фитнаси инсон ҳаётлик чоғида дуч келадиган синовлар, шахватлар, шубҳа-гумонлар, жаҳолат, мусибатларга сабрсизлик ва шу каби турли-туман синовлардир. Аллоҳ хоҳлаган кам сонли бандаларгина бу фитналардан омон қолади.

Дунё фитнаси асосан икки нарса: шубҳалар ҳамда шахватлар атрофида бўлади. Шубҳалар манбаи жаҳолатдир. Илмсизлик, ғофиллик сабаб инсон ҳақни ботил, ботилни ҳақ, ҳалолни ҳаром, ҳаромни ҳалол деб ўйлайди, алдовни чапдастлик, номаҳрамларга ҳирс билан қарашни ҳуррият деб билади. Оқибатда гуноҳга ботади. Шахватлар манбаи эса ҳавойи нафсдир. Масалан, бир одам ҳақ нималигини билади, бироқ нафси унинг тескарисини қилишга ундайди. Шунинг учун ҳар бир банда доим Аллоҳ таолога дуо қилиб, қалб касалликларидан асрашини сўрайди.

Ўлим фитнаси – жон чиқиш вақтида, ўлимдан сўнг бўладиган синовлар. Жумладан, шайтон васвасаси, сакарот²⁷⁵ машаққати, қабрдаги савол-жавоблар, азоб-уқубатлар ва ҳоказо. Аллоҳ таоло барчамизни тириклик ва ўлим фитнасида асрасин!

“Аллоҳумма инний аувзу бика минал маъсами вал мағром” – “Ё Аллоҳ, гуноҳдан, қарздан паноҳ тилайман”.

Бу ерда инсонни гуноҳга етаклайдиган амаллардан, қарзни адо этишга қурби етмай қолишдан паноҳ сўралмоқда. Зеро, қарзга ботган одам ёлғон гапиришга ўрганади, “Қарзимни эртага (индинга ёки бир ойдан кейин) бераман”, дейди, лекин сўзида турмайди, ваъдасига хилоф қилади. Аслида зарурат туғилганида қарз сўраш жоиз. Аммо бўйни билан қарзга ботиб, уни тўлашдан ожиз қолиш нохуш ҳолатдир. Шунинг учун бундан ҳам паноҳ сўралади.

اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ فَاعْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي إِنَّكَ أَنْتَ الْعَفُورُ الرَّحِيمُ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касийро, ва лаа яғфируз зунувба иллаа ант, фағфир лий мағфиротам мин ындик, варҳамний, иннака антал ғофуврур роҳийм”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ! Мен ўзимга жуда кўп зулм қилиб қўйдим! Барча гуноҳларни Ёлғиз Ўзинг кечирасан! Шундай экан, даргоҳингдаги (улуғ) мағфират-ла мени кечир, холимга раҳм айла! Зеро, Сен гуноҳларни кечирувчи раҳмли Зотсан!”

Ривоят қилинишича, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам олдиларига келиб: “Намозда ўқишим учун менга бир дуо ўргатинг!” деди. Шунда Расули акрам алайҳиссалом Абу Бакрга мана шу дуони ўргатдилар²⁷⁶.

“Аллоҳумма инний золамту нафсий зулман касийро” – “Ё Аллоҳ! Мен ўзимга жуда кўп зулм қилиб қўйдим!”

Одам боласи гарчи сиддиқ (ўта ростгўй) бўлса ҳам, унинг нуқсон-камчиликлари, гуноҳлари кўп. Зеро, банда турли неъматлар билан сийланган. Уларнинг бир қисмига шукр қилишга-да тоқати етмайди. Шунинг учун заифлигини эътироф этиб, Аллоҳга кўп истиғфор айтса, гуноҳларини кечиршини ўтиниб сўраса, бандага хос иш қилган бўлади.

“Ва лаа яғфируз зунувба иллаа ант, фағфир лий мағфиротам мин ындик, варҳамний, иннака антал ғофуврур роҳийм” – “Барча гуноҳларни Ёлғиз Ўзинг кечирасан! Шундай экан, даргоҳингдаги (улуғ) мағфират-ла мени кечир, холимга раҳм айла! Зеро, Сен гуноҳларни кечирувчи раҳмли Зотсан!”

²⁷⁵ “Сакарот” сўзи “сакротун”нинг кўплик шакли бўлиб, “ғафлат”, “залолат” маъносига эга. Сакротул мавт эса жон чиқиш пайтида эс-хушни йўқотиш, ўлим шиддатидир.

²⁷⁶ Бухорий ривоят қилган.

Банда ожизлигини тан олиб Аллоҳга истиғфор айтса, холига раҳм қилишини ўтиниб сўраса, Аллоҳ уни кечиради. Зеро, гуноҳларни фақат Аллоҳ кечиради. У Зот бандаларига раҳм қилувчи, Меҳрибондир.

اللَّهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ.

Ўқилиши: “Аллоҳумма аинний ʔалаа зикрика ва шукрика ва хусни ʔибаадатик”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сени зикр этишда, (берган неъматларингга) шукр қилишда, Ўзингга чиройли суратда ибодат қилишда менга ёрдам бер²⁷⁷”.

Зикр Қуръон ўқиш, шаръий илм олиш, тасбеҳ ёки ҳамд айтиш ва хоказоларни ўз ичига олади.

Шукр эса Аллоҳ берган неъматларни эслаб, Унга ҳамду санолар, мақтовлар айтишдир.

Бу ерда аввал зикр, кейин шукр келишига сабаб, агар инсон Парвардигорини эсласа, берган неъматларига шукр қилади, уларни Хожаси рози бўладиган жойларга ишлатади.

Чиройли суратда ибодат қилиш деганда ихлос билан Аллоҳга кулик қилиш назарда тугилади. Зеро, ибодат холис бўлмаса, суннатга мувофиқ бажарилмаса, ундан ҳеч қандай фойда чиқмайди, Аллоҳ тарафидан қабул қилинмайди. Банда ибодатни гўзал қилиши учун ҳам Аллоҳнинг кўмагига муҳтож.

11. Салом маъноси.

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ السَّلَامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ.

Ўқилиши: “Ассалааму ʔалайкум ва роҳматуллоҳ, ассалааму ʔалайкум ва роҳматуллоҳ”.

Маъноси: “Сизларга тинчлик, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Сизларга тинчлик, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”.

“Салом” сўзи “тинчлик”, “хотиржамлик”, “омонлик” маъносини англатади. “Раҳмат” эса “яхшилик”, “неъмат” мазмунини ифодалайди.

Демак, намоздан чиқишда икки томонга салом берилади. Жамоатга ҳозир бўлган намозхон ўнг ҳамда чап тарафдаги биродарларига, яна фаришталарга салом беришни ният қилади. Ёлғиз намоз ўқувчи эса фақат фаришталарни ният қилади.

12. Саломдан кейинги зикрлар маъноси.

Икки тарафга салом берилгач, мана бу дуо ўқилади:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ.

Ўқилиши: “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ. Аллоҳумма антас салаам, ва минкас салаам, табаарокта я зал жалаали вал икром”.

Маъноси: “Аллоҳдан мағфират сўрайман, Аллоҳдан мағфират сўрайман, Аллоҳдан мағфират сўрайман. Ё Аллоҳ, Сен Саломсан (нуқсонлардан саломатсан, бандаларингга офият берувчисан), тинчлик-омонлик ҳам Сендан (сўралади). Эй улуғлик ва яхшилик Соҳиби, Сен Буюксан!”

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан чиксалар, уч марта истиғфор айтиб, кейин: “Аллоҳумма антас салаам, ва минкас салаам, табаарокта я зал жалаали вал икром”, дердилар”. Валид шундай деган: “Мен Авзойдан истиғфор қандай айтилишини сўрагандим, “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ”, дейсан”, деб истиғфорни ўргатди²⁷⁸”.

Намозхон икки тарафига салом берганидан сўнг уч марта “Астағфируллоҳ” дейиши суннатдир. Бу билан Парвардигори улуғлигини, ўзининг заифлигини, амали қусурли эканини тан олади, Аллоҳга юкинади, гуноҳларини кечиришни, ожизона ўқиган намозини фазлу марҳамати ила қабул этишини ёлвориб сўрайди.

²⁷⁷ Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

²⁷⁸ Муслим, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ривоят қилган.

“Аллоҳумма антас салаам, ва минкас салаам”. Яъни: эй Аллоҳ, Сен ҳар қандай камчиликдан, айб-нуқсондан саломатсан, мўминларга саломатлик берувчисан. Тинчлик-саломатлик, омонлик Сендан сўралади, бу неъматларни бандаларингга фақат Сен берасан.

“Табаарокта я зал жалаали вал икром”. Яъни: эй улуғлик, яхшилик Соҳиби! Сенинг яхшилигинг кўп, бараканг улуғ. Сен бандаларинг томонидан кўкларга кўтарилишга муносибсан.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ وَلَا مُعْطِي لِمَا مَنَعْتَ وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ.

Ўқилиши: “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодийр. Аллоҳумма лаа мааниа лимаа аʔтойт, ва лаа муʔтия лимаа манаʔт, ва лаа янфаʔу зал жадди минкал жадд”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ёлғиздир, шериги йўқ. Мулк ва ҳамд Унга тегишли. (Аллоҳ) ҳамма нарсага Қодир. Ё Аллоҳ, Сен берган нарсани ман этувчи йўқ. Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. “Улуғлик” эгасининг улуғлиги (мол-дунёси, мансаб-мартабаси, таниш-билишлари) Сенинг (азобинг)дан (омон қолишда) фойда бермайди²⁷⁹”.

“Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ”. Яъни: Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. Ундан ўзга “илоҳ”лар сохтадир – одамлар томонидан ўйлаб топилган. Қуллик қилишга, итоат этишга фақат Аллоҳнинг Ўзи лойиқ. Унинг шериги, ҳамроҳи йўқ. Борлиқни яратишда, оламлар ишини тадбир қилишда, мавжудотларни ризқлантиришда ҳеч ким Аллоҳга шерик бўла олмайди.

“Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодийр”. Яъни: осмонлар ва ердаги барча нарса Аллоҳники. Уларни тасарруф этиш ҳам Аллоҳ зиммасидадир. Ҳамду саноларнинг ҳаммаси Аллоҳга хос. Аллоҳ мақталишга, олқишланишга энг муносиб Зотдир. Аллоҳ ҳар нарсага Қодир. У Зотнинг кўлидан келмайдиган иш йўқ. Агар бир нарсани хоҳласа, “Бўл!” деса бас, ўша заҳоти истаган иши содир бўлади.

“Аллоҳумма лаа мааниа лимаа аʔтойт, ва лаа муʔтия лимаа манаʔт, ва лаа янфаʔу зал жадди минкал жадд”. Яъни: Аллоҳ бир бандага неъмат беришни хоҳласа, уни ҳеч ким тўса олмайди. Инсу жин тўпланиб келиб, бирон кишидан Аллоҳ фазлини қайтаришга имкони бўлмайди. Агар Аллоҳ бандани бирон нарсдан сиқиб қўйса, унга ўша нарсани беришга ҳеч кимнинг қурби етмайди. Бой одамнинг бойлиги, фарзандлари, мартабаси уни Аллоҳнинг азобидан сақлаб қолмайди. Унга фақат – Аллоҳ фазли, раҳмати ила – солиҳ амаллар фойда беради.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نَعْبُدُ إِلَّا إِيَّاهُ لَهُ النِّعْمَةُ وَلَهُ الْفَضْلُ وَلَهُ الثَّنَاءُ الْحَسَنُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ.

Ўқилиши: “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодийр. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ. Лаа илааҳа иллаллоҳу ва лаа наъбуду иллаа ийях, лаҳун ниъмату ва лаҳул фазлу ва лаҳус санааул ҳасан. Лаа илааҳа иллаллоҳу мухлисийна лаҳуд дийн, ва лав карихал каафирувн”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ёлғиз, шериги йўқ. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники. У барча нарсага Қодир. Куч-қувват (бирон ишни бажариш, яхшилик касб қилиш) фақат Аллоҳ(нинг ёрдами) билан (бўлади). Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Биз фақат Унга ибодат қиламиз. (Зоҳирий, ботиний) неъмат ҳам, фазл (инъом, яхшилик) ҳам, чиройли мақтов (ҳамду сано, шукр кабилар) ҳам Унга тегишли. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар ёқтирмаса ҳам Унинг учун Динни холис қилувчилармиз (яъни, ибодатда Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаймиз, фақат Аллоҳга ибодат қиламиз)”.

Ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан кейин мана шу дуони ўқирдилар²⁸⁰.

²⁷⁹ Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривоят қилган.

²⁸⁰ Муслим, Насоий, Аҳмад ривоят қилган.

Шундан кейин 33 мартадан “Субҳааналлоҳ”, “Алҳамдулиллааҳ”, “Аллоҳу акбар” деб зикр айтилади²⁸¹. Охирида бир марта “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайʔин қодийр”, дейилади.

Сўнг Оятул курсий ўқилади. Фарз намозларидан кейин бу оятни ўқиш фазилати улғ.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимда-ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, унинг жаннатга киришини фақат ўлими тўсиб туради”, деб марҳамат қилганлар²⁸².

Оятул курсий тафсири “Қуръон – қалблар шифоси” номли китобда келтирилган. Шунинг учун бу ерда такрор зикр этиш лозим топилмади.

52-САБАБ. ЗИКР-ТАСБЕҲЛАРДА, ҚИРОАТДА ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Ибодатлар хусусида фикр юритсак, турли-туманликни кўрамиз: қалб (юрак) ибодати, тил ибодати, амалий ибодат, молиявий ибодат. Масалан, имон қалб ибодати, намоз қалб, тил, бадан

²⁸¹ Бу бобда турли ривоятлар нақл қилинган. Жумладан:

1. 33 марта тасбеҳ, 33 марта таҳмид, 33 марта такбир айтиш. Абу Хурайра розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким намоздан кейин 33 марта “Субҳааналлоҳ”, 33 марта “Алҳамдулиллааҳ”, 33 марта “Аллоҳу акбар” деса, бу 99 та бўлади. “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайʔин қодийр” билан 100 та бўлади. (Ким шуларни айтса,) гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам кечирилади” (Муслим ривоят қилган).

2. 33 марта тасбеҳ, 33 марта таҳмид, 34 марта такбир айтиш. Каъб ибн Ужра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “(Намоздан) кейинги (зикр)ларни айтувчи (савобдан) маҳрум бўлмайди. Ҳар бир намоздан сўнг 33 марта тасбеҳ, 33 марта таҳмид, 34 марта такбир айтади” (Термизий, Насоий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

3. 33 мартадан “Субҳааналлоҳ, валҳамдулиллааҳ, валлоҳу акбар” дейиш. Бу ҳақидаги ривоятни Бухорий, Муслим ривоят қилган.

4. 25 марта тасбеҳ, 25 марта таҳмид, 25 марта такбир, 25 марта таҳлил айтиш. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Биз ҳар бир намоздан кейин 33 марта тасбеҳ, 33 марта ҳамд, 34 марта такбир айтишга буюрилгандик. Ансорлардан бири туш кўрибди. Унда Расулуллоҳ ҳар бир намоздан кейин 33 марта тасбеҳ, 33 марта ҳамд, 34 марта такбир айтинглар, деб амр қилибдилар. У: “Ҳа”, дебди. У зот: “25 марта қилинглар, улар билан таҳлил (“Лаа илааҳа иллаллоҳ”) ҳам қилинглар”, дебдилар. Тонг отганида ҳалиги одам Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб кўрган тушини айтиб берибди. У зот: “(Шундай) қилинглар”, дебдилар” (Термизий, Насоий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Бу ривоятга кўра, тасбеҳ, таҳмид, такбир, таҳлил 25 мартадан айтилади.

5. 11 марта тасбеҳ, 11 марта таҳмид, 11 марта такбир айтиш. Сухайл айтади: “Ўн бир мартадан, ўн бир мартадан (айтади). Буларнинг ҳаммаси 33 марта бўлади” (Муслим ривоят қилган).

Имом Нававий “Саҳиҳу муслим”га ёзган шарҳида: “Сухайлнинг (тасбеҳларни) 11 мартадан айтилиши ҳақидаги ривояти кўпчиликнинг 33 марта айтилиши борасидаги ривоятига хилоф эмас”, деган.

6. 10 тасбеҳ, 10 марта таҳмид, 10 марта такбир айтиш. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Икки хислат ёки хусусиятни мўмин банда сақласа, жаннатга қиради. У иккиси осон, қилган одамга кам: ҳар бир намоздан кейин 10 марта тасбеҳ, 10 марта ҳамд, 10 марта такбир айтади. Бу тилда 150 та, мезонда 1500 тадир. Агар ўрнига ётса, 34 марта такбир, 33 марта ҳамд, 33 марта тасбеҳ айтади. Бу тилда 100 та, мезонда 1000 тадир”, дедилар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни қўллари билан санаётганларини кўрганман. Одамлар: “Эй Расулуллоҳ, бу иккиси осон, уни қилганга кам деганингизни қандай тушунамиз?” деб сўрашди. У зот: “Сизлардан бир (киши) олдига (шайтон) уйқуга ётишидан аввал келиб, уларни айтмасидан ухлатиб қўяди, намозда уларни айтишдан олдин бир ҳожатини эслатади”, дедилар” (Абу Довуд, Насоий, Ибн Можа ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний “Фатҳул борий”да айтади: “Тасбеҳларнинг 10 мартадан айтилиши ҳақидаги ривоятларга гувоҳларни кўрдим. Бу бобда Аҳмад Али ибн Абу Толибдан, Насоий Саъд ибн Абу Ваққосдан, Абу Довуд, Термизий, Насоий Абдуллоҳ ибн Амрдан, Баззор Умму Саламадан, Табароний Умму Молик Ансория розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган”.

Бу бобда келган ривоятларнинг энг машҳури 33 мартадан айтилиши ҳақидагисидир. Бу хусусда Абу Хурайра, Али ибн Абу Толиб, Ибн Аббос, Абу Зар, Каъб ибн Ужра, Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳумдан ривоятлар келтирилган. Уларнинг нақл қилиниш йўллари ҳам кўп.

Хуллас, намоздан кейин тасбеҳ айтиш мустаҳабдир. Банда хоҳласа, улардан ҳар бирини 10, 11, 25 ёки 33 мартадан айтиши мумкин. Қайси бирини айтса ҳам ҳадисга амал қилган бўлади. Бироқ 33 мартадан айтиш ҳақидаги ривоятлар машҳурроқ.

²⁸² Насоий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ.

ибодати, закот молиявий ибодат, рўза вужуд ибодати, ҳаж эса молиявий, амалий ибодатдир. Намознинг ўзи ҳам бир хилликдан иборат эмас, балки қиём, рукуъ, сажда, жалса каби амаллардан ташкил топган.

Демак, ким ҳаёти хотиржам, руҳияти кўтаринки, неъматлар давомли бўлишини истаса, амаллар турини кўпайтиради, ҳар хилликни кундалик ҳаётига татбиқ этиб, умрини сермазмун ўтказиши²⁸³.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, киши намоздаги зикр-тасбеҳларни алмаштириб ўқиса, доим бир хил дуо, зикрларни такрорлайвермасдан бир сафар унисини, бошқа сафар бунисини айтса, хушуъга эришади. Шу билан бирга суннатга амал қилгани учун ҳам савоб олади. Масалан, санонинг, рукуъдаги, саждадаги дуоларнинг, салаватларнинг турли хил шакллари бор. Уларни галма-гал ўқиш билан улкан фойдалар қўлга киритилади.

Қолаверса, қироатда ҳам хилма-хиллик таъминланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун Қуръонни беҳато ўқиш малакасини ҳосил қилиш зарур. Бизда бир ҳолат бор: кўпчилик Фил сурасидан кейинги сураларни такрор-такрор ўқишни одат қилган. Аслида бунинг ёмон жиҳати йўқ. Лекин хушуъ ҳосил қилиш учун бошқа сураларни ҳам ўқиш тавсия этилади.

53-САБАБ. НАМОЗНИНГ ТУРЛИ ЎРИНЛАРИДА ДУО ҚИЛИШ

Дуо Аллоҳга муножот қилиш, юкиниш, тазарруъ этишдир. Агар банда дуода бардавом бўлса, ҳожатлари раво этилишини ёлвориб сўраса, Аллоҳ тилагини бажо келтиради. Бу билан унинг Раббига муҳаббати ортади, қалбидаги хушуъ кучаяди, мартабаси кўтарилади. Зеро, дуо улўғ ибодатдир. Муборак ҳадисда ҳам шунга урғу берилган.

عَنْ التَّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الدُّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ "قَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ". رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Нўъмон ибн Башир розияллоху анҳу Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Дуо ибодатдир. Парвардигорингиз: “Менга дуо қилинглар, сизларга ижобат этаман”, деган” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можжа, Аҳмад, Ҳоким ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Дуо – кишининг Аллоҳга муҳтожлигини кўрсатувчи ибодат. Чунки у дуо билан Аллоҳга юзланади, ўзгаларга тама нигоҳи билан боқмайди, фақат Парвардигори фазлини истайди, азобидан кўрқади. Дуо қилган инсон Парвардигори яғоналигини, ҳар нарсага қодир эканини, фақат Аллоҳ унинг истакларини тўлиқ бажо келтиришини эътироф этади, ҳар ишда таваккул қилади, мақсадига етишда Ундан мадад сўрайди. Мана шу ҳолат убудиятнинг (яъни, бандаликнинг) энг юксак кўринишидир.

Қийинчиликка тушиб қолган кишига Ёлғиз Аллоҳ таянч бўла олади, жабрланган кишига ёрдам беради. Аллоҳга борлиқнинг ҳожати тушади, мавжудотлар Ундан сўрайди, тиллар Унинг зикри билан машғул бўлади, қалблар Аллоҳга топинади.

Қийинчилик ва фаровонликда, хурсандчилик ва аламли кунларда Аллоҳга дуо қилишимиз, бало етганда Унга зорланишимиз, машаққатга тушганимизда Унга боғланишимиз, сўраб, йиғлаб, тазарруъ қилиб, юзланиб эшиги остонасида йиқилишимиз сизу бизга вожибдир. Шунда Аллоҳнинг мадади келади. Раббингизга қилган дуонингиз мақсадга эриштиришидан ташқари алоҳида ибодат, буюк тоатдир. Дуони гўзал қилган банда хотиржам бўлиши, майда-чуйдаларга аҳамият бермаслиги, ғам чекмаслиги, безовталанмаслиги аниқ.

Аллоҳнинг арқонидан бошқа ҳамма арқон узилади. У Зотнинг эшигидан бошқа ҳамма эшик ёпилади. У яқин, эшитувчи, ижобат этувчи Зотдир. Чорасиз қолган киши дуо-илтижо қилса, Аллоҳ ижобат қилади. У бизни Ўзига дуо қилишга буюрган. Биз фақир, заиф, муҳтожмиз. Аллоҳ эса беҳожат, қудратли, улўғдир.

Бошингизга балолар ёғилса, бахтсиз ҳодиса юз берса, мудом Аллоҳни эсланг, Унга нидо қилинг, мадад сўранг, нусратини тиланг, номини улўғлаш билан пешонангизни ерга қўйинг. Шунда хуррият тожини қўлга киритасиз. Убудият тупроғига бурунни қўйсангиз нажот нишонига эришасиз.

²⁸³ Манба: Оиз Қараний, “Маҳзун бўлма”.

Кўлингизни узатинг, кафтингизни очинг, тилингизни қимирлатинг, кўп сўранг, сўрайверинг, Аллоҳга интилинг, эшиги олдида туриб олинг, лутф кўрсатишини кутинг, фатҳ беришини пойланг, номини тилингиздан қўйманг. Парвардигорингиз ҳақида яхши гумонда бўлинг, Унга ўзингизни бағишланг, юз тутинг. Шунда бахтга эришасиз, нажот топасиз²⁸⁴.

Дуога қўл очиш инсоннинг камтарлигини, ўзини ожиз санашини кўрсатади. Бу билан у Аллоҳга сеvimли бўлади. Зеро, Аллоҳга дуо қилишдан бош тортадиган, эҳтиёжларини Хожасига билдиришдан бўйин товлайдиган кимсалар маломатга лойиқдир.

Маълумки, намознинг турли ўринларида, масалан, рукуъда, саждада оламлар Парвардигорини улуғлаш, Унга тасбеҳлар айтиш, тазарруъ қилиш жорий этилган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ... فَأَمَّا الرُّكُوعُ فَعِظْمُوا فِيهِ الرَّبَّ عَزَّ وَجَلَّ وَأَمَّا السُّجُودُ فَاجْتَهِدُوا فِي الدُّعَاءِ فَقَمِنُ أَنْ يُسْتَجَابَ لَكُمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: "... Энди рукуъга келсак, унда Парвардигор азза ва жаллани улуғланглар. Саждада эса дуога жидду жаҳд қилинглар. Зеро, сизларга ижобат этилиши муносибдир²⁸⁵", деганлар (Муслим, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

Рукуъда, саждада Қуръон ўқилмайди, балки тасбеҳ айтилади, дуо қилинади. Мўмин-мусулмон инсон – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам тавсияларига биноан – рукуъда “Субҳаана роббиял азийм”, деб Улуғ Аллоҳ комил Зотлигини, ҳар қандай камчиликдан пок эканини тасдиқлайди. Саждада эса “Субҳаана роббиял аълаа” деб Буюк Парвардигори нуқсонлардан саломатлигини тан олади, пешонасини ерга қўйиб, кўрқув ҳамда умид билан Аллоҳга дуолар қилади, қалбини ўртаётган муаммоларни Ҳожатбарор Раббига арз этади. Намозда ихлос-ла дуо қилиш, тавозеъ билан эгилиш, хокисор тарзда сажда қилиш ибодатга руҳ, ўзгача файз бағишлайди.

Аллоҳга, охираат кунига ишонган банда Парвардигорига кўрқув ва умид билан дуо қилади. Қуръони каримда анбиёлар ҳақида шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

“Ҳақиқатан, улар (яъни, мазкур пайғамбарлар) яхши ишларга шошар, Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо-илтижо этардилар. Улар Бизга хушув қилувчи эдилар” (*Анбиё сураси, 90-оят*).

Мазкур пайғамбарлар эзгу ишларга шошилар, ҳар қандай ҳолатда Парвардигорларига илтижо этардилар²⁸⁶, Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиб, азобидан кўрқиб дуо қилардилар, ғофил эмасдилар. Улар Аллоҳга хушув қилувчи, юкинувчи, У Зотдан кўрқувчи эдилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ادْعُوا اللَّهَ وَأَنْتُمْ مُوقِنُونَ بِالْإِجَابَةِ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَجِيبُ دُعَاءَ مَنْ قَلِبٍ غَافِلٍ لَاهٍ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْحَاكِمُ وَالتَّطَبَّرِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ижобат этилишига аниқ ишонган ҳолда Аллоҳга дуо қилинглар. (Шуни) билинглар, Аллоҳ ғофил, (ўзга нарсалар зикри билан) машғул қалбдан дуони қабул этмайди” (Термизий, Ҳоким, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Инсон дуо қилаётганида Аллоҳ унга ижобат этишига аниқ ишонса, қўлини самога кўтариб илтижо қилишдан олдин гуноҳдан тавба қилса, истиғфор айтса, фикрини бир ерга жамлаб, муборак вақтларни ғанимат билса, дуоси қабул бўлишидан умид қилинади. Аллоҳнинг раҳмати кенг. У Зот холис банда тилакларини раво қилади. Фақат киши дилига гумон ораламаса, Парвардигори

²⁸⁴ Манба: Оиз Қараний, “Маҳзун бўлма”.

²⁸⁵ Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Банда сажда қилганда Парвардигорига энг яқин бўлади. Шундай экан, дуони кўпайтиринглар!” деганлар (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

²⁸⁶ Пайғамбарлар фаровон кунларда ҳам, мушкул вазиятда қолганларида ҳам Аллоҳга дуо-илтижо қилардилар. Мушриклар эса фақат танг аҳволга тушсалар Аллоҳга дуо қилишар, қийинчилик аригач яна ширк амалларни давом эттиришарди.

марҳаматига шак-шубҳасиз ишонса, умид ила кўтарилган қўллари бўш қайтмайди. Агар “Дуойим қабул бўлармикан”, деб иккиланса, қалб кўри ила тазарруъ этмаса, ёдлаб олган дуоларни тил учуда айтиб туриб, хаёли бошқа нарсаларда бўлса, ҳаракати бесамар кетади. Чунки ғофил қалб эгасининг дуоси қабул этилмайди. Намозда ҳам шундай. Фикр тарқоқ бўлса, мияда турмуш ташвишлари айланаверса, ибодат комиллигига путур етади.

54-САБАБ. ФАРЗ НАМОЗЛАРИДАН ОЛДИНГИ, КЕЙИНГИ СУННАТИ МУАККАДА НАМОЗЛАРИНИ ЎҚИШ

Хушуъ ҳосил қилишда, ибодат чоғида йўл қўйилган камчиликлар ўрнини тўлдиришда суннат намозлари ўрни катта. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматларини мазкур намозларга тарғиб қилганлар, уларни доим ўқиб юрганларга жаннатда қаср қурилиши ҳақида хушхабар берганлар.

عَنْ أُمِّ حَبِيبَةَ زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَا مِنْ عَبْدٍ مُسْلِمٍ يُصَلِّيَ لِلَّهِ كُلَّ يَوْمٍ ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رُكْعَةً تَطَوُّعًا غَيْرَ فَرِيضَةٍ إِلَّا بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ أَوْ إِلَّا بُنِيَ لَهُ بَيْتٌ فِي الْجَنَّةِ. قَالَتْ أُمُّ حَبِيبَةَ: فَمَا بَرِحْتُ أَصَلِّيَهُنَّ بَعْدُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам завжалари Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир мусулмон банда ҳар куни фарздан ташқари ўн икки ракат намоз ўқиса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй қуради ёки унга атаб жаннатда уй қурилади”, деганларини эшитганман. Шундан бери (суннат намозларини) ўқиб келаман” (Муслим, Абу Довуд, Насоий, Ибн Можжа, Аҳмад ривоят қилган).

Ўзини билган одам таъкидланган суннат намозларининг бир ракатини ҳам қолдирмасликка ҳаракат қилади. Жумладан, ҳадис ровийи Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳо онамиз бу ҳадисни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитганларидан бери суннат намозларни қанда қилмаган эканлар. Яхшиликка ташна, Аллоҳ розилигини топиш умидидаги инсон мана шундай бўлади.

Бошқа ривоятда мазкур намозлар қачон, неча ракатдан ўқилиши айтилган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ تَابَرَ عَلَى ثِنْتَيْ عَشْرَةَ رُكْعَةً مِنَ السُّنَّةِ بَنَى اللَّهُ لَهُ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ: أَرْبَعِ رُكْعَاتٍ قَبْلَ الظُّهْرِ وَرُكْعَتَيْنِ بَعْدَهَا وَرُكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْمَغْرَبِ وَرُكْعَتَيْنِ بَعْدَ الْعِشَاءِ وَرُكْعَتَيْنِ قَبْلَ الْفَجْرِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ошиа розияллоҳу анҳо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким ўн икки ракат суннат намозини: пешиндан олдин тўрт ракат, ундан кейин икки ракат, шомдан кейин икки ракат, хуфтондан кейин икки ракат, бомдоддан олдин икки ракатни доим ўқиб юрса, Аллоҳ унинг учун жаннатда бир уй бино қилади” (Термизий, Насоий, Абу Яъло ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Фарз намозларидан олдин ўқиладиган суннат намозлари кишини намозга тайёрлайди, фикрни бир ерга жамлашга ёрдам беради. Бу билан қалбда хушуъ ҳосил бўлади.

Фарздан кейин ўқиладиган суннат намозлари эса фарз намозида йўл қўйилган нуқсон-камчиликларни тўғрилайди.

55-САБАБ. ФАРЗ НАМОЗЛАРИДАН КЕЙИН ЗИКР АЙТИШ

Шубҳасиз, фарз намозларидан кейин зикр-тасбеҳлар айтиш қалбда хушуъ ҳосил қиладиган омиллардан биридир. Қолаверса, бу билан ибодатда йўл қўйилган нуқсон-камчиликлар учун истиғфор айтилади, қусурлар ўрни тўлдирилади.

Фарз намозларидан кейин айтиладиган зикрларни куйида эслатиб ўтамыз.

1. Икки тарафга салом бергандан кейин уч марта истиғфор айтилади:

أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلَامُ وَمِنْكَ السَّلَامُ تَبَارَكْتَ يَا ذَا الْجَلَالِ وَالْإِكْرَامِ.

Ўқилиши: “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ. Аллоҳумма антас салаам, ва минкас салаам, табаарокта я зал жалаали вал икром”.

Маъноси: “Аллоҳдан мағфират сўрайман, Аллоҳдан мағфират сўрайман, Аллоҳдан мағфират сўрайман. Ё Аллоҳ, Сен Саломсан (нуқсонлардан саломатсан, бандаларингга офият берувчисан), тинчлик-омонлик ҳам Сендан (сўралади). Эй улуғлик, яхшилик Соҳиби! Сенинг хайр-бараканг кўпдир!”

2. Кейин мана бу дуо ўқилади:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ وَلَا مُعْطِي لِمَا مَنَعْتَ وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجُدُّ.

Ўқилиши: “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодийр. Аллоҳумма лаа мааниа лимаа аʔтойт, ва лаа муʔтия лимаа манаʔт, ва лаа янфаʔу зал жадди минкал жадд”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ёлғиздир, шериги йўқ. Мулк ва ҳамд Унга тегишли. (Аллоҳ) ҳамма нарсага Қодир. Ё Аллоҳ, Сен берган нарсани ман этувчи йўқ. Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. Улуғлик эгасининг улуғлиги (мол-дунёси, мансаб-мартабаси, таниш-билишлари) Сенинг (азобинг)дан (омон қолишда) фойда бермайди”.

3. Ёки мана бу дуони ўқиш мумкин:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا نَعْبُدُ إِلَّا إِيَّاهُ لَهُ النِّعْمَةُ وَلَهُ الْفَضْلُ وَلَهُ الثَّنَاءُ الْحَسَنُ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ.

Ўқилиши: “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодийр. Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ. Лаа илааҳа иллаллоҳу ва лаа наʔбуду иллаа ийях, лаҳун ниʔмату ва лаҳул фазлу ва лаҳус санааул ҳасан. Лаа илааҳа иллаллоҳу мухлисийна лаҳуд дийн, ва лав карихал каафирувн”.

Маъноси: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ёлғиз, шериги йўқ. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники. У барча нарсага Қодир. Куч-қувват (бирон ишни бажариш, яхшилик касб қилиш) фақат Аллоҳ(нинг ёрдами) билан (бўлади). Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Биз фақат Унга ибодат қиламиз. (Зоҳирий, ботиний) неʔмат ҳам, фазл (инʔом, яхшилик) ҳам, чиройли мақтов (ҳамду сано, шукр кабилар) ҳам Унга тегишли. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гарчи кофирлар ёқтирмаса ҳам Унинг учун Динни холис қилувчилармиз (яъни, ибодатда Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмаймиз, фақат Аллоҳга ибодат қиламиз)”.

4. Кейин 33 мартадан “Субҳааналлоҳ”, “Алҳамдулиллааҳ”, “Аллоҳу акбар”, деб зикр айтилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ سَبَّحَ اللَّهَ فِي دُبُرِ كُلِّ صَلَاةٍ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ وَحَمَدَ اللَّهَ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ وَكَبَّرَ اللَّهَ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ فَتِلْكَ تِسْعَةٌ وَتِسْعُونَ وَقَالَ: تَمَامَ الْمِائَةِ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ غُفِرَتْ خَطَايَاهُ وَإِنْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким намоздан кейин 33 марта “Субҳааналлоҳ”, 33 марта “Алҳамдулиллааҳ”, 33 марта “Аллоҳу акбар” деса, бу 99 та бўлади. “Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳув лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʔалаа кулли шайъин қодийр” билан 100 та бўлади. (Ким шуларни айтса,) гарчи гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам кечирилади” (Муслим ривоят қилган).

5. Тасбеҳларни айтиб бўлгач, Оятул курсий ўқилади.

عَنْ أَبِي أَمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ قَرَأَ آيَةَ الْكُرْسِيِّ فِي ذُبُرِ كُلِّ صَلَاةٍ مَكْتُوبَةٍ لَمْ يَمْنَعْهُ مِنْ دُخُولِ الْجَنَّةِ إِلَّا أَنْ يَمُوتَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Умома розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимда-ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, унинг жаннатга киришини фақат ўлими тўсиб туради” (Насоий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

6. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам фарз намозларидан кейин Ихлос, Фалак, Нос сураларини ўқишни тайинлаганлар.

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ أَقْرَأَ بِالْمُعَوِّذَاتِ ذُبُرَ كُلِّ صَلَاةٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Уқба ибн Омир розияллоху анху шундай деган: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам менга ҳар бир намоздан кейин муаввизотни ўқишни буюрганлар” (Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).

Саҳиҳ қавлга кўра, муаввизот Ихлос, Фалак, Нос сураларидир.

7. Бомдод намозида салом бергандан кейин қуйидаги дуо ўқилади.

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِلْمًا نَافِعًا وَرِزْقًا طَيِّبًا وَعَمَلًا مُتَقَبَّلًا.

Ўқилиши: “Аллоҳумма инний асʼалука ʼилман наафияа, ва ризқон тоййибба, ва ʼамалам мутақоббалаа”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан фойдали илм, покиза ризқ, қабул этилувчи амал сўрайман”.

Умму Салама розияллоху анҳо онамиздан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бомдод намозидан кейин мана шу дуони ўқирдилар²⁸⁷.

Юқорида келтирилган дуоларни, тасбеҳларни, сура ва оятларни ўқиб юрган киши руҳий ҳаловат топади, намозга иштиёқи ошади, қалбида ихлос пайдо бўлади.

56-САБАБ. НАФЛ НАМОЗЛАРИГА ЖИДДУ ЖАҲД ҚИЛИШ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ قَالَ: ... وَمَا تَقَرَّبَ إِلَيَّ عَبْدِي بِشَيْءٍ أَحَبَّ إِلَيَّ مِمَّا افْتَرَضْتُ عَلَيْهِ وَمَا يَزَالُ عَبْدِي يَتَقَرَّبُ إِلَيَّ بِالنَّوَافِلِ حَتَّىٰ أَحِبَّهُ فَإِذَا أَحَبَّهُ كُنْتُ سَمْعَهُ الَّذِي يَسْمَعُ بِهِ وَبَصَرَهُ الَّذِي يُبْصِرُ بِهِ وَيَدَهُ الَّتِي يَبْطِشُ بِهَا وَرِجْلَهُ الَّتِي يَمْشِي بِهَا وَإِنْ سَأَلَنِي لِأَعْطِيَنَّهُ وَلَئِنِ اسْتَعَاذَنِي لِأُعِيدَنَّهُ... رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ.

Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Албатта Аллоҳ: “... Бандам унга фарз қилганим (ибодатлар)дан кўра севимлироқ нарса билан Менга яқинлашмаган. Бандам Менга нафл ибодатлар билан яқинлашиб келаверади, ҳатто уни яхши кўриб қоламан. Агар уни яхши кўрсам, эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган кўли, юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, албатта бераман. Агар Мендан паноҳ тиласа, албатта паноҳ бераман”, деди” (Бухорий, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Банда зиммасига юклатилган фарз ибодатларни бажарса, Парвардигорига яқинлашади. Масалан, фарз намозини вақтида ўқиган, рамазон ойи рўзасини тутган, моли нисобга етганда закот берган инсон Аллоҳга қурбат ҳосил қилади. Агар фарздан ташқари нафл ибодатларни ҳам адо этса:

²⁸⁷ Ибн Можа, Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ.

нафл намоз ўқиса, нафл рўза тутса, ихтиёрий садақалар бериб юрса, Аллоҳ таолога севимли бўлиб боради. Аллоҳ яхши кўрадиган бандасига инсоф-тавфиқ беради, унинг тана аъзоларини гуноҳ ишлардан асрайди, сўраганини ато этади, ёмонликлардан ҳифзу ҳимоясида сақлайди.

Шубҳасиз, ибодатларнинг энг афзали фарз намозидир. Ундан кейинги ўринда таҳажжуд намози туради. Мазкур намоз нақадар фазилятли экани оятларда, ҳадисларда кўп таъкидланган. Ҳар бир мўмин банда ҳаётида тунги намоз ўрни бекиёс.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَفْضَلُ الصَّيَامِ بَعْدَ رَمَضَانَ شَهْرُ اللَّهِ الْمُحَرَّمِ وَأَفْضَلُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ صَلَاةُ اللَّيْلِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Рамазон ойидан кейин энг афзал рўза Аллоҳнинг муҳаррам ойи рўзасидир. Фарздан кейин энг афзал намоз тунги намоздир”** (Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Аҳмад ривоят қилган).

Юқоридаги ҳадиси кудсийда ҳам таъкидланганидек, биринчи навбатда фарз ибодатлар адо этилади. Кейин нафл ибодатларга имкон қадар жидду жаҳд қилинади. Жумладан, бир кунда беш маҳал намоз, унга боғлиқ суннати муаққада намозлари ихлос билан ўқилади. Кечалари бедор бўлиш кишини юксак мақомларга кўтаради. Шунинг учун ўзини билган ҳар бир мўмин-мусулмон банда кечаси туриб намоз ўқийди, Қуръон тиловат қилади, Аллоҳни эслайди, саҳар чоғида кўп истиғфор айтади.

57-САБАБ. ТУНДА ИСТИҒФОР АЙТИШ

Саҳар чоғида, атроф сокин, ҳаво мусаффо бир вақтда истиғфор айтишнинг ўзига хос гашти бор. Бу пайтда бедор бўлиш – таҳажжуд намози ўқиш, қироат қилиш, зикр-тасбеҳ, истиғфор айтиш қалбга қувонч, танага тетиклик бағишлайди.

Қуръони каримда тақводорлар сифати келтирилиб, шундай дейилган:

“-----Арабча матн-----”

“Улар (дунёда): “Парвардигоро, биз Сенга имон келтирганмиз. Энди Ўзинг гуноҳларимизни кечир, бизни дўзах азобидан асра”, деб (Аллоҳга илтижо қилган) эдилар. Улар сабрли, садоқатли, итоатли, саховатли, саҳарларда Аллоҳга истиғфор айтадиган кишилар эди” (Оли Имрон сураси, 17-18-оятлар).

Одамлар айни ширин уйқудалигида туриб намоз ўқиш, истиғфор айтиш ҳар кимнинг кўлидан келавермайди. Бунинг учун кучли имон, ихлос, қунт, ҳафсала керак.

Саҳобаи киромлар саҳарда истиғфор айтишни одат қилишганди. Зеро, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга саҳарда етмиш марта истиғфор айтишни буюрганлар²⁸⁸.

Манбаларда қайд этилишича, улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу тунги намозни ўқиб бўлиб, шогирдидан: “Эй Нофеъ, саҳар вақти кирдими?” деб сўрарди. Агар Нофеъ “Ҳа”, деса, тонг отгунча дуо қиларди, истиғфор айтарди²⁸⁹.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا مَضَى شَطْرُ اللَّيْلِ أَوْ ثُلُثَاهُ يَنْزِلُ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا فَيَقُولُ: هَلْ مِنْ سَائِلٍ يُعْطَى هَلْ مِنْ دَاعٍ يُسْتَجَابُ لَهُ هَلْ مِنْ مُسْتَغْفِرٍ يُغْفَرُ لَهُ حَتَّى يَنْفَجَرَ الصُّبْحُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Агар тун ярми ёки учдан икки қисми ўтса, Аллоҳ таоло дунё осмонига тушиб, тонг отгунча: “(Ҳожатлари раво этилишини) сўровчи борми? Унга (сўрагани) берилади. Дуо қилувчи борми?”**

²⁸⁸ Ибн Жарир, Ибн Мардавайҳ ривоят қилган.

²⁸⁹ Ибн Жарир, Ибн Мунзир, Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

(Дуоси) ижобат этилади. Истиғфор айтувчи борми? (Гуноҳлари) кечирилади”, деб айтади” (Муслим, Аҳмад, Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Саҳар вақти нафақат истиғфор айтиш, балки дуо қилиш учун ҳам энг муносиб пайтдир. Чунки Аллоҳ: “Эй бандам, дуо қил, сўраганингни бераман, тилагингни бажо этаман! Ҳожатингни раво қиламан. Истиғфор айтсанг, гуноҳларингни кечираман!” деб марҳамат қилар экан. Мана шундай фазилатли онларда қўлни дуога очиб, мустаҳкам имон, ихлос, хушуъ, тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик неъматини сўрасак, Аллоҳ тилагимизни бажо келтиради.

58-САБАБ. НАФЛ РЎЗА ТУТИШ

Аллоҳ таоло шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Эй мўминлар! Такводор бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди” (Бақара сураси, 183-оят).

Рўза тутган инсонда Аллоҳдан кўрқиш, У Зот кўриб турганини қалбдан ҳис этиш, яъни такво пайдо бўлади. Чунки рўза инсон дилини ювади, хатолардан поклайди, нафсини жиловлайди, таомга ўчлик, баднафслик иллатини даволайди, иродани тоблайди. Намозда хушуъ топишда рўзанинг аҳамияти жуда катта. Эътибор берсангиз, муборак рамазон ойида одам ибодатга ўзгача иштиёқ билан қарайди, кўпроқ намоз ўқиш, Қуръон тиловат қилиш, эзгулик улашиш пайида бўлади. Буям рўза инсон қалбида такво, хушуъ, ихлос хислатларини пайдо қилишига, кучайтиришига далилдир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَنْ صَامَ يَوْمًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ بَعَدَ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ سَبْعِينَ خَرِيفًا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абу Саид Худрий розияллоху анху ривоят қилади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким фисабиллох бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш йил²⁹⁰ (масофага) узоклаштиради”, деганларини эшитганман**” (Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий, Ибн Можа ривоят қилган).

Қайси бир банда Аллоҳ розилигини истаб бир кун рўза тутса, жаҳаннамдан етмиш йиллик масофага йироқ қилинади. Бундан чиқди, мўмин-муслмон киши рамазон ойидан ташқари (яъни, фарз рўза билан чекланмай) нафл рўза ҳам тутади. Нафл рўзани қайси кунларда тутиш маъқуллигини қуйидаги ривоятдан билиб оламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: تُعْرَضُ الْأَعْمَالُ يَوْمَ الْإِثْنَيْنِ وَالْحَمِيسِ فَأُحِبُّ أَنْ يُعْرَضَ عَمَلِي وَأَنَا صَائِمٌ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Хурайра розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилади: **“Амаллар душанба, пайшанба кунлари (Аллоҳга) кўрсатилади. Шундай экан, рўзадор холимда амалим кўрсатилишини хуш кўраман”** (Термизий ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Душанба, пайшанба кунлари рўза тутиш Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам суннатларидир. У зот доим мазкур кунларда соим бўлардилар. Бунинг ҳикмати нимада? Душанба, пайшанба кунлари бандалар амали Аллоҳга кўрсатилади. Ўша амаллар ичида қабул қилинадиган ҳам, рад этиладигани ҳам бўлади. Агар амал эгаси рўза тутиб, Аллоҳга илтижо этиб турса, унинг амаллари кўпроқ қабул этилиши мумкин ёки даражаси янада юқорилайди. Бундан ташқари, ҳафтада икки кун рўза тутиш киши қалбига, ибодатига, соғлиғига фойда келтиради.

²⁹⁰ Биз таржимада “йил” деб ифодалаган сўз ҳадиснинг арабча матнида “куз” (харийф) шаклида келган. Арабларда шундай дейиш урф бўлган: бир йил ўрнига бир куз дейилади. Чунки куз фасли йилда бир марта келади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لِكُلِّ شَيْءٍ زَكَاةٌ وَزَكَاةُ الْجَسَدِ الصَّوْمُ.
رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَائِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Хурайра розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: “**Ҳар бир нарсанинг закоти бор. Тана закоти рўзадир**” (Ибн Можжа, Байҳақий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Инсон ҳар бир нарсдан маълум миқдорини Аллох учун ажратади. Банда учун шу закот саналади. Нисобга етган молнинг закоти пул шаклида чиқарилади. Тана закоти эса рўза тутиш билан адо этилади. Чунки – таомдан, ичимликдан ўзини тийгани, одатдагидан камроқ овқат егани учун – рўзадорнинг вазни камаяди. Мана шу бадан закотидир.

Закот молий (яъни, бойлик билан бажариладиган) ибодат, рўза баданий тоатдир. Молдан закот чиқарилса, миқдори бироз камайгандек кўринади, аммо унга барака киради. Рўза инсон танасини ихчамлаштиради. Шу билан бирга қалбини жилолайди, нафсини тоблайтиди. Ҳақиқатан, рўза инсон танасидаги ортиқча ёғларни, қалбни қоплаган гуноҳларни эритиб юборади. Аллох учун рўза тутган киши ўзини енгил ҳис этиши, руҳий ҳаловат топиши, ибодатларни мароқ билан бажариши боиси шу бўлса ажаб эмас.

59-САБАБ. АЛЛОҲНИ ДОИМ ЗИКР ҚИЛИШ

Аллоҳни зикр қилиш нафсни тойилишдан сақлайди. Қалбни очиш, ажрни кўпайтиришда зикруллоҳга етадиган амал йўқ. У муваффақиятга эришишнинг осон йўлидир. Қалбда хушув ҳосил қилишда ҳам зикр муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Аллоҳни мудом ёд этадиган инсон Раббига боғланади. Ибодат чоғида бу ришта янаям мустаҳкамланади. Буюк Аллоҳни эслашда Унга таваккул қилиш, ишониш, суяниш, тавба билан қайтиш, Аллоҳни суйиш, У Зот ҳақида яхши гумонда бўлиш, раҳматидан умид қилиш бор. Аллоҳни эслаш қалбга роҳат бағишлайди, яхшиликка иштиёқни оширади, тилни, кўзни, қулоқни гуноҳ ишлардан тияди. Бу билан қалбда хушув, тақво куртаклари ниш уради.

Аллох таоло шундай амр қилган:

“-----Арабча матн-----”

“Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар, эртаю кеч²⁹¹ У Зотга тасбеҳ айтинглар!” (Аҳзоб сураси, 41-42-оятлар).

Аллох таоло бу оятда мўмин бандаларини – уйқудан турганда, кундалик ишларини якунлаётганда – ўзини кўп зикр қилишга чақирмоқда. Эрталабки зикр уйқудан соғ-саломат тургани учун, кечки зикр эса Аллох тарафидан бандага яхши ишлар бажаришда, ризқ топишда ҳаракат қилишга тавфиқ бергани учун адо этилади.

Муқотил раҳматуллоҳи алайх бу оят тафсирида шундай деган: “Тил билан тасбеҳ, такбир, таҳлил, таҳмид айтинглар, ҳар қандай ҳолатда У Зотни зикр қилинглар, Аллох учун тонгда, кеч кирганда намоз ўқинглар²⁹²”.

Аллох таоло айтади:

“-----Арабча матн-----”

“Шундай экан, Мени зикр қилинглар. Шунда Мен ҳам сизларни эслайман. Менга шукр қилинг, куфр келтирманг!” (Бақара сураси, 152-оят).

Яъни, тоат-ибодат қилиш билан Мени эсланглар. Шунда сизларни эслайман: гуноҳларингизни кечираман, неъматларимни бардавом қиламан, улуғ ажр-мукофотлар бераман. Сизлар ҳисобсиз неъматларим шукрини адо этинг, онкўрлик қилманг. Агар шукр қилсангиз, Мен уни янада кўпайтираман.

²⁹¹ Қатода “Эртаю кеч У Зотга тасбеҳ айтинглар!” ояти борасида: “Бомдод билан аср намозини (ўқинглар)”, деган (Абдураззоқ, Абд ибн Хумайд, Ибн Жарир, Ибн Мунзир, Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган).

²⁹² Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган.

Абу Хурайра розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилишича, Аллоҳ таоло: “Эй одам боласи, агар Мени эсласанг, Менга шукр қилибсан. Агар унутсанг, куфр келтирибсан (яъни, ношукрлик қилибсан)”, дейди²⁹³.”

Шу ўринда бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратамиз: Аллоҳни зикр қилиш фақат тилни қимирлатиш билан бўлмайди, балки тил билан бирга юрак (қалб) ҳам қатнашади. Бунда инсон тилидан чиқаётган сўзлар маъносини бутун вужуди билан ҳис этади, Аллоҳ буюклигини, ҳисобсиз неъматларини, чексиз марҳаматини ёдга олади, қиёмат кунидаги ҳисоб-китобни, жаҳаннам азобларини кўз олдида келтиради, Аллоҳ ҳар нарсани кўриб-билиб тургани эсланади. Зикруллоҳ билан чинакам мўмин инсон дили ёришиб кетади. “Аллоҳу акбар”, деганда қалби ҳузурланади, “Субҳааналлоҳи ва биҳамдих” деганда кўнгли таскин топади, “Лаа илааҳа иллаллоҳ” дилини ишончга тўлдиради, имонини мустаҳкамлайди. Ҳақиқий зикр қалбда бўлади. Унинг самараси тана аъзоларида кўринади. Чунончи, зокирнинг юзи нурли, сўзи ўткир, юриш-туриши салобатли бўлади. Аллоҳ унга ҳар ишда тавфиқ беради, қўллаб-қувватлаб туради, ёмон ишлардан сақлайди.

Холид ибн Абу Имрондан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам шундай деганлар: “Ким Аллоҳга бўйсунса, гарчи (нафл) намози, рўзаси, Қуръон тиловати кам бўлса ҳам, Аллоҳни эслабди. Ким Аллоҳга осий бўлса, гарчи (нафл) намози, рўзаси, Қуръон тиловати кўп бўлса ҳам, Аллоҳни унутибди²⁹⁴”.

Кейин, зикр фақат масжидда ёки махсус жойларда қилинмайди, ҳар қандай пок ўринда Аллоҳни ёд этиш мумкин. Масалан, кундалик юмушлар билан бандлигингизда тасбеҳ, ҳамду сано, тақбир, таҳлил ёки истиғфор айтсангиз бўлади. Бу билан сиз ҳақиқий зокирлар мақомига кўтариласиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسَيْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ شَرَائِعَ الْإِسْلَامِ قَدْ كَثُرَتْ عَلَيَّ فَأَخْبِرْنِي بِشَيْءٍ أَتَشَبَّهُتُ بِهِ قَالَ: لَا يَزَالُ لِسَانُكَ رَطْبًا مِنْ ذِكْرِ اللَّهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоху анхундан ривоят қилинишича, **бир киши²⁹⁵: “Эй Расулуллоҳ, Ислому шарияти (ҳукмлари) мен учун кўплик қилмоқда. Менга шундай нарсани айтинг, уни маҳкам ушлай”, деди. Шунда у зот: “Тилинг доим Аллоҳ зикри ила нам бўлиб турсин”, дедилар (Термизий, Ибн Можа, Ҳоким, Ибн Ҳиббон, Байҳақий ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ).**

Бир аъробий Набий соллаллоху алайхи ва саллам ҳузурларига келиб, заифлиги сабаб нафл ибодатлар оғирлик қилаётганини айтди, бажариш осон, машаққати кам, ажри кўп амални ўргатишларини сўради. Шунда муаллим Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи ва саллам унга доим Аллоҳни зикр қилишни тавсия этдилар²⁹⁶.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَثَلُ الَّذِي يَذْكُرُ رَبَّهُ وَالَّذِي لَا يَذْكُرُ رَبَّهُ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Мусо розияллоху анху Набий соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят қилади: **“Парвардигорини эслайдиган банд билан У Зотни эсламайдиган кимса худди тирик билан ўликка ўхшайди” (Бухорий ривоят қилган).**

Инсон юраги дукиллаб уриб, нафаси тинимсиз кириб-чиқиб турса, тирик саналади. Қачон кўзи юмилиб, аъзолари ҳаракатланишдан тўхтаеса, ўлган ҳисобланади. Лекин тирик одамлар ҳам икки хил бўлар экан: Аллоҳни эслайдиган, Парвардигорини унутиб қўймайдиган мўмин инсон ташқи кўриниши ҳаёт, тоат-ибодат нури билан, ички олами имон, маърифат нури, зикр фазилати билан тирикдир. Аллоҳни зикр қилмайдиган, ибодат нималигини билмайдиган ғофил кимса ўликка ўхшайди. Шундай

²⁹³ Табароний, Абу Нуайм ривоят қилган.

²⁹⁴ Байҳақий, Саид ибн Мансур, Ибн Мунзир ривоят қилган.

²⁹⁵ Ибн Можа келтирган ривоятда ўша киши аъробий экани айтилган.

²⁹⁶ Манба: Мулла Али Қори, “Миркотул мафотих”.

экан, қалби ҳаёт булоғидан сув ичиб туришини истаган банда Яратган Раббини зинҳор унутмайди, тили У Зот зикри ила мудом ҳўлланиб туради.

ИЛОВА

НАМОЗ ФАРЗЛАРИ

Намозда ўн иккита фарз амал бор. Намоздан ташқарида олтига фарз амал бўлиб, улар “намоз шартлари”, намоз ичидаги олти фарз эса “намоз рукнлари” дейилади.

Намоз шартлари қуйидагилар:

1. Тана пок бўлиши (Таҳоратсиз бўлса, таҳорат олиш, жунуб бўлса, ғусл қилиш).
2. Кийим пок, авратни беркитадиган бўлиши.
3. Намоз ўқиладиган жой пок бўлиши.
4. Намоз вақти кириши (Вақти кирмай туриб ўқилган намоз фарз ўрнига ўтмайди).
5. Намозни қиблага юзланиб ўқиш.
6. Намоз ўқишга ният қилиш.

Намоз рукнлари қуйидагилар:

1. Такбири таҳрима (“Аллоҳу акбар” деб намозга кириш).
2. Қиём (намозда тик туриш. Соғлом киши тик туриши фарз. Агар бемор бўлса, ўтириб, бунга ҳам қодир бўлмаса, ёнбошлаб ўқиш мумкин).
3. Қироат (намозда Қуръон суралари ёки оятларини ўқиш).
4. Рукуъ қилиш (икки қўл тирсақларини букмасдан тиззаларини ушлаган ҳолда бошни эгиш. Бунда бел тўғри қилиниши, бош билан бел бир текисда бўлиши керак).
5. Сажда қилиш (пешонани ерга қўйиш. Бунда ҳам бел тўғри бўлиши шарт).
6. Қаъдаи охир (охирги қаъдада ташаҳхуд миқдорича ўтириш).

Агар бу амаллардан биронтаси тарк этилса ёки нотўғри бажарилса, намоз бузилади, уни қайтадан ўқиш лозим бўлади.

НАМОЗ ВОЖИБЛАРИ

1. Фарз намозларининг икки ракатида, витр, нафл (жумладан, таъкидланган суннат) намозларининг ҳамма ракатида Фотиҳа сурасини қироат қилиш.

2. Фарз намозларининг аввалги икки ракатида, витр, нафл (жумладан, таъкидланган суннат) намозларининг ҳар бир ракатида Фотиҳа сурасидан сўнг зам сура ўқиш. Зам сура камида қисқа уч оят ёки узун бир оятдан иборат бўлади.

3. Зам сурани Фотиҳадан кейин ўқиш.

4. Имом намозга ўтганда овоз чиқариб ўқиладиган намозларни (бомдод, шом, хуфтонни) жаҳрий, овоз чиқармай ўқиладиган намозларни (пешинни, асрни) махфий ўқиши.

5. Қиём, рукуъ, сажда каби рукнларни ўз ўрнида, тартиб билан бажариш.

6. Рукуъда, саждада, қолган барча арконларда аъзолар таскин топиши, мазкур рукнларни хотиржамлик билан бажариш.

7. Саждада бурун билан пешонанинг баравар ерга тегиб туриши.

8. Уч, тўрт ракатли намозларнинг иккинчи ракатида ҳамда намоз охиридаги ўтиришда “Аттаҳиёт” ўқиш.

9. Аввалги қаъдада ташаҳхудни ўқиб бўлгач, кечиктирмай учинчи ракатга туриш.

10. Намоздаги вожиб амаллардан биронтаси эсдан чиқиб тарк этилса, саждаи саҳв қилиш.

11. Намоз охирида “Ассалааму алайкум ва роҳматуллоҳ” деб салом лафзи билан чиқиш. Салом елкага тўла юзлангандан кейин берилади.

12. Витр намозининг охириги ракатида “Қунут” дуосини ўқиш.

13. Рамазон ва Қурбон ҳайити намозларининг ҳар ракатида учтадан қўшимча такбир айтиш.

Мазкур вожиб амаллардан биронтасини эсдан чиқариб тарк этган киши намоз охирида саждаи саҳв қилиши вожиб. Саждаи саҳв қилиш тартиби бундай: имом охириги қаъдада ташаҳхудни ўқигандан

сўнг ўнг томонига салом беради²⁹⁷. Кейин икки марта сажда қилиб, яна ташаххудни, салавотни ўқийди. Шундан сўнг икки томонга салом бериб намоздан чиқади.

НАМОЗ МУСТАҲАБЛАРИ

1. Эркактларнинг такбири тахрима айтишда қўлларини кўйлак енгидан чиқаришлари.
 2. Намоз ўқиётганда эсноқ ёки йўтал келса, кучи етганича қайтариш, иложи борича йўталмасликка ҳаракат қилиш.
 3. Беихтиёр эсноқ келганида ўнг қўл орқаси билан оғизни беркитиш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирон марта эснамаганларини ёдга олиш.
 4. Муқим кишининг бомдод намозида Фотиҳа сурасидан сўнг узунроқ, шом намозида қисқароқ, бошқа намозларда ўртача сураларни ўқиши.
 5. Саждда бармоқ ораларини зичлаш, бошни икки қўл орасига, бош бармоқни кулоқ тўғрисида кўйиш, қўл бармоқлари учини, оёқ панжаларини қиблага қаратиш.
 6. Намозни ёлғиз ўқиганда рукуъларда, саждаларда тасбеҳни 3 мартадан кўп (5, 7, 9 ёки 11 марта) айтиш.
 7. Қиёмда сажда ўрнига, рукуъда оёқ бармоқларига, саждда бурунга, қаъдада кўкракка, салом бераётганда елкага қараш.
 8. Намозда тавозеъ билан, ўзини хокисор тутиб туриш.
- Юқорида саналган амаллар намоз одоблари ҳам дейилади. Уларга амал қилинса, намоз янада мукамал бўлади.

НАМОЗДАГИ ҲАРОМ АМАЛЛАР

Намоз ўқиётганда қуйидаги ишларни қилиш ман этилади:

1. Юзни ўнг ёки чап тарафга қаратиш.
2. Осмонга қараш.
3. Фарз намозларида бирон нарсага узрсиз суяниш.
4. рукуъда, саждда оёқ ёки қўл бармоқларини ердан кўтариш.
5. Қаъдада икки оёқни тик қилиб товон устида ўтириш.
6. Бадани ёки кийимини кўп ўйнаш.
7. Саломни фақат бир тарафга бериш.
8. Намоз вожибларидан бирини қасдан тарк этиш. Масалан, фарз намозларининг биринчи, иккинчи ракатида Фотиҳани қироат қилмаслик, қаъдада ташаххудни ўқимаслик ва ҳоказо.

НАМОЗДАГИ МАКРУҲ АМАЛЛАР

1. Намоз суннатларидан бирини атайин тарк этиш. Масалан, такбири тахримадан кейин санони ўқимаслик, рукуъда, саждда тасбеҳ айтмаслик ва ҳоказо.
2. Мусҳаф тартибига тесқари қироат қилиш. Масалан, биринчи ракатда Ихлос, иккинчи ракатда Масад сурасини ўқиш.
3. Қисқа суралар ўқиганда орада бир сурани ташлаб кетиш. Мисол учун, биринчи ракатда Қурайш, иккинчисида Кавсар сурасини ўқиш.
4. Фарз намозларининг бир ракатида бир сурани икки марта ўқиш.
5. Доим бир сурани ўқиш, бошқаларини тарк этиш (Лекин, “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозда кўпроқ шу сураларни қироат қилганлар”, деган нияти бўлса, макруҳ эмас).
6. Намозни хушўйсиз, бепарво ўқиб қўйиш.

²⁹⁷ Агар киши ёлғиз ўзи намоз ўқиётган бўлса, ташаххуддан кейин икки тарафига салом беради. Кейин икки марта сажда қилиб, ташаххудни, салавотни ўқийди, ўнг ва сўл тарафга салом бериб намоздан чиқади. Жамоат намозида имом саҳв саждаси қилиш учун фақат ўнг томонга салом беради.

7. Намоз ўқиётган одамнинг сажда қилишга халақит бермайдиган майда тошларни суриб ташлаши (Ҳадисда айтилганидек, бир марта сурса бўлади).
 8. Агар сажда ўрни тупроқ бўлса, намоздан чиққач пешонани тозалаб артиш.
 9. Эркаклар сажда қилаётганда икки билагини ерга, қорнини тиззасига текказиши.
 10. Эркаклар намоз вақтида сочни турмаклаб олиши.
 11. Қиёмда қўлни белга қўйиш.
 12. Намоз ўқувчи кийимини осилтириб ёки елкасига ташлаб ёхуд йиғиштириб, енгини шимариб олиши.
 13. Амали касир қилмаган ҳолда кийимни узрсиз тўғрилаш (Жумладан, саждага бораётганда қўли билан шимини кўтариш), бармоқларини бир-бирининг ичига киргизиш, танасининг айрим жойларини беҳуда ўйнаш. Чунки бу нарса хушўйга халал беради.
 14. Дангасалик ёки кибр туфайли бош кийимсиз намоз ўқиш (Аммо, Аллоҳ ҳузурда ўзини хор тутиш ниятида бошланг ўқиш макруҳ эмас).
 15. Қорин жуда оч пайтда намоз ўқиш. Бунда аввал озроқ таом еб, нафс қондирилади. Кейин хотиржам ҳолда намоз ўқилади.
 16. Фикрни чалғитувчи нарсалар қаршисида намоз ўқиш.
 17. Ҳожатхонага бориш зарурати туғилганда ёки ел чиқиши танг қилиб турганда ўзини мажбурлаб ушлаб туриш.
 18. Кўзини беҳуда юмиб олиш. Агар хушўй ҳосил қилиш учун юмса, ҳечқиси йўқ.
 19. Жаноза намозида такбир айтилганида бошини кўтариш.
 20. Имомнинг жамоатдан фарқли даражада баландда туриши.
 21. Намоз ўқувчининг – сафда бўш жой бўла туриб – кейинги сафда туриши.
 22. Намозхон олдида, ён тарафида, кийимида, саждагоҳида жонли нарсалар сурати бўлиши (Агар сурат орқада бўлса, жуда кичик ёки боши ўчирилган бўлса ёки жонсиз нарсалар сурати бўлса, зарари йўқ).
 23. Оловга қараб намоз ўқиш. Чунки бунда намозхон мажусийга ўхшаб қолади (Бирок, меҳробда чироқ туришининг зарари йўқ)
 24. Намозхон олдидан биров ўтиши эҳтимоли бор жойда сутра қўймасдан намоз ўқиш.
 25. Кир, эски иш кийимида намоз ўқиш.
 26. Намозда оятларни, тасбеҳларни бармоқ билан санаш.
- Мазкур амаллар билан намоз бузилмайди, лекин қусурли бўлиб қолади. Шунинг учун намозхон бундай ишлардан сақлангани маъқул.

НАМОЗНИ БУЗУВЧИ АМАЛЛАР

Қуйидаги амаллар, ҳолатлар, ҳаракатлар намозни бузади:

1. Такбири таҳрима айтаётганда “Аллоҳу” лафзи бошидаги “а” ҳарфини чўзиш.
2. Намозга тегишли бўлмаган гапни – қасдан ёки адашиб бўлса ҳам – гапириш.
3. Бировга салом бериш.
4. Саломга алик олиш.
5. Аксирган одамга “Ярҳамукаллоҳ”, деб жавоб қайтариш, имомдан бошқанинг кироатини, намоздан ташқаридаги киши кироатини тўғрилаш.
6. Саволга – оятлар билан бўлса-да – жавоб бериш. Масалан, бирон хушхабар эшитганда “Алҳамдулиллаҳ”, деса, “Бир мусулмон оламдан ўтибди”, деб хабар берилганда “Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъувн”, деса, намоз бузилади.
7. Узрсиз томоқ қириш, йўталиш.
8. “Уф”, “ох”, деб товуш чиқариш.
9. Оғриқ ёки мусибатга овоз чиқариб йиғлаш (Бирок, охиратни ўйлаб йиғласа, намоз бузилмайди).
10. Намозда қаҳқаҳа отиб ёки қикирлаб кулиш (Рукуъ ва саждали намозда қаҳқаҳа отиб кулган одамнинг таҳорати синади, намози бузилади. Рукуъ ва саждали намозда қикирлаб кулиш намозни бузади, аммо таҳоратни синдирмайди. Табассум қилиш билан намоз бузилмайди, таҳорат синмайди).

11. Бирон нарсани ейиш, ичиш.
12. Жамоат намозида ёнидаги одамга жой бериш учун сурилиш.
13. Тўхтамасдан уч қадам юриш. Лекин олди саф очик бўлса, бир рукнда бир ёки икки қадам билан олдиндаги сафни тўлдириш жоиз.
14. Қуръони каримга қараб тиловат қилиш.
15. Маъно бузиладиган даражада хато қироат қилиш.
16. Амали касир қилиш, яъни уч марта бир жойини қашиш ёки четдан қараган одам “Намоз ўқимаяпти” деб ўйлайдиган даражада кўп ҳаракат қилиш²⁹⁸.
17. Нажосат устига сажда қилиш.
18. Кўкракни қибладан бошқа томонга буриш. Фақат бошнинг ўзини қибладан бошқа тарафга буриш билан намоз бузилмайди, лекин макруҳ саналади.
19. Сажда қилаётганда икки оёқ панжаларини ердан кўтариш.
20. Намоз фарзларидан бирини узрсиз тарк этиш.
21. Намознинг тўла бир рукнида аврат очик бўлиши.
22. Таҳорат кетиши.
23. Сув йўқлиги сабаб таяммум қилиб намоз ўқиётган киши таҳорат учун етарли сувга эга бўлиши.
24. Намоз ўқиётганда маҳсига тортилган масҳ муддати тугаши.
25. Яра тузалиши сабаб устидаги боғичнинг тушиши.
26. Узрли киши узридан фориг бўлиши.
27. Бомдод намозида қуёш чиқиб қолиши, ийд намозини ўқиётганда қуёш заволга оғиши, жума намозини ўқиётганда аср вақти кириши.
28. Тартиб сохибининг ўқилмай қолган бир намозни эслаши.
29. Намоз ўқиётганда ҳушидан кетиб қолиш (Бундай ҳолатда таҳорат ҳам синади).
30. Намозда турган ҳолда инсонлар сўзи билан, масалан, “Эй Аллоҳ, менинг қорнимни тўйғаз”, деб дуо қилинса, намоз бузилади. Зеро, намозда маъсур (яъни, Қуръонда, ҳадисларда келган) дуолар ўқилади.

НАМОЗДАГИ МУБОҲ АМАЛЛАР

Намозда қуйидаги ишларга рухсат этилади:

1. Юзни қибладан бурмай, кўз қири билан қараш.
2. Олдида ўтирган кишининг орқасига, шамга ёки қандилга қараб намоз ўқиш.
3. Сажда қиладиган жойни қўли билан бир марта тозалаш.
4. Намозни қаттиқ гилам, палос каби нарсалар устида ўқиш (Ерда ёки ердан чикқан нарсалар устида намоз ўқиш афзал).
5. Жонли нарсалар расми туширилган гиламда расмни босиб намоз ўқиш.
6. Илон, чаён каби зараркунандаларни ўлдириш.
7. Қироатга монелик қилмайдиган бирон нарсани оғизга солиб туриш.
8. Нафл намозларининг бир ракатида бир зам сурани икки марта ўқиш.
9. Нафл намозларида бирон нарсага узрсиз суяниб туриш.
10. Имом янглишганида ортида турганлар такбир ёки тасбеҳ айтиб, унга лўқма беришлари.
11. Намоз ўқиётган киши олдидан кимдир ўтса, тасбеҳ айтиб намоздалигини билдириш.

²⁹⁸ Намоз ўқиётган кишининг намозга тегишли бўлмаган ишлар билан шуғулланиши ҳукмий жиҳатдан иккига бўлинади. Булар: 1. Амали касир. 2. Амали қалил.

Амали касир ортиқча, кўп иш бўлиб, бунда намоздаги киши ташқаридан қараганда худди намоз ўқимаётгандек кўринади. Яъни, ўзини шундай тутадик, уни кўрган одам намоз ўқияпти, деб ўйламайди. Бундай амаллар билан намоз бузилади.

Амали қалил кам ишдир. Яъни, намоз ўқиётган кишининг намоздалигига шубҳа туғилладиган даражада намозга алоқасиз ишлар билан шуғулланиши амали қалил, дейилади. Бундай амаллар билан намоз бузилмайди, лекин кароҳат билан адо этилади.

НАМОЗДАН КЕЙИН ОЯТУЛ КУРСИЙНИ ЎҚИШ ФАЗИЛАТИ

Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: “Кимда-ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, унинг жаннатга киришини фақат ўлими тўсиб туради”, деб марҳамат қилганлар²⁹⁹.

Яна бир ҳадисда: “Ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, у билан жаннатга кириш ўртасида фақат ўлим (тўсиқ) бўлади. Агар вафот этса, жаннатга киради”, дейилган³⁰⁰.

Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам минбарда туриб: “Ким ҳар бир намоздан кейин Оятул курсийни ўқиса, жаннатга киришини фақат ўлими тўсиб туради. Ким (ўша оятни) ўрнига ётганда ўқиса, Аллоҳ унинг хонадонига, қўшнисига уйига, атрофидаги уйларга омонлик беради”, деб айтганлар³⁰¹.

Ҳар бир фарз намозидан сўнг, уйқудан олдин Оятул курсийни ўқиган инсон ўзининг хонадони, кўни-қўшнилари, ён-атрофдаги уйлар тинчлигини таъминлайди. Агар ҳар бир уйда Оятул курсий ўқилса, маҳаллалар, хонадонлар, бутун эл-юрт тинч бўлади.

Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинишича, бир киши:

– Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ изни билан фойда берадиган бирон нарсани ўргатинг! – деди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

– Оятул курсийни ўқи! Зеро у сени, зурриётларингни (ёмонликлардан) асрайди, хонадонингни, атрофингдаги уйларни (шикаст-балолардан) сақлайди, – дедилар³⁰².

Бундан чиқди, Куръон ўқийдиган, ибодат қиладиган инсонларга қўшни бўлиш яхши экан. Уй сотиб олаётганда, янги иморат қураётганда мана шу жиҳатларга эътибор бериш керак. Чунки имон-эътиқодли қўшнимиз ибодати файз-барақасидан биз ҳам баҳраманд бўламиз. Яхши қўшни фойда бермаган тақдирда зиёни тегмайди.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: “Кимда-ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, келаси намозгача Аллоҳ химоясида бўлади³⁰³”.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, келаси намозгача (ёмонликлардан) сақланади. Буни фақат набий, сиддиқ ёки шаҳидгина давомий қила олади³⁰⁴”.

Бошқа ҳадисда: “Кимда-ким ҳар бир фарз намозидан кейин Оятул курсийни ўқиса, Аллоҳ унга шукр қилувчилар қалбини, сиддиқлар амалини, (Аллоҳга) илтижо этувчилар савобини беради, унга ўнг “яди”ни³⁰⁵ раҳмат билан чўзади, унинг жаннатга киришини фақат ўлими тўсиб туради. (Агар вафот этса,) жаннатга киради”, дейилган³⁰⁶.

МАВЗУГА ДОИР САВОЛ-ЖАВОБЛАР³⁰⁷ ХУШУЪСИЗ ЎҚИЛГАН НАМОЗ ҚАБУЛ БЎЛАДИМИ?

Савол: Хушуъсиз ўқилган намоз қабул бўладими? Бу ҳақида уламолар нима дейишган?

Жавоб: Жумҳур уламоларга кўра, намоз арконлари тўқис адо этилса, намоз мақбул бўлади, хаёл бўлиниши, хушуъсизлик ибодат қабул бўлишига тўсқинлик қилмайди. Лекин хушуъсиз ўқилган намоз савоби камроқ бўлади. Валлоху аълам!

²⁹⁹ Насоий, Табароний ривоят қилган. Ҳадис санади саҳих.

³⁰⁰ Байҳақий, Абу Нуайм – Муғйра ибн Шуъбадан – марфуъ тарзда ривоят қилган.

³⁰¹ Байҳақий “Шуабул имон”да ривоят қилган, санади заифлигини айтган.

³⁰² Маҳомиллий “Фавоид”да ривоят қилган. Бу ривоятни Жалолиддин Суютий “Ад-дуррул мансур”да келтирган.

³⁰³ Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган.

³⁰⁴ Байҳақий “Шуабул имон”да ривоят қилган, санади заифлигини айтган.

³⁰⁵ Арабча “яд” сўзи “қўл” маъносини билдиради.

³⁰⁶ Ибн Нажжор – Анас ибн Молик розияллоху анхудан – марфуъ тарзда ривоят қилган. Жалолиддин Суютий уни “Ад-дуррул мансур”да келтирган.

³⁰⁷ Савол-жавобларни тайёрлашда “Динда саволим бор” китобидан, “Muxlis.uz” сайти маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ НАМОЗДА ХАЁЛНИ БИР ЕРГА ЖАМЛАШ МУМКИН?

Савол: Мен намоз ўқишни бошлаганимда миямга ҳар хил хаёллар келаверади. Намозда ҳаловат тополмайман. Бундан қутулиш учун нима маслаҳат берасиз?

Жавоб: Агар қалбда дунё муҳаббати кучли бўлса, хаёл намоз вақтида ҳам моддий нарсаларга кетиб қолади. Инсон ўзини муолажа қилса, охиратни кўпроқ ўйласа, дунё ўткинчилигини қалбига жойласа, шунда бу муаммо секин-аста ечимини топади.

Сизга маслаҳатим, намозга яхшилаб тайёргарлик кўринг: аввало, таҳоратни мукамал қилинг. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуоларни ихлос билан ўқинг. Намозга киришдан олдин сизни безовта қилиши мумкин ишларни битиринг, бирон муаммо бўлса, ҳал қилиб олинг. Кейин намозга кирсангиз, хотиржам ибодат қиласиз. Намозда турганингизда Аллоҳ билан юзма-юз эканингизни дилдан ҳис этинг, У Зот нақадар улуғлигини эсланг, охиратни, ўлимни ёдга олинг, Аллоҳга чин дилдан рукуъ, саждалар қилинг, У Зотга қалбингиздаги дардларни тўкиб солинг. Бу вақтда дунёвий ишларингизни бироз муддатга хаёлдан чиқаринг. Бир нарсани доим ёдда тутинг: ҳозир ўқиётган намозингиз охиргиси бўлиб қолиши мумкин. Чунки одам қачон вафот этишини билмайди.

Намоз ўқиётганингизда атрофингизда турли расмлар, ҳайкаллар бўлмасин, тинч жойда, шовқин-сурондан холи ерда ибодат қилинг. Қибла тарафда зеб-зийнатлар, нақшлар бўлмагани маъқул.

Хушуъ намознинг руҳи эканини унутманг. Хушуъсиз намоз руҳсиз танага ўхшайди. Агар инсон ибодатни тўқис адо этмаса, рукуъларни, саждаларни чала-чулпа бажарса, ўша намоз билан унинг юзига урилади. Аллоҳ таоло ихлосдан холи, апил-тапил ўқилган намозни қабул этмайди. Хушуъ билан ўқилган намозгина банда нажотига, муваффақиятига сабабдир. Шулар ҳақида фикр юритсангиз, хаёлингизга беҳуда нарсалар келмайди.

НАМОЗДА АЪЗОЛАР ҚАЙ ҲОЛАТДА БЎЛИШИ КЕРАК?

Савол: Маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркакларни сочни тепага йиққан ҳолда намоз ўқишдан қайтарганлар. Бу қайтариқ аёлларга ҳам тегишлими? Яъни, аёллар намозда, намоздан ташқарида сочини турмаклар юришлари мумкинми?

Жавоб: Муҳтарам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинган бир ҳадисда эр киши сочини тепага йиғиштириб намоз ўқишдан қайтарилган.

Биринчидан, мазкур ҳадис эркакларни намозда сочларини тўплаб ўқишдан қайтарган. Демак, хотинлар бундан мустаснодир.

Иккинчидан, бу наҳий намоз ўқувчи эр кишига нисбатан айтилади. Бундан чиқди, намоздан ташқарида йиғиштириб юриш мумкин.

Учинчидан, фуқаҳолар бу наҳийни танзиҳий макруҳ, яъни, мубоҳга яқинроқ наҳий дейишган³⁰⁸.

НАМОЗДА НИГОҲ ҚАЕРГА ҚАРАТИЛАДИ?

Савол: Намозда нигоҳ қаерда бўлиши кераклиги, қўл-оёқлар ҳолати ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Эркак киши “Аллоҳу акбар” деб намозни бошлашда (енги узун бўлса) икки қўл кафтини енгидан тўлиқ чиқаради, бармоқларини ўз ҳолича тутиб, кафтни қиблага қаратиб, бошни энгаштирмай бош бармоқни қулоқ юмшоғига теккизади. Аёллар эса қўлларини енгларида чикармаган ҳолда елкаларигача кўтардилар. Сўнг ўнг қўл кафтини чап қўл кафти орқасига қўйиб, ўнг қўл бош бармоғи ва жимжилоғи билан чап қўл ошиғи ушланади. Бунда қолган уч бармоқ чап қўл билагига бўлади. Шу ҳолда эркаклар қўлларини киндик остида, аёллар кўкраклари устида тутдилар.

³⁰⁸ Манба: “Маслакул муттакин”, “Тасҳили зарурий”, “Мажмуатул фатово”.

Қиёмда эркаклар оёқлари ораси тўрт энли бўлади. Аёллар оёқларини жуфтлаб турадилар. Эркаклар рукуъда қўл бармоқлари орасини очиб, икки тиззани маҳкам чангаллайдилар. Аёллар бармоқларини жамлаб тиззаларини тутадилар. Сажадада қўл ва оёқ бармоқлари қиблага қаратилади. Қўл бармоқлари жуфтланиб, бош бармоқ қош тўғрисига қўйилади. Бу ҳолда кулоқ устидан тушган нарса қўл устига тушадиган бўлсин, билаклар ерга тегмасин. “Фатово оламгирия”, “Мунятул мусалли” китобларида айтилишича, намоз ўқувчи сажада ҳолида оёқларини ердан кўтариши намозни бузади. Агар бир оёғини кўтарса, макруҳ бўлади.

Қаъдада эркаклар чап оёқларини тўшаб, унга ўтирадилар. Ўнг оёқларини, панжаларини қиблага қилиб тик тутадилар. Қўллар, бармоқлар ўз ҳолича тутилиб, сонга қўйилади. Бармоқ учлари тизза билан тенг бўлиши лозим. Аёллар чап қуйруғи билан ўтириб, ўнг томондан икки оёғини чиқариб, ўнг болдирини чап болдири устига қўяди. Аёллар сажада икки билагини ерга қўяди.

ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАРДА НАМОЗНИ БУЗИШ МУМКИН?

Савол: Агар бир киши намоз ўқиётганида кимдир ёрдам сўраса, намозни бузиш жоизми?

Жавоб: Ҳолатга қараб намозни бузиш ҳукми турлича бўлади. Катта ҳалокат олдини олиш, масалан, сувга чўкаётган одамни қутқариш, жуда қийин аҳволда қолган кишига ёрдам бериш учун намозни бузиш вожиб. Шунингдек, мол-мулкни ўғридан ҳимоя қилиш учун ҳам намозни бузишга рухсат этилади.

НАМОЗ ЎҚИЁТГАНДА ОТА-ОНА ЧАҚИРИБ ҚОЛИШСА, НИМА ҚИЛИШ ЛОЗИМ?

Савол: Айрим ҳолларда намоз ўқиётганимда ота-онам чақириб қолишади. Шундай вақтда нима қилишим керак? Уларнинг чақирғига жавоб қайтарсам бўладими ёки намоз ўқишда давом этишим керакми?

Жавоб: Агар ота ёки она фарзанди намоз ўқиётганини билмасдан чақирса, фарзанд нафл намозини бузиш жоиз. Бироқ ота-она фарзанди намоз ўқиётганини билиб туриб атайин чақирса, намозни бузмайди. Фарз намози ўқиладиганда ҳам ота-она чақириб қолишса, намоз бузилмайди, ибодатда давом этилади. Валлоҳу аълам!

АВРАТ ОЧИЛИБ КЕТСА, НАМОЗ БУЗИЛАДИМИ?

Савол: Кўпинча, олдинги сафдаги ёшлар рукуъга боришганда, беллари очилиб, шимлари пастрок тушиб қолади. Шу пайтда ўша одамнинг намози бузиладими ёки меникимки?

Жавоб: Мўмин-мусулмон киши ўзи учун қулай, авратини тўлиқ ёпиб турадиган, намозни тўқис адо этишга имкон берадиган кийим кияди.

Авратни беркитиш намознинг шартларидандир. Агар намоз вақтида аврат аъзонинг тўртдан бир қисми узрсиз бир муддат очилиб турса, намоз бузилади. Агар намоз ўқиётган одамнинг аврати очилиб кетса, дарҳол беркитиши керак. Бошқалар унинг авратига қарамайди (Намозда ўзгалар авратига бехос назари тушган одамнинг намози бузилмайди³⁰⁹).

НАМОЗ ЎҚИЁТГАНДА, ДУО ҚИЛАЁТГАНДА КЎЗНИ ЮМИШ МУМКИНМИ?

Савол: Намозда, дуода, тасбеҳ айтаётганда кўзни юмса бўладими?

Жавоб: Намозда кўз юмилмайди. Бу ҳақида ҳадис бор. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Сизлардан кимда-ким намозга турса, икки кўзини юмиб олмасин³¹⁰”.

³⁰⁹ Манба: Абул Ихлос Шурунбиллолий, “Нурул изох”.

³¹⁰ Ибн Адий ривоят қилган.

“Табйинул ҳақоик” китобида айтилишича, бу иш хушуъга ҳалал беради, ортиқча ҳаракат саналади. Шунинг учун уламолар намоз ўқиётганда кўзни юмиб олишни макруҳ, санашган. Бу ишнинг макруҳлиги Мужоҳиддан, Қатоладан ҳам ривоят қилинган. Суннатга кўра, намоз ўқиётган одам қиёмда кўзини сажда қиладиган жойга қаратади. Кўзни юмиш билан мана шу суннат тарқ этилган саналади. Бироқ Нававий, Изз ибн Абдусалом, Ибн Ражаб Ҳанбалий каби уламолар наздида намозда кўзни юмиш макруҳ саналмайди³¹¹.

Сажда пайтида ҳам заруратсиз кўзлар юмилмайди. Баъзилар айтишича, агар саждада хаёлини чалғитадиган нарсаларни кўриб, хушуъга ҳалал етадиган бўлса, у ҳолда кўзни юмиш макруҳ эмас³¹².
Дуо қилаётганда, тасбеҳ айтаётганда кўзни юмса бўлади. Валлоҳу аълам!

НАМОЗДА ТЕЛЕФОННИ ЎЧИРСА БЎЛАДИМИ?

Савол: Намоз ўқиётганда чўнтакдаги телефон жиринглаб қолса, эгаси уни ўчириб қўйса, намози бузилмайди?

Жавоб: Ён телефонни бир қўлда ўчирса бўлади. Чунки бир қўл билан бажариладиган ишлар бир рукнда такроран қилинмаса, намоз бузилмайди³¹³.

АМАЛИ КАСИР НИМА?

Савол: Амали касир намозни бузади, дейилади. Шу ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Қуйидагилар амали касир ҳисобланади:

– Салла ўраш каби икки қўлда бажариладиган ишлар. Бундай ишларни бир қўли билан қилса ҳам намоз бузилади.

– намозхон ўзи кўп иш, деб ҳисоблаган амаллар.

– намозхон ҳаракатларини ташқаридан кўрган киши “У намозда эмас”, деб билладиган ҳолатлар.

– намознинг бир рукнида уч марта қўлини кўтариб юзини, бўйнини қашиш ва ҳоказо.

ИБОДАТГА ДАНГАСАЛИК, ХУШУЪСИЗЛИК ИЛЛАТИНИ ҚАНДАЙ ДАВОЛАСА БЎЛАДИ?

Савол: Намоз билан боғлиқ айрим муаммолар мени қийнайди. Аллоҳга шукр, ибодатимни вақтида бажараман, лекин қалбимда хушуъ сезмайман. Намозни бошлашим билан эринчоқлик туйғуси пайдо бўлади, хаёлим қаерларгадир кетиб қолади. Натижада нима ўқиётганимни, неча ракат намоз ўқиганимни эслолмайман. Бундай ҳолатдан чиқиб кетиш учун нима қилиш керак?

Жавоб: Хушуъсизлик, ибодатга дангасалик, қалб қаттиқлигини даволаш учун ўлимни эшлаш, охират ҳақида фикр юритиш, Аллоҳ таолонинг гўзал исм-сифатлари маъносини қалбга жойлаш, солиҳлар суҳбатида бўлиш, Аллоҳга дуо қилиб, хушуъ қилмайдиган қалбдан паноҳ сўраш тавсия этилади. Агар ўзингизда оғирлик, ҳолсизлик, уйқучилик каби нохуш ҳолатларни ҳис қиладиган бўлсангиз, унда шаръий дам солиш лозим. Шаръий рука – Аллоҳнинг изни билан – бандага фойда беради. Сиз ўзингизга ўзингиз дам солишингиз мумкин. Агар бу иш қўлингиздан келмаса, солиҳ, такводор инсонга дам солдирасиз.

НАМОЗДА ЯНГЛИШИБ КЕТСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Савол: Гоҳида намозда адашиб, нечанчи ракатни ўқиётганим эсан чиқиб қолади. Учинчи ракатни, тўртинчиси, иккиланиб қоламан. Шундай вақтда нима қилишим керак?

Жавоб: Бундай ҳолат биринчи марта кузатилса, намозни бошидан ўқилади. Агар иккиланиш кўп (яъни, одатий ҳол) бўлса, қалб мойил бўлган томонга қаралади. Агар қалб бирон томонга мойил

³¹¹ Манба: Ибн Ражаб Ҳанбалий, “Ал-хушуъ фи салот”, муҳаққиқ муқадимаси.

³¹² Манба: Ибн Нужайм Ҳанафий, “Ал-бахрур роик”.

³¹³ Манба: “Фатово қозихон”.

бўлмаса, масалан 3 ракат ўқидими, 4 ракат ўқидими, аниқ била олмаса, икки эҳтимолдан озини танлайди, салом беришдан олдин саждаи сахв қилади.

БОМДОД НАМОЗИГА УХЛАБ ҚОЛМАСЛИК УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Савол: Мен бомдод намозига туришга қийналаман, кўпинча ибодатни ўтказиб юбораман. Бунинг олдини олиш учун қандай маслаҳат берасиз?

Жавоб: Бомдод намозига вақтида туриш учун:

1. Вақтироқ ухлаш, телевизор, компьютер, телефон каби нарсаларга кўп чалғимаслик.

2. Ухлашдан олдин таҳорат қилиб, дуоларни ўқишга одатланиш.

3. Эрталаб намозга туришга қатъий ният қилиш.

Аниқланишича, агар одам ўз миясига “Фалон вақтда туришим керак”, деб буйруқ берса, ўша вақтда биров уйғотмаса ҳам уйқудан турар экан. Шу билан бирга соат, телефон каби воситалардан фойдаланса ҳам бўлади.

4. Банда намозга турмасдан ухлаб ётаверса, шайтон унинг устидан кулишини унутмаслик.

5. Шунинг учун бомдодга турганда Аллоҳ зикр қилинади. Бу билан шайтон тугган туганлардан бири ечилади. Агар “Бироз мизғиб олай, ҳали вақт бор-ку”, деб ётаверса, шайтон бандани ўзига бўйсундиради.

6. Бомдод намозини ўқимасдан кўёш чикқунча ухлаш дангасаликка, лоқайдликка сабаб эканини, ризқни торайтиришини ёдда тутиш.

7. Тунги намозга турадиганлар ибодатни чўзиб юбормаганлари маъқул. Чунки кечаси таҳажжуд намозида толиқиб, бомдодга яқин ухлаб қолиши эҳтимоли бор. Ваҳоланки, бомдод намози фарз, таҳажжуд эса суннатдир. Суннатни ўқийман, деб фарзни тарк этиш тўғри эмас.

8. Кечаси камроқ овқат ейиш. Чунки кўп овқат еган одамнинг тана аъзолари оғирлашади, чарчайди. Натижада уйқучи бўлиб қолади, уйқудан вақтида тура олмайди. Тиббиётда ҳам ётишдан олдин кўп таом ейишдан қайтарилади, енгилроқ тамадди қилиш тавсия этилади.

9. Суннатга мувофиқ ухлаш. Яъни, аввал таҳорат қилинади. Кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўргатган дуолар ўқилади, Оятул курсий, Ихлос, Фалак, Нос сураларини қироат қилиб, ўзига дам солинади. Сўнг ўнг томони билан ётилади. Шунда эрталаб туриш қийин бўлмайди.

10. Энг асосийси, намоз нақадар муҳимлигини билиш, бир маҳал намозни узрсиз тарк этиш қанчалик оғир гуноҳлигини тушуниб етиш лозим. Мунофиқлар учун хуфтон билан бомдод намози энг оғир юмуш экани маълум. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, агар саҳобалар бирон кишини бомдод ёки хуфтон намозида кўрмай қолишса, ундан (“Фалончи мунофиқ эмасмикан?” деб) бадгумон бўлишар экан.

Эътибор берсангиз, одам арзимас моддий фойда олиш учун ҳар қандай машаққатга чидайди, турли қийинчиликларни енгишга, эрталаб вақтироқ туришга ҳаракат қилади. Нега энди ўткинчи дунёнинг арзимас матоҳига эришиш йўлида қилинган жидду жаҳдни абадий охиратимиз саодати йўлида қила олмаймиз?!

Имони мустаҳкам банда намозга бепарво бўлмайди, Аллоҳ фарз қилган намозни ўқишдан кўра юмшоқ тўшақда ухлашни афзал билмайди. Албатта, уйқу ўз вақтида бўлади, намоз ўз вақтида ўқилади. Уйқу вақтида телевизор кўриб, фойдасиз машғулотлар билан банд бўлган, намоз вақтида ухлаган одамнинг ҳаётида ҳузур-ҳаловат бўлмайди, хонадонидан файз-барака кўтарилади. Бундай киши қабрда ёлғиз қолганда, Аллоҳга ҳисоб берадиган кунда ҳоли не кечишини кўз олдига келтирса, нуқсон-камчиликларини ўнглашга ҳаракат қилади.

Сўзимиз охирида Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтамыз, севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога, у зот оила аъзоларига, саҳобаи киромларига, суннатларига ихлос-ла эргашганларга салаватлар, саломлар йўллаймиз!

Тошкент, 2016-2017

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони карим.
2. Абулфидо Исмоил ибн Касир. “Тафсирул қуръонил азим”, 4 жуз. – Байрут-Ливан.: Дорул маориф, 1989.
3. Абдурахмон ибн Камол Жалолиддин Суютий. “Ад-дуррул мансур”, 8 жуз. – Байрут.:Дорул фикр, 1993.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Тафсири ҳилол”.
5. Шайх Алоуддин Мансур. “Қуръони карим”. /Ўзбекча изоҳли таржима. – Бишкек.: Эркин-Тоо, 2001. –767б.
6. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржимаси”. – Тошкент.:Тошкент ислом университети нашриёти, 2009. -617б.
7. Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Бухорий. “Саҳиҳул бухорий”, 6 жуз. – Байрут.:Дору ибни касир – Ямома, 1987.
8. Муслим ибн Ҳажжож Абулхусайн Қушайрий Найсобурий. “Саҳиҳу муслим”, 5 жуз. – Байрут.:Дору ихёит турос.
9. Сулаймон ибн Ашъас Абу Довуд Сижистоний Яздий. “Сунану аби довуд”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул фикр.
10. Муҳаммад ибн Исо Абу Исо Термизий. “Сунанут термизий”, 5 жуз. – Байрут.:Дору ихёит турос.
11. Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурахмон Насоий. “Сунанун насоий”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбуот, 1986.
12. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Абу Муҳаммад Доримий. “Сунануд доримий”, 2 жуз. – Байрут.Дорул куттоб ал-арабий, 1407 х.й.
13. Муҳаммад ибн Язид Абу Абдуллоҳ Қазвиний. “Сунану ибни можа”, 2 жуз. – Байрут.:Дорул фикр.
14. Молик ибн Анас ибн Молик ибн Омир Асбахий Маданий. “Ал-муваттоъ”, 8 жуз. – Муассасату зояд ибн султон оли нахён, 1425 х.й.
15. Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ Шайбоний. “Муснадул имом аҳмад ибни ханбал”, 6 жуз. – Миср.:Муассасату куртуба.
16. Муҳаммад ибн Идрис Абу Абдуллоҳ Шофеий. “Муснадуш шофеий”. – Байрут.:Дорул кутубил илмия.
17. Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб Абу Жаъфар Табарий. “Таҳзибул осор”, 2 жуз. – Қоҳира.
18. Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма Суламий Найсобурий. “Саҳиҳу ибни хузайма”, 4 жуз. – Байрут.:Ал-мактабул исломий, 1970.
19. Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад Абу Ҳотим Тамимий Бастий. “Саҳиҳу ибни ҳиббон”, 18 жуз. – Байрут.:Муассасатур рисола, 1993.
20. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсобурий. “Ал-мустадрок ала саҳиҳайн”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1990.
21. Али ибн Умар Абулҳасан Дорақутний Бағдодий. “Сунануд дорақутний”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат, 1966.
22. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. “Ал-муъжамул кабир”, 25 жуз. – Ал-Мавсил.:Мактабул улуми вал ҳикам, 1983.
23. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. “Ал-муъжамул авсат”, 10 жуз. – Қоҳира.: Дорул ҳарамайн, 1415 х.й.
24. Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. “Ал-муъжамус сағир”, 2 жуз. – Байрут-Уммон.:Ал-мактабул исломий, 1985.
25. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. “Сунанул байҳақий ал-кубро”, 10 жуз. – Маккатул мукаррама.:Мактабу дорил боз, 1994.
26. Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. “Шуабул имон”, 7 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1410 х.

27. Абу Абдурахмон Аҳмад ибн Шуайб Насоий. “Китобус сунанил кубро”. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1411 х.
28. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр ибн Абдулҳолиқ Баззор. “Ал-бахруз заххор муснадул баззор”. – Байрут-Мадина.:Муассасату улумил куръон, 1409 х.
29. Аҳмад ибн Али ибн Мусанна Абу Яъло Мавсилиий Тамимий. “Муснаду аби яъло”, 13 жуз. – Дамашқ.: Дорул маъмун лит турс, 1984.
30. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Шайба Куфий. “Мусаннафу ибни аби шайба”, 8 жуз. – Риёз.: Мактабатур рушд, 1409 х.
31. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салома ибн Жаъфар Кузоий. “Муснадуш шиҳоб”, 2 жуз. – Байрут.:Муассасатур рисола, 1407 х.
32. Абу Авона Яъқуб ибн Исҳоқ Асфарииний. “Ал-мустахраж”, 5 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат.
33. Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Исфаҳоний. “Ҳилятул авлиё ва табақотул асфиё”, 10 жуз. – Байрут.:Дору китобил арабий, 1405 х.
34. Абд ибн Хумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Кеший. “Муснаду абд ибни хумайд”. – Қоҳира.:Мактабатус сунна, 1408 х.
35. Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл Асқалоний Шофеий. “Фатхул борий”, 14 жуз. – Байрут.:Дорул маърифат.
36. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадриддин Айний Ҳанафий. “Умдатул қорий”, 25 жуз. – Байрут.:Дору ихёит турс.
37. Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий. “Шархун нававий ала саҳиҳи муслим”, 18 жуз. – Байрут.:Дору ихёит турс, 1392 х.
38. Муҳаммад Шамсулҳаққил Азим Ободий. “Авнул маъбуд”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1995.
39. Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадриддин Айний Ҳанафий. “Шарху сунани аби довуд”, 6 жуз. – Риёз.:Мактабатур рушд, 1420 х.
40. Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Абул Ало Муборақфурий. “Тухфатул ахвазий”, 10 жуз. – Байрут.: Дорул кутубил илмия.
41. Абдурахмон ибн Абу Бакр Абулфазл Суютий. “Шархус суютий лисунанин насоий”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбуот. 1986.
42. Нуриддин ибн Абдулҳодий Абулҳасан Синдий. “Ҳошиятус синдий ала ибни можа”, 8 жуз. – Ҳалаб.:Мактабул матбуот, 1986.
43. Абдурауф Муновий. “Файзул қодир”, 6 жуз. – Миср.:Ал-Мактабатут тижория, 1356 х.
44. Шайх Валиюддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Хатиб Табризий. “Мишкотул масобих”. – Байрут.:Ал-мактабул исломий, 1399 х.
45. Мулло Али Қори. “Мирқотул мафотиҳ шарху мишкотил масобих”, 9 жуз.
46. Абдулғазим ибн Абдулқавий Абу Муҳаммад Мунзирий. “Ат-тарғиб ват-тарҳиб”, 4 жуз. – Байрут.:Дорул кутубил илмия, 1417 х.
47. Ҳофиз Ибн Ражаб Ҳанбалий, “Ал-хушуъ фис салот”, Дорул фазилат.
48. Али ибн Ҳусомиддин Муттакий Ҳиндий. “Канзул уммол фи сунанил ақволи вал афъол”. – Байрут.:Муассасатур рисолат, 1989.
49. Жалолиддин Суютий. “Жомеул аҳодис”.
50. Зайниддин Абдурауф Муновий. “Ат-тайсир бишарҳил жомиъис сағир”. – Риёз.:Мактабатул имом шофеий, 1408 х., 2 жуз.
51. Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ҳайсамий. “Мажмауз завоид ва манбаул фавоид”, 10 жуз. – Байрут.:Дорул фикр, 1412 х.
52. Муҳаммад ибн Мукаррам ибн Манзур Ифрикий Мисрий. “Лисонул араб”. 6 жуз. – Дорул маориф.
53. Ҳасан Вафой Шурунбиллоий, Абу Зайд Шиблий. “Нурул изох”. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2003. -211б.
54. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт”/Намоз. – Тошкент.:Шарқ, 2004. – 5-жуз. - 416б.

55. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва ҳаёт”/Зикр, дуолар, истиғфор ва тавба. – Тошкент.:Шарқ, 2008. – 35-жуз. -366б.
56. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Руҳий тарбия”/Покланиш. – Тошкент.:Шарқ, 2007. -1-жуз. -448б.
57. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Мўминнинг меърожи”. – Тошкент.:Ҳилол-нашр, 2014. -240б.
58. Аҳмад Иззуддин Байянуний. “Таҳорат ва намоз ҳукмлари” /Таржимон: Аброр Абдуазимов. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2005. -152б.
59. Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. “Динда саволим бор”. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2014. -443б.
60. Абдуғафур Искандар, “Намозда хушӯ”. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2002. -64б.
61. Зиёвуддин Раҳим. “Қуръон – қалблар шифоси”. – Тошкент.:Шарқ, 2016. -432б.
62. Зиёвуддин Раҳим, Одилхон қори Юнусхон ўғли. “Таҳорат китоби”. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2014. -376б.